



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1968



чинуа  
ачебо

**ВАЙРО -  
НАЛИК  
ШУН -  
ДАЙ  
БОШ -  
ЛАНДИ...**

РОМАН

И (АФР)  
А 92

Ҳозирги замон Нигерия адабиётининг асосчиларидан бири Чинуа Ачебе ўзининг «Вайроналик шундай бошланди...» романида мустамлакачилар ўз мамлакатига қандай ҳийла-найранглар билан кириб келганини ва уларнинг ваҳшиёна жабр-зулмларини ҳақиқий санъаткорларга хос усталик билан очиб ташлайди. Автор юрт озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ўлимга тик боққан ватанпарвар фарзандларнинг ўлмас образларини яратади, инсон меҳнатини улуғлайди.

Романини ўқир экансиз, Нигерия халқининг ўзига хос миллий урф-одатлари ва ҳаёт йўсинлари кўз ўнгингизда гавдаланади.

Русчадан ШАРИФ ЮСУПОВ таржимаси

Ачебе Чинуа

• Вайроналик шундай бошланди. Роман  
Т., Гафур Гулом номидаги адабиёт нашриёти, 1968.  
200 бет.

Тиражи 15000

Ачебе Чинуа. И пришло разрушение...

И (АФР).

Индекс 7-3-4

# I ҚИСМ

## *Биринчи боб*

Оконквони тўққиз қишлоқнинг ҳаммасида, ҳатто бу қишлоқлардан ташқарида ҳам яхши танишарди. Оконквонинг ажойиб шахсий фазилатлари унга шон-шуҳрат келтирганди. У ўн саккиз яшар ўспирин пайғида Амалинзе Мушукни йиқитиб, ўз қишлоғининг донгини чиқарган эди.

Амалинзе машҳур полвон бўлиб, Умуофиядан Мбайногача бўлган бутун округда роса етти йил мобайнида ҳеч ким уни йиқита олмаганди. Елкаси бир марта ҳам ерга тегмаганлиги учун уни «Мушук» деб аташарди. Худди шу одамни қаттиқ курашда Оконкво алла қилиб ерга урган. Қарияларнинг айтишича, бундай қаттиқ курашни, ҳатто уларнинг қишлоғига асос солган киши етти кечаю етти кундуз ёввойи чангалзорлар Жини билан жанг қилганидан буён ҳеч ким кўрмаган экан.

Ноғоралар тарақлаб, най садолари янгради, томошабинлар нафасини ичига ютиб, уларнинг курашига тикилишарди. Амалинзе курашда тажрибали ва ҳадис олган эди, лекин Оконкво гўё балиқдай тутқич бермасди. Уларнинг қўли, елкаси ва белларидаги ҳар бир томир, ҳар бир пай ўйнаб чиқиб кетган, улар ҳозир таранглигидан ёрилиб кетадиганга ўхшаб кўринарди. Пировардида Оконкво Мушукдан зўр келди.

Бу воқеага анча бўлган, йигирма йил, балки ундан ҳам кўп бўлгандир. Шу пайтдан бошлаб Оконквонинг шуҳрати

харматтан шамоли қутуртирган ўрмон ёнғинидек ҳар тарафга таралди.

Оконкво новча, норғул бўлиб, қуюқ қошлари ва катта бурни уни важоҳатли қилиб кўрсатарди. У қаттиқ нафас оларди, ухлаганида эса ҳарсиллагани ўз чайлаларидаги хотин, бола-чақаларига эшитилади, дейишарди. У оёғи ерга тегар-тегмас, худди бировга ташланмоқчидай, дикир-дикир қилиб юрарди. Айтганча, у тез-тез одамларга ташланиб ҳам турарди. Оконкво сал дудуқроқ бўлиб, жаҳли чиққанида айтадиган сўзини дарров айтолмаса, муштини ишга соларди. Толеи паст одамларни кўрса, жини қуришиб, тутокиб кетарди. Унинг ўз отаси ҳам жинига ёқмасди.

Унока ўн йилча аввал оламдан ўтган. У ландовур на беғам булиб, эртанги кунини ҳеч ўйламасди. Қўлига пул тушди дегунча — пул эса унга камдан-кам тушарди — бирваракайига бир неча кўза хурмо шароби сотиб олиб, қўшниларни йиғарди-да, роса шаробхўрликка тушарди. У ҳамиша мурданинг оғзига боққанида, тириклигида тўйиб-тўйиб овқат емаслик нақадар аҳмоқлик-а, деб ўйлаганини қайта-қайта гапирарди. Шундай бўлгач, бирорта қўшни йўқ эдики, Унока ундан бир неча чиғаноқ каури ёки бир ҳамён пул қарздор бўлмаса.

Унока новча, лекин жуда озғин бўлиб, букчайиброқ юрарди. У май ичаётган ёки най чалаётган пайтдан бошқа ҳамма вақт ҳорғин ва ғамгин кўринарди. У найни жуда ўхшатиб чаларди, ҳосил йиғиб-териб олинганидан сўнгги икки ёки уч ой, қишлоқ машшоқлари одатда учоқ тепасида осиглиқ турадиган чолғу асбобларини кўлга оладиган пайтлар унинг учун энг бахтли кунлар бўларди. Улар бир жойга тўпланишиб чалишар, шунда Уноканинг чеҳрасига майин табассум югурарди. Баъзан Унокани, унинг оркестри ва раққосалари билан бирга бошқа қишлоқларнинг аҳолисида ҳам ўз куйларини ўргатиб, кайф-сафо қилиб келгани

таклиф этишарди. Улар ён-атрофдагиларни куйи билан мамнун этиб, ўйнаб-кулиб, гашт қилиб уч-тўрт бозор ўша ерда қолиб кетишарди. Унока яхши меҳмондорчилик билан яхши улфатга ишқибоз эди. У ёмғир мавсуми тамом бўлиб, ҳар саҳар баркамол ҳуснини кўз-кўз қиладиган ажойиб мавсумни ҳам яхши курарди. Одатда бу мавсумга келиб ҳарорат пасаяр, чунки шимолдан салқин ва қуруқ харматтан шамоли эсарди. Харматтан жуда қаттиқ эсан йиллар ҳам бўларди: ўшанда ерни қуюқ тўзон қоплар, кексалар билан болалар исиниш учун гулхан атрофига тўпланишарди. Унока йилнинг бу фаслини яхши кўрар, қурғоқчилик мавсуми бошланиши билан қайтиб келадиган калхатларни, уларни қутлаб қушиқ айтадиган болаларни яхши кўрарди. У мовий осмонда бамайлихотир учувчи калхатни кураман деган ўй билан қишлоқ атрофини олис дам айланиб юрган болалик пайтларини эсларди. Қушни кўрди дегунча бола барала қушиқ бошларди. Бу қушиқда олис-олис саёҳатлардан қайтиб келган калхат қутланар, у ўз маконига қандай совғалар келтиргани сўралар эди.

Буларнинг ҳаммаси кўп йил бурун, Унока ҳали бола эканида бўлиб ўтган. Бироқ ёши улғайгач, Уноканинг омади юришмади. У қашшоқ бўлиб, кўпинча хотин ва болалари егани овқат топмасди. Одамлар уни ишёқмас деб масхара қилишарди, чунки олган қарзларини ҳечам узмаганлиги сабабли энди қарз бермасликка қасам ичишарди. Лекин Унока шунақа одам эдики, бир амаллаб бирор жойдан қарз топар, устига устак қарзга ботиб бораверарди.

Бир куни қушниси Окоёе унинг чайласига келди. Унока ўзининг лой супасига ёнбошлаганча, най чаларди. У дарҳол меҳмоннинг истиқболига чиқиб, қўлларини қисиб куришди. Окоёе қўлтиғига қисиб олиб келган пустақни ерга ёйиб, шунинг устига ўтирди. Унока ичкари хонага кириб, тезда кола ёнғоғи, бир оз тимсоҳ мурчи ва бир булак бўр солинган гардиш тахтача кўтариб қайтиб чиқди.

— Мана кола ёнғоғи,— деди у ўтираркан, тахтачани меҳмонга тутиб.

— Ташаккур. Кола ёнғоғи берган одам ҳаёт бағишлайди. Лекин мен бу ёнғоғни сен чақишинг лозим деб ҳисоблайман,— жавоб берди Окойе тахтачани Унокага қайтариб.

— Йўқ, сен чақишинг керак.— Шу йўсинда улар тахтачани бир неча марта бир-бирларига узатишди, ниҳоят, Унока ёнғоғни чақишдек шарафли вазифани ўз зиммасига олди. Шу аснода Окойе бўр билан ерга бир неча чизиқ чизди, кейин ўзининг оёғига каттакон бармоқ нақшини туширди.

Ёнғоғни чақиб, Унока ота-боболарига дуойи-фотиҳа ўқиди, улардан узоқ умр, сиҳат-саломатлик, душманлар зулмидан паноҳ тилади. Ёнғоғ ейилиб бўлгач, суҳбатга тушиб кетишди. Улар кўп нарсалар тўғрисида: ямсларни сув бостириб юборган жалалар, ота-боболар йўқланадиган байрам, Мбайно қишлоғи билан бўлажак уруш тўғрисида гаплашишди. Уруш тўғрисида гап борар экан, Унока ҳамиша ўзини бахтсиз ҳис этарди. Ростини айтганда, у довиюраклар жумласидан бўлмай, қон кўрса, жон-пони чиқиб кетарди. Шунинг учун у гапни шоша-пиша бошқа томонга буриб, музика ҳақида гап бошлади-ю, юзига ранг югурди. Унинг қулоқлари остида қонни жўш урдирувчи мураккаб экве, ҳам *уду*, ҳам *огене* оҳанглари, унинг найи куйнинг кўркамлигини таъкидлаб ва унга сал ҳазин оҳанг бериб умумий хорга ажойиб равишда қўшилиб кетганлиги эшитилди. Бутун оркестрни тинглаганда, машшоқлар бирор жуда ўйноқи ва шўх куйни чалаяпти деб ўйлаш мумкин эди, бироқ гоҳ парвоз этиб, гоҳ пасайиб ва алоҳида-алоҳида ноталарга бўлиниб турган най овозини ажратиб олишингиз биланоқ ундан дилгирлик ва изтироб садосини эшитардингиз.

Окойе ҳам музикани яхши кўрарди. У *огене* чаларди.



Лекин Унокадан фарқи шу эдики, у иши юришмаганлардан эмасди. Унинг ямс тўла донхонаси, уч хотини бор эди. Эндиликда эса у мамлакатда аҳамияти жиҳатидан учинчи ўринда турадиган *идемили* унвонини олиш арафасида эди. Бу маросимни ўтказиш жуда қимматга тушар, шунинг учун Окойе чор-ночор ўзининг бор-йўқ маблағларини тўплашига тўғри келган эди. Тўғриси айтганда, у Уноканикига ҳам шу боисдан келган эди. Окойе йўталиб олиб, гап бошлади:

— Кола ёнғоғинг учун раҳмат. Эшитган бўлсанг керак, яқинда унвон оладиган бўлиб турибман.

Ҳозиргача Окойе соддагина қилиб гапирган бўлса, кейинги бир неча жумлада мақоллар ишлата бошлади. *Ибода* суҳбат санъати юқори баҳоланар ва мақоллар сўзга зирвордай бўлиб хизмат қиларди. Окойе гапга жуда чечан эди, у анчагача у ёқдан-бу ёқдан айлантириб ўтириб, кейин тўсатдан тўппа-тўғри нишонга уриб қолди. Хулласи, у икки йилдан кўпроқ вақт илгари Унока қарз олган икки юз каурини сўради. Ошнаси гапни қаёққа бураётганлигини пайқаш биланоқ Унока шақиллаб кулиб юборди. У олис дам қотиб-қотиб кулди, овози *огене* сингари янграб эшитилди, кўзларидан эса ёш чиқиб кетди. Окойенинг тили калмага келмай қолди. Ниҳоят, Унока кулгидан энтика-энтика унга жавоб беришга муваффақ бўлди:

— Ҳов анави ёққа қара,— деди у чайланинг қизил лой сурилавериб ярқираб кетган деворини кўрсатиб.— Ўша чизиқларни кўрдингми?

Окойе бўр билан чизилган қисқа-қисқа тик чизиқларни кўрди. Бу чизиқлар жами беш қатор бўлиб, энг қисқа қаторда камида ўн чизиқ бор эди. Кўпроқ таъсир кўрсатиш учун Унока бирпас индамай турди, бурнакисини олиб ҳидлаб, қаттиқ акса ургандан кейингина давом эттирди:

— Ҳар бир қатор менинг бирор одамдан қарзимни кўрсатади, ҳар бир чизиқ эса роппа-роса юз *каури* деган гап:

Мана қарагин бир одамдан минг қаури қарздорман. Лекин у шу нарса учун эрталаб келиб мени уйғотмайди. Мен сенинг қарзингни тўлайман, лекин фақат бугун эмас. Қарияларнинг айтишича, қуёш аввало тик турган одамга, ундан кейин эса чўккалаб турган одамга нур сочаркан. Мен ҳам шундай қиламан: дастлаб йирик қарзларимни тўлайман.— Шундан сўнг, у шунақанги важоҳат билан бурнакисини ҳидладик, гўё бу билан йирик қарзини тўлагандай эди.

Оқойенинг пўстагини йиғиштириб жўнашдан бошқа иши қолмаган эди.

Унока ҳеч қандай унвон ололмай, жиққа қарзга ботганча оламдан ўтди. Демак, унинг ўғли Оконкво ўз отаси туфайли юзи шувут бўлиб қолиши таажжубланарли эмасди. Яхшиямки, ибo халқи одамга отасига қараб эмас, ўзига қараб баҳо беради.

Оконкво улуғ ишлар учун яратилган эди. У ҳали ёш бўлса ҳам, бутун тўққиз қишлоқнинг энг зўр паҳлавони деб ном чиқарган эди У бадавлат деҳқон бўлиб, икки донхонаси ямсага лиқ-лиқ тўла. Яқинда у учинчи хотин олди. Шуларнинг устига Оконкво икки унвон олиб, қабилаларнинг ўзаро икки урушида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатди. Шунинг учун ҳам Оконкво ёш эканига қарамай, ҳақли равишда ўз қабиласининг энг эътиборли одамларидан бири саналарди. Халқ кексаликни ҳурмат қилади, лекин шахсий фазилатларга тан беради. Кексаларнинг айтишича, ўз қўлини ўзи ювадиган бола ҳукмдорлар билан бир дастурхондан таом ейишга лойиқдир. Шубҳасизки, Оконкво ўз қўлини ўзи ювди ва ҳукмдорлару оқсоқоллар билан бир дастурхондан таом ейиш ҳуқуқига эга бўлди. Шунинг учун ҳам уруш ва қон тўкишдан қутулиш мақсадида қўшни қabila Умуофияга қурбонликка берган болага қараб туришни унга топширишди. Толеи шўр боланинг исми Икемефуна эди.

## Иккинчи боб

Оконкво мой чироқни пуфлаб ўчириб, эндигина бамбук ётоққа ёнбошлаган эдики, қишлоқ жарчисининг оғенеси тун сукунاتини қаттиқ бузиб юборди. Бўм-бўм-бўм дея бўғиқ занг овози эшитилди. Сўнгра жарчи бир неча бор жар солиб, яна оғене чалди. У бундай деб жар солган эди: Умуофиянинг барча эркаклари эрталаб бозор саҳнига йиғилсин деган фармон бўлди!

Оконкво нима ҳодиса рўй бердйкин, дея уни-буни тусмол қила бошлади. У бирор фалокат рўй берганлигига қаноат ҳосил қилди: жарчининг овозида фожиа оҳанги аниқтаниқ эшитилди, товушлар олис-олисларда аста-секин сўниб бораётган ҳозирги лаҳзада ҳам шу оҳангни равшан хис этарди.

Тун жуда сокин эди. Ойсиз кечалар ҳамиша сокин бўлади. Зулмат бу одамларга, ҳатто энг довиюрак одамларга ҳам аллақандай қўрқинч солади. Жин-ажиналарни кўзғатади деб, болаларни кечаси ҳуштак чалдиришмасди. Йирткич ҳайвонлар қоронғида яна ҳам қўрқинчли ва ваҳимали кўринади. Ваҳший ҳайвонлар бўлса-ку, кечаси яна алланима бало бўлиб кўриниб, бир ваҳимани ўн ваҳима қилади. Кечаси илоннинг отини атасак, эшитиб қолади деб қўрққанларидан уни уз оти билан эмас, аргамчи деб аташади. Шунинг учун ҳам, олисда жарчининг овози тингач, юртга яна сукунат — сон-саноқсиз ўрмон ҳашаротларининг тинимсиз чириллашларига тўлган оғир сукунат чўкди.

Ойдин кечалар — ўзга олам! Ўтлоқларда ўмбалоқ ошиб ўйнаётган болаларнинг ёқимли овозлари янграйдн. Холироқ жойларда эса болалик ёшидан ўтганлар жуфт-жуфт бўлиб хилват қилишади. Қариялар бўлса, ёшлик-навқиронлик чоғларини эслашади. *Ибода*: «Ойдинда оқсоқ ҳам сайр қилгиси келади» дейишади.

Бироқ бу кеча — зулмат кеча, унсиз кеча эди. Умуофиянинг бутун тўққиз қишлоғида оғене овози эшитилиб, жарчи барча эркаклар эрталаб бозор саҳнига келиши лозимлигини жар солди. Оконкво бамбук ётоғида тўлғаниб, анвойи тахминлар қиларди. Нима гап бўлдийкин-а? Кўшни қабила билан урушмикин? Шундай бўлиши жуда мумкин, бироқ у урушдан кўрқмасди. У ҳар ишга тайёр одам, жангчи эди. У қондан кўрқмас, отасига ўхшамас эди. Яқингинада бўлган жангда биринчи булиб одам калласини кўтариб, қишлоққа қайтиб келган шу эмасмиди? У ҳали ёш бўлишига қарамай, жами беш ёвнинг калласини олди. Тантанали маросимларда — масалан, донгдор қабиладошларини дафн этганда — у ҳамиша дастлабки қурбонининг бош суюғида хурмо шароби ичарди.

Эрталаб бозор саҳни одамга тўлиб кетди. Камида ўн минг одам йиғилган бўлса керак; ҳамма бир-бири билан ўзаро пичирлашиб гаплашарди. Ниҳоят, саҳн ўртасига Оғбуефи Эзеуго чиқиб: «Қулок сол, Умуофия!» деб тўрт марта ҳайқирди — ҳар сафар бошқа-бошқа тарафга қараб, қўлини пахса қилди. Ҳар сафар ўн минг одам уни маъқуллаб овоз чиқарарди. Сўнгра сув сепгандай жимжитлик чўкди. Оғбуефи Эзеуго тенги йўқ нотик ҳисобланар, шунинг учун ҳам айниқса муҳим ҳолларда сўзлашни ҳамиша унга топширишарди. У қўли билан сочи, соқолини силаб қўйди. Кейин кийимини — ўнг қўлтиғи тагидан айлантриб, чап қўлтиғи остида тўғнаб қўйилган бир парча матони тузатган бўлди.

«Қулок сол, Умуофия!» — У бешинчи марта нидо солганида, оломон унга ҳайқириб жавоб берди. Ҳайқирикдан кейиноқ у тўсатдан худди савдойидек шартта қўлини олд томонга, Мбайно томонга ниқтади ва кўзни қамаштирувчи

оппоқ тишларини гичирлатиб: «Бу ифлос махлуқлар Умуофия қизини ўлдиришга қўллари борди!» деди.

У бошини силтаб, тишларини гичирлатди ва изтиробли газаб туғени пасайишини кутиб турди-да, яна гап бошлади. Унинг чеҳрасидаги газаб ўрнини янада кўрқинчлироқ, янада даҳшатлироқ заҳарханда эгаллади. Умуофия қизи қай тариқа Мбайно бозорига борганлиги ва уни у ерда қандай ўлдирганликларини йиғилганларга Огбуефи баланд, босиқ овоз билан маълум қилди (бу аёл Огбуефи Удонинг хотини эди) ва у уз ёнида бошини эгиб утирган одамни кўрсатди. Қонга ташна халойиқ жангталаблик билан сурон кўтарди.

Огбуефи Эзеугодан кейин яна бир неча нотиқ йиғилганларга мурожаат қилди ва ниҳоят, бундай ҳоллар тақозо этадиган қарорга келинди. Мбайно одамларига бундай талаб қўйишди: ўлдирилган аёл эвазига улар Умуофияга бир йигит ва бир қиз юборишлари зарур, акс ҳолда уларга уруш очилади.

Барча қўшни қишлоқлар Умуофиядан зириллашарди. Унинг аҳолиси ҳарбий санъатда ва сеҳр-жодуда зўр бўлиб, фолбин ва сеҳргарлари бутун атрофга даҳшат соларди. Энг кучли сеҳргарлик — уруш сеҳргарлиги шу қабиланинг ўзи каби қадимий эди.

Бу сеҳргарлик қачон пайдо бўлганини ҳеч ким билмасди. Бироқ бир нарсани — бу сеҳргарлик бир оёқли кампирда эканлигини ҳамма биларди. Шу сеҳргарликни *агадинвайи* деб аташарди, бу «кампир» дегани эди. *Агадинвайи* макони Умуофиянинг марказида, дарахтлари қирқиб ташланган ўрмон сўқмоғида эди. Борди-ю, бирор юрак ютган одам қоронғи тушгандан кейин шу жой ёнидан ўтишга жазм қилса, бир оёқлаб сакраб юрган кампирни албатта кўрган бўларди.

Буларнинг ҳаммасини яхши билган қўшни қабилалар шу вайдан Умуофиядан кўрқар, ишни тинчликча бити-

ришни афзал кўриб, у билан урушишни хоҳлашмасди. Адолат юзасидан шуни айтиш керакки, Умуофия ўз ишининг ҳақлигига ишонган, шунда ҳам ўз коҳини бу ишнинг ҳақ эканини тасдиқлаган ҳоллардагина уруш қиларди. Баъзан бу коҳин — Тепалик ва Форлар Коҳини Умуофиянинг урушини ман қиларди. Борди-ю, қабила унинг гапига кирмаса, унинг қўшини албатта тор-мор бўларди, чунки ибo халқи «ножўя уруш» деб айтадиган урушда дахшатли *агадинвайи* сира ҳам қатнашмасди.

Бироқ ҳозир яқинлашиб келаётган уруш адолатли уруш бўлур эди. Буни ҳатто душманлар ҳам тан олганди. Шунинг учун ҳам зарур бўлган тақдирда уруш эълон қилиш ҳуқуқини олган мағрур ва такаббур Оконкво Умуофия вакили сифатида Мбайнога келганида уни зўр ҳурмат ва эътибор билан кутиб олишди. Икки кундан сўнг у ўн беш яшар ўспирин билан ёш қизни олиб уйига қайтди. Ўспириннинг исми Икемефуна эди, унинг аянч қисматини Умуофияда ҳали-хали гапириб юришади.

Топширик қандай бажарилганлигини Оконквонинг оғзидан эшитиш учун оқсоқоллар — *ндичиелар* йиғилишди. Унинг гапи тугагач, қизни ўлган хотини ўрнига Огбуефи Удога берадиган бўлишди. Ўспиринга келганда эса, у бутун қабиланики бўлиб, унинг тақдирини шошилинич равишда ҳал этишга зарурат йўқ эди. Унга ҳозирча Оконкво узи қараб туришини қабила номидан илтимос қилишди. Шу тариқа Икемефуна Оконквонинг уйда роса уч йил яшади.

Оконкво қаттиққўл оила боши эди. Унинг хотинлари, айниқса, кичик хотинлари ва ёш болалари Оконквонинг жаҳли тез ва қайсарлигидан ҳаминша зирллаб туришарди. Балки, Оконкво аслида қаҳри каттиқ эмасдир. Лекин у толеи юришмай қолишидан ёки кўнгил бўшлик қилиб қўйи-

шидан умр бўйи қўрқарди. Ёвуз ва маккор худолардан ёки сеҳр-жодудан, ўрмонзордан ва табиат кучларидан, оғзи ва тирноғи қон ёвузлардан қўрқишга қараганда бу қўрқинч кучли ва уринли эди. Оконквони эзиб турган қўрқинч жуда зўр эди. Бу қўрқинч ботиндан кўриниб турмас, унинг қалбининг энг қаърига яширинганди. Оконкво ўзидан, бирор одам уни отасига ухшайди деб ўйлашидан хавотир олар эди. У болалик чоғидаёқ отасининг лалайган ва иши юришмаганлигидан жаҳли чиқар, бир ошнаси унинг отасини *агбала* деб атаганида жуда ҳам алам қилганлиги шундоққина эсида эди. Фақат аёлларнигина эмас, балки ҳеч қандай унвонга арзимайдиган эркакларни ҳам шу ибора билан аташларини Оконкво ушанда биринчи марта билган эди. Шу пайтдан бошлаб Оконквонинг барча ҳис-туйғулари бир нарсага қаратилди — отаси Унока нимани яхши кўрган бўлса, у ҳаммасини ёқтирмасди, албатта, кўнгилчанлик ва дангасаликни ҳам ёмон куради.

Дала ишлари мавсумида Оконкво ишни хўрозлар биринчи қичқариши билан бошлаб, товуқлар қўноғига қўнганидан кейин тугатарди. У жуда бақувват бўлиб, камданкам чарчоқ сезарди, бироқ кучи ундан анча кам бўлган хотинлари ва бола-чақалари кийналиб қолишарди. Шунга қарамай, улар очиқ норозилик билдиришга журъат этишмасди. Оконквонинг тўнғич ўғли Нвойе ўша пайтда ўн икки ёшда бўлса ҳам бекорчиликка берилиб, отасини анчагина ташвишга солиб қўйди. Ҳадеса, уриб-сўкиб ўғлини ишга солиш пайига тушган Оконквога ҳар қалай шундай куринарди, Нвойе аста-секин камгап успиринга айланди.

Оконквонинг каттакон қўрғони ўзининг бутун савлати билан бой-бадавлатликдан аён бериб турарди. У қалин қизил лой девор билан ўралганди. Оконквонинг *оби* деб аталадиган ўз уйи бирдан-бир дарвозанинг рўпарасида эди. Унинг учала хотини *оби* орқасида ярим ой шаклида

жойлашган алоҳида-алоҳида уйга эга эди. Ҳовлининг бир бурчагида қанчадан-қанча ямс уйиб қўйилган донхона бўлиб, унга қарши томонда эчкилар учун қўтон бор эди, бундан ташқари, хотинларнинг ҳар бири ўз уйи ёнидан товукхона ҳам қуриб олганди. Донхонанинг орқа томонида мўъжазгина уй — «худолар кулбаси», ибодатхонаси бор эди, унда Оконквонинг чиси — шахсий худоси ва ота-боболарининг арвоҳи тасвири ҳисобланадиган ёғоч ҳайкалчалар сақланарди. Оконкво уларга топинар, кола ёнғоқлари, ҳар хил таомлар ва хурмо шароби келтирар, ўз номидан, уч хотини ҳамда саккиз фарзанди номидан мадад тиларди.

Шундай қилиб, Умуофия кизи Мбайнода ўлдирилганидан кейин Икемефуна Оконкво уйга ўрнашиб қолди. Оконкво уни ўз уйига олиб келди, катта хотинини чақириб, унга болага қараб туришни топширди:

— Бу бола қабиланики. Унга қараб тур!

— Бизникида узоқ бўладими? — сўради хотини.

— Айтган ишни қил, хотин! — жаҳл билан бақирди Оконкво ва дудуқланиб: — Қачондан бери Умуофиянинг оқсоқоли бўлиб қолдинг?

Шундан сўнг, она Нвоёе бошқа ҳеч нарса сўрамасдан, Икемефунани ўз уйига бошлаб кетди.

Бола эса жуда ҳам қўрққан... ўзига нима бўлганини ва нима гуноҳ қилганлигини била олмай ҳайрон эди. Отаси Умуофия қизини ўлдиришда қатнашганлигини у қаердан билсин? У фақат бир нарсани биларди: уйига аллақандай кишилар келишиб, отаси билан нималарнидир пичирлашишди, кейин эса ота Икемефунани бегона одамнинг қўлига топширди. Онаси аччиқ-аччиқ йиғлади, у эса жуда ҳам ўзини йуқотиб қўйганидан кўзидан ёш келмади. Бегона одам у билан яна бир ёш қизни кимсасиз ўрмон сўқмоғидан аллақасеққа, туғилган уйдан узоққа бошлаб кетди. У бу қиз ким эканлигини билмади ва уни ҳеч қачон қайта курмади.

КА. Ш. С. П.

16

Ч. А. Д. Г. А.



## Учинчи боб

Оқонкво ўз мустақил ҳаётини ёшларнинг кўпчилигига сира ўхшамайдиган бир тарзда бошлади. Унга лиммо-лим донхона мерос қолгани йўқ, бунинг оддийгина сабаби шу эдики, отасининг ҳеч қачон донхонаси бўлмаганди. Бир куни у, яъни Унока нега ҳамиша бунақа кам ҳосил олиши сабабини аниқлаш учун Тепалик ва Форлар Қоҳини олди-га борганлигини Умуофияда эслашарди.

Қоҳинни Агбала деб аташар, унинг олдига ҳамма ёқдан одамлар маслаҳат сўраб келишарди. Ишлари юришмай қолса ёки қўшнилари билан бирор жанжални ҳал этишлари лозим бўлса, келишарди. Тақдирлари нима бўлишини билгани ёки ота-боболарининг арвоҳи билан маслаҳатланиш учун келишарди.

Тепалик ён бағридаги товухона эшигидан сал катта тешикча орқали форга кириларди. Ибодат қилиш учун келган ёки Қоҳиннинг маслаҳатига муҳтож кишилар қоринлари билан судралиб бу туйнукдан кирар ва катта, қоронғи форга — Агбала маконига чиқишар эди. Унинг қоҳиналаридан ташқари ҳеч ким Агбалани кўришга муваффақ бўлмаганди. Бироқ Қоҳиннинг қўрқинчли зиёратгоҳида бўлганларнинг ҳаммаси қаттиқ қўрқиб, унинг қудратига тўла ишонган ҳолда қайтиб чиқишарди. Қоҳина фор ўртасида ўзи ёққан муқаддас гулхан ёнида худонинг амрини бандаларга маълум қилиб турарди. Гулхан ҳеч қачон ловиллаб ёнмас, у эланг-қаранг нурда қоҳинанинг хира гавдасини зўрға ажратиб олишга имкон бериб, тутаб ётарди.

Баъзи бировлар ўлган отаси ёки қариндошининг арвоҳидан маслаҳат сўрагани келарди. Арвоҳ пайдо бўлганида қоронғида унинг ғира-шира тархи кўринади-ю, лекин овози ҳеч қачон эшитилмайди дейишарди. Баъзилар ҳатто арвоҳ учганида қаноти фор тепасига тегиб ўтганини гапиринишарди.

Шундай қилиб, бир неча йил илгари, ҳали Оконкво бола эканида, унинг отаси Унока бир куни Коҳиннинг олдига йўл олди. Уша вақтда Агбаланинг коҳинаси Чика исмли аёл эди. У ўз худосининг куч-қудратига ғоят ишонар ва ҳамма ундан жуда қўрқар эди. Узининг аламли қисматини маълум қилиш учун Унока худди шу аёлга рўбарў бўлди.

— Ҳар йили,— деб гап бошлади у,— бирор нарса экишдан аввал ер бекаси маъбуда Анига хўроз қурбонлик қиламан. Ота-боболаримизнинг удуми шундай. Ундан ташқари, ибодатхонада ямс худоси Ифеджиокага хўроз сўлман. Ерни буталардан тозалайман-да, улар қуригач, ёқиб ташлайман. Биринчи ёмғир ёғиши билан ямс экаман ва ниқолларга тиргак қўяман. Утоқ қиламан...

— Бўлди қил!— бақирди Коҳина ва унинг овози қопқоронғи ғор ичида қаттиқ акс-садо берди.— Ахир сен на худоларни, на ўз ота-боболарингни ҳақорат қилдинг. Инсон худолар ва ота-боболарни рози қилдими, бас, у йиғиб оладиган ҳосил ўзининг билак кучига боғлиқ бўлади. Сени эса Унока, ҳамма билади, мачете билан мотигани зўрға қимирлатасан. Қўшнилариингга ўхшаб, қўл теккизилмаган ўрмонни кесиш ўрнига, меҳнатдан паққос қочиб, ориқ ерга ямс экасан. Одамлар янги ерларга ишлов бериш учун не-не жойларга боришади-ю, сен уйда қолиб қурбонлик қиласан. Ер сенинг қурбонлигингга муҳтож эмас. Уйингга бор-да, эркакчасига ишла.

Уноканинг омади келмаганди. Унинг чиси ёмон эди, то гўрға киргунча, тўғрироғи, ўлгунича (чунки унинг гўри йўқ эди) аччиқ қисмат унинг ҳамроҳи бўлди. У истисқо касалидан қаҳо қилди, бу касал эса ер маъбудасининг ғазабини келтирарди. Бирор одам истисқо касалига гирифтор бўлиб, қорни, қўл-оёқлари шишса, унинг уйида ўлишига йўл қўйишмасди. Уни Харом ўрмонга элтиб ташлашар, ўлгунича ўша ерда қолдириб келишар эди. Ривоятга қараган-

да, аллақанча илгари ўжар табиатли бир одам кўп азият чекиб, Харом ўрмондан уйига қайтиб келган экан, уни яна ўша ерга элтиб, дарахтга боғлаб ташлашган экан. Ер ҳазар қиладиган бундай истисқо касалига йўлиққан одамни ерга кўмиш ҳам жонз эмасди. У ернинг устида ўлиб, ернинг устида тупроққа айланар, унга мотам маросими жонз кўрилмасди. Уноканинг қисмати ҳам шундай бўлди. Уни Харом ўрмонга судраб олиб бориб ташлаганларида, ўз найини ола кетди.

Ҳа, отаси Унока ўлгандан кейин Оконкво мустақил ҳаётини кўпчилик ёшларга ўхшаб бошлай олмади. Унга отасидан на донхона, на унвон, ҳатто на ёш хотин мерос қолганди. Бироқ шундай қийин шароитга қарамай, у отаси ҳаётлик чоғидаёқ келажакда бой-бадавлат бўлиш тамалини қўйди. Бу кўп вақт ва меҳнатни талаб қилди, лекин у жазаваси тутиб ишларди. У савдойи бўлаёзган эди — отасининг манфур турмуши ва шармандали ўлими бошига тушишидан қўрқиб савдойи бўлаёзган эди.

Оконкво билан бир қишлоқда катта-катта уч донхонаси, тўққиз хотини ва ўттиз фарзанди бўлган бадавлат бир одам яшарди. Унинг исми Нвакиби бўлиб, аҳамияти жиҳатидан иккинчи унвонга эга эди. Оконкво биринчи марта ямс экиб олиш учун ана шу одамга бўйин қисиб боришига тўғри келди.

Оконкво Нвакибига бир кўза хурмо шароби ва хўроз кўтариб келди. Нвакибининг уйида вояга етган икки ўғли, яна шу муносабат билан чақирилган обрўли икки қўшниси ўтирарди. Нвакиби кола ёнғоғи билан тимсоҳ мурчи олиб келиб, меҳмонлар кўрсин учун гир айлантириб юмалатди. Ёнғоқ билан мурч айланиб ўзига қайтиб келгач, ёнғоқни чақиб бундай деди: «Хаммамиз омон бўлайлик. Умр, болачақа, мул ҳосил, бахт-саодат тилайлик. Ҳар ким муродмақсадига етсин. Қарға билан оқ қўтон бир жойда ўтирсин. Ўзидан бошқа «йўқ» деганининг қаноти синсин».

Кола ёнгоғи ейлиб бўлгач, Оконкво уй бурчагидан ўзининг хурмо шароблик кўвачасини олиб келиб, йиғилганлар олдига қўйди. Шундан сўнг у «отамиз» дея, Нвакибига мурожаат қилди:

— *Нна айе*,— деди у,— мана шу кичкинагина кола ёнгоғини сенга инъом қиламан. Халқда: улуғ одамни иззат қилган киши ўзининг улуғ бўлишига йўл очади, деган гап бор. Сенга ҳурматимни изҳор этиб, ёрдам сўрагани келдим. Келинлар, аввал ичайлик.

Ҳамма Оконквога миннатдорчилик билдирди, қўшнилари эчки терисидан тикилган халтачаларда олиб келган шароб ичиладиган мугузларни чиқаришди. Нвакиби шифт остидаги кергидан ўз мугузини олди. Ўтирганларнинг энг ёши бўлган унинг кенжа ўғли кўвачани чап тиззаси устига қўйиб, шароб куя бошлади. Дастлаб у ўз шаробини ҳаммадан олдин татиб кўриши лозим бўлган Оконквога қўйди. Кейин энг кекса одамдан бошлаб, ҳаммага қўйди. Эркаклар икки-уч мугуздан ичиб бўлгач, Нвакиби ўз хотинларига одам чиқарди. Улардан атиги тўрттаси келди — қолганлари уйда эмас экан.

— Анази уйда йўқмиди?— сўради Нвакиби.

Хотинлар у ҳозир келажагини айтишди. Анази унинг бош хотини бўлиб, бошқа хотинлар Аназидан олдин ичиши мумкин бўлмаганидан уни кутиб туришди.

Анази ўрта ёшлардаги, барваста, бакувват хотин эди. У ўзини тутишидан қадри юксақлиги ва каттакон ҳамда гуркураб турган оиланинг бутун аёллари унинг фармонида эканлиги сезилиб турарди. Унинг оёғида эрининг унволари белгиси чекилган билагузук бўлиб, фақат бош хотингина шу ҳуқуққа эга эди.

У Нвакибининг олдига келиб, ундан шароблик мугузни қўлига олди. Кейин бир тиззаси билан чўк гушиб, шаробни лабига тегизди-да, мугузни қайтариб берди. У ўрнидан туриб, эрининг исмини атади-да, ўз уйига жўнади. Ундан

кейин бошқа хотинлари шу тартибда ичишди, ўша такал-луфни такрорлаб, уйларига кетишди.

Эркаклар ичиб, улфатчиликни давом эттираверишди. Огбуефи Идиго хурмо шароби соладиган, лекин негадир бу касбни ташлаб юборган Обиако деган одам тўғрисида сўзлай бошлади.

— Бу ерда бир гап бор,— деди у мўйловидаги шароб купигини чап қўлининг орқаси билан артаркан.— Бир сабаби бўлиши керак. Чўлбақа кундузи бекордан-бекорга сакрамайди.

— Айтишларича Коҳин унга хурмодан йиқилиб парча-парча бўласан, деганмиш,— жавоб қилди Акукалия.

— Обиако ҳамиша бирор қилиқ қилишни яхши кўради,— деди Нвакиби.— Эшитишимча, бундан бир неча йил аввал, отаси вафотидан сўнг тез орада у маслаҳат сўраб Коҳиннинг олдига борган экан. Коҳин унга: «Раҳматли отанг қурбонликка эчки сўйишингни хоҳлапти» деганмиш. Коҳинга у нима жавоб қилибди денг? «Раҳматли отамдан сўрагин-чи, ҳаётлик чоғида ақалли бирорта товуғи бўлганмикин?» дебди у.

Ҳамма қотиб-қотиб кулди, фақат Оконкво бирмунча ноқулайлик сезиб, аранг жилмайди — эт бориб устухонига ёпишгани тўғрисида гапирилса, кампирларнинг капалаги учиб кетади дейилиши бежиз эмас-да. Оконкво ўз отасини эслади.

Ниҳоят, шароб қуяётган йигит қуюқ оппоқ қуйқалик мугузни кўтарди-да:

— Еган-ичганимизнинг таги кўринди,— деди.

— Кўриб турибмиз,— дейишди ўтирганлар.

— Охирини ким ичади энди?— сўради у.

— Кимга ҳаммадан кўра керак бўлса, ўша ичади,— деди Идиго, Нвакибининг тўнғич ўғли Игвелога қараб, унинг кўзлари қувлик билан чақнаб кетди.

Охирини Игвело ичиши керак деган фикр ҳаммага маъкул тушди. У укасининг қўлидан мугузни олиб, охиригача сипқорди. Идиго билиб гапирган эди: шаробнинг охири Игвелога жуда керак эканига боис шу эдики, икки ойгина илгари у биринчи хотинига уйланган, хурмо шаробининг қуйқаси эса, маълумки, хотинлари ҳузурига тез-тез қадам ранжида қилиб турадиган эркакларга жуда фойдалидир.

Бор шароб ичилиб бўлгач, Оконкво Нвакибига ўз мушкул аҳволини гапирди.

— Сендан ёрдам сўрагани келувдим,— деб гап бошлади у.— Менга нима кераклигини сезган бўлсанг керак. Ерни тозалаб қўйдим-у, лекин уруғлик ямсим йўқ. Ёшлар оғир меҳнатдан кўрқадиган ҳозирги кунларимизда ўз ямсини бўлак одамга ишониб бериш қанчалик қийин эканини биламан. Лекин мен ишдан кўрқмайман. Баланд ироко дарахтидан ерга ўзини отган калтакесак, мени бошқалар мақтамаса, ўзимни-ўзим мақтайман деган экан. Тенгдошларим онасини эмиб юрганидаёқ мен ўз ғамимни ея бошлаганман. Экиш учун озроқ ямс қарз берсанг, сени хижолат қилмайман.

Нвакиби йўталиб қўйди.

— Йигитлар жуда оқбилак бўлиб кетган ҳозирги вақтда,— деди у,— сенга ўхшаган йигитни кўриб хурсанд бўлиб кетдим. Нима кўп, шундай илтимос билан олдимга келган ўспирин кўп. Лекин мен унамадим— улар ямсни ерга тиқиб қўйганидан сўнг, уни эсидан чиқариб юборишини ва ёввойи ўт босиб кетишини биламан. Мен уларга ямс бермайман, лекин улар мени шунчаки хасис деб ўйлашади. Аслида бундай эмас. Энеке деган қушнинг айтишича, одамлар отган ўқини хато кетказмайдиган бўлганидан бери у дам олмай учадиган бўлганмиш. Мен ҳам шундай— ўз ямсимни эҳтиёт қилишни ўргандим. Лекин сенга ишонман. Ким билан алоқа қилаётганлигимни биламан. Қа-

риялар рост айтади: етилган бошоқ бир қарашда маълум булади. Мен сенга тўрт юздан иккита тўрт юз бераман. Бориб далангни тайёрлайвер.

Оконкво унга астойдил миннатдорчилик билдириб, хушнуд ҳолда уйига қайтди. У Нвакибининг «йўқ» демаслигини биларди-ю, лекин бунақа саҳоватни кутмаганди. Чунки у тўрт юз донадан ортиқ беришига кўзи етмаганди. Энди далани кенгайтиришга тўғри келади. У отасининг Исиузодаги оғайниларидан яна тўрт юз дона олишни мўлжаллаб қўйган эди.

Қарз кўтарган одамнинг донхонаси жуда секинлик билан тўлади. Қанчадан-қанча меҳнат қиласану, ҳосилнинг атиги учдан бир қисмини оласан, киши. Бироқ отасининг ямси бўлмаган ўспирин учун бундан бошқа йўл йўқ эди. Оконквонинг аҳволи яна шу билан ҳам оғирлашарди: у ўзининг озгина ҳосилидан онаси ва икки синглисини ҳам боқиши лозим. Онани боқиш эса, отага ҳам қараш дегани бўлади. Эри оч ётганида, ахир, она ёлғиз ўзи учун таом пиширмайди-ку. Шунинг учун ҳам жуда ёш чоғида қаттиқ қийинчилик билан уй-рўзғор юритиш пайнга тушган Оконкво отасининг рўзғори ташвишини ҳам қилиши керак эди. Бу — тешик копга дон солишдек бир гап эди. Онаси билан сингиллари тинмай меҳнат қилишарди, бироқ улар «аёллар экини» — ловия, кассаву экишарди. Дала подшоси — ямс етиштириш эркакларнинг иши эди.

Оконкво Нвакибидан уруғлик ямс қарз кўтарган йилга ўхшаш омадсиз йилни кишилар эслашмасди. Ҳамма нарса бевақт — ёки жуда эрта, ёки жуда кеч содир бўлаверди. Дунё ақлдан озгандек эди. Дастлабки ёмғир кеч ёғди, ниҳоят, шир этиб ёғди-ю, ўтди кетди. Яна осмонга ярқираб қуёш чиқди, у мислсиз ғазаб билан олов пурқар, ёмғир вақтида бўй чўзиб қолган яшил ниҳолларни раҳм-

сизлик билан қовжиратар эди. Ер чўкка айланди, ўтқазилган ямслар қовжираб қолди. Барча пухта деҳқонлар каби Оконкво дастлабки ёмғир биланоқ тўрт юз туп ямс ўтқазди. Кутилмаганда ёмғир тиниб, яна жазирама бошланиб кетди. У зора булут кўриниб колса, деган умидда кун бўйи осмонга термиларди, кечалари эса ётиб ухлай олмасди. Эрталаб у ўз даласига бориб, ямс туплари қуриб қолганини кўрди. У ҳар бир туп атрофига этли агава барглари ўраб ямсларни ернинг жазирама иссиғидан асрашга интилди. Бироқ кечга бориб, агава барглари куриб, қорайиб қолаверди. У баргларни ҳар кунни алмаштирар ва кечаси ёмғир ёғишини илтижо қилиб чиқар эди. Бироқ қурғоқчилик саккиз бозор ҳафта давом этди, ниҳоят, ямсининг ҳаммаси нобуд бўлди.

Баъзи деҳқонлар ҳали ямс ўтқазмаган эди. Улар ўз даласини тозалашни ҳамма вақт иложи борица пайсалга соладиган дангаса ва беғам одамлар эди. Ўша йили эса улар энг тадбирли кишилар бўлиб чиқишди. Улар бошларини сарак-сарак қилиб, қўшниларига ачингандай бўлар, ичларида эса хўпам эҳтиёткорлик кўрсатдик, деб мамнун эдилар.

Жазира кетиб, ниҳоят, ёмғир ёққанида Оконкво охириги туп ямсларни ўтқазди. У ёлғиз бир нарсадан тасалли топди. Қурғоқчилик бошланишидан аввал ўтқазган ямслари унинг ўзиники бўлиб, ўтган йилги ҳосилдан қолган эди. Унда яна Нвакиби қарз берган саккиз юз туп, отасининг оғайниларида олган тўрт юз туп ямс қолган эди. Оконкво ҳамма ишни бошидан бошлашга қарор қилди.

Бироқ ўша йил табиат бутунлай ақдан озди. Ёмғир мисли кўрилмаган даражада қуйиб берди. Кеча-кундуз шаррос қуйиб, ямсзорларни ювиб кетар, дарахларни илдири билан қўпорар ва ҳамма ерда катта-катта жарлар пайдо қилар эди. Кейин ёмғир сал пасайди-ю, бироқ кунни кўнга улаб ёғаверди. Одатда ёмғир мавсуми ўртасида қуёш



қисқа мұддат нур сочарди, бу йил ундай бўлмади. Ямс бақувват яшил новда чиқаргани рост, лекин қуёш бўлмагач, кўчат авж ололмаслигини ҳамма билади.

Уша йил ҳосилни йиғиб-териш ўлик кўмгандек кўнгилсиз бўлди; кўпгина одамлар ердан майда-майда чириган доналарни ковлаб олиб йиғлашарди. Бир одам эса аргамчисини дарахтга боғлаб, ўзини осди.

Уша фожиаи йилни эслар экан, умр бўйи Оконквони совуқ титроқ босарди. Кейинчалик уни ўйлаганида Оконкво қандай қилиб бу бахтсизликларга чидай олганига ўзи ҳайрон бўларди. Ўзининг бақувват жангчи эканини у биларди, лекин ўша йилги кулфат шернинг юрагини ҳам парчалаб юбориши мумкин эди.

— Уша йилги кулфатга чидай олдимми, демак, ҳар нарсага чидай оламан,— дейишни яхши кўрарди у. Бу чидамни у ўзининг мустаҳкам иродасидан деб биларди.

Оконквонинг куч-қувватдан кетган касал отаси бутун ҳосил нобуд бўлган ўша вақтда унга бундай деди:

— Фақат умидсиз бўлма. Бунга ишонаман. Сенинг мард ва мағрур қалбинг бор. Мағрур қалбли одам кўпчиликка келган бахтсизликка ҳамиша чидаш беради, чунки бу бахтсизлик унинг ифтихорига шикаст етказмайди. Ёлғиз бахтсизликка чидаш жуда оғир.

Унока ўлим арафасида шу ҳолга тушганди. Қарилик ва бетоблик унинг чакагига тиргович қўйганки, Оконквонинг сабр косаси ростакам тўлиб кетди.

### *Тўртинчи боб*

«Подшога тикилиб туриб,— деди бир қария,— у ҳеч қачон она кўкрагини эммаган, деб ўйлайсан». Қария бахтсиз қашшоқдан сира кутилмаганда қабиланинг энг обрўли кишиларидан бирига айланган Оконквога ишора қилди. Қа-

риянинг Оконквога адовати йўқ эди. Аксинча, унинг меҳнатсеварлиги ва обрўсини ҳурмат қиларди. Бироқ иши юрилмаган одамларга Оконквонинг дағал муомала қилиши бошқалар сингари бу қариянинг ҳам гашига тегарди. Атиги ўтган ҳафта, қабила ўз ота-боболари шарафига ўтказиладиган байрам олдидан маслаҳат қилаётганида, бир одам Оконквога қарши гапиришга журъат этиб қолди. Оконкво у одамнинг юзига қарамай: «Бу фақат эркакларнинг анжумани» деб юборди. Эътироз билдирган одамнинг унвони йўқ эди, шунинг учун ҳам Оконкво уни хотин қаторига қўшди. У эркак кишининг жон-жонидан ўтиб кетадиган гап айтишни биларди.

Йиғилганлар Озугонинг ёнини олди. Улар орасида энг кексаси Оконквога ҳўмрайиб, яхшилар кўмаги билан зайтун хурмоси мағзини чаққанлар камтарликни эсдан чиқармасликлари керак эканини айтди. Оконкво уэр сўради ва йиғилиш давом этди.

Бироқ хурмо ҳосилини Оконквога яхшилар чақиб берган дейиш жила ҳам адолатдан бўлмасди. Унинг қашшоқлик ва маҳрумликларга қарши заҳматли курашини билган одам Оконквони бахтиёр ҳисобламасди. Бирор кимки ҳалол обрў қозонган бўлса, бу Оконкво эди.

Йигитлик чоғида у қабиланинг энг зўр полвони деб донг чиқарди. Бу шунчаки омад эмасди. Унинг чиси яхши деб айтиш мумкин эди, албатта. Бироқ ибo халқида: «Агар инсон «ҳа» деса, унинг чиси ҳам «йўқ» демас» деган мақол бор. Оконкво жуда қатъий қилиб «ҳа» деганда, чиси қувватларди. Фақат чисигина эмас, бутун қабила уни қўлларди, чунки инсонга унинг қўлидан келадиган ишга қараб баҳо берилади. Шунинг учун ҳам тўққиз қишлоқ Оконквони Удонинг ўлдирилган хотини бадалига мабодо қўшнилари, бир ёш қиз билан бир ўспирин беришдан бош тортса, уларга уруш эълон қилиш учун юборишга аҳд қилди. Қўшнилари Умуофиядан шунақа зириллашардики, ниҳоят, Оконкво

шоҳона кутиб олишди, унга кейинчалик Удога хотин бўлган қиз билан Икемефуна исмли ўспиринни беришди.

Оқсоқоллар болага вақтинча қараб туришни Оконквога топшириш фикрига келганларида, Икемефуна уникида роса уч йил туришини ҳеч ким ўйламаганди. Шу фикрга келингандан сўнг ҳамма уни тезда унутиб юборганга ўхшарди.

Аввалига Икемефуна жуда қўрқди. У ҳатто қочиб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ қандай қочиш кераклигини билолмади. У онаси билан уч ёшли синглисини эслаб, ачиқ-ачиқ йиғлади. Она Нвойе уни жуда эркалар, ўз ўғлидай қарар эди, бироқ Икемефуна: «Мени қачон уйимга юборишадир?» дея сўраб туриб оларди. Бир кун Оконкво Икемефунанинг овқат ейишдан бош тортганини эшитиб қолиб, уйга каттакон таёқ кўтариб кирди-да, у қалтирай-қалтирай ўз ямсини еб бўлгунича тепасида қараб турди. Бир оздан кейин эса Икемефуна уй орқасига ғойиб бўлди — у қаттиқ қусиб, тоби қочди. Ушанда она Нвойе уни топиб, бағрига босди, овоз чиқармай орқасини, кўрагини силай бошлади: Икемефуна уч бозор ҳафта касал ётди, у тузалиб кетгач, ён-веригагилар яхшиям азоб ва қўрқинчани енди, деган фикрга келишди.

Икемефуна табиатан жуда серғайрат бола эди ва аста-секин Оконкво хонадонидагиларнинг ҳаммаси, айниқса, болалар уни яхши кўриб қолишди. Оконквонинг Икемефунадан икки яшар кичик ўғли Нвойе ундан бир қадам ҳам ажрамасди — ахир, Икемефунанинг билмаган иши йўқ эди-да. У бамбукдан ёки ҳатто дағал ўт поясидан най ясай оларди. У барча қушларнинг номини билар ва кичик ваҳший ҳайвонларга усталик билан тузоқ қўярди. Қайси дарахтдан энг яхши ёй ясаш мумкинлигини биларди.

Оконквонинг ўзи ҳам болага жуда ўрганиб қолганди-ю, лекин сирни қалбининг ич-ичида сақларди. Оконкво ўзининг ғазабдан бошқа туйғуларини ҳеч қачон очиқ билдирмасди. Ўз меҳрини билдириб қўйишни у ожизлик аломати ҳисобларди. Куч-қудратнигина ҳаммага кўрсатиш керак!

Шунинг учун Оконкво бошқаларга қандай қаҳр-ғазаб билан муомала қилса, Икемефунага ҳам шундай муомалада бўларди. Бироқ у Икемефунани яхши кўрар, бунга шубҳа бўлиши мумкин эмасди. Баъзан у қўшни қишлоқларда ота-боболар шарафига ўтказиладиган йиғилиш ва байрамларга борадиган бўлса, Икемефунанинг ўз ўғли сингари унинг орқасида курсича билан эчки терисидан қилинган пўстак кўтариб, бирга боришига рухсат берарди. Ҳа, боланинг ўзи ҳам Оконквони ота деб атарди.

Умуофия қишлоғида Икемефуна ҳосилни йиғиб олишдан то экиш ишлари бошлангунича чўзиладиган «сукунат»нинг охирида пайдо бўлди. У Тинчлик ҳафтасига атиги бир неча кун қолганида касалидан тузалди. Бу воқеа худди Оконкво тинчликни бузган ва урф-одат талаб қилганидек, ер маъбудасининг қоҳини Эзеани уни шафқатсиз жазолаган йили содир бўлди.

Ўз дугонасиникига соч ўрдиргани кетиб, эрига овқат пишириш учун вақтида қайтиб келмаган кенжа хотинидан Оконкво ҳақли равишда дарғазаб бўлди. Оконкво аввалига унинг уйда йўқлигини билмади. У хотини овқат келтиришини кутиб ўтирди, лекин кутавериб, сабри чидамай, хотини нима билан машғул эканини билиш учун унинг уйига борди. Уйда ҳеч ким йўқ, ўчоққа олов ҳам ёқилмаган эди.

— Ойиуго қани?— у ҳовли ўртасида, пастак дарахт тагида турган баҳайбат тоғорадан сув олгани чиққан ўртанча хотинидан сўради.

— Қўшининикида сочини ўрдирыпти.

Оконкво газаби қайнаб, лабини тишлади.

— Болалари қани? Бирга олиб кетдими?— сўради у ниҳоятда хотиржам ва босиқ оҳангда.

— Шу ерда.— жавоб берди унинг бош хотини она Нвойе. Оконкво энгашиб, унинг уйига қаради. Ойиугонинг

болалари бош хотиннинг болалари билан овқатланиб ўтиришарди:

— У сендан болаларни овқатлантиришни илтимос қилдими?

— Ҳа,—Ойиугонинг енгилтаклик билан қилган гуноҳини камайтириш учун ёлгон гапирди она Нвойе.

Оконкво унинг ёлгон гапираётганини билиб турарди. У ўз уйига қайтиб, кенжа хотинининг келишини кутиб ўтирди. Ойиуго қайтиши билан у муштрай кетди. У тутақиб кетганидан Тинчлик ҳафтаси эканини унутганди. Унинг тунгич ва ўртанча хотинлари уйларида зўр саросима ичида чопиб чиқишиб, Оконкводан муқаддас ҳафтани эслатиб ёлворди. Лекин Оконкво бирор иш қилгудек бўлса, ярим йўлда қолдирмас, ҳатто маъбуданинг ғазабидан ҳам қўрқмасди.

Қўшнилари Оконквонинг хотини йиғисини эшитиб, у ерда нима гап деб девор орқасидан суриштира бошлашди. Баъзилари ҳатто ўз кўзи билан кўргани киришди. Муқаддас ҳафта ичида бировни калтаклаш жуда катта гуноҳ эди.

Қоронғи тушмасдан Одиноқ ер маъбудасининг қоҳини Эзеани Оконквонинг уйига кириб келди. Оконкво қоҳинининг олдига кола ёнғоғи қўйди.

— Кўтар ёнғоғингни. Худоларимизни, ота-боболаримизни эъзоз қилмайдиган одамнинг уйдан туз ичмайман.

Хотини қандай гуноҳ қилганини Оконкво тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрди, бироқ, чамаси Эзеани қулоқ солмади. У ўз сўзларига алоҳида маъно бериш учун калта темир таёқ билан ерни дукуллатди:

— Энди эшит,— деди у Оконкво тушунтириб бўлгач.— Сен Умуофияда туғилгансан. Боболаримиз бизга экин-тинкин ишлари олдида муқаддас ҳафтага амал қилишни васият этганларини сен мендан яхшироқ биласан, ҳатто шу ҳафта ичи ўз қўшинингга ҳам бирор оғиз дағал сўз айтиб бўлмайди. Биз бир-биримиз билан аҳил яшаймиз, бу буюк

ер маъбудасига эътиром нишонасидирки, унинг марҳаматисиз бирор уруғ кўкармайди. Сен оғир гуноҳ қилдинг.— У ўз темир таёғи билан ерни қаттиқ уриб қўйди.— Хотининг айб иш қилибди. Лекин уни сен ўз уйингда бегона эркак билан ушлаганингда ҳам уни уриш катта гуноҳ бўларди.— У яна темири билан ерни урди.— Сен қилган гуноҳ бутун Умуофияни хароб этиши мумкин. Сен ҳақорат қилган маъбуда бизни ҳосилдан маҳрум этиши мумкин, унда ҳаммамиз очдан қирилиб кетамиз.— Энди қоҳин газаб оҳангида эмас, буйруқ оҳангида гапирди.— Эртага маъбуда Ани маконига битта қўзи, битта товуқ, бир парча мато ва юзта каури олиб борасан.

У ўрнидан туриб, уйдан чикиб кетди.

Оконкво кохин буюрган нарсаларнинг ҳаммасини қилди. Бундан ташқари бир кувача хурмо шароби ҳам олди. Қилган ишидан у чин кўнгилдан пушаймон эди. Лекин у қўшнилари олдида ўз хатоларини тан оладиган одам эмасди. Шунинг учун ҳам одамлар уни қабила худоларини эъозламайди, деб ҳисоблашарди. Душманлари эса омад унинг димоғини шишириб юборди дейишарди. Улар бир куни Оконквога нза деб лақаб қўйишди, чунки айтишлари-ча бу қуш обдан тўйгунча овқат еб олиб, ўзини ҳатто чисидан ҳам катта тутиб гердайган экан.

Тинчлик ҳафталиги вақтида ҳеч ким ишламасди. Одамлар бир-бирлариникига меҳмонга бориб, хурмо шароби ичишарди. Уша йили улар топган гапи нуқул Оконкво қилган гуноҳ бўлиб қолди. Кўп йиллар мобайнида бу муқаддас тинчликни биринчи марта бузиш эди. Ҳатто жуда кекса одамлар ҳам узоқ ўтмишда атиги битта-яримта шундай ҳодиса бўлганини эслашарди.

Қишлоқдаги энг кекса одам Огбуефи Эзеуду ўзини кўргани келган икки дўстига эндиликда қабилада Тинчлик ҳафтасини бузганлик учун ҳаддан ташқари енгил жазо берилганлигини айтди.

— Илгари бундай эмасди,— деди у.— Отамнинг гапига қараганда, авваллари тинчликни бузган одамни ерга ағда-риб, то ўлгунича бутун қишлоқ бўйлаб юмалатишган экан. Кейинчалик, ҳар қалай бу одатни бекор қилишди, негаки у тинчликни сақлаш ўрнига, аксинча, уни бузган.

— Кеча менга бир нарсани айтиб беришди,— деди йигитлардан бири,— баъзи қабилаларда Тинчлик ҳафтаси вақтида ўлган кишига жирканч иш қилган одам сифатида қарашаркан.

— Бу рост гап,— дея тасдиқлади Огбуефи Эзеуду.— Ободоанида шундай таомил бор. Бирор одам шу ҳафта ичида ўлса уни кўмишмайди, шундоқ Харом ўрмонга олиб бориб ташлашади. Лекин бу ёмон таомил, нодонликлари сабабли шу таомилга риоя қилишади. Улар жуда кўп одамни гўрсиз қолдиришади. Бундан нима чиқади ўзи. Уларнинг қабиласи ана шу гўрсиз мурдаларнинг жин-ажинасига тўлиб кетади, улар тирикларга шикаст етказиш пайида юради.

Тинчлик ҳафтасидан сўнг барча эркаклар бола-бақраси билан янги далаларни тозалашга киришарди. Кесилган ёввойи ўтни қуритиб, кейин ёқиб ташлашарди. Осмонга тутун кўтарилганида, ҳар томондан калхатлар учиб келиб, худди ёнаётган дала билан хайрлашаётгандек унинг тепасида учиб юришарди. Ёмғир мавсуми яқинлашгач, улар яна қурғоқчиликда қайтиб келадиган бўлиб, учиб кетишарди.

Оконкво уруғлик ямсини тайёрлашга бир неча кун сарфлади. Экишга яроқли-яроқсиз эканини билиш учун у ҳар бир туганакни диққат билан кўздан кечирди. Баъзан у туганакни жуда катта деб ҳисобласа, ўткир пичоқ билан чиройли қилиб узунасига икки бўларди. Тўнғич ўғли Нвойе билан Икемефуна унга кўмаклашди. Улар донхонадан чўзинчоқ саватда ямс олиб келишар ва тайёрланган туганакларни тўрт юзтадан қилиб уйиб қўйишарди. Баъзан

Оконкво бир нечтадан туганак тайёрлашни болаларнинг ўзига топширарди. Бироқ ҳар гал Оконкво уларнинг ишидан қониқмас ва бунинг учун уларга аччиқ танбеҳ берарди.

— Ямсни пиширгани тўғрайпман деб ўйлаяпсан шекилли? — сўради у Нвойедан.— Агар туганакни яна шунақа катта қилиб кессанг, тишингни қоқиб ташлайман. Ўзингни ҳали ҳам бола ҳисоблайсан. Мен сенинг ёшингда эканимда рўзгорим бор эди. Хўш, сен-чи,—деди у Икемефунанага,— сизларнинг қишлоқда ямс экишмайдимми?

Оконкво болаларнинг ямс туганакларини экишга тайёрлашдек қийин ҳунарни эгаллаши учун ҳали жуда ёш эканлигини юрагида сезиб турарди. Бироқ у бу иш қанча эрта бошланса, шунча яхши деб ҳисобларди. Ямс мардлик рамзи, бу ҳосилдан кейинги йилгача оиласини боқиш учун етарли ғамлаб олган одам, шубҳасиз, катта ҳурматга лойиқ ҳисобланарди. Оконкво ўғлининг ҳурматли деҳқон ва обрўли инсон бўлишини истарди. У Нвойедаги ялқовликнинг ташвишли аломатлари деб билган нарсаларини тугатишга қатъий аҳд қилди.

— Қабила йиғилишларида бошини баланд тутолмайдиган ўғилнинг менга кераги йўқ. Ундай ўғилни ўз қўлим билан бўғиб ташлайман. Сен бунақа қаққайиб, менга кўзингни шохсоққадай қилиб турадиган бўлсанг,— у сўкинди,— Амадиора бошингни пачақ қилади.

Бир қанча вақтдан сўнг, қаттиқ ёққан ёмғир ерни қайта-қайта намлагач, Оконкво ўз оиласи билан далага жўнади. Улар уруғлик ямс солинган сават, мачета ва мотигалар кўтариб боришди. Экиш бошланди. Тупроқни уюму юм қилиб, бутун даланинг бошидан охиригача саф-саф қилишди. Шу уюмларга ямс туганагини ўтқазишди.

Дала подшоси ямс жуда диққат талаб иш чиқиб қолди. У уч-тўрт ой мобайнида тинимсиз парваришни ва оқшомдан саҳаргача қаттиқ меҳнатни талаб этарди. Ёш ямс ни-



қолларини жазирама тупроқ иссиғидан сақлаш учун атрофини агава барглари билан ўраш лозим эди. Ёмғир купайгач, аёллар ямс қатор ораларига маккажўхори, ковун ва ловия эка бошлашди. Кейин ямс пояларига дастлаб майда новдадан, кейинроқ эса катта ва бақувват шохлардан тирговуч қўйилди. Аёллар ямсини эрта ҳам, кеч ҳам эмас, қатъий белгиланган вақтда уч марта ўтоқ қилишарди.

Мана, ниҳоят, шунақанги кучли ва шиддатли ёмғир ёғиб бердики, ҳатто қишлоқ афсунгари ҳам уни тўхтатишга уриниб кўрмади. Илгари қурғоқчилик мавсумида жала қуйдириш қўлидан келмагани сингари, энди у ёмғирни ҳам тухтата олмасди — бу иш афсунгар соғлиғи учун ғоят хатарли эди. Ҳаддидан ошган табиат билан яккама-якка жангга кириш учун зарур бўлган куч-қудрат топиш ожиз инсон организми учун жуда кийинлик қилар эди.

Шунинг учун энг кучли ёмғирлар пайтида табиат ўз билгича иш тутарди. Баъзан ёмғир шунақанги қудратли сел бўлиб қуйилардики, ер билан осмон бепоён кул ранг сувга ғарқ бўлиб кетганга ухшарди. Шунда Амадиора момақалдироғининг бўғиқ акс-садоси қаердан — пастданми ёки баландданми келаётганини ажратиб бўлмасди. Шунақа кунларда Умуофиянинг сон-саноксиз уйлари қамиш томлари остида болалар оналари овқат пишираётган ўчоқ гирдида ўтириб, турли-туман воқеаларни ҳикоя қилишар, ёки оталари уйда исинишар ва ўша ердаги ўчоқ қўрига маккажўхори кўмиб ейишарди. Бу шиддатли ва машаққатли экиш ишлари мавсуми билан шундай шиддатли лекин қувноқ ҳосил йиғиш ойн уртасида қисқа ҳордиқ чиқариш палласи эди.

Аста-секин Икемефуна ўзиши Оконкво оиласининг аъзоси деб ҳис эга бошлади. У ҳали ҳам онасини ва уч яшар сингисини эслар, вақти вақти билан кунгли бузилиб, эзилиб юрарди. Бироқ у билан Нвойе бир-бирларига шунақанги ўрганиб қолишдики, бу кўнгил бузилиш ва эзи-

лишлар онда-сонда руй бeрса ҳам, унчалик изтиробли эмасди. Икемефуна жуда кўп халқ эртақларини биларди. Ҳатто Нвойе илгари эшитган халқ эртақлари ҳам Икемефуна айтганида янгилик ва бошқа қабилага хос алоҳида жило касб этарди. Шу боисдан Нвойе ўз ҳаётининг охириги кунларигача бу даврни жуда равшанлик билан эслаб юрди. У ҳатто бир куни Икемефуна атиги бир нечта дони қолган жухори сўтаси учун муносиб ном *эзе-агадинвайи*, яъни «камдир тиши» эканини айтганида, қотиб-қотиб кулганини ҳам эсларди. Нвойе дарҳол *удала* дарахти яқинида яшаган Нвойекени эслади. Унинг оғзида атиги икки-учта тиши лиқиллаб турса ҳам, доимо трубка тортарди.

Бироқ, мана, ёмғир ҳам сусайиб, ер билан осмон яна бир-биридан ажради. Қуёш мўралаб, енгил шабада эсди, вақти-вақти билан қиялама майда ёмғир ёғди. Болалар энди биқиниб ўтиришмас, ўтлоқларда ўмболоқ ошиб, кўшиқ айтишарди:

Ёмғир томчилайди, қуёш ҳам нур сочиб турар,  
Ннади овқат пишириб, ҳаммасин ўзи урар.

Нвойе ҳамон бу Ннади деган ким эканлигини ва нега танҳо ўзи яшаши, ҳамма овқатни ўзи пишириб, ўзи ейиши кераклигини билолмай ҳайрон эди. Ннади, Икемефунанинг севимли эртагида айтиладиган мамлакатда — чумоли қирол ажойиб ҳовлига эга бўлган ва поёни йўқ хушнуд кунлар бирин-кетин ўтадиган мамлакатда яшаса керак, деган фикрга борди пировардида Нвойе.

### *Бешинчи боб*

Ямс ҳосил байрами яқинлашиб қолган, Умуофияда кўтаринки кайфият ҳукмрон эди. Ҳосилдорлик манбаи,

ер маъбудаси Анига шукрони неъмат қилиш пайти келди. Кишилар ҳаётида барча худолар ичида Ани энг кўп ўрин тутарди. Ахлоқ ва хулқ-одоб масалаларида олий ҳакамлик ҳуқуқи унга мансуб эди. Бундан ташқари у вафот этиб кетган ота-боболар билан яқин эканлиги (уларнинг жасади ер бағрига қўйилган-да ахир) яна ҳам эътиборга лойиқ эди.

Ер маъбудасига ва ота-боболар руҳига бағишланган Ҳосил байрами ҳар йили ямс ҳосилини йиғиб-териб олиш олдидан ўтказиларди. Худолар ва арвоҳлар ўз улушини олмай туриб, янги ҳосилдан тотиб кўриш мумкин эмасди. Эрқагу аёл, ёшу қари Ҳосил байрамини зориқиб кутишар, чунки мўл-кулчилик палласи — янги йил шундан бошланарди. Олдинги йилдан ямси қолганлар байрам арафасида кечқурун уни еб тугатишлари лозим эди. Янги йилни ўтган ҳосилдан қолган сертола ва бурушиқ ямс билан эмас, мазали янги ямс билан бошлаш таомил. Ҳамма хумчаларни, жом ва кажаваларни, айниқса, ямс туядиган ўғирларни яхшилаб ювишар, қириб қатрон қилишарди. Байрамдаги асосий емиш ямсдан пиширилган фуфу билан сабзавот шўрва эди. Бу таомлар мўл-кўл пиширилар, оила ҳам қўшни қишлоқлардан меҳмонга чақирилган ёр-ошна-ю, қариндош-уруғлар ҳам кун бўйи еб-ичганидан кейин яна қанчадан-қанчаси ортиб қоларди. Айтишларига қараганда, бир бадавлат одам ўз меҳмонлари олдига фуфуну шунақанги уюб ташлаган эканки, фуфунинг бу томонида ўтирганлар нариги томонда нималар бўлаётганлигини кўришолмабди, шу тариқа бир меҳмон кечгача ўтирибди-ю, ўзидан кейинроқ келиб рўбарўсига ўтирган қариндошини кўрмабди. Улар ортиб қолган фуфу устидангина саломлашиб, қўл қисишган эмиш.

Ямс Ҳосил байрами бутун Умуофияда шод-хуррамлик боиси бўларди. Билаги бақувват ҳар бир эркак — ибода шундай таъбир бор — ҳамма ёқдан кўпдан-кўп меҳмон

чақириси лозим эди. Оконкво ҳамиша ўз хотинларининг қариндош-уруғларини меҳмонга чақирар, эндиликда уч хотини борлиги важдан уникига гала-гала меҳмон келарди.

Бироқ Оконкво бошқаларга ўхшаб тантанабозликка ишқибоз эмасди. Рост, унинг иштаҳаси жойида бўлиб, бир-икки катта жомдаги хурмо шаробини бўшатиб ташлаш қўлидан келарди-ю, лекин уйда меҳмон кутиб ўтираверишга ёки улар билан ишрат қилишга ҳечам тоби йўқ эди. Ўз даласида ишлаш унга зўр ҳузур бағишларди.

Байрамга атиги уч кун қолганди. Оконквонинг хотинлари уй ва деворларни қизил лоё билан суваб, ярқиратиб юборишди, кейин бу уй ва деворларга оқ, сариқ ва тўк яшил нақшлар ишлашди. Шундан кейин ўзларига оро беришди: баданларини қизил дарахт шарбати билан бўяшди, қорин ва елкаларига қора ранг билан чиройли расмлар чизишди. Болаларнинг ғамини еб, айниқса, уларнинг сочларини чиройли гулларга ухшатиб қирқишди. Келадиган қариндошларни уч хотин бири олиб-бири қўйиб иғво қилишди, болалар эса бу қариндошлар олдида роса эрканантиқлик қилишни ўйлашарди. Икемефуна ҳам ҳаяжонда эди. Чамасича бу ерда Ямс ҳосили байрами Икемефунага ўз қишлоғидагига қараганда аллақанча дабдабали ўтадиганга ўхшарди. Қишлоқ унинг тасавурида ғира-шира гавдаланар, ундан узоқлашиб кетганди.

Шу пайт тўсатдан чақмоқ чақди. Ўз жаҳлини зўрга босиб, нима қиларини билмай ҳовлида сандироқлаб юрган Оконквога энди баҳона топилди.

— Мана бу банан дарахтини ким қуритди? — сўради у.

Қўрғон бирпасда сув қўйгандек жим бўлиб қолди.

— Мана бу дарахтни ким қуритди деяпман? Нима, қулоғинг том битганми ҳаммангнинг?

Аслида эса дарахт ҳечам қуримаганди. Оконквонинг ўртанча хотини унинг баргидан озрок олиб егулик ўраган

эди холос, у шунн бўйнига олди. Ундан кейинги гапига ҳам қулоқ солмай, Оконкво хотинини роса дўппослади, хотини билан бирдан-бир қизи узоқ йиғлашди. Бошқа хотинлар ўртага тушишга юрак бетламай, анча нарида туриб, қўрқа-писа илтижо қилишарди:

— Бўлди, Оконкво...

— Қўйгин...

Оконкво шу тариқа аламдан чиққач, овга бормоқчи бўлди. Унинг бир вақтлар Умуофияга келиб жойлашиб қолган уста темирчи ясаб берган эски, занглаган милтиғи бор эди. Оконкво катта одам эканига, довураклигини барча тан олганлигига қарамай, уни овчи деб аташ қийин эди. У милтиғи билан ҳатто каламушни ҳам уриб ўлдирмаган эди. У милтиқни олиб беришни Икемефунага буюраркан, ҳозиргина калтак еган хотини отиб отмайдиган, йўқолиб йўқолмайдиган милтиқлар тўғрисида алланима деб мингирлади. Фалоқат босиб, бу гапни Оконкво эшитиб қолса бўладими — ўқланган милтиғига ўзи жиннидек ташланиб, хона ичидан югуриб чиқди-да, қўтоннинг пастак тўсиғидан ошиб тушаётган хотинини мўлжалга олди. У тепкини босиб юборди — қаттиқ ўқ овози билан бир вақтда хотин, бола-чақаларнинг чуввоси эшитилди. Оконкво милтиқни улоқтириб, тўсиқдан сакраб ўтиб, хотинига қаради — у ҳеч қандай шикастланмаган, лекин қўрққанидан дағ-дағ титраб ётарди. Оконкво енгил нафас олиб, жўнаб кетди.

Шу можарога қарамай, Оконквоникида Ямс ҳосили байрами жуда шоду хуррамлик билан ўтди. Оконкво эрта саҳар чоғи ўз ота-боболари руҳига янги ямс билан хурмо шароби назр қилиб бориб, улардан янги йилда ўзига, бола-чақаларига, хотинларига омонлик илтижо қилди.

Кундузи эса атрофидаги уч қишлоқдан хотинларининг кариндош-уруғлари уч катта кўзада хурмо шароби кўтариб кириб келишди. Кечқурунгача ҳаммалари еб-ичиб ўтиришди, кейин меҳмонлар уй-уйларига тарқалишди.

Байрамнинг иккинчи куни катта кураш куни бўлди, бу курашда Оконквонинг қишлоғидан ва қўшни қишлоқлардан полвонлар қатнашди. Биринчи кунги апоқ-чапоқ зиёфатми ёки иккинчи кунги курашми — одамларга қайси бири кўпроқ ҳузур бағишлаганини айтиш қийин. Лекин бу саволга бир хотин ўйлаб-нетиб ўтирмай жавоб бера олар эди. Бу Оконквонинг Эквефи исмли ўртанча хотини — у отиб қўйишига сал қолган хотиннинг ўзи эди. Эквефи бошқа бирор байрамни бунчалик яхши кўрмасди. Бундан бир неча йил илгари, Эквефи гўзаллиги билан бутун қишлоққа донг таратган вақтда Оконкво жуда зўр курашда (инсон зоти бунчалик зўр курашни кўрмаганди) Мушукни алла қилиб уриб, қизнинг қалбини банд этганди. У вақтда Оконкво жуда камбағал бўлиб, калин тўлашга қурби етмаганидан Эквефи унга теголмади. Бироқ бир неча йилдан кейин у эриникидан Оконквоникига қочиб келди. Бу гапларга кўп замон бўлди. Эндиликда Эквефи ўз ҳаётида кўп нарсаларни кўрган қирқ беш яшар хотин эди. Бироқ шу ўттиз йил ичида полвонларнинг курашига унинг қизиқиши сира-сира сусаймади.

Байрамнинг иккинчи куни чоштгоҳга яқин пайт эди. Эквефи билан унинг бирдан-бир кизи Эзинма ўчоқ олдида қумғондаги сув қайнашини кутиб ўтиришарди. Эквефи ҳозиргина сўйган товуқ заранг тоғорада ётарди. Ниҳоят, сув қайнади ва Эквефи оловдан чаққонлик билан қумғонни олиб, товуқнинг устидан қайноқ сув қўйди. Буш қумғонни у гардиш тагликнинг бир чеккасига қўйди-да, қурум теккан кафтига қаради. Эзинма онаси оловдаги қумғонни ҳеч нарсасиз қўли билан ололишини кўриб, ҳамиша ҳайрон бўларди.

— Эквефи, — деди у онасига, — олов катталарни куйдирмаслиги тўғрими? — Болаларнинг кўпчилигидан Эзинманинг фарқи шу эдики, у ўз онасини исмини айтиб чақирарди.

— Рост,— деб жавоб қилди бу саволни ўйлаб ўтиришга сира ҳам вақти бўлмаган Эквефи.

Унинг қизи бор-йўғи ўн ёшга тўлган бўлса ҳам, ёшига қараганда жуда зеҳни ўткир эди.

— Она Нвойе бўлса, анави куни қайноқ шўрвали кувани ташлаб юборган эди, синди кетди.

Эквефи тоғорадаги товуқнинг патини юла бошлади.

— Эквефи,— деди Эзинма ҳам товуқ патини юла бошлаб,— кўзим учяпти.

— Бўлмаса, йиғларкансан,— деди унга онаси.

— Йуқ, мана бу ёғи, тепаси.

— Ундай бўлса, бирор нарсаи кўраркансан.

— Хуш, нимани кўраман?

— Мен қаяқдан биламан? — Эквефи Эзинманинг ўзи топишини истарди.

— Э-ҳа, биламан! — деб юборди у.— Полвонларнинг курашини.

Ниҳоят, товуқнинг пати тозалаб бўлинди. Эквефи унинг тумшугини айирмоқчи эди, бўлмади. Шундан кейин у пастак курсидан ўгирилиб, бирпас товуқнинг бошини оловга тутди. Шундан кейин тумшуқ дарров суғурилиб чиқа қолди.

— Эквефи! — деган овоз эшитилди қўшни уйдан. Бу Оконквонинг бош хотини она Нвойе эди.

— Мени чақиряпсанми? — сўради Эквефи. Ташқаридан биров чақирса, шундай жавоб бериш таомил эди. Одамлар бу жин бўлмасин тагин деб тўғри жавоб беришдан қўрқишар эди.

— Эзинмага айтгин, менга чўғ олиб келсин.

Унинг болалари Икемефуна билан сойга кетишганди.

Эквефи сопол парчага бир неча дона ёниб турган кўмир солиб берди. Эзинма чиннидай қилиб супуриб қўйилган ҳовлидан чопқиллаб кетди.

— Балли,— деди она Нвойе. У янги ямс саралаётган. олдида эса кўкат ва ловия солинган сават турарди.

— Олов ёқиб берсам майлими?— таклиф қилди Эзинма.

— Раҳмат, Эзигбо,— деди она Нвойе. У Эзинмани купинча Эзигбо деб атардики, бу «яхши» деган маънони билдирарди.

Эзинма уйдан чиқиб, босиб қўйилган шох-шаббадан бир тутамини суғуриб келди. Бир нечта булоқни тиззасига қайириб синдирди-да, бор кучи билан оловни пуфлай бошлади.

— Бунақада кўзингдан ажрайсан-ку,— деди она Нвойе саралаётган ямсдан бош кўтариб.— Елпигични ол.

У ўрнидан туриб, девордан елпигични олди. Лекин у ўрнидан туриши биланок ҳозиргача ямс чиқиндиларига қаноат қилиб териб еб турган расво эчки бирдан ямсга ўзини уриб, оғзини тўлдирганча, уйдан чиқиб қўтонни томон чопиб-сакраб кетди. Она Нвойе уни орқасидан қаргай-қаргай яна ямс саралашга ўтирди. Ўчоқда қуюқ тутун бурқиб турарди, олов гуриллаб ёнгунича Эзинма елпигични елпийверди. Шундан кейин у она Нвойедан раҳмат эшитиб, онасининг уйига чопқиллаб кетди.

Шу пайт узокдан ноғора овози эшитилди. Бу овоз ило томонидан — йиғилиш ва ўйинлар ўтказиладиган майдон томондан келарди. Барча тантанали маросим ва рақслар шу ерда ўтарди — бундай майдон ҳар бир қишлоқнинг ажралмас қисми бўларди. Ноғоралар полвонлар рақсини чаларди — ҳавога енгил ўрлаётган тиниқ ва қувноқ садолардан буни дарҳол билиш мумкин эди.

Оконкво йўталди-да, усул маромига депсина бошлади. У жуда ёш пайтларидан буён бу садоларни ҳаяжонсиз тинглай олмасди. Ёнгиш, йиқитиш истаги унинг вужуди-ни қамраб олди. Бу муҳаббат оташига ўхшарди.

— Курашдан кеч қоламиз,— деди Эзинма онасига.



— Куёш ботмагунча бошланмайди кураш.  
— Ногора чалиняпти-ку, ахир.  
— Ногора чоштгохдан чалинаверади, лекин кураш шомдан кейингина бошланади. Бориб қарагин-чи, отанг кунлик ямс олиб чиқдимикин.

— Олиб чиқди. Она Нвойе овқат пиширяпти.

— Бўлмаса, бизникини ҳам олиб кел. Тушликни тезроқ пишириш керак, бўлмаса курашдан кеч қоламиз.

Эзинма ямсга бориб, донхонанинг орқасидаги пастак девор устида турган икки дона ямсни олиб келди.

Эквефи ямсни чаққонлик билан тозалай бошлади. Шум эчки чиқиндиларни ошаб олиб, бошини сарак-сарак қилди.

Эквефи ямсни майдалаб, товуқ билан қўшиб, кувага солди.

Шу пайт улар уйдан нарироқда бировнинг йиғлаган овозини эшитишди. Нвойенинг синглизси Обиагели йиғлаётганга ўхшарди.

— Обиагели йиғляпти!— деб чақирди Эквефи ҳовлидан туриб она Нвойега.

— Уша. Сув ташийдиган кўзасини синдириб қўйган кўринади.

Энди йиғи овози жуда яқиндан эшитилди ва тез орада бирин-кетин ўз ёшларига яраша катта-кичик кўза кўтариб, кетма-кет келаётган болалар кўринди. Ҳаммадан олдин энг катта кўза кўтариб Икемефуна, унинг изидан икки укасини етаклаб Нвойе келарди. Саф охирида кўз ёшларини оқизганча Обиагели келарди. Унинг қўлида бошга, кўзанинг тагига қўйиладиган юмалоқ болишча бор эди.

— Нима бўлди?— суради она. Обиагели унга дилсиёҳ воқеани айтиб берди. Она янги кўза олиб беражагини айтиб, уни овута бошлади.

Нвойенинг укалари аслида нима бўлганлигини оналарига айтиб бермоқчи бўлиб туришувди, Икемефуна уларга таҳдид қилиб қарагач, тилларини тишлаб қолишди. Асли-

да гап бундай бўлган эди: Обиাগели бошида кўза билан *иниянгага* рақс тушмоқчи бўлди. У худди катта хотинлардек қўлларини кўксига қўйиб, сонларини диркиллатганча келарди. Кўза ағдарилиб синганида, у қаҳ-қаҳ уриб кулди. Улар уйлари олдидаги ироко дарахти тагига етиб келганларидан кейингина Обиাগели йиғи бошлади.

Ноғораларни эса ҳамон тинмай, шиддат билан чаларди. Уларнинг садоси қишлоқ ҳаёти оқимига сингиб кетди. Бу худди қишлоқ юрагининг тепишига ўхшарди. Ноғоранинг така-туми бутун қишлоқни жўшга келтириб, ҳавога, қуёш нурига ва ҳатто дарахтлар баргига титратма соларди.

Эквефи эрининг шўрвасини тоғорачага сузиб, устини ёпиб қўйди. Эзинма тоғорачани отасининг обисига олиб кетди.

Оконкво пўстак устида ўтириб, бош хотинни пиширган таомни тановул қиларди. Ўз онаси уйдан овқат олиб келган Обиাগели отаси таом еб бўлишини кутиб, ерда ўтирарди. Эзинма тоғорани отаси олдига қўйиб, Обиагелининг ёнига бориб ўтирди.

— Қиз болага ўхшаб ўтир!— бақириб берди унга Оконкво. Эзинма оёқларини йиғиб, қимтиниб ўтирди.

— Ота, курашни кўргани борасанми?— сўради Эзинма одатий сукутдан сўнг.

— Бораман,— жавоб берди у,— сен-чи?

— Мен ҳам бораман.— У яна бир оз сукутдан сўнг сўради:— Курсингни кўтариб борсам майлими?

— Йўқ, бу — ўғил болаларнинг иши.

Эзинмани отаси чин кўнгилдан яхши кўрарди. У бир вақтлар гўзаллиги билан бутун қишлоққа донг чиқарган онасининг худди қўйиб қўйгандек ўзи эди. Бироқ ота Эзинмага меҳрини камдан-кам ошкор қиларди.

— Бугун-чи, Обиагели кўзасини синдириб қўйди,— суюнчи олди Эзинма.

— Ҳа, ўзи айтувди,— жавоб берди Оконкво ютиниб туриб.

— Ота, овқат еяётганда гапирмаслик керак-ку,— деди Обиাগели, мурч нафас йўлига кетиб қолади.

— Бу гапинг рост. Эшитяпсанми, Эзинма! Обиাগели кичкина бўлса ҳам, сендан ақлли.

У иккинчи хотинидан келган тоғорачанинг устини очиб, яна тановул қила бошлади. Обиাগели ўз тоғорасини кўтарганча онасининг уйига кетди. Ундан кейин учинчи тоғорачани кўтариб Нкечи келди. Нкечи Оконквонинг кенжа хотинидан кўрган қизи эди.

Олис-олислардан ҳануз ногора садоларни эшитиларди.

### Олтинчи боб

Бутун қишлоқ — эркак-аёл, бола-чақа ҳаммаси илога ёпирилди. Улар полвонларга ажратилган катта саҳни қуршаб олишди. Оқсоқоллар ва бошқа эътиборли кишилар бу ерга ўғиллари ёки қуллари олиб келган ўз курсиларида ўтиришарди. Утирганлар орасида Оконкво ҳам бор эди. Барвақт келиб, томошабинлар учун ажратилган озгина жойни — ўриндиқ устига қўйилган текис гўлаларни эгаллаб олганлардан ташқари ҳамма турарди.

Полвонлар ҳали келмаган, ҳамманинг диққати ҳануз ногорачиларда эди. Улар ҳам томошабинларнинг олд томонида, муқаддас ҳисобланадиган сершоҳ дарахт тагида, оқсоқолларга юзма-юз ўтиришди. Хосиятли болаларнинг руҳи ўзининг дунёга келишини шу дарахтда кутиб ётарди. Бола кўриш тилагида юрган жувонлар оддий кунлари шу дарахт соясида ўтиргани келишарди.

Ногораларнинг жами еттита бўлиб, улар ўзига лойиқ ёғоч қутилар устига ўрнатилган эди. Уч эркак асабдан ҳовлиқиб, ҳали у-ҳали бу ногорани тараклатишарди. Ногора завқи уларнинг ақл-ҳушини олганди.

Тартибни сақлашга мутасадди қилинган йигитлар бир-бирлари билан ва беллашаётган иккала команда вакиллари билан гангур-гунгур маслаҳатлашиб, томошабинларни оралаб юришарди. Полвонлар ҳали даврага кирмасдан, оломоннинг орқасида туришарди. Вақти-вақти билан хурмо дарахти новдасидан ясалган хивич ушлаган икки йигит даврани айланиб чиқишар, одамлар оёғига яқин ерни ширтиллатиб, гошлик қилганларни эса оёғига ҳам тушириб, томошабинларни орқага тислатишарди.

Ниҳоят, барча полвонлар даврага кириб келишди. Оломон уларни қийқириқ ва чапаклар билан кутиб олди. Ногораларнинг така-туми авжига чиқди. Томошабинлар олдинга сурилди. Тартибга мутасаддилик қилаётган йигитлар хивич ўйнатиб, даврани айланиб чиқишди. Чоллар ногора оҳангига бошларини қимирлатиб, бу мастона садолар остида ўзлари кураш тушган кунларни эслашарди.

Курашни ўн беш-ўн олти яшар болалар бошлаб берди. Беллашувчи ҳар икки томонда учтадан шунақа бола бор эди. Улар ростакам полвонлар бўлмай, фақат тап босди учун туширилган эди. Дастлабки икки кураш бирпасда тугади. Лекин учинчи кураш ўз туйғуларини одатда унчалик ошкор этиб қўймайдиган кексалар ўртасида ҳам зўр шов-шувга сабаб бўлди. Бу кураш ҳам худди олдингиларга ухшаб, балки, жуда тез тугади. Бироқ авваллари бунақа курашни кўриш камдан-кам кишига насиб бўлган эди. Болалар бир-бирига рўбарў келиши биланоқ, уларнинг биттаси шунақанги барк суръат билан алақандай ҳунар ишлатдики, ҳеч нарсани пайқаб бўлмай қолди-ю, нариги полвон чалқанча чўзилиб тушди. Оломон ҳайқириб, жон ҳолатда кафтини-кафтига урдик, ногораларнинг шиддаткор садосини ҳам бир дам кўмиб юборди. Оконкво сакраб урнидан турди, лекин шу заҳоти яна ўтирди. Енгган полвон томондан уч йигит олдинга югуриб чиқиб, уни баланд кўтарганча, оломоннинг қутлов садолари остида ўйнай-ўй-

най олиб чиқиб кетишди. Боланинг исми Мадука эканини тезда ҳамма билди, у Обнериканинг ўгли эди.

Ноғорачилар чинакам кураш бошланиши олдидан нафас ростлаб олиш учун тўхташди. Уларнинг бадани тердан ялтирарди. Ноғорачилар елпигич билан ўзларини елпиганча, товоқдан сув ичиб, кола ёнғоғи ейишди. Улар дарров бошқа одамларга ухшаб қолишди — кулишиб, бир-бирлари ва яқинларидаги одамлар билан гаплашиб ўтиришди. Умумий ҳаяжон натижасида ҳаддан ташқари қизиб кетган ҳаво тўсатдан бўшашгандек, ноғоранинг таранг қопласига гўё сув сепилгандек булди. Оломон қимирлай бошлади, кўплар чамаси ўз ёнида турган ёки ўтирган одам кимлигини эндигина кўрган эди.

— Мен сени кўрмабман ҳам,— деди Эквефи кураш бошланганидан буён ўзи билан ёнма-ён турган аёлга.

— Узиям жуда ғалати бўлди-да,— жавоб берди аёл.— Бунақа тумонатни умрим бини бўлиб кўрмагандим. Оконкво сени милтиқ билан отиб ўлдириб қўяй деганмиш, шу рост гапми?

— Рост гап, айланай, рост. Вой, нималар бўлганини айтай десам, гап тополмайман.

— Бундан чиқдики, чиинг сени яхши асраркан. Эзинма қизим яхши юрибдими?

— Яхши, ҳозир соғлиғи яхши. Туриб қолса ҳам ажаб эмас.

— Туриб қолар дейман. Неча ёшга кирди?

— Ўнга бориб қолди.

— Ҳа, умр куради деб уйлайман. Улар олги ёшгача ўлмаса, одатда, соғайиб кетишади.

— Соғайиб кетсин деб натижа қилганим-қилган,— деди Эквефи оғир хўрсиниб.

У гаплашган аёлнинг исми Чиело эди. У Тепалик ва Форлар қоҳини Агбаланинг маъбудаси, оддий турмушда

эса икки етимлик бева эди. У Эквефи билан қалин дўст бўлиб, бозорда бир бостирма тагида савдо қилишарди. Чило Эквефининг ёлғиз қизи Эзинмани яхши кўрар ва «менинг қизим» деб атарди. У кўпинча ловия нон сотиб олиб, бир неча донасини Эквефидан Эзинмага бериб юборарди. Бирор одам Чилони кундалик ҳаётда кўрса, унинг Агбала зиёратгоҳида каромат кўрсатадиган аёл эканига ишониши амри маҳол эди.

Ногорачилар яна чўпларни қўлга олишди, ҳавога титроқ тушиб қаттиқ тортилган ёйдек таранг бўлди.

Ҳарифлар буш майдоннинг икки томонида бир-бирларига юзма-юз туришарди. Сўнгра бир тўдадан бир йигит ажралиб чиқиб, ўйнай-ўйнай, майдонни кесиб ўтди ва кураш тушмоқчи бўлган одамани кўрсатди. Иккала полвон биргаликда майдоннинг ўртасигача ўйин тушиб келиб, ўша ерда беллашиб қолишди.

Ҳар бир тўдада ўн иккитадан полвон бўлиб, навбати билан гоҳ у томон, гоҳ бу томон курашга чакирарди. Икки судья кўзини узмай курашни кузатиб борар, курашаётган томонларнинг кучини тенг деб ҳисобласа, кураш тўхтатиларди. Шу тариқа бешта олишув ажрим бўлмади. Бироқ полвонларнинг бири ўз рақибини ала қилиб ерга урган дамлар айниқса ҳаяжонли бўларди. Шунда оломоннинг қудратли ҳайқириғи осмон-фалакка кўтарилиб, бутун атрофга эшитиларди. Бу ҳайқириқни ҳатто қўшни қишлоқлар ҳам эшитарди.

Охирида ҳар икки тўданинг сардорлари кураш тушди. Улар бутун тўққиз қишлоқда энг яхши полвон деб ҳисобланарди. Томошабинлар бу йил ким ғолиб чиқишини фол очишарди. Баъзилар Окафо кучлилик қилади дейишса, баъзилар у сира ҳам Икезуега бас келолмайди деб гап маъқуллашарди. Ўтган йили судьялар таомилга зид равишда

кураш муддатини узайтирганликларига қарамай, уларнинг бирортаси енголмаган эди. Улар бир мактабга мансуб полвонлар бўлиб, ҳар иккови ҳам уз рақибни нима қилмоқчилигини олдиндан билиб, тахмин этиб турарди.

Улар кураш бошлаганида қош қорайган эди. Ноғоралар садоси авжга чиқди, одамларнинг қий-чуви кўтарилди. Икки йнгит ўйин тушиб, майдон ўртасига келганида, томошабинлар олдинга ташланди. Хурмо хивичлар иш бермай қолди.

Икезуе ўнг қўлини узатди. Окафо уни маҳкам ушлаб олди-ю, улар беллашиб кетишди. Шиддатли кураш бошланди. Икезуе Окафонни чаққон, кескин ҳаракат билан орқага улоқтириш учун, уни орқа томони билан ерга энгашгиришга ҳаракат қилди. Бироқ уларнинг бири нимани мўлжалласа, уни иккинчиси сезиб турарди.

Сурилиб келган оломон ноғорачиларни комига ютиб юборди ва ноғораларнинг садо оҳанглари оломон қалбининг уришидек туюлди. Энди полвонлар бир-бирини маҳкам қисганча, деярли қимирламай турарди. Фақат қўлларда, сонларда ва елкаларда пайлар ўйнаб чиқиб, тери остида қимирлаб турарди. Уларнинг кучи тенг келганга ўхшарди. Судьялар уларни эндигина ажратиб қўйиш учун жилмоқчи эди, Икезуе чаққонлик билан бир оёқда чўккалаб, рақибини бошидан ошириб отмоқчи бўлди. Лекин у қаттиқ янглишди. Ундан кейин кўз очиб юмгунча Окафо Амадиора чақмоғи сингари тезлик билан ўнг оёғини ўз рақибни боши устига қўйди.

Оломон момақалди роқдай ҳайқириб юборди. Окафонинг тарафдорлари уни майдондан елкаларида кўтариб чиқиб кетишди. Улар Оконкво шаънига қасида айтишди, аёллар шу куйга қарсак билан жўр бўлишди:

Қишлоғимиз учун ким жанг қилади?  
Қишлоқ учун Окафо жанг қилади.

Йиқитганми у, ўнта полвонни?  
Курашда йиқитган тўрт юз полвонни.  
У йиқитмаганми юз Мушуквойни?  
Ҳа, йиқитган тўрт юз зўр Мушуквойни.

### Еттинчи боб

Мана уч йилдан буён Икемефуна Оконквоникда яшар, Умуофия оқсоқоллари буни эсдан ҳам чиқариб юборганга ўхшар эди. У ёмғир пайтидаги ямс ниҳолидай тез ўсиб, қуввагга тўлди. У ўз янги оиласи билан туғишгандек бўлиб кетди, Нвойега акадек бўлиб қолди: Икемефуна келиши билан болага жон кирди, ўзини катта кишидек сезди. Улар кеч дамларни овқат пишираётган онанинг уйида ўтказишмас, Оконквонинг *обисида* ўтиргани ёки у кечга шароб тайёрлаш учун хурмо майдалаётганини кўргани боришарди. Энди онаси ёки Оконквонинг бошқа хотинлари унга одатда фақат эркаклар бажарадиган қийин уй ишини — ўтин ёриш ёки ўғирда бирор нарса туюшни буюришса, Нвойе беҳад хурсанд бўларди. Туғри, укаси ёки синглиси орқали қилинган бундай илтимосни эшитганида Нвойе ҳамиша ўзини жуда хафа булгандек кўрсатар ва хотинлар ҳақида, уларнинг булган-тургани ташвиш экани ҳақида аланималар деб қаттиқ-қаттиқ жаврарди.

Оконкво ўғлидаги ўзгаришни кўриб, ич-ичидан қувонар, бунга Икемефуна боис эканини билар эди. У Нвойенинг бақувват ва жасур бўлиб ўсишини, Оконквонинг ўзи ўлиб, ота-боболари ёнига боргач, ўғли отанинг уй-рўзгорини бошқара оладиган булишини кўнгилдан ўтказарди. У ўғлининг бой-бадавлат, донхонаси ҳамиша тўла булишини истарди — шунда ота-боболари ҳамиша ундан садака олиб туради, туқ булади. Шунинг учун ҳам Нвойе хотинларга бақирганини эшитиб, Оконкво ҳамиша қувонарди — де-



мак, вақти келиб у уйнинг аёллар қисмини бошқара оладиган булади. Эркак киши ўз хотинлари ва болаларини — айниқса, хотинларини гаҳ деганда қўлига қўндирилмаса, у қанчалик бой бўлса ҳам ростакам эркак ҳисобланмайди. У худди қушқда баён қилинган одамга ухшарди. Бу қўшиқда: бисотида ун бигта хотини бор экану, ейишга бир бурда ҳам нони йўқ, — дейилади.

Болалар утиргани унинг обисига келишидан Оконкво мамнун бўларди. У болаларга эркакларнинг ботирлигидан, қаттол жанглар ва қон тукишлардан ҳикоя қиладиган афсоналар айтиб берарди. Эркак киши мард ва бақувват бўлиши лозимлигини Нвойе биларди-ю, лекин ҳарқалай у онаси айтиб берган эртакларни — тошбақа ва унинг найранглари ҳақидаги, бутун дунёни узи билан урушишга даъват этиб, мушукдан енгилган энеке деган қуш ҳақидаги эртакларни маъқул кўрарди. Жуда қадим замонларда қандай қилиб Ер Осмон билан жанжаллашиб қолганлиги, қандай қилиб Осмон роса етти йил давомида унга ёмғир юбормай қуйганлиги натижасида ҳамма экинлар қовжириб қолиб, чуқморлар тошдай заранг ерга тегиб, сакраб кетаверганидан ҳатто ўликларни кумишнинг ҳам иложи булмагани ҳақида она болаларига бот-бот ҳикоя қилиб берарди. Пировардида Грифни Осмонга элчи қилиб чиқариш фикрига келиб, инсонлар чекаётган мусибатлар тўғрисидаги қўшиқ билан Осмоннинг кунглини юмшатишга уриниб кўрмоқчи бўлишибди. Ҳар сафар она Нвойе бу қўшиқни куйларкан, Нвойенинг хаёлида Ер элчиси, Осмондан раҳм-шафқат тиловчи Гриф гавдаланарди. Ниҳоят, Осмоннинг раҳми келиб, Грифга кокоюмс баргига ўралган ёмғир совға қилибди. Бироқ Гриф қайтиб учиб тушаётганида, узининг узун тирноқларини билмай баргга ботириб юборибди ва ўша вақтгача мисли кўрилмаган жала қуйибди. Ёмғир Грифнинг ҳамма ёғини шундай шалаббо қилиб юборибдики, у узини юборган одамаар олдига қайтиб келолмабди, олисда кў-

ринган чирокқа алданиб, бошқа юртга учиб борибди. Уша юртга етгач, Гриф қараса, бир одам қурбонлик қилаётган экан. Шундагина Гриф исинишга ва таталаб турган қорни-ни ичак-човоқлар билан туйдиришга муваффақ булибди.

Нвойе ана шундай қиссаларни тинглашни ёқтирарди. Бироқ бу қиссалар калтафаҳм хотинлар ва болаларга боп экани, отаси эса унинг асл эркак бўлиб етиштирмоқчи эканини билар, шунинг учун ҳам Нвойе ўзини аёлларбоп қиссаларга қизиқмай қуйгандай қилиб кўрсатарди. Отаси бу ишидан хурсанд бўлиб, энди уни уриб-сукмайдиган булди. Нвойе билан Икемефунага Оконкво қабилалар ўртасидаги жанглар ҳақида ёки кўп йиллар бурун узи душман ичига пусиб кириб, уни улдиргани ва умрида биринчи марта одам калласини олиб келгани ҳақида ҳикоя қиларди. Улар аёлларнинг овқат пиширишини пойлаб, қоронғида ёки милтиллаётган олов ёнида утиришар, кейин хотинлар навбатманавбат бир заранг фуфу ва бир заранг шўрва олиб келишарди. Обига шам ёқиларди. Оконкво ҳар бир зарангдан еб кўриб, кейин Нвойе билан Икемефунага уларнинг улушини берарди.

Шу тариқа ой кетидан ой, фасл кетидан фасл утарди. Тусатдан чигиртка ёпирилиб қолди. Не-не замонлардан буён бундай бўлмаганди. Кексаларнинг айтишича, чигиртка ҳар бир авлод умрида бирйўла пайдо бўлиб, етти йил давомида ҳар йили ёпирилар, кейин янаги муддати келгунча йўқолиб кетар экан. Чигиртка олис юртга, пакана одамлар қабиласи қуриқлаб турадиган ўз ғорларига қайтиб кетармиш. Янаги муддат келганида эса, пакана одамлар ғорни очармиш, чигиртка яна Умуофнияга ёпирилар эмиш.

Бу сафар чигиртка совуқ харматтан шамоли эсиб турганда ёпирилди. Ҳосил йиғиб олинган бўлиб, чигиртка бутун ўт-уланни еб кетди.

Оконкво билан икки ўғил бола қўрғоннинг қизил тупроқ лойидан кўтарилган деворига қарашди. Бу ҳосил йиғиб

олингандан кейин қилиниши лозим бўлган энг осон ишлардан бири эди. Улар деворни бўлажак ёмғирлардан асраш учун яна хурмонинг баргли, қаттиқ шохлари билан ёпишди. Деворнинг бир томонида Оконкво, нариги томонида — ҳовли томонида эса болалар ишлашди. Деворнинг юқори қисмида кичик-кичик тешиклар ўйилган бўлиб, Оконкво шу тешиклар орқали болаларга арқон чиқарар, улар деворнинг ўз томонларидаги ёғоч тирговучларни айлантириб, яна бу томонга узатишарди. Шу тариқа деворга хурмо шохларни ёпиб маҳкамланди.

Аёллар шох-шабба йиғиш учун бутазорга кетишди, болалар эса ўйнагани қушниларикига югуришди. Харматтан шундоққина тепада турар, у гўё диққинафаслик олиб келгану, бу диққинафаслик бутун ерни қамраб олгандай туюларди. Оконкво билан болалар индамай ишлалашарди. Сукунатни хурмо шохларининг қирсиллаб синиши-ю, қуруқ баргларнинг шитир-шитири бузарди, ризқ қидираётган бир товук бу баргларни титгани-титган эди.

Тўсатдан қоронғилик чўкди, худди қуёш қора булут орқасига яширингандай бўлди. Йилнинг бундай мавсумида ёмғир ёғмоқчи эканидан ҳайрон бўлиб, Оконкво осмонга қаради. Бироқ шу заҳоти ҳар тарафдан қувонч садолари эшитилди ва бутун Умуофия чоштгоҳ диққинафаслигини улоқтириб ташлаб, бардам бўлиб, авжга келди.

— Чигиртка, чигиртка!— дея қувонишарди ҳамма ёқда.

Эркаклар, аёллар, болалар ишни ҳам, уйинни ҳам йиғиштириб, бу ажойиб томошани кўргани кўчага югуришди. Чигиртка ёпирилмай қўйганига шунча кўп йил бўлган эдики, қарилардан булак ҳеч ким уни ҳеч қачон кўрмаган эди.

Дастлаб чигирткаларнинг кичик бир тўдаси пайдо бўлди. Булар олдиндан юборилган разведкачилар эди. Кейин уфқда жуда катта, секин сузиб келаётган қоп-қора булут куриниб, Умуофия томон оқа бошлади. Тез орада осмоннинг ярми нур сочиб турган юлдуз заррасига ўхшаш май-

да-майда кўзли, қоп-қора баҳайбат нарса билан қопланди. Бу қудрат ва гўзалликка тўла ажиб бир томоша эди.

Каттадан-кичик ҳамма кўчага ёпирилиб чиқади. Одамлар бир-бирлари билан гангур-гунгур сўзлашиб, чигирткалар кечаси Умуофияга қўнишини илтижо қилишарди. Чигиртка куп йиллардан буён бу ердан учиб ўтмаган булса ҳам, одамларнинг сезгиси унинг жуда лаззатли таом эканини айтиб турарди. Ниҳоят, чигирткалар қўнди ҳам. Улар ҳар бир дарахт ва кўкатга, уйларнинг томига ва қуруқ ерга қўнишганди. Чигирткалар оғирлик қилиб, дарахтларнинг йўғон шохлари эгилган, бутун атроф қорамтир чапг қоплаганга ўхшар — очофат чигиртка галалари шундай беҳисоб эди.

Дарров тутиб олиш учун кўплар сават қутариб чиқишди, лекин қариялар кечасигача сабр қилишни маслаҳат беришди. Уларнинг маслаҳати тўғри бўлиб чиқди. Чигиртка кечаси буталарда жойлашганча, қанотлари шудрингдан ҳўл бўлиб қолди. Шунда Умуофиянинг бутун аҳолиси уйларидан ёпирилиб чиқиб, совуқ харматтанга қарамай, ўз сават ва кўваларини чигирткага лим-лим тулдирди. Эрталаб уни аввал сопол идишларда пишириб, кейин уни қуритиш ва кирсиллайдиган бўлиши учун офтобга ёйишди. Шундан кейин ҳар бир уйда бу ноёб таомни хурмо ёғига қориб, анчагача маза қилиб ёйишди.

Оконкво Икемефуна ва Нвойе билан ўз обисида утирарди; Огбуефи Эзеуду келганида улар яшнаб-кулиб, қуруқ чигирткани қирсиллатиб еб, хурмо шароби ичиб утиришарди. Эзеуду қишлоқда энг кекса одам эди. Ўз вақтида у буюк ва довюрак жангчи сифатида ном чиқарган, бутун кабиланинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган эди. Эзеуду меҳмондорчиликдан бўйин товлаб, Оконквони ҳилватга, ташқарига чақирди. Улар биргаликда хонадан чиқишди; чол хассасига суянди. Сўзларини ҳеч ким эшита олмаслигига қаноат ҳосил қилгач, Эзеуду Оконквога бундай деди:

— Бола сени ота деяпти. Унинг қонига қўлингни буяма.— Оконкво ҳайрон бўлиб, нимадир сўрамоқчи эди, чол гапида давом этди:— Умуофия уни ўлдирингга қарор қилди. Тепалик ва Форлар Коҳини шунини буюрди. Уни таомилга кўра, Умуофиядан четга олиб чиқиб, ўлдирингга. Бу ишга сен аралашмаслигингни истардим. У сени ўз отам деяпти.

Эртасига саҳар чоғи Оконквоиникига Умуофиянинг барча туққиз қишлоғи оқсоқоллари келишди. Улар аввал хона ичидан Нвоёе билан Икемефунани чиқариб юбориб, пичирлашиб гаплашишди. Оқсоқоллар тезда кетишди, бироқ Оконкво кафтларига иягини қўйганча, узоқ вақтгача қимирламай ўтирди. Кейин у Икемефунани чақириб, эртага уни уйига жўнатишларини айтди. Бу гапни эшитиб қолган Нвоёе кўз ёши тўккан эди, отаси уни роса дўппослади. Икемефунанинг ўзи бўлса, эсанкираб қолди. Унинг ўз уйи аста-секин хира ва олис ўтмиш бўлиб қолган эди. У ҳали ҳам онаси билан синглисини соғинар, уларни кўражагидан хурсанд эди. Бироқ аллақандай туйғу унга онаси ва синглиси билан учрашмаслигини хитоб қилиб турарди. У отасининг олдига нотаниш одамлар келиб, негадир бугунгидай пичирлашганини яхши эсларди. Бугунги келиш унга ўша келишнинг тақроридай туюлди.

Кечга яқин Нвоёе онасига бориб, Икемефунани уйига жўнатмоқчи эканликларини айтди. У мурч янчаётган кели соғни қўлидан тушириб юборди ва қўлларини кўксига кўйиб: «Бола бечора!» деганча оғир хўрсинди.

Эртаси куни оқсоқоллар бир кўза шароб кўтариб яна келишди. Уларнинг ҳаммаси кийинган бўлиб, бугун қабила йиғинига ёки қўшни қишлоққа борадиганга ўхшарди. Улар учун кийим вазифасини бажарадиган бир парча газмол ўнг кўлтиқлари тагидан ўтказилган, чап елкаларида эчки терисидан тикилган халта ва филофлик мачета осиглиқ эди. Оконкво тезда отланди, у билан оқсоқоллар ва Икемефуна (шароб солинган кўзани кўтариб бориш Икемефунага топ-

ширилган эди) йўлга тушишди. Оконквонинг уйида оғир сукунат ҳукмрон эди. Ҳатто гўдаклар ҳам бир фалокат рўй беришини сезганга ўхшарди. Шу кунни Нвоёе бутунлай онасининг уйида ўтказди, унинг кўзлари ёшдан намланган эди.

Умуофия одамлари йўлнинг бошида ундан-бундан — чигиртка ҳақида, ўз хотинлари ҳақида ва ўзлари билан бирга келишга юраги бетламаган асаби бўш айрим эркаклар ҳақида гаплашиб боришди. Бироқ улар Умуофия музофоти чегарасига яқинлашганлари сари гаплари камайиб борди.

Қуёш суслик билан осмон гумбазига кўтарилди, қуруқ қумли йўл қумга сингиб қолган иссиқни уфура бошлади. Ўрмонда қушлар чуғурлашди. Кишилар оёғи остида қуруқ барглар шитирларди. Сукунатни бўлак ҳеч нарса бузмасди. Тўсатдан қаердадир узоқда эквеннинг майин садолари эшитилди. Шамол гоҳ уларни олиб келар, гоҳ улар билан нари кетарди. Бу дилбар рақс куйи эди — қандайдир олис қишлоқда шу куйга рақс тушишарди.

— Бу озо рақси,— деди ҳамроҳлардан кимдир бири. Бироқ бу овоз қаердан чиққанлигини ҳеч ким аниқ билолмади. Баъзилар Эзимили томондан деса, бошқа бировлар Абама ёки Анинта томондан дерди. Кейин ҳамроҳлар яна индамай қолишди, олисдан келаётган рақс оҳанглари эса ҳануз аввалгича гоҳ янграб, гоҳ шамол туфайли эшитилмай қоларди. Қабила бирор одамга унвон берган, шунинг учун ҳозир аллақайси қишлоқда шу муносабат билан музыка ва рақсли катта тўй эди.

Йўл аста-секин ўрмон ичига кириб кетган тор сўқмоққа келиб уланди. Кишилар яшайдиган қишлоқлар атрофидаги пастак дарахт ва сийрак буталар ўрнини бу ердаги чирмовиққа ўралган баҳайбат дарахтлар олдики, олам яралганидан буён улар на болтанинг дамини, на ўрмон ёнғинини кўрмаган бўлса керак. Шоҳлар орасидан тушиб турган қуёш нури қумли сўқмоққа ғалати нақшлар солган эди.

Икемефуна тўсатдан орқасида пичирлаган овозни эшитиб, шартта угирилиб қаради. Ҳозиргина пичирлаган одам қолганларга баланд овоз билан мурожаат қилиб, шошилиш кераклигини маслаҳат берди.

— Ҳали узоқ юрамиз,— деди у. Кейин у билан яна бир одам Икемефунага етиб олиб, қолганларнинг ҳаммасини ҳам тезроқ жилишга мажбур этиб, тез одимлар билан илгарилаб кетишди.

Мачете билан қуролланган умуофияликлар шу тариқа йўлда давом этишарди, улар орасида шаробли кўзани бошига қўйганча Икемефуна ҳам борарди. Дастлаб бола бир оз чўчиган бўлса ҳам, энди ҳеч нарсадан қўрқмасди. Ахир орқасида Оконкво келяпти-да, Оконкво ўз отаси эмаслигини Икемефунанинг тушуниши қийин эди. У ўз отасига ҳеч қачон меҳр қўймаган, энди уч йил ўтгандан сўнг эса, бутунлай ёдидан ҳам чиқариб юборганди. Лекин онаси билан уч яшар синглизичи... ҳа, энди у уч яшар эмас, олти яшар. Синглизичи энди уни танирмикин? У анча катта бўлиб қолгандир. Онаси шодликдан йиғлашини, ўғлига шунчалар меҳрибонлик қилиб, энди уйига олиб келган Оконкводан қанчалик миннатдор бўлишини айтмайсизми! Она ундан шу йиллар ичида қандай яшаганлигини суриштиради. Икемефуна ҳаммасини эслай олармикин? Унга Нвойе билан онаси ҳақида, чигиртка... ҳақида гапириб беради. Тўсатдан қутилмаган бир фикр вужудини ларзага келтирди. Бордию, онаси ўлган бўлса-чи? Бу фикрни харчанд ўзидан нари қувмасин, барибир, фойдаси бўлмади. Шунда у ўзини овутоқчи бўлиб, худди болалигида қилган хатти-ҳаракатларини такрорлади. Бундай пайтларда ёрдам берадиган ашула ҳали унинг ёдида эди.

Эзе, элина, элина!

Сала.

Эзе иликва йа

Икваба аква олигхоли

Эбе Данда нечи эзе  
Эбе Уаузу нече эгву  
Сала.

У ашулани ичида ўзича хиргойи қилиб, унинг оҳангига кадам ташлаб борарди. Агар унг оёғини ташлаганида ашула тугаса, демак, онаси тирик. Агар чап оёғини ташлаганида тугаса — демак у ўлган,— йўқ, ўлган эмас, бетоб, холос. Ашула ўнг оёғини ташлаганида тугади. Онаси соғ-саломат. Ашулани у яна бир марта айтиб кўрувди, чап оёғини ташлаганда тугади. Лекин иккинчи галдагиси ҳисобмас. Фақат биринчи овоз худолар макони Чуквугача етади. Бу болаларнинг севимли матали эди. Икемефуна ўзини яна боладай ҳис қилди. Уйга, онасининг ёнига қайтаётгани учун шундай бўлса керак.

Икемефунанинг кетидан келаётган эркакларнинг бири йўталди. Икемефуна ўгирилиб қараган эди, у одам олдинга боқ, нега орқангга қарайсан дегандай тўнғиллади. У одамнинг овозида шундай бир нарса бор эдики, Икемефунанинг эти жунжиб кетди. Қора кўза кўтарган кўллари титради. Нега Оконкво орқада қолиб кетди? Икемефуна ўз оёқлари чалишиб келаётганлигини сизди. У орқасига қайрилиб қарагани кўрқарди.

Йўталган одам тўхтаб мачетесини кўтарганда Оконкво юзини тескари ўгирди. У мачете овозини эшитди. Кўза кумга ағдарилиб, сизди. Икемефунанинг ёнига югуриб борган Оконкво, унинг: «Дада, улар мени ўлдиришяпти!» деб бақирганини эшитди. У қўрқинчдан эсини йўқотиб, мачетени суғурди-да, болага зарб билан туширди. У ўзини қўрқоқ деб ҳисоблашларидан чўчиган эди...

Кечаси отаси эшикдан кириб келиши биланок Нвоёе Икемефуна ўлдирилганини билди, таранг тортилган ёй ипи узилгандай, ичида бир оғриқ сизди. У йиғламади, дармони куриб, аъзойи бадани бўшашиб кетди. Бундан бир оз илгарин,



ҳосил йиғиш мавсумида шунга ўхшаш бир нарсани сезган эди. Бу мавсумни ҳамма бола яхши кўрарди. Саватчада атиги бир неча дона ямс кўтара оладиган кичкинтойлар ҳам катталар билан бирга далага жўнайди. Улар ямсни қазиб ололмайди, лекин даланинг ўзида ямсни пишириб ейиш учун гулхан ёққанда шох-шабба йиғиб келиб катталарга ёрдамлашишади. Гулханда пишириб, қизил хурмо мойи сурилган ямсдан мазалик таом бўлмайди. Ўтган ҳосил йиғиш мавсумида шундай кунларнинг бирида Нвойе биринчи марта бугунгидек ҳолатга тушган — ичида нимадир узлиб кетгандек бўлган эди. Улар ямс солинган сават кўтариб, сой орқасидаги олис даладан уйга қайтишарди, тўсатдан ўрмонзорда чақалоқнинг чинқиргани эшитилди. Аёллар бир лаҳзада жим бўлиб қолиб, одимларини тезлатишди. Эгизак туғилган чақалоқларни сопол тоғорага бекитиб, ўрмонга элтиб ташлашларини Нвойе илгари ҳам эшитганди-ю, бироқ унга ҳеч қачон юзма-юз дуч келмаганди. Унинг бутун вужуди титраб, йўлда ажинага дуч келган танҳо йўловчидек, бутун кўз олди жимиралиб кетди. Ичи бўм-бўш бўлиб қолди. Икемефуна ўлдирилгач, отаси эшикдан кириб келган биринчи кечада ҳам у худди шу ҳолатни кечирди.

### Саккизинчи боб

Икемефуна ўлимидан кейин Оконквонинг томоғидан икки кун овқат ўтмади. У эрталабдан кечгача хурмо шаро-би ичар, кўзлари худди қийноқда қолган каламушниқи сингари ола-кула бўлиб кетарди. У ўзи билан обида ўтириш учун ўғли Нвойени чақирди. Бироқ бола отасидан кўрқиб унинг сал мудраганини сезгач, билдирмасдан секин уйдан чиқиб кетди.

Кечаси Оконкво ухлолмади. У Икемефунани ўйламасликка ҳаракат қилар, бироқ бу мудҳиш фикрни ўзидан қанча узоқлаштиришга интилса, улар шунчалик босиб ке-

ларди. Бир гал у ҳатто ўрнидан туриб, ҳовлини айланиб ҳам чиқди. Бироқ у шунчалик мадордан кетгандики, зўрға-зўрға юрарди. У қилтириқ оёқли маст кишидай юриб борарди. Бошдан-оёққача бутун вужудини совуқ титроқ қоплаб олганди.

Учинчи кун Оконкво ўртанча хотини Эквефидан банан қовуриб беришни илтимос қилди. Эквефи бананни у яхши кўрадиган қилиб — шапалоқ-шапалоқ қилиб, ловия ва балиқ аралаштириб пиширди.

— Роса икки кундан бери туз татиганинг йўқ,— деди қизи Эзинма унга овқат олиб келаркан.— Шунинг учун битта қўймай ейсан.

Эзинма оёқларини узатиб, ўтириб олди. Оконкво парижонлик билан ерди. «У ўғил бола бўлиб туғилиши керак эди»,— дея ўйлади Оконкво ўн яшар қизига боқиб. Унга бир бўлак балиқ берди.

— Бор, совуқ сув олиб кел менга,— деди у.

Эзинма балиқни чайнаганча онасининг уйига югурди ва тезда бир коса сув кўтариб келди.

Оконкво косани унинг қўлидан бир йўла симирди. Кейин яна бир неча луқма ошаб, зарангни суриб қўйди.

— Халтамни олиб бер-чи, бу ёққа,— деди у Эзинмага. Эзинма уйнинг нариги бурчагидаги эчки тери халтани олиб келди. Оконкво тамакидонини қидириб, халтанинг у ёқ-бу ёғини тита бошлади. Халта катта бўлиб, қўл елкагача сиғарди. Халтада тамакидондан бошқа буюмлар ҳам бор эди. Унда шароб ичиладиган мугуз билан калемас бўлиб, Оконкво кавлаштираётганида улар бир-бирига урилиб кетди. Ниҳоят у тамакидонини топди ва чап кафтига бир оз бурнаки солишдан аввал тамакидонни бир неча марта тиззасига уриб-уриб қўйди. Ундан кейин бурнаки соладиган қошиқчани олмагани ёдига тушиб қолди. У яна халтачани титиб, фил суягидан ишланган ясси қошиқчани олди ва ундан заъфар бурнаки олиб бурнига тутди.

Эзинма бир қўлига зарангни, бир қўлига бўш косани олиб, яна онасининг уйига қайтди... «У ўғил бола бўлиб туғилиши керак эди»,— яна ўйлади Оконкво. Хаёли яна Икемефунага уланиб, аъзойи бадани титраб кетди. Бирор иш билан банд бўлганида-ку, буни унутиш мумкин эди-я. Бу воқеа ҳосил йиғиб олинishi билан келгуси экиш ишлари ўртасидаги айни жимжитлик палласига тўғри келса бўладими. Ҳозирги вақтда эркак киши қилиши мумкин бўлган бирдан-бир иш ўз қўргони деворини хурмо шох-шаббаси билан маҳкамлаш эди. Лекин Оконкво бу ишни бажариб қўйганди. Бу ишни у айни чигиртка босган куни тугатганди — деворнинг бир томонида Оконкво, бир томонида эса Икемефуна билан Нвоье ишлаганди.

«Ҳой, ўз ҳарбий шижоати билан бутун тўққиз қишлоққа донг чиқарган одам, қачондан буён дир-дир титрайдиган кампирга айланиб қолдинг? — дея ўз-ўзидан сўради Оконкво.— Наҳотки жангда беш одамни ўлдирган эр йигит, шуларнинг қаторига яна бир бола қўшилиши билан бунчалик шалпайиб тушса? Сен, Оконкво, шундоққина ҳажи қиз бўп қоляпсан».

У сакраб турди, эчки терисидан бўлган халтасини елкасига осиб, дўсти Обиериканикига жўнади.

Обиерика уйи олдидаги апельсин дарахти тагида ўтириб, рафия хурмоси баргларида кулбаси учун янги том ясарди. У Оконкво билан кўришиб, ўз обисига олиб кирди.

— Унинг мана шу томонини битирибоқ ўзим сеникига бормоқчи эдим, — деди Обиерика у ёқ-бу ёғини қоқиб.

— Қалай чиқди? Яхшими,— сўради Оконкво.

— Яхши,— жавоб берди Обиерика.— Бугун уйимизга кизимнинг қаллиғи келади, чамамда қалин тўғрисида келишиб олармиз. Шу ишнинг устида сен ҳам бўлсанг дедим.

Шу дам кўча томондан обиға Обиериканинг ўғли Мадука кириб, Оконкво билан сўрашди-да, ҳовли томон ўтиб кета бошлади.

— Кани бу ёққа кел-чи, сени табрикламоқчиман,— деди Оконкво болага. — Уша сафарги курашинг менга жуда манзур бўлди.

Мадука жилмайиб, Оконквонинг қулини қисди-да, ҳовлига чиқди.

— У анча жойга боради ҳали, — деди Оконкво. — Шундай ўғлим бўлса, жон дердим. Нвойдан ташвишдаман. Уни тўғри келган одам асфаласофин қилиб, кўтариб уради! Қайтага, иккита укаси тузук. Сенга ростини айтсам, Обиерика, болаларим менга ўхшамайди. Қари банан дарахти қулагач, ўсиб чиқадиган ёш навдалар қани? Эзинма ўғил бўлиб туғилганда, бахтли бўлардим. У жуда ажойиб киз.

— Бекорга ташвишланяпсан,— деди Обиерика.— Улар ҳали жуда ёш.

— Нвоёе ота бўладиган ёшга етди. Унинг ёшида мен кунимни ўзим кўрардим. Йўқ, оғайни, у катта киши бўлиб қолди. Зўр хўрозни тухумдан чиқиши биланоқ билса бўлади. Нвоёе ростакан эркак бўлиб ўсиши учун қўлимдан келганини қилдим, лекин унинг феъл-атвори жуда ҳам онасига ўхшайди.

«Жуда ҳам бобосига ўхшайди» — дея ўйлади Обиерика, лекин эшиттириб гапирмади. Оконквонинг хаёлига ҳам шу фикр келди. Бироқ у аллақачон бу шарпани ўзидан узоқлаштиришга ўрганган эди. Отаси бўшанг ва иши юришмаган одам бўлганлиги тўғрисидаги фикр уни ташвишга сола бошлаши биланоқ Оконкво ўз куч-қудрати ва муваффақиятлари ҳақида ўйлаб, бу фикрдан қутулишга уринарди. Бу сафар ҳам шундай қилди. У чинакам мардлик кўрсатган яқиндаги воқеаларни хаёлига келтирди.

— Бир нарсага ҳайронман, шу болани ўлдириш лозим бўлганида, сен нега биз билан бормадинг? — сўради у Обиерикадан.

— Чунки хоҳламадим,— қатъий жавоб берди Обиери-

ка.— Хурсанд қиладиган бирор иш билан шуғулланишни афзал курдим.

— Коҳиннинг ҳукмига шак келтиряпсан, деб ўйлаш мумкин, ахир болани ўлдиргани топширишни у талаб этди-ку.

— Йўқ, мен ҳеч нарсага шак келтираётганим йўқ. Бу гапни қаердан топдинг? Коҳин мендан унинг хоҳишини бажаришни талаб қилгани йўқ-да.

— Ахир кимдир бу ишни бажариши керак эди-да. Агар ҳаммамиз қўлимиз қон бўлишидан қурқаверсак, Коҳиннинг ҳукми бажарилмай қоларди. Нима деб ўйлайсан, у ҳолда Коҳин нима қиларди?

Оконкво ўзинг яхши биласанки, менинг кондан қурқадиган жойим йўқ. Биров мени шунда айблагудек бўлса, билгинки, у ёлгон айтади! Сенга айтадиган гапим шуки, дўстим, сенинг ўрнингда мен бўлсам, бормасдан, уйда қолардим. Сизлар қилган иш ер маъбудасига хуш келмайди. Худди шундай ишлар учун маъбуда бутун-бутун оилаларнинг ёстигини қуритади.

— Ер маъбудаси унинг элчисига итоат этганлигим учун мени жазолаши мумкин эмас,— жавоб берди Оконкво. — Она ўғлига шамолни ҳам раво кўрмайди-ку.

— Тўғри,— қўшилишди Обиерика.— Мабодо Коҳин менинг ўғлимни улдиришни буюрса, қаршилик қилмасдим, бироқ ўлдиришда иштирок ҳам этмасдим.

Улар баҳсни давом эттирадиган авзои бор эди-ю, лекин Офоэду кириб қолди. У муҳим хабар келтирганлиги кўзларидан маълум эди. Лекин одоб юзасидан уни гапиртиришга шошмаслик лозим бўлди. Обиерика унга бир парча кола ёнғоғи берди, Оконкво билан бўлашиб ейишди. Офоэду бамайлихотир ёнғоқ чайнаб, чигирткадан гапирди. У еб бўлгач:

— Ғалати ишлар бўляпти,— деди.

— Нима гап ўзи? — сўради Оконкво.

— Огбуефи Ндулуени биларсиз? — сўради Офоэду.

— Огбуефи Ндулуени Ире қишлоғиданми? — деб баббараварига сўрашади Оконкво билан Обиерика.

— Ҳа, балли, уша, бугун эрталаб қазо қилди, — деди Офозду.

— Бунинг нимаси галати. Иреда ҳаммадан кексаси уша, — деди Обиерика.

— Шундайку-я, — қўшилишди Офозду. — Лекин, Умуофияни унинг вафотидан хабардор қилиб, нега ногора чалинмади?

— Нега? — яна баббараварига сўрашди Обиерика билан Оконкво.

— Ҳамма гап шунда-да. Унинг ҳасса таяниб юрадиган бош хотинини биласизларми?

— Ҳа, исми Озоэмена.

— Шундоқ, шундоқ, — деди Офозду. — Биласизларми, Озоэмена қарилиги сабабли Ндулуенинг касал вақтида равиш-рафтор қилолмади. Кичик хотинлари қараб туришди. Шундай қилиб десангиз, бугун эрталаб Ндулуе қазо қилгач, хотинлардан бири Озоэменанинг уйига кириб хабар берибди. Озоэмена шолчадан туриб, ҳассасини олибди-да, обига борибди. У эшик олдида тиз чўкиб, таъзим қилибди, шолчада ётган эрининг номини атаб чақирибди. «Огбуефи Ндулуе!..» — дея уч бор чақириб, ўз хонасига қайтиб келибди. Кичик хотин мурдани ювишга чақириб келай деб, яна олдига борса, Озоэмена улиб ётганкиш.

— Ҳа, бу чиндан ҳам галати иш, — деди Оконкво. — Демак, хотинини кўммагунча, Ндулуени кўмиш жониз эмас экан.

— Шунинг учун ҳам Умуофияга маълум қилиб, ногора чалишмади.

— Ҳамиша Ндулуе билан Озоэменанинг жони бир дейишарди, — деди Обиерика. — Мен бола эканимдаёқ, улар тўғрисида қўшиқ тўқишгани ёдимда. Ндулуе Озоэменадан бемаслаҳат бирор иш қилмасди.

— Менинг бундан хабарим йуқ эди,— деди Оконкво.— Уни ёшлигида зур одам булган деб уйлардим.

— У зўр одам ўтганлиги ҳам рост,— тасдиқлади Офозду. Оконкво шубҳаланиб бош ирғади.

— Урушда у Умуофияни бошлаб борган,— деди Обиерика.

Оконкво аста-секин ўзига келди. У уз хаёлини бирор нарса билан банд қилиб туриши лозим эди, холос. Агар у Икемefунани дала ишлари қизгин пайтда улдирса, унга бунчалик оғир бўлмасди — бутун вужуди билан ишга берилиб кетарди. Оконкво хаёлпараст эмас, иш кишиси. Иш билан бўлмаса, ақалли суҳбат билан ҳам овуниши мумкин эди.

Офозду кетгач, тезда Оконкво халтасини олиб, уйига жўнамоқчи бўлди.

— Мен энди борай,— деди у.— Ҳали хурмоларни каллаклаб қўйишим керак.

— Баланд хурмоларингни ким каллаклаб беради?— сўради Обиерика.

— Умезуликке,— жавоб берди Оконкво.

— Баъзан озо унвонига эга бўлмаганим дуруст эди, деб ўйлаб қоламан,— деди Обиерика.— Анави болалар каллаклаб, дарахтни хароб қилганини кўриб, юрагим тарс ажраб кетай дейди.

— Тўғри,— қўшилишди Оконкво,— лекин юрт таомилига бўйсунуш керак.

— Ўзи бу таомил қаёқдан пайдо булган бизда! — деди Обиерика.— Кўпгина бошқа қабилаларда унвонли одамнинг ўзи хурмога чиқиши мумкин. Бизда эса баланд дарахтга чиқиш мумкин эмас, лекин пастак дарахтни ернинг ўзидан туриб ҳар қанча каллакласа булади. Ит гўштини майдалаш учун ўз пичоғини бермаган (ит унинг учун харом эмиш), лекин у гўштни тишлари билан бурдалаган Димарагананинг худди ўзи.

— Менимча эса қабиламизда озо унвонини бунчалик

ҳурмат қилишлари яхши гап,— деди Оконкво.— Сен айтаётган қабилаларда бу унвоннинг қадри шунча пастки, уни ҳар бир гадо ҳам олиши мумкин.

— Мен шунчаки ҳазиллашдим, -- деди Обиерика.— Абама билан Апинтада унвон икки каури ҳам турмайди.— У ерда ҳар бир эркак бу унвон рамзи сифатида тўпигига ип боғлаб юради, агар у ўғри бўлса ҳам шу унвондан маҳрум этилмайди.

— Нимасини айтасан, озо деган номга доғ туширишди улар,— деди Оконкво ва кетгани кўзғолди.

— Ҳадемай қариндошларим ҳам келиб қолишса керак,— деди Обиерика.

— Мен тезда қайтаман,— деб жавоб берди Оконкво ва вақт қанча бўлганини офтобга қараб билиш учун осмонга тикилди.

Оконкво қайтиб келиб, Обиериканикида етти киши ўтирганини кўрди. Бу ерда йигирма беш ёшлар чамасидаги куёв, унинг отаси ва амакиси ўтирарди. Обиерика томонидан унинг икки акаси билан ун олти яшар ўгли Мадука ҳозир булган эди.

— Она Алукега айтгин, бизга кола ёнғоғи берсин,— деди Обиерика ўғлига. Мадука лип этиб, хонадан ташқари чиқди. Суҳбат мавзуи бирпасда Мадукага бурилди, унинг жуда ўткир бола эканини ҳамма эътироф этди.

— Баъзан, назаримда у ҳаддан ташқари ўткиргга ўхшаб кўринади,— деди Обиерика тавозе билан.— Ҳеч қачон хотиржам юрмайди, қачон қарасанг, бир ёққа шошилаётган булади. Бирор иш буюргудек бўлсанг, гапингни охиригача эшитмаёқ, қанот пайдо қилиб учади.

— Буни сенга ўхшайди,— деди унинг акаси.— Катта арава қаердан юрса, кичик арава шу ердан юради», деган гап бор. Мадука, сенинг оғзингга қараб турган, албатта.



У гапани тугатганича йуқ эди, Мадука заранг тоғорада уч кола ёнгоғи ва тимсоҳ мурчи кўтарган угай синглиси Акуэкени бошлаб кириб келди. У зарангни катта амаки-сига бериб, уяла-уяла куёв ва унинг қариндошлари билан қўл бериб кўришди. У ун олтиларга борган, куринишидан эрбоп булиб, тирсиллаб турарди. Куёв ва унинг қариндошлари бунга қаноат ҳосил қилмоқчидай унинг ёш гавдасига синчковлик билан тикилишарди.

Қиз сочини тепага кутариб танғиб қуйганди. Баданига билинар-билинемас қизил дарахт шарбати суриб, бутун тана-сига қора бўёк билан нақшлар солганди. Унинг буйнидаги уч кават қора маржон диркиллама кўкрагига тушиб турарди. Қизил ва сариқ билагозуклар қулларига оро берган, белини эса бир неча қатор мунчоқ чирмаб турарди.

Меҳмонларнинг қулини қисиб ёки, тўғрироғи, улар қис-иши учун уз қулини узатиб, Акуэке овқат пиширишга қара-рашиш учун онасининг уйига қайтди.

— Аввало белингдан мунчоғингни еч,— деди онаси унга ёнида турган кели сопни олиш учун учоқ устига эн-гашаркан.— Сенга неча марта айтдимки, жигида оловга чи-даш бермайди деб. Ҳеч гапга кирмадинг-кирмадинг. Ку-лоғинг савлатга яратилган. Мунчоғинг ёниб кетса ушанда биласан!

Акуэке хонанинг нариги бурчагига бориб, белидан мунчоқларини еча бошлади. Бу ишни секин ва эҳтиётлик билан, ҳар бир ипни алоҳида-алоҳида чиқариб қилиш керак эди, акс ҳолда ип узилиб кетиб, қанчадан-қанча майда мун-чоқларни яна ипга тизиш лозим бўларди. У ҳар бир ипни пастга тортиб, то мунчоқлар оёғига тушгунга қадар, кафт-лари билан крсини силарди.

Шу орада обидаги эркаклар Акуэкенинг қаллиғи олиб келган хурмо шаробини ича бошлашди. Шароб жуда яхши ва зур эди. Кўза оғзига шаробнинг вишиллаб чиқмаслиги

учун хурмо тиқиб қўйилган бўлса ҳам шароб қаттиқ кўпириб, кўза оғзидан оппоқ кўпик пишқириб чиқарди.

— Бу шаробни жуда устаси солган экан,— деди Оконкво.

Исми Ибе бўлган ёш куёв мамнун жилмайиб, отасига: — Эшитяпсанми, нима дейишяпти? — деди. Сўнгра бошқаларга қараб тушунтирди — Лекин мана бу одам мен ўз ҳунаримнинг пири эканлигимни сира-сира тан олмайди.

— У менинг учта хурмомни шунақанги бошлаб каллак-ладики, сал булмаса қуриб коларди,— деди унинг отаси Укегбу.

— Бунга беш йил бўлди-ку, ахир,— дея эътироз билдирди Ибе шароб куя бошлаб.— У вақтда мен дарахт каллак-лашни билмасдим.

У дастлабки мугузни тўлдириб, отасига узатди. Кейин бошқаларга қўйди. Оконкво эчки тери халтасини очиб, ундан каттакон мугуз олди-да, ичига чанг утириб қолган бўлмасин дея пуфлаб, Ибенинг олдига суриб қўйди.

Шароб устида эркаклар не-не гапларни гаплашишди-ю, лекин асл мақсад тўғрисида бир оғиз ҳам гап бўлмади. Кўза бутунлай бўшатилгач, куёвнинг отаси йўталиб қўйди-да, келишларидан мақсад нима эканлигини айтди.

Шунда Обиерика унга калта чўплардан иборат кичик бир боғламни узатди. Укегбу уларни санаб чиқди.

— Улар ўттиз донами? — сўради у.

Обиерика тасдиқлаб бош қимирлатди.

— Бупти, шундан бошлаймиз бўлмаса,— деди Укегбу. Кейин акаси билан ўғлига:— Юринглар, ташқарига чиқиб, секин маслаҳатлашиб олайлик,— деди. Учовлари ўринларидан туриб чиқиб кетишди. Улар қайтиб киришгач, Укегбу боғламни Обиерикага берди. Чўпларни санаб кўришди. Ўттизта ўрнига атиги ўн бешта қолган эди. Обиерика чўпларни акаси Мачига берди, у ҳам санаб чиқиб, бундай деди:

— Биз ўттиздан пастга тушишни ўйламовдик. Бироқ

бир ит: «Мен сенга ол-ол десам, сен менга ол-ол десанг — ўйин бўлади», деган экан. Совчилик жанжал эмас, ўйин бўлиши керак. Шундай қилиб, биз қушамиз.— У ун беш чўп ёнига яна ун чўп қўшиб, боғламни Укегбуга узатди.

Аста-секин Акуэкенинг қалини йигирма қоп каурига келиб тўхтади. Ниҳоят ҳар икки томон бигимга келганида қош қорайган эди.

— Она Акуэкега бориб айт, биз ишни битирдик,— деди Обиерика ўғли Мадукага.

Шу заҳоти обига каттакон тоғорада фуфу кўтариб, аёллар кириб келишди. Уларнинг кетидан Обиериканинг иккинчи хотини шўрвалик куза, Мадука эса бир куза шароб слиб киришди.

Эркаклар тановул қилиб, шароб ичиб, қўшни қишлоқларнинг таомиллари ҳақида гаплашиб ўтиришди.

— Шу бугунгина эрталаб,— деди Обиерика,— биз Оконкво билан Абаме ҳамда Аните тўғрисида гаплашувдик,— уларда унвонли эркакларнинг ўзи дарахтга чиқади, хотинларига фуфу пишириб беради.

— Уларда ҳамма иш тескари. Келиннинг қалини ҳақида улар чўп орқали битишишмайди, аксинча бозордан эчки ёки сигир сотиб олаётгандай жанжаллашиб, савдолашишади.

— Бу жуда ёмон гап,— деди Обиериканинг тўнғич акаси.— Лекин бир жойда яхши деб ҳисобланган нарса, бошқа ерда ҳамиша ёмон дейилади. Умунсода, масалан, ҳатто чўп билан ҳам сира-сира савдолашишмайди. У ерда келиннинг қариндошлари тухтатмагунча куёв қопда каури ташиб келаверади. Бу ярамас таомил, чунки уларда иш ҳамиша жанжал билан тугайди.

— Дунё кенг,— деди Оконкво.— Баъзи қабилаларда бола отага эмас, онага, онанинг оиласига мансуб бўлади, деган гапларни ҳам эшитдим.

— Бўлмаган гап,— деди Мачи.— Бола қилаётганда аёл киши эркакнинг устида ётади ҳам дерсан ҳали.

— Бу оқ танли одамлар ҳақидаги эртақларнинг ўзгинаси — улар худди бўрга ўхшаган оқ эмиш гўё, — деди Обнерика ўз обисидаги ҳар бир эркак қўлида булган ва кола ёнғоғи ейишдан аввал ерга чизиладиган бўр парчасини курсатиб. — Айтишларига қараганда, шу оқ танли одамларнинг оёқларида панжа ҳам йўқ эмиш.

— Нима, сен уларни ҳеч кўрмаганмисан? — суради Мачи.

— Наҳотки, сен кўрган булсанг? — деди Обнерика.

— Бўлмаса-чи, уларнинг биттаси шу ерда юради-ку ҳамиша, — жавоб берди Мачи, — исми Амади.

Амадини билганлар қотиб-қотиб кулишди. У пес эди, песларни андиша қилиб «оқ танли» деб аташ расм эди.

### *Тўққизинчи боб*

Оқонжво уч кундан буён биринчи марта ухлади. Кечаси у чўчиб уйғонди, хаёлига яна ўша ўтган кунлар келди-ю лекин аввалгидек ташвишланмади. У бунчалик безовта бўлганлиги боисини билолмай, энди ҳайрон қоларди. Одам кечаси кўрган тушидан нега бунчалик қўрққанини ўйлаб, ёп-ёруғ кундуз кун шундай ҳайрон бўлса керак-да. У керишиб, уйқудалик пайтида пашша чаққан сонини қашиди. Бошқа бир пашша ўнг қулоғи атрофида гинғиллади. У пашшани ўлдирмоқчи бўлиб, қулоғига шапатилади. Нега улар ҳамиша қулоқни чақаркин-а? Болалик чоғида унга онаси шу ҳақда эртақ айтиб берган эди. Лекин бу эртақ ҳам аёлларнинг барча эртақларига ўхшаш бемаъни эди. Уша эртақда бир кун Пашша Қулоқни ўзига хотинликка таклиф этганлиги ҳикоя қилинади. Унга жавобан Қулоқ қотиб-қотиб кулиб: «Яна қанча яшамоқчисан ўзинг? — деб сўрайди. — Шундоқ ҳам қуруқ суюқнинг ўзисан-ку». Пашша араз-

лаб учиб кетади-да, кейин ҳар сафар Қулоқни кўрганнда: «Мана, кўрдингми, ҳали тирикман», дейди.

Оконкво ёнбошига ағдарилиб, яна уйқуга кетди. Эрта-лаб эшик тиқирлашидан уйғонди:

— Ким?— жаҳли чиқиб сўради. Тиқирлатган фақат Эквефи бўлиши мумкинлигини биларди у. Уч хотинидан фақат Эквефи унинг эшигини тиқирлатишга журъат этарди, холос.

— Эзинма оғир тортиб қолди,— хотинининг овози эшитилди. Бу сузларда Эквефи ҳаётининг бутун фожиаси, бутун бахтсизлиги мужассамланган эди.

Оконкво сакраб туриб, тамбани кўтарди ва Эквефининг хонасига отилди.

Эзинма бутун вужуди дағ-дағ титраб, шолчада ётар, унинг ёнида эса онаси кечаси билан ўчирмаган олов ловулаб ёниб турарди.

— Бу иба,— деди Оконкво.

Дарҳол у мачетесни олиб ибага қарши дори тайёрлаш учун зарур барг, ўт-ўлан ва дарахт пўстлоқларини топиб келгани урмонга жўнади.

Эквефи бемор қизи олдида тиз чўкиб ўтирар ва ҳадеб унинг алангаи-оташ бўлиб ёнаётган нам пешонасини силарди.

Эзинма Эквефининг якка-ёлғиз фарзанди, оламда унинг учун энг қимматли зот эди. Онаси тушликка нима пиширишини кўпинча Эзинма ҳал қиларди. Эквефи унга болалар камдан-кам ейдиган тухум ҳам берардики, тухум болаларда ўғирликка майл пайдо қилади деб ҳисоблашарди. Бир куни Эзинма тухум еб ўтирганда, тўсатдан хона ичига Оконкво кириб қолди. Унинг жуда жаҳли чиқиб кетди ва бундан сўнг Эквефи қизига тухум берса, уни калтаклашга аҳд қилди. Бироқ Эзинма сўраган бирор нарсани бермасликнинг ҳечам иложи йўқ эди. Отаси ман

қилиб қўйганидан кейин Эзинма тухумга яна ҳам ҳирс қўйди, тухумни яшириб ейиш унга айниқса ёқарди. Она-си тухум берганда, уни ҳамиша орқа хонага олиб ўтиб, эшикни бекитиб қўярди.

Эзинма ўз онасини ҳамма болаларга ўхшаб «ннэ» демасди. Қизи отаси ва бошқа катта одамларга ўхшаб, унинг исмини айтиб, Эквефи деб чақирарди. Эквефи билан Эзинма ўртасидаги муносабат она ва бола ўртасидаги оддий муносабат эмасди. Бу муносабат кўпроқ ёши барабар одамларнинг дўстлигига ўхшардики, бу ҳол орқа хонада тухум билан меҳмон қилишдек кичкина сирларни яширишга анча ёрдам берди.

Эквефи ўз ҳаётида кўп нарсаларни бошдан кечирган. У ўн бола туққан, шулардан тўққизтаси гўдаклик чоғида, кўпинча уч ёшга ҳам кирмай нобуд бўлган. У болаларини бирин-кетин кўмавериб, ғам-алами аста-секин бутунлай умидсизликка ва тақдирга аллақандай хафалик билан бўйсунушга айланиб кетди. Фарзанд кўриш аёл кишига олий ҳурмат келтиради, бироқ Эквефига келажакда ҳеч қандай қувонч ваъда қилмай, фақат жисмоний азоб берарди. Саккизинчи бозор ҳафтасидаги тантанали исм қўйиш маросими ҳар сафар қуруқ гапга айланарди. Унинг умидсизлиги тобора ортиб бораётганлиги ўз болаларига исм қўйишида ифодасини топарди. Улардан бири: Онвумбико — «Ажал, шафқат қил!» деган исм дунёни вайрон этувчи нидодек эшитилди. Бироқ ажал унинг илтижосига қулоқ солмади. Онвумбико ўн беш ой ҳам яшамай вафот этди. Кейин қизи Озоэмена — «Энди бундай бўлмайди» туғилди. У ўн биринчи ойга борганда оламдан ўтди. Ундан кейин яна икки фарзанди нобуд бўлди. Шунда Эквефи қисматига рози бўлиб, кейинги гўдагини Онвума — «Ажал, олсанг-олавер» деб атади. Ажал ҳам ола қолди.

Эквефининг иккинчи боласи ўлгач, Оконкво Афа Кохиннинг соҳиб каромати бўлган бир табиб олдига бориб,

ундан маслаҳат сўради. Табиб унга Эквефининг боласи—*огбание*, яъни ўлганидан кейин қайта туғилиш учун она-нинг қорнига қайтиб кирадиган жинлардан бири эканини айтди.

— Хотиннинг янаги сафар оғир оёқли бўлганида ўз хонасида ётмасин,— деди табиб.— Қариндош-уруғлари-ни-ни-ни кетсин. Шундагина у ўз қийновчисидан қутулиши ва туғилиш билан ўлимнинг бундай бемаъни айланаверишидан қутулиши мумкин.

Эквефи унинг айтганини қилди. Оғир оёқ бўлиши биланоқ бошқа қишлоқда истиқомат қилувчи кампир она-ни-ни-ни кетди. Учинчи боласи ўша ерда туғилди, саккизинчи кун кесиш маросими ҳам ўша ерда ўтди. Оконкво-нинг қўрғонига Эквефи исм қўйилишига уч кун қолганда қайтиб келди. Болага Онвумбико деб исм қўйинди.

Онвумбико ўлганида, уни одатдаги маросим билан кўмишмади. Оконкво *огбание* болаларни жуда яхши билиш-да донг чиқарган бошқа табибга борди. Унинг исми Окагбуе Уянва эди. Найнов, кўса соқол бу одам ўзининг бутун турқи-таровати билан ҳайрон қолдирарди. У оқ ранг бўлиб, ўткир кўзларида қизил ўт чақнаб турарди. У олди-га маслаҳатга келган одамларнинг гапига қулоқ соларкан, ҳамиша тишларини гичирлатарди. Табиб ўлган бола ҳақи-да Оконквога бир неча савол берди. Кўмиш маросимига келган кўни-қўшни ва қариндош-уруғлар атрофда уймала-шиб юришарди.

— У қайси бозор кун туғилганди?— сўради табиб.

— Ойе кун,— жавоб берди Оконкво.

— Бугун эрталаб қазо қилдимиз?

— Шундай,— жавоб берди Оконкво. Бола қайси бозор кун туғилган бўлса, ўша кун нобуд бўлганини Оконкво шундагина тушунди. Қўни-қўшни ва қариндош-уруғлар ҳам бу ўхшашликни таъкидлаб, булар бари жилла

бекорга бўлмаса керак албатта, деб бир-бирлари билан гаплашарди.

— Хотининг билан қаерда ётасан, ўз обингдами ёки унинг хонасидами?— сўради табиб.

— Унинг хонасида.

— Бундан буён уни ўз обингда олиб ёт.

Шундан кейин табиб ўлган болага одатий расм-русм қилмасликни буюрди. У пўстак халтадаги ўткир устарани олиб, мурданинг гавдасини ажи-бужи қилиб ташлади, кейин оёғидан судраб Ҳаром ўрмонга элтди. Агарда Оғбание ҳатто бармоқсиз қолган, бадани табиб устараси қолдирган жароҳат излар билан тўлган тақдирда ҳам орқага қайтишдан тап тортмайдиган қайсар одамлар сирасидан бўлмаса, кайтиб бориш ё бормаслик устида яхшилаб ўйлаб кўриши керак бўларди.

Опвумбико ўлган даврга келиб Эквефи жуда шафқатсиз бўлиб қолди. Эрининг бош хотинидан саралагандек соғлом ва бақувват уч ўғли бор эди. У учинчи ўғлини туққанида, таомилга кўра, Оконкво унга эчки совға қилди. Эквефи уни ёмон кўрмасди-ю, лекин ўз чисидан жуда кўнгли хира бўлиб, ўзгаларнинг муваффақиятидан қувонишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам она Нвойе уч ўғил кўрганлигини музика ва зиёфат билан нишонлаганида ҳамма меҳмонлар ўйнаб-кулиб ўтирса ҳам, фақат Эквефининг кунгли ёришмади. Она Нвойе бунга аёллар ўртасида жуда кўп учрайдиган бахиллик деб тушунди. Эквефи қалбига йиғилиб қолган дард-аламни ўзгаларга изҳор этмай, ўз ич-этини еяётганини: у бошқа одамнинг бахтидан эмас, ўзини бахтсиз қилган чисидан хафа эканини Нвойе қаёқдан билсин.

Мана, ниҳоят Эзинма туғилди. Эквефининг чамасида у касалманд бўлса ҳам яшаб кетди. Дастлаб Эквефи унинг туғилишига одатдагича лоқайд умидсизлик билан қаради. Бироқ қиз тўрт, беш, олти... ёшгача яшаб борди. Шунда



Эквефида оналик муҳаббати туйгуси, бу туйғу билан бир-га ташвиш ҳам пайдо бўлди. У болани улғайтиришга аҳд қилди ва ўзини бутунлай шунга бағишлади. Эзинма соғайган ва янги хурмо шаробидек жўшган бир неча кун Эквефининг бу фидойилиги учун мукофот булди. Шундай вақтларда унинг учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқдай туюларди. Бироқ сира кутилмаганда Эзинма яна оғирлашиб қоларди. Унинг *огбание* эканини ҳамма биларди. Бундай кутилмаганда касалликдан соғлиққа ўтиш *огбаниеларга* хосдир.

Шунга қарамай, у узоқ яшаб қолдики, бу дунёда абадий қолиш фикрига келганлиги аниқ эди. Айрим *огбаниелар* ҳаёт билан улим ўртасида ҳадеб айланаверишдан чарчаб ёки оналарига раҳмларни келиб яшаб қолган ҳоллар бўлган. Эзинма яшаш учун туғилганига Эквефи ичидан ишонарди. Эквефи ишонарди, чунки ана шу ишонч унинг ҳаётига қандайдир маъно берарди. Бир йилча аввал табиб Эзинманинг *ийи-увасини* қазиб олганида, унинг ишончи яна ҳам мустаҳкамланди. Энди Эзинманинг яшаб кетишини ҳамма билди, зотан унинг *огбание* олами билан алоқаси бутунлай узилган эди-да. Эквефи бир оз тасалли топди. Бироқ у ўз қизидан шундай зўр ташвишда эдики, қўрқинчларидан буткул қутула олмади. Эквефи табиб қазиб олган *ийи-ува* ростакам эканига ишонса ҳам, баъзи харом болалар одамларни атайин адаштиришини, шунда одамлар сохта *ийи-ува* қазиб олишини ёддан чиқара олмасди.

Бироқ Эзинманинг *ийи-уваси* ростакамга ухшарди. У ифлос латтага ўралган силлиқ тош эди. Уни қазиб олган ҳам унча-мунча одам эмас, бу соҳада билимдонлиги билан донг таратган Окаббуенинг ўзи. Аввалига Эзинма табибга ёрдам бергиси келмади. Бироқ шундай бўлиши ҳам керак. *Огбаниелардан* ҳеч ким ўз сирини осонлик билан очиб бермайди, уларнинг кўпчилиги бу сирни ҳеч қачон

очмаган ҳам — улар саволга жавоб бера оладиган ёшга бормай, жуда эрта ўлиб кетишарди.

— *Ўз ийи-увангни қаерга кўмгансан?*— деб сўради Окагбуе Эзинмадан. Ўша пайтда у тўккиз яшар бўлиб, оғир хасталикдан эндигина тузалган эди.

— *Ийи-ува* нима ўзи?— сўради у бунга жавобан.

— *Ўзинг жуда яхши биласан. Сен ўлганингдан кейин қайтиб келиш ва онангни яна кийнаш учун ийи-увани бир жойга кўмиб қўйгансан.*

Эзинма ўзига ғам-андуҳ ва илтижо тўла кўзлари билан боқиб турган онасига қаради.

— Қани, жавоб бер,— дағдағали овоз билан буюрди унинг ёнида турган Оконкво. Бутун она ва кўпгина қўшнилари шу ерда эди.

— Қўй! У билан ўзим гаплашаман,— хотиржам ва ҳокимона гапирди табиб Оконквога қараб. У яна Эзинмага ўғирилди.

— *Ўз ийи-увангни қаерга кўмгансан?*

— Болаларни кўмадиган жойга,— жавоб берди қиз. Товуш чиқармай турган томошабинлар ғўнғирлашиб қолди.

— Мен билан юр, ўша жойни кўрсатасан,— буюрди табиб.

Олдинда Эзинма, унинг орқасидан қадам-бақадам Окагбуе, ундан кейин Оконкво билан Эквефи, уларнинг кетидан эса қолганларнинг ҳаммаси боришарди. Катта йўлга чиққач, Эзинма чапга — сой томога бурилди.

— Айтдинг-ку, болаларни кўмадиган жойда деб,— деди табиб.

— Йўқ,— деди Эзинма бўлган воқеанинг бутун аҳамиятини тушунгандек кескин одимлаб. У гоҳ чопар, гоҳ тўсатдан тўхтаб қоларди. Одамлар индамай унинг орқасидан боришарди. Сойдан, кўзачаларига сув тўлдириб бошларига қўйиб келаётган аёллар ва болалар нима гаплиги-

ни тушунмай ҳайрон булиб туришар, лекин Окагбуени кўргач, *огбаниега* алоқадор иш эканлигини дарҳол фаҳмлашарди.

Каттакон уда дарахтига етгач, Эзинма чапга, ўрмон томонга бурилди: одамлар унинг орқасидан юришди. Кичкина Эзинма дарахтлар ва лианалар орасидан ҳамроҳларига қараганда чаққонлик билан ўтиб борарди. Ўрмон одамлар оёғи остига тўкилган барглarning шитир-шитирига, синаётган шохлар қасир-қусурига ва суриб ўтилаётган буталарнинг чарс-чурсига тўлди. Эзинма ўрмон ичкарасига кириб бораверди, бошқалар унинг кетидан боришарди. Тўсатдан у қайрилиб, орқасига — катта йулга қараб юрди. Ҳамма уни утказиб юбориш учун тўхтади, кейин унинг орқасидан кетма-кет йулга тушди.

— Агар бизни бекорга шундай олис жойга олиб келган бўлсанг, роса таъзирингни бераман,— кўрқитди Оконкво.

— Сенга айтяпман-ку, унга тегма. Улар билан қандай муомала қилиш кераклигини мен биламан,— деди Окагбуе.

Эзинма катта йулга қайтиб чиққач, чапга ва ўнгга қаради-да, ўнгга бурилди. Тезда у уйига қайтиб келди.

— Ўз *ийи-уванг*ни қаерга кўмгансан?— сўради Окагбуе ниҳоят Эзинма отасининг обиси олдида тўхтагач. Окагбуе овозини ўзгартмади. У ҳамон босиқ ва ҳокимона оҳангда гапирарди.

— Ҳув анави ерга, апельсин тагига,— деди Эзинма.

— Акалоголанинг ҳаром қизи, нега шуни дарров айтмадинг?— бақирди Оконкво.

Табиб унга эътибор бермади.

— Менга аниқ жойини кўрсат,— деди у Эзинмага хотиржам бир вазиятда.

— Мана шу ерда,— деди Эзинма одамлар дарахт ёнига келгач.

— Бармоғинг билан кўрсат!— деди Окагбуе.

— Мана шу ерда,— деди қиз бармоғини тупроққа ниқтаб. Оконкво унинг ёнида турар ва бақирини ёмғирдан олдинги чақмоқни эслатарди.

— Менга чўқморни олиб келинглар,— буюрди Окагбуе.

Эквефи чўқмор олиб келганида у пўстак халтасини ҳам, кийим-бошини ҳам ечиб ташлаган, эғнида фақат газмол, белидан айлантириб ўралиб, оёқлари орасига тушириғлиқ узун ва энсиз газмол қолган эди. У Эзинма кўрсатган жойни дарҳол қазий бошлади. Ура тобора чуқурлашиб бораётганини томоша қилиб, ҳамма атрофда ўтирарди. Ернинг юқори қорамтир қатлами тезда тугаб, хотинлар ўз уйлари деворини ва полини бўяйдиган оч-қизил тусдаги тупроқ бошланди. Окагбуе индамай, дам олмай қазирди, елкаси тердан ярқирарди. Оконкво ўранинг четида турарди. У Окагбуега ўрадан чиқиб, бир оз дам олишни таклиф этди, ўзи қазимоқчи бўлди. Бироқ Окагбуе ҳали чарчамаганлигини айтди.

Эквефи ямс пиширгани ўз хонасига кетди. Бу сафар эри унга одатдагидан кўп ямс берди — табибни меҳмон қилиш лозим эди. Эзинма у билан бирга сабзавот артишгани жўнади.

— Кўкат жуда кўп-ку,— деди у.

— Хумча тўла ямс эканини кўрмаяпсанми ахир,— деб жавоб берди Эквефи.— Ундан кейин, биласанки, пиширгандан кейин кўкат ҳамиша озайиб қолади.

— Биламан,— деди Эзинма,— калтакесак илон шунинг учун ўз онасини ўлдирган-да.

— Ҳа, балли,— деди Эквефи.

— Пишириш учун,— деб давом этди Эзинма,— у ўз онасига етти сават сабзавот берибди, пиширгандан кейин атиги уч сават қопти. Шунда у онасини ўлдириб қўйган экан.

— Эртақ шунинг ўзи билан тугамайди.

— Э-ҳа, энди эсимга тушди!— деб юборди Эзинма.— Калтакесак илон яна етти сават сабзавот олиб келиб, ўзи пиширган экан. У яна атиги уч сават чиқибди. Шундан кейин у ўзини улдирибди.

Окагбуе билан Оконкво эса Эзинманинг *ийи-увасини* излаб ҳануз қазишарди. Қўшнилари атрофда кутиб ўтиришарди. Ҳа шунчалик чуқур бўлиб кетган эдики, ким қазиётгани ҳам кўринмасди. Қизил тупроқ уюми тобора баландлашиб борарди, холос. Оконквонинг ўғли Нвойе бирор нарсани назардан қочирмаслик учун ўранинг шундоққина оғзида турарди.

Тўсатдан Окагбуе ўрадан қоплондек чаққонлик билан сакраб чиқди.

— Яқинлашиб қолди!— деди у.— Кўнглим сезиб турибди.

Бир лаҳзада ҳамма ҳаяжонга келди: ўтирганлар дик этиб ўрнидан туриб кетди.

— Хотининг билан қизингни чақир,— деди табиб Оконквога. Эквефи билан Эзинма эса шовқин-суронни эшитиб, нима бўлганини кўриш учун ўзлари хона ичидан югуриб чиқишди.

Томошабинлар зич девор бўлиб ўраб турган ўрага Окагбуе яна сакраб тушди. Чуқморни у яна бир неча марта урган эди, тўсатдан *ийи-увага* урилди. Табиб уни чўқмор билан авайлаб олиб олиб, юқорига ташлади. Аёллар қурққанидан ҳар тарафга тўзиб кетишди. Лекин тезда улар яна келишди, энди барча томошабинлар хийла нарида туриб, тугунчага қарашарди. Окагбуе ўрадан чиқиб, ҳеч кимга қарамай, пустақ халтаси олдига келиб, ундан икки-та барг олди-да, чайнай бошлади. Оғзидагини ютиб бўлгач, у чап қўли билан тугунчани олиб, аста ечди. Ундан силлиқ ярқироқ тош тушди. Окагбуе тошни қўлига олди.

— Шу сеникимми?— сўради у Эзинмадан.

— Ҳа,— жавоб берди у. Барча аёллар хурсандликдан бақриб юборди,— ниҳоят Эквефининг бахтсизлиги тамом бўлди.

Буларнинг ҳаммасига бир йилдан кўпроқ бўлди ва ўшандан буён қиз бир марта ҳам касал бўлгани йўқ. Лекин бугун кечаси Эзинма тўсатдан иситмалаб қолди. Эквефи уни ўчоққа яқин суриб ётқизди, тагига шолча солиб, олов ёқди. Лекин қизнинг аҳволи тобора оғирлашиб бораверди. Эквефи унинг олдида тиз чўкканча, алангаи-оташ бўлиб ёнаётган ҳўл пешонасини силар, сиғингани-сиғинган эди. Кундошлари бу касал иба холос, десалар ҳам Эквефи уларнинг гапига қулок солмасди.

Оконкво ўрмондан чап елжасида бир қучоқ ўт ва барг, дори ўсимликларнинг илдиз ва пўстлоқларини орқалаб қайтди. У Эквефининг хонасига кирди-да, юкини қўйиб, ўтирди.

— Сархумни олиб кел,— деди у,— болани ўз ҳолига қўй.

Эквефи сархумга кетди, шу пайт Оконкво зарур миқдорда шифо ўсимликлардан олиб, уларни майдалади. Кейин уларни сархумга солди, Эквефи унга сув қўйди.

— Бўлдими?— сўради у сархумнинг ярмигача қўйиб.

— Яна озгина... озгина дедим. Қулоғинг том битганми?— жаҳл билан бақирди Оконкво.

Эквефи сархумни оловга қўйди. Оконкво эса мачетесини олиб, уйига қайтадиган бўлди.

— Сархумга қараб тур,— деди у кетаркан,— доривор кўп қайнаб кетмасин, бўлмаса, бутун кучини йўқотади.

Оконкво ўз хонасига кетди. Эквефи эса дориворли сархумга худди касал болага қарагандай авайлаб қараб турди. Унинг нигоҳи Эзинмадан сархумга, сархумдан Эзинмага тез-тез кўчарди.

Оконкво дориворни етарлича қайнаб бўлди деб ҳисоблагач, қайтиб келиб сархумга қаради-да, тайёр бўпти, деди.

— Менга пастақ скамейка билан қалин шолча олиб кел,— деб буюрди у.

Кейин сархумни оловдан олиб, скамейка олдига қўйди. Буг кутарилиб турган сархумга яқин қилиб скамейкага Эзинмани ётқизди ва ҳамма ёғини қалин шолча билан ураб қўйди. Эзинма шолчадан, димиқтирувчи буғдан нари кетишга интилиб, тўлғанар, лекин уни маҳкам ушлаб туришар эди. У бақириб йиғлай бошлади.

Ниҳоят шолчани очишганда қиз ғарқ-ғарқ терлаб кетганди. Эквефи уни тоза латта билан артиб қўйди, кейин қуруқ шолчага олиб ётқизган ҳам эди, тезда уйқуга кетди.

### Унинчи боб

Жазирама бир оз пасайиб, қуёш тиғи баданни куйдирмайдиган бўлгач, халойиқ ҳамма томондан қишлоқ илоси томон оқиб кела бошлади. Куп кишилиқ маросим куннинг айни шу пайтида бошланарди. Ҳатто маросим «тушлик овқатдан сўнг бошланади» деб эълон қилишган бўлса ҳам у анча кеч — иссиқнинг бир оз тапти қайтгач бошланишини ҳамма биларди.

Одамларнинг жойлашувидан бу маросим эркакларники экани аниқ эди. Хотин-қизлар кўп эди-ю, лекин улар четдан туриб кузатувчилар сифатида ило атрофида уймалашарди. Унвонлик эркаклар билан оқсоқоллар ўз курсичаларида ўтириб, суд бошланишини кутишарди. Рубаруда бир неча бўш курсича қолган бўлиб, уларнинг сони тўққизта эди. Кичик-кичик икки гуруҳ одам хийла нарида, курсичалар орқасида, оқсоқолларга юзма-юз турарди. Бир гуруҳда уч эркак, иккинчи гуруҳда эса уч эркак билан

бир аёл бор эди. Аёлнинг исми Мгбафо эди. Унинг ёнида уч акаси турарди. Иккинчи гуруҳ Мгбафонинг эри Узовулу билан қариндошлари эди. Мгбафо билан акалари худди ҳайкалтарош хоҳиши билан қиёфасида жангталаблик акс этиб қолган ҳайкаллардай қимир этмай туришарди. Узовулу билан қариндошлари, аксинча, бемалол шивирлашарди. Аниқроғи, четдан қараганда, ана шундай кўринарди. Аслида улар барала овоз билан гаплашарди. Бу ерда ҳамма худди бозордагидек бақириб-чақириб гаплашарди. Олисдан оломоннинг ғовур-ғувури шамол олиб келган тўлқин садосига ўхшарди.

Темир бонг садолари эшитилиб, халойиқ тоқатсизлана бошлади. Ҳамманинг нигоҳи *эвугвулар* хонасига қадалган эди. Бўм-бўм, бўм-м қилиб бонг чалди, най аллақандай куйни янгроқ ва таъсирли тараннум этди. Мана, *эвугвулар*нинг ларзага солувчи бўғиқ овози ҳам эшитилди. Хотин-халаж, бола-чака худди тўлқин босиб келаётгандай саросима ичида қоча бошлашди. Лекин фақат дастлабки минутда шундай бўлди. Улар шунчалик олисда туришардики, бирор *эвугву* шу томонга кела бошласа, исталган вақтда қоча олишарди.

Узуқ-узуқ ноғора садоси келди, най овози эшитилди. *Эвугвулар* хонасидан баланд овоз билан тартибсиз хор эшитилди.

— *Ару ойим де де де деи!*— ота-боболарнинг ер остидан чиққан арвоҳлари бир-бирларини сирли тилда табриклашарди.

Улар пайдо бўлган *эвугвулар* кулбаси олисда бўлиб, ўрмон томонга қараган, шунинг учун одамлар унинг анвои ранг нақш ва расмлар солинган (бу нақш ва расмларни махсус қўйилган аёллар мунтазам равишда янгилаб туришарди) орқа томонинигина кўриши мумкин эди. Кулбанинг ички томонини бу аёллар ҳеч қачон кўришмаганди. Уни хотин зоти кўрмаганди. Улар эркаклар назорати ос-



тида ташқаридаги деворларни қириб, янгидан бўяшарди. Улар ичкарида нима борлигига фаҳмлари етса ҳам, бу гапни сир сақлашарди. Ҳеч қачон бирор аёл ҳар қандай бошқа маросимларга қараганда кўпроқ ақлни ҳайрон қолдирадиган ва энг кўп сир-синоатга эга бўлган бу маросимга тегишли савол берган эмас.

— *Ару ойим де де де деи!*— Бу нидолар ёпиқ кулба ичидан алнга тилига ўхшаб ёриб чиқарди. Ота-боболарнинг арвоқлари ўз маконини тарк этганди. Темир бонг энди тўхтовсиз чалар ва ана шу бутун бўшлиқ устида найнинг янгроқ, қалбга яқин садоси текис сузиб юрарди.

Мана *эгвугу*лар ҳам пайдо булди. Хотин-халаж, бола-бақра қаттиқ сурон кўтариб, қоча бошлади. Бу бутунлай ғайри ихтиёрий қочиш эди. Бирорта *эгвугу* зоти кўринди-ми, бас, хотинлар ҳамиша тумтарақай бўлиб кетарди. Уша кунгидек бирваракайига қабиланинг энг катта тўққиз *эгвугуси* ниқобда пайдо бўлганида эса чиндан ҳам ҳайратомуз таассурот қоларди. Ҳатто Мгбафо ҳам қочадиган бўлувди, акалари тўхтатиб қолишди.

Тўққиз *эгвугу*нинг ҳар бири Умуофия уруғининг алоҳида қишлоғи вакили эди. Уларнинг раҳнамосини Ҳаром ўрмон деб аташарди. Унинг бошидан бурқираб тутун чиқиб турарди.

Умуофиянинг тўққиз қишлоғи уруғнинг энг катта босининг тўққиз ўғлидан тарқалган эди. Ҳаром ўрмон Умуэру қишлоғидан ёки тўққиз ўғилнинг каттаси Эрунинг болаларидан иборат эди.

— Қулоқ сол, Умуофия!— бақирди бош *эгвугу* қўларини баланд кўтариб.

Уруғ оқсоқоллари жавоб беришди:

— Яаа!

— Қулоқ сол, Умуофия!

— Яаа!

— Қулоқ сол, Умуофия!

— Яаа!

Ҳаром ўрмон узининг чинқироқ ҳассасини ерга қадади. Ҳасса титради ва худди металлдан ясалган жонли мавжудотдек чинқариб юборди. Кейин Ҳаром ўрмон бўш курсиларнинг биринчисига, унинг кетидан бошқа саккиз *эвугву*нинг ҳаммаси ёшига муносиб жойга ўтирди.

Оконквонинг хотини, эҳтимол бошқа хотинлар ҳам, иккинчи *эвугву*нинг юриши Оконквонинг дикир-дикир юришига ўхшашини, шунингдек, у ушвонли кишилар орасида ҳам, *эвугву*ларнинг орқасида ўтирган оқсоқоллар ўртасида ҳам йўқлигини сезишлари мумкин эди. Лекин улар буни сезса ҳам тилларини тийишни афзал кўришарди. Дикир-дикир қилиб юрадиган *эвугву* кабиланинг улган боболаридан бири эди. У хурмо рафиясининг қурум босган толасидан қилинган кийимида даҳшатли кўринарди — кўз ўрни тешиб қўйилган баҳайбат ёғоч қиёфа кофур бўёқ билан буялган, қорайиб кўмир бўлиб кетган тишлари кам деганда эркак кишининг бармоғидай келарди. Унинг бошида иккита ваҳимали шох бор эди.

Барча *эвугву*лар ўтириб, улар осиб олган купдан-куп қўнғироқ ва шақилдоқлар садоси тингач, Ҳаром ўрмон *эвугву*лар олдида гуруҳ-гуруҳ бўлиб турган одамларга қараб:

— Узовулу танаси, салом сенга,— деди.

Арвоҳлар одамга мурожаат қилганда, уни ҳамиша «тана» деб атайди. Узовулу қуллуқ қилиб, бош эгди ва унғ қўли билан ер ўпди.

— Отамиз, қўлим ер ўпди,— деди у.

— Узовулу танаси, мени танийсанми?— сўради арвоҳ.

— Сени қандай таний оламан, ота? Ахир сен онгимиздан хориждасан-ку.

Ҳаром ўрмон сўнгра бошқа гуруҳга ўгирилиб, уч оғайнининг тўнғичига қараб:

— Одукве тапаси, салом сенга,— деди. Одукве ҳам бош эгиб ерга таъзим қилди. Шундан кейин иш кўрила бошлади.

Узовулу олдинга чиқиб ўз даъвосини баён этди:

— Анови ерда турган хотин — менинг хотиним Мгбафо бўлади. Мен ўз хусусий пулим ва ўз хусусий ямсимдан қалин тулаб, унга уйланганман! Унинг қариндош-уруғларидан ҳеч қандай қарзим йўқ. Улардан ямс қарздор эмасман. Улардан коқоямс қарздор эмасман. Лекин бир кун эрталаб унинг қариндошларидан уч киши уйимга келиб, мени калтаклашди, хотиним билан болаларимни олиб кетишди. Бу воқеа ёмғир мавсумида содир бўлган эди. Хотиним қайтиб келади, деб кутганимдан фойда чиқмади. Ниҳоят унинг қариндошлари олдига бориб: «Сизлар мендан синглингизни олиб кетдинглар. Уни мен жўнатганим йўқ. Уни ўзларингиз олиб кетдинглар. Қабиламиз қонунига кўра, менга никоҳ қалинини қайтаришларингиз керак», дедим. Лекин хотинимнинг акалари мен билан гаплашгилари ҳам келмади. Мен энди, қабиламиз оталари, сизларга мурожаат қиляпман — жанжалимизни ажрим қилиб беринглар. Бор гап шу! Раҳмат сизларга.

— Сен рост айтяпсан,— деди *эвуғвулар* раҳнамоси,— энди Одукведан эшитамиз. Балки унинг ҳам сўзлари рост бўлар.

Одукве паст бўйли, чорпахил киши эди. У олдинга чиқиб, арвоқларга салом берди ва қиссасини бошлади:

— Куёвим, уникига бориб калтаклаганимизни, сингли билан болаларини олиб кетганимизни айтди. Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри. У никоҳ қалинини қайтариб олиш учун келганлигини, биз эса унга бермаганлигимизни айтди. Бу ҳам тўғри. Куёвим Узовулу — ҳайвон. Синглим у билан тўққиз йил турмуш қилди. Шу йиллар ичида синглим ундан калтақ емаган бирор кунни бўлгани йўқ. Уларни

неча-неча бор яраштириб қўйишга уринганимизнинг сон-саногии йўқ. Ваҳоланки, айб ҳамиша Узовулуда эди...

— Бу бўҳтон!— бақирди Узовулу.

— Икки йил аввал,— деб давом этди Одукве,— синг-лим ҳомиладор эканида уни уриб, боласини туширди.

— Бу бўҳтон. У ўйнаши билан ётиб келганидан кейин боласи тушди.

— Узовулу танаси, раҳмат сенга,— деди Ҳаром ўрмон жим бўлишни унга имо-ишора билан буюриб.— Қайси ўйнаш ҳомиладор хотин билан ётади?

Халойиқ бу гапни маъқуллаб ғала-ғовур кўтарди.

Одукве гапини давом эттирди:

— Ўтган йили, синглим касалдан тургандан сўнг куёвим уни шунақаям қалтаклаганки, агар қўшнилар ажратмаса, ўлдириб қўярди. Биз ана шуларнинг ҳаммасини би-ла туриб, ҳозир сенга айтилганча йўл тутдик. Умуофия қонунига кура, агар хотин киши эриникидан қочиб кетса, унинг никоҳ қалини қайтиб берилади. Лекин бу хотин ўз жонини омон сақлаш учун қочди. Унинг икки боласи Узовулуники. Биз бунга жанжаллашмаймиз, бироқ улар онадан ажраш учун ҳали жуда ёш. Бордию, Узовулу ўз аҳмоқ ишларини ташласа ва яхшиликча келиб, хотини-дан уйга қайтиб боришни илтимос қилса, қайтиб боради, лекин фақат бир шарт билан, агар, у хотинини яна урса, биз унинг фалонини чопиб ташлаймиз.

Оломон ичида гуриллаб кулги кўтарилди. Ҳаром ўрмон курсидан тушиши биланоқ дарҳол тартиб ўрнашиб қолди. Унинг бошидан ҳали ҳам тутун бурқиб чиқарди. У яна ўтириб, икки гувоҳни чақирди. Уларнинг иккови ҳам Узовулунинг қўшнилари бўлиб, у хотинини урганли-гини тасдиқлашди. Шунда Ҳаром ўрмон ўрнидан туриб, ўз ҳассасини олди-да, уни зарб билан ерга суқди. Кейин аёллар томон бир неча қадам юрди, улар пала-партиш қочишди-ю, лекин шу заҳоти орқаларига қайтишди. Сўнг-

ра тўққиз *эгвугву* маслаҳатлашгани ўз кулбаларига кетишди. Узоқ вақтгача улардан дарак бўлмади. Бироқ мана яна бонг садолари, най навоси эшитилди. Эгвугвулар ўз ер ости маконларидан чиқишди. Улар бир-бирларини табриклашгач, илога чиқишди.

— Қулоқ сол, Умуофия!— дея наъра тортди Ҳаром ўрмон қабиланинг оқсоқоллари ва атоқли кишиларига мурожаат қилиб.

— Яаа!— деб жавоб берди халойиқ қулоқни кар қилгудек баланд овоз билан. Кейин осмондан сукунат тушиб, бу шовқин-суронни бутунлай ютиб юборди.

Ҳаром ўрмон гапира бошлади, у гапириб турган вақтда ҳеч ким бирор оғиз сўз айтмади. Қолган саккиз *эгвугву* ҳайкаллардай тош қотганди.

— Биз иккала томонни ҳам эшитдик,— деди Ҳаром ўрмон.— Бизнинг бурчимиз бир одамни қоралаш ёки бошқа бир одамни мақташдан эмас, уларнинг жанжалини ажрим қилишдан иборат.

У Узовулу турган гуруҳга қаради, бир оз индамай тургач:

— Узовулу танаси, салом сенга,— деди.

— Отамиз, қўлим ер ўпди,— дея жавоб берди Узовулу тупроққа қўлини тегизиб.

— Узовулу танаси, мени танийсанми?

— Сени қандай қилиб таний оламан, ота! Ахир сен оигимиздан хорижсан-ку,— жавоб берди Узовулу.

— Мен — Ҳаром ўрмон бўламан. Мен инсонни ҳаётининг энг бахтли чоғида ўлдираман.

— Бу ҳақ гап,— жавоб берди Узовулу.

— Хотинининг қариндош-уруғлари олдига бир кўза шароб олиб боргин-да, хотинингдан уйга қайтишини илтимос қил. Хотин киши билан уришган эркак мард саналмайди.

Кейин у Одуквега ўгирилди, бир оз индамай тургач:

— Одукве танаси, салом сенга,— деди.  
— Қўлим ер ўпди,— жавоб берди Одукве.  
— Мени танийсанми?  
— Инсон зоти сени таний олмайди,— жавоб берди Одукве.

— Мен — Ҳаром ўрмон бўламан, мен — Қотган-Кулча-Оғиз-Тўлдирад бўламан, мен — Тутантириқсиз-Ёнар-Олов бўламан. Агар куёвларингиз шароб билан келса, сингилларингизни бериб юборинглар. Раҳмат сенга.

У ўз ҳассасини қаттиқ ердан суғуриб олди-да, яна ерга суқди.

— Қулоқ сол, Умуофия!— дея наъра тортди у. Халойиқ унга жавоб берди.

— Билмадим, *эгвугулар* нега шунақа арзимаган жанжалларни ажрим қилишлари лозим,— деди бир оқсоқол бошқа бирига.

— Сен бу Узовулу қанақалигини билмайдиганга ўхшайсан шекилли? Бошқа ҳеч кимнинг гапига қирмайди,— жавоб берди униси.

Улар гаплашар экан, *эгвугулар* олдида бошқа оғир масалалар кўндаланг бўлди, муҳим бир ер жанжали ҳал этила бошлади.

### Ун биринчи боб

Зим-зиё тун. Ой кечалари тобора кечикиб-кечкиб чиқар, энди уни тонг пайтидагина кўриш мумкин эди. Ой кечқурун чиқмай, хўрозлар дастлаб кичқирганда кўтариладиган вақтларда кеча кўмирдек қора бўларди.

Эзинма билан онаси кечқурун шолча устида ямс фуфуси билан аччиқ барг шўрваси тановул қилишарди. Мойчироқ хира сарғиш нур таратарди. Тун шунақанги зим-зиё эдики, чироқ бўлмаса, овқатни оғизга тикаман деб

юзга чаплаб юбориш ҳеч гап эмасди. Оконкво кўрғонидаги ҳар бир хонада биттадан жинчироқ ёниб турар ва четдан қараганда, ҳар бир хона зулмат ичида ёқимли нур сочаётган олтинсимон кўзга ўхшарди.

Бутун олам сукутга чўмган. Уни шу туннинг бир бўлаги бўлган ҳашаротларнинг чириллаши-ю, кели соннинг ўғирга урилишигина бузарди — унда Нвайеке фуфу янчарди. Нвайеке Оконкводан тўрт ҳовли нарида яшар ва кечки овқатни ҳамиша жуда кеч пишириши билан ном чиқарган эди. Унинг ўғири овози ҳамма қўшниларга таниш эди. Бу овоз ҳам кечанинг ажралмас қисми эди.

Оконкво хотинлари пиширган таомларни еб бўлиб, деворга суянганча ўтирарди. У халтасига қўлини тикиб, тамакидонини олди. Кейин уни чап кафтига ағдарган эди, ҳеч нарса тушмади. Бурнакини қоқиб-суқуш учун тамакидонини тиззасига урди. Окекедан олинган бурнакининг ҳамиша бир ишкали бўлади. У бирпасда нам тортиб қолади, оҳаги ҳам жуда кўп бўлади. Оконкво Окекедан бурнаки олмай қўйганига анча бўлган. Идиго бошқа гап — у тамаки толқоннинг пирн. Бутун гап шундаки, Идиго яқинда касал бўлиб ётиб қолди.

Оконквонинг хотинлари чайласидан секин-секин гаплашилаётган овозлар эшитилар, баъзан бу овозлар ўрнини қўшиқ эгалларди — аёллар ва болалар эртақ айтишарди. Эквефи билан қизи Эзинма ерга солинган шолчада ўтиришарди. Ҳозир Эквефининг эртақ айтиш навбати эди.

— Бир куни, — деб бошлади у, — барча қушлар осмон базмига таклиф қилинибди. Улар бундан жуда мамнун бўлиб, тантанали кунга дарҳол тайёргарлик кўра бошлашиди. Улар ўз патларини қизил дарахт суви билан бўйб, устига чиройли қора расмлар солишибди. Ана шу тайёргарликнинг ҳаммасини кўрган Эркак тошбақа нима гаплигини дарров англабди. Ҳайвонот оламида нимаики воқеа рўй берса, Эркак тошбақа буларнинг ҳаммасидан ҳамиша

хабардор бўлар экан, чунки у ҳаддан ташқари айёр экан. Бўлажак осмон базмини эшитиши биланоқ оғзининг сўлаги келибди. Уша вақтда очарчилик бўлиб, Тошбақа икки ойдан буён бирор марта ҳам тўйиб овқат емаган экан. Қуруқ косасида унинг ганаси қуруқ пайраҳадек шатирларкан. Тошбақа қандай қилиб бўлса ҳам осмонга чиқишни ўйлаб қолибди.

— Ие, унинг қаноти булмаган-ку,— деди Эзинма.

— Шошмагин,— жавоб берди онаси,— эртанинг ўзи шу тўғрида-да. Тошбақанинг қаноти йўқ экан, лекин у қушлар олдига бориб, ўзини ҳам бирга олиб чиқиб кетишларини илтимос қилибди. «Биз сени жуда яхши биламиз,— деб жавоб беришибди қушлар унинг илтимосини эшитиб бўлгач.— Ўлғудай айёр ва нонқўрсан. Сени ўзимиз билан олиб кетсак, дарров бирор шумликни бошлаб юборасан». «Ундаймас — сизлар мени ҳечам билмайсизлар,— деб жавоб берибди Тошбақа,— мен бутунлай ўзгариб кетганман. Кимки бошқаларга ёмонлик қилса, ўзига ҳам қайтишини энди тушуниб олганман».

Тошбақа ширинсўз экан, қушлар тезда уни бутунлай бошқача бўлиб қолган деб ҳисоблашибди, уларнинг ҳар бири Тошбақага биттадан патини берибди, у эса ўша патлардан ўзига қанот ясаб олибди.

Ниҳоят тантанали кун келиб, йиғилиш жойида Тошбақа ҳаммадан олдин ҳозир у нозир бўлиб турибди. Аста-секин ҳамма қушлар галага қўшилишиб, осмонга учишибди. Ҳамма билан бирга учаётган Тошбақа ўзида йўқ хурсанд бўлиб, тинмай гапираверибди, шу тарика қушлар тезда унинг нотиқлигига қойил қолиб, байрамда ўз номларидан гапириш учун уни вакил қилиб белгилашибди.

«Бир муҳим нарсани сира-сира унутмаслик керак,— дебди у йўлда.— Бундай катта байрамга чақирилган меҳмонлар бу байрам учун албатта ўзларига янги ном ўйлаб



топишади. Самодаги мезбонларимиз бу қадимий таомилни ҳам бузмаслигимизга ишонишади».

Қушларнинг бирортаси ҳам бундай таомил борлигини эшитмаганди, бироқ улар Тошбақанинг ўзига яраша камчиликлари бўлса ҳам, кўпни кўрган, турли халқларнинг урф-одатларини ҳис қилган сайёҳ эканлигини билишарди. Шунинг учун ҳар бир қуш ўзига янги ном ўйлаб топибди. Шунда Тошбақа ҳам ўзига «Ҳаммага биргаликда» деган ном ўйлаб топибди.

Ниҳоят қушлар байрамга учиб келишибди, мезбонлар уларни мамнуният билан кутиб олишибди. Тошбақа олабула қаноти билан олдинга чиқиб, меҳмонга таклиф этганликлари учун ташаккур айтибди. Тошбақа жуда ўхшатиб гапирибди, уни ўзлари билан бирга олиб чиққанликларидан хурсанд бўлган қушлар унинг сўзларини тасдиқлаб бош ирғаб туришибди. Мезбонлар Тошбақани қушлар подшоси экан-да деб ўйлашибди, чунки у ўз кўриниши билан бошқа қушларнинг ҳаммасидан ажралиб тураркан.

Кола ёнғоғи ейилиб бўлгач, мезбонлар меҳмонлар олди-га шунақанги мазали таомлар қўйишибдики, уларни Тошбақа тушида ҳам кўрмаган экан. Шўрва пиширилган сархумнинг ўзида шундоққина оловдан олиб тортиларкан. Унда шапалоқдай-шапалоқдай гўштлар, балиқлар сузиб юраркан. Тошбақа хушхўр ҳидларни ҳидлаб, маза қилибди. Кетидан ямс толқон ва хурмо ёғига пиширилган ямли балиқ шўрва, сўнгра кўзаларда хурмо шароби тортилибди. Меҳмонлар олдига ҳамма нарса тортилиб бўлгач, мезбонлардан бири олдинга чиқиб, ҳар бир таомдан оз-оз тотиб кўрибди-да қушларни меҳмон қила бошлабди. Бироқ шунда Тошбақа ўрнидан сакраб туриб, сўрабди:

— Бу меҳмондорчиликни ким учун уюштирдилар? — «Ҳаммага биргаликда», деган жавоб бўлади.

Тошбақа қушлар томонга қараб:

— Меннинг номим «Ҳаммага биргаликда» эканлиги ёдинглардами? Бу ернинг таомилига кўра, дастлаб нотик меҳмон қилинади, ундан кейин эса қолганларнинг ҳаммаси. Сизларга мендан кейин таом тортишади,— дебди.

Тошбақа овқатга ўзини уради, қушлар эса норози бўлиб чуғурлашади. Мезбонлар қушларда ҳамма овқатни подшога бериш расм экан-да, деб ўйлашади. Тошбақа энг лаззатли таомларни танлаб еб, икки кўза хурмо шароби ичиб, ейиш-ичишдан шунақанги шишиб кетибдики, унинг танаси тирсиллаб, косаларига сиғмай қолибди.

Сўнгра қушлар ундан қолган сарқитларни чўқилаб. Тошбақа ҳар тарафга тўкиб-сочган чиқиндиларни тера бошлашибди. Баъзи қушларнинг шунақанги жаҳли чиқибдики, умуман овқат ейишдан воз кечибди. Улар оч қорин билан уйларига учиб кетишни афзал кўришибди. Бироқ учиб кетишдан олдин уларнинг ҳар бири Тошбақадан ўз патини қайтариб олибди. Мана у еб-ичиб, шишиб кетган ҳолда, тошдай косаларида, қанотсиз қолибди. Шунда у Хотин тошбақага топшириғини етказишларини қушлардан илтимос қилган экан, улар рад этишибди. Бошқалардан кўпроқ жаҳли чиққан Майна кутилмаганда, нафратини шафқатга айлантириб, топшириқни бажаришга рози бўлибди.

«Хотинимга айтгинки,— дебди Тошбақа,— мен жилла ҳам хавф-хатарга учрамай, осмондан ерга сакрашим учун кулбадаги барча юмшоқ нарсаларни олиб чиқиб, ҳовлига ёйсин».

Майна хабар беришини айтиб, учиб кетибди. У Тошбақанинг кулбасига учиб келиб, унинг хотинига барча қаттиқ нарсаларни ҳовлига ёйиш лозимлигини айтибди. Хотин тошбақа бу гапга унаб, кулбадан чўқмор, мачете, найза милтиқ, ҳатто тўпгача олиб чиқибди. Тошбақа осмондан қараса, хотини аллақандай буюмларни кулбадан ташиб чиқаётганини кўрибди, лекин булар қанақа буюмлар экан-

лигини билолмабди. У ҳамма иш тайёр булди деб ҳисоблагач, пастга қараб сакрабди. У тушаверибди, тушаверибди, тушаверибди, қараса, ҳеч охирига етмасмиш, у жуда қурқибди. Шунда тўсатган тўп отилишига ўхшаган бир овоз эшитилибди — Тошбақа ҳовлининг уртасига гумбурлаб тушибди.

— У ўлибдими? — сўради Эзинма.

— Йўқ, — жавоб берди Эквефи, — фақат косаси майда-майда бўлиб кетибди. Бироқ, яқин орада яхши бир табиб яшаркан. Хотин тошбақа унга бировни юборган экан, табиб косанинг майдаларини туплаб, бир-бирига улабди. Ушандан буён Тошбаканинг косаси ғадир-будурлигига бос шу эмиш.

— Бу эртақда қўшиқ йўқ экан, — деди Эзинма.

— Ҳа, — деди Эквефи. — Қўшиғи бор эртақни эслаб кўраман. Лекин энди сенинг галинг.

— Бир кун, — деб бошлади Эзинма. — Тошбақа ҳамда Мушук Ямс билан уришмоқчи бўлишибди... Йўқ, боши бунақа эмас. Бир пайт ҳайвонлар мамлакатида жуда ҳам очарчилик бўлибди. Ҳамма ҳайвонлар ориқлаб кетибди-ю, фақат Мушук тирсиллаб, жуни ёғ суриб қўйгандай ярқираб юраверибди.

Эзинма индамай қолди, чунки шу лаҳзада бир кишининг қаттиқ бақирган овози кеча сукунатини бузди. Агбаланинг қоҳинаси Чиело каромат қиларди. Бунинг ҳеч бир ғайри табиий жойи йўқ. Вақти-вақти билан унга Агбаланинг арвоҳи жойлашиб олар, шунда у каромат қила бошларди. Лекин бу кеча у Оконквонинг номини атади, унинг каромати Оконквога қаратилган эди. Оконкво қўргонидагиларнинг ҳаммаси жон кулоғи билан тинглашарди: эртақлар тўхтаб қолди.

— *Агбала ду-у-у! Агбала экену-у-у!* — қоҳинанинг овози тунни ўтқир пичоқдай кесарди. — *Оконкво! Агбала экене чио-о-о! Агбала чолу ифу ада я Эзинма-о-о-о!*

Қизининг исмини эшитган Эквефи ўлим ҳидини сезган жонивордай бошини бирдан кўтарди. Унинг юраги қиндан чиқиб кетай-кетай дерди.

Коҳина Оконквонинг кўрғонига келиб, унинг кулбаси олдига тик турганча, Оконкво билан гаплашди. Оконквонинг қизи Эзинмани Агбала кўрмоқчи эканлигини коҳина ҳадеб гапираверди. Оконкво бўш келмади, коҳинадан эрталаб келишни илтимос қилди, Эзинма ҳозир ухлаб қолганлигини айтди. Бироқ Чиело унинг гапларига парво қилмади, Агбала унинг қизини кўрмоқчи эканлигини шанғиллаб гапираверди. Унинг овози металлдай жаранглаганидан Оконквонинг хотин ва бола-чақалаи ўз кулбаларида коҳинанинг ҳар бир сўзини эшитиб ўтиришарди. Оконкво қизининг касалдан ҳали яхши тузалмаганини, ҳозиргина ухлаганлигини коҳинага ҳадеб тушунтирарди. Эквефи Эзинмани бағрига босиб орқа хонага олиб чиқди-да, баланд бамбук ётоққа ётқизди.

Коҳина тўсатдан бақириб юборди:

— Кўзингни оч, Оконкво! Агбалага қаршилиқ қилиб бўлмайди! Худо гапирганда, инсон индамай туриши керак! Кўзингни оч!

Коҳина Оконкво хонаси орқали ховлига ўтиб, тўппатўғри Эквефи хонаси томон юрди. Оконкво унинг орқасидан борди.

— Эквефи,— деб чақирди коҳина.— Агбала сенга салом йўллади. Эзинма қизим кани? Агбала уни кўрмоқчи.

Эквефи чап кўлида мой чироқ тутганча хонасидан чиқди. Кучсиз шамол эсиб турганидан у жинчиरोқ ёлқинини кафти билан тўсди. Она Нвоёе ҳам кўлида жинчиरोқ билан чиқди. Унинг болалари бўлаётган ҳодисаларга хайрон бўлиб ўз хоналари орқасида қоронғиликда қараб туришарди. Оконквонинг кенжа хотини ҳам ховлига чиқиб, бошқаларга қўшилди.

— Агбала, уни қаерда кўрмоқчи?— сўради Эквефи.

— Тепалик ва ғорлар орасидаги ўз маконидан ўзга қарда кўрарди,— жавоб берди қоҳина.

— Мен сизлар билан бирга бораман,— деди Эквефи қатъий қилиб.

— Нима, қудратли Агбалага ўз хоҳишинг билан рўбарў бўлмоқчимсан?— газаб ичида бақирди, унинг овози қурғоқчилик мавсумидаги момақалдироқ гумбуларини эслатди.— Эсингни йиғ, хотин, бўлмаса, Қоҳиннинг газабига учраб, шикаст ейсан. Қизимни олиб чиқ, менга!

Эквефи кулбасига кириб, Эзинма билан бирга қайтиб чиқди.

— Бу ёққа кел, қизим,— деди қоҳина,— ўзим сени елкамда олиб бораман. Онанинг елкасида бола йўлнинг узоқлигини сезмайди.

Эзинма йиғлаб юборди. У Чиелонинг «қизим» дейшига ўрганиб қолганди-ю, лекин ҳозир сариқ ғира-шира чирокда Чиело бутунлай бошқача кўринарди.

— Йиғлама,— деди Қоҳина.— Бўлмаса, Агбала, сенга газаб қилади.

— Йиғлама,— такрорлади Эквефи,— у сени қайтиб олиб келади. Сенга бир оз балиқ бераман, ола кетасан.

У кулбасига кириб, қоқ балиқ ва шўрва учун зарур масаллиқлар турган қоп-қора саватни топди. У битта балиқни икки бўлиб, ҳали ҳам ўзига осилаётган Эзинмага берди.

— Қурқма,— деди Эквефи қизининг сочи чиройли гул шаклида қирдирилган бошини силаб.

Қоҳина бир оёғида чўккалади, Эзинма унинг елкасига миниб олди. Қиз чап қўлида балиқни маҳкам ушлаб, кўзлари ёшдан ялтираб турарди.

— *Агбала ду-у-у! Агбала экен-у-у!*— қоҳина Чиело яна ўз қоҳинини чақира бошлади.

Тўсатдан у кескин бурилиб, пешбурундан энгашиб, Оконквонинг хонаси орқали ҳовлидан чиқиб кетди.

Эзинма додлаб, онасини чақирарди. Гезда коҳина билан қизнинг овози зулмат қаърига сингиб кетди.

Эквефи кўздан ғойиб бўлган коҳина орқасидан қараб туриб, тўсатдан аъзойи баданининг галати бўшашиб кетганлигини чуқур хис қилди: у бирдан-бир жўжасини калхат илиб кўтарган товуққа ўхшарди. Эзинманинг овози энди бутунлай тишган, тун қаърига тобора сингиб бораётган Чиелонинг шанғиллашигинга ҳали ҳам эшитилиб турарди.

— Қизингни худди биров уғирлаб кетгандай, бу нима туриш? — сўради Оконкво хонага кириб.

— Дарров қайтариб олиб келади,— деди она Нвойе.

Бирок Эквефи тасалли берадиган бу сўзларни эшитмасди. У бирмунча вақт қимир этмай турди-да, кейин, тўсатдан бир қарорга келиб, хонадан югуриб чиқиб кетди.

— Қаёққа? — бақирди Оконкво.

— Чиелонинг кетидан бораман!— деб жавоб берди-да, қоронғилик ичида кўздан йўқолди. Оконкво йўталиб, елкасига осифлиқ халтадан тамакидонини олди.

Коҳинанинг овози тобора узоқлашди. Эквефи асосий сўқмоққа югуриб чиқди ва чап томонга, Чиелонинг Овози келаётган томонга бурилди. Зим-зиё коронғиликда ҳам аёл шудрингдан барглари нам тортган буталарни оралаб айланиб борадиган қумли сўқмоқда адашмади. Кейин чопишга халақит бериб, баданига урилаётган кўкрагини қўллари билан қисганча чопиб кетди. У буралиб чиқиб турган илдиэга уриб, чап оёғини шилиб олди, вужудини қўрқинч қоплади. Ёмон аломат бу! У тезроқ югура бошлади. Бироқ Чиелонинг овози ҳали ҳам аллақайдан, олисдан келарди. Наҳотки, у ҳам чопган бўлса? Елкасида Эзинма бўла туриб, шунчалик тез чопгани қизиқ. Тун салқин эканлигига қарамай, Эквефи тез чопганидан қизиб кетди. У сўқмоқ

бўйида тарвақайлаб ётган лиана еки ўсиқ ўтга ҳадеб дуч келарди бир гал қоқилиб, йиқилиб ҳам кетди. Шу ердагина у Чиело ўз сеҳр-жодусини қилмай қўйганлигини тушунди, қўрқувдан қалтираб кетди. Унинг юраги қинидан чиқиб кетгай деди-да, қоққан қозикдек қаққайиб туриб қолди. Бироқ, мана, қоҳинанинг овози атиги бир неча қадам наридан яна эшитилди. Лекин Эквефи уни шунда ҳам кура олмади. У кўзини маҳкам юмиб, қоҳинани кўриш учун яна очди. Ҳеч бир нафи бўлмади. У ҳеч нарсани кўра олмади.

Юлдузсиз қоронғи осмонни булут қоплаганди. Баъзан қоронғиликни ялтироқ қуртнинг кичкинагина яшил фонусчаси чизиб утарди-ю, лекин ялтироқ қурт утиши билан қоронғилик яна ортарди. Чиелонинг сеҳр-жодуси тиниши биланоқ, тун ўрмон ҳашаротларининг янгроқ овозига тўлиб кетарди.

— *Ағбала ду-у-у! Ағбала экен-у-у-у!*

Эквефи қоҳинага жуда яқин ҳам бормаслик, орқада ҳам қолиб кетмасликка ҳаракат қилиб, толиққанча унинг кетидан қолмасди. У қоҳинани муқаддас зиёратгоҳга йўл олган дегаи фикрга келди. Эквефи энди секин юриб бораркан, ҳамма нарсани пухта ўйлади. Улар ғорга борганидан сўнг Эквефи нима қилади? У ғорга киришга ҳечам юраги дов бермади. У ғор оғзига яқин жойда, ана шу даҳшатли жойда якка-ёлғиз кутиб туришга тўғри келди. Эквефи шу тун бағридаги тамоми даҳшатларни ўйлаб кўрди. У бошқа бир кечани, *Ойбу-ағали-одуни* — қадим замонларда зўр сеҳр-жоду сирларини билган қабила дунёга юборган, бу сирлар эсида бўлмай, бушатиб юборган жинлардан бирини курган олис кечани эслади. Бир пайт, ана шундай зулмат кечада Эквефи онаси билан сойдан қайтиб келаётган эди, тўппа-тўғри ўзлари томон учиб келаётган жиндан таралган шуълани кўришди. Улар кўзаларини ташлаб, ўзларини ерга отишди, бу шумшук шуъла ўзларига тушиши билан ўлдиришини кутиб ётишди. Ана

ушанда Эквефи *Ойбу-агали-одуни* атиги бир марта кўрганди. Ушандан буён неча-неча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам Эквефи ўша дахшатли кечани эслади дегунча жонни ҳиқилдоғига келарди.

Коҳинанинг овози энди тобора кам чиқса ҳам, ўша-ўша янграб эшитиларди. Ҳаво салкин ва шудринг тушганидан нам эди. Тўсатдан Эзинма акса уриб юборди. «Соғ бўл!»— шивирлади Эквефи. Шу лаҳзада коҳина ҳам «Соғ бўл, қизим!» деди. Қизининг қоронғилик ичидан чиққан овозидан Эквефининг кўнгли таскин топди. У секин-секин одимлаб кетаверди.

Шунда коҳина қаттиқ чинқриб ушқирди:

— Орқамдан биров келяпти! Арвоҳмисан — одаммисан билмадим, Агбала сочингни ўтмас устара билан қирсин! Агбала каллангни қайириб қўйсин, товонингни кўриб юргин!

Эквефи турган ерида михлангандай қотиб қолди. Ақли: «Ҳой хотин, Агбала бир шикаст етказмасидан, уйингга жўнаб қол», дерди. Лекин бу унинг ихтиёрида эмасди. У Чиело анча олислаб кетгунича кутди-да, яна унинг кетидан судралди. Эквефи шунчалик узоқ йўл юридики, вужуди чарчоқдан гўё кесак бўлиб қолди. Улар сира ҳам зиёратгоҳ ёр томон кетмаётганликлари шундагина Эквефининг хаёлига келди. Улар зиёратгоҳ ёрдан аллақачоноқ ўтиб кетиб, ўз қабилаларининг энг олис қишлоғи Умуачи йўлига тушган бўлишлари керак эди. Чиелонинг овози онда-сонда эшитиларди.

Эквефининг назарида тун сал ёришгандек бўлди. Булутлар ораси очилиб, осмон гумбазида юлдузлар кўринди. Ой ҳам таранг қилишни тўхтатиб, осмонга кўтариладиган бўлди. Ой осмонга саҳарга яқин кўтарилишини одамлар худди жоҳил эр-хотин жанжаллашганидан кейинги овқатдан аразлаганига ўхшатишади.

— *Агбала-ду-у-у! Умуачи! Агбала экене уну-у-у!*



Шундай бўлиб чиқди — у адашмабди. Қоҳина Умуачи қишлоғига салом йўлларди. Улар шунча йўл юришдики, ақл бовар қилмайди! Тор ўрмон сўқмоғи тугаб, улар қишлоққа кирганларида қоронғилик сал ёришиб, даракларнинг ғира-шира тархлари кўрина бошлади. Эквефи қизи билан қоҳинани куришга интилиб, кўзларини қисди. Ана улар, ана! Эквефи уларни кўриб турибди! Шу заҳоти уларнинг тархи гўё эриб, яна қоронғиликка қўшилиб кетди. Эквефи ҳорғин ҳолда илгарилайверди.

Энди Чиелонинг овози худди йўл бошидаги каби тинмай янграрди. Эквефи уларнинг очиқ саҳнга чиққанлигини сезди, улар илога — қишлоқ йиғинлари бўладиган жойга чиққанликларини фаҳмлади. Шу заҳоти қўрқувдан юраги сиқилиб кетди: Чиело тўхтаганлигини билди. Ҳа, ҳа, Чиело орқасига қайтди. Эквефи унга йўл бўшатиб, бир лаҳзада ўзини четга олди. Чиело унинг ёнидан ўтиб кетди, Эквефи ҳозиргина босиб келган йўлига яна тушди.

Бу олис ва мадордан кетказувчи йўл эди. Деярли бутун йўл давомида Эквефи худди тушида бўлаётгандек юриб борарди. Ой ҳали чиқмаган бўлса ҳам ҳадемай чиқадиганга ўхшарди, унинг нуридан қоронғилик бир оз ёришди. Эквефи олдинда узоқдан кўриниб бораётган қоҳина билан унинг юкини таниди. Чиело бир оз илгарилаб кетсин учун у қадамини секинлатди. Чиело орқасига қараса, кўриб қолиши мумкин деган фикрнинг ўзиёқ Эквефига қутқу солди.

Ҳозиргина у тезроқ ой чиқса эди дея илтижо қилаётганди. Энди эса ёришиб келаётган тонг уни қоп-қоронғи зулматга қараганда алақанча кўп қўрқитарди. Эквефининг назарида уни қуршаб турган борлиқ ғалати хаёлий мавжудотларга тўладек туюлди, бу мавжудотлар унинг тикилиб қарашидан ғойиб бўлиб, янги тарх ва шаклда яна пайдо бўларди. Бир пайт у шундай қаттиқ қўрқдики, ўзига раҳм қилишни, ёлғиз ташлаб кетмасликни Чиелодан ўтиниб сўрамоқчи ҳам бўлди. Унинг кўзига оёғи осмондан бўлиб,

хурмо дарахтига чиқиб кетаётган одам кўринди: у одамнинг боши пастга осилиб турарди. Бироқ шу пайт Чиело яна жиннилардек ўкирдик, Эквефи унинг овозида одамга хос бирор нарса топмай, қўрқувдан ўзини орқага ташлади. Энди бу аёл бозорда Эквефи билан неча-неча бор ёнма-ён ўтириб, Эзинмага атаб ловия пон сотиб олган, қизни ўз қизим деб атаган Чиелога сира-сира ўхшамасди. Бу бутунлай бошқа аёл — Тепалик ва Форлар Коҳини Агбаланинг коҳинаси эди. Қўрқинчлар қийнаб юборган Эквефи ҳориб-чарчаб ўрмондан судралиб борарди. У ўзининг бўшанг қадамлари овозини назарида орқасида тинмай таъқиб этиб келаётган аллақандай бир одамнинг қадами деб ҳисобларди. У қўллари билан очиқ кўкрагини маҳкам қисди. Қалин шудринг тушган, салкин эди. Энди у ҳеч нарсани — ҳатто шу кеча даҳшатларини ҳам ўйлай олмай қолди. У мудроқ ҳолда, кесак бўлиб қолган оёқларини зўрға қимирлатиб, Чиелонинг овозини эшитгандагина ўзига келиб, каволалиб борарди.

Бироқ мана улар яна йўлдан қайрилиб, фор томонга юришди. Энди Чиело бақириб-чақиришни бир лахза ҳам тарк этмасди. У ўз худосини хар мақомга солиб мактар, келажак соҳиби, ер элчиси, инсонни ҳаётининг энг хушнуд кунида жазоловчи худо деб атарди. Эквефи жуда ҳушёр тортди, унутилаёзган қўрқинчлар яна баралла пайдо бўлди.

Энди ой тикка бўлиб, Эквефи Чиело билан Эзинмани яққол кўрди. Аёл киши тайлоқдай болани шунчалик олис жойга бемалол кўтариб бора олиши мўъжизадан бошқа нарса эмасди.

— *Агбала ду-у-у-у! Агбала экену-у-у! Чи негбу маду убоси нду иа нато иа уто далу-у-у!*

Олис-олисларда ой нури тушиб турган тепаликлар эланг-қаранг кўзга ташланарди. Улар ўртасидан кесиб ўтган тор сўқмоққина иккига ажратиб турган ҳалқа шаклида кўринарди.

Коҳина ана шу тепаликлар ҳалқасига кириб бориши биланоқ, унинг овози ён бағирларда кўпдан-кўп акс садо бериб, зўр куч билан янгради. Буюк маъбуд зиёратгоҳи учун бундан кўра соз жойини топиш мушкул эди. Эквефи эҳтиётлаб олға юрди. Бу ерга келиб тўғри қилдимми-йўқми?— деган гумон уни қийнай бошлади. Эзинмага ҳеч нарса бўлмайди, деб ўйлади у. Унга бирор нарса бўлганида ҳам монелик қилиш Эквефининг қўлидан келармиди? Ёр остидаги ғорга киришга у, барибир, журъат этолмайди. Бундан чиқдики, бу ёққа бекор келибди-да.

Ана шу хаёллар билан банд бўлган Эквефи уларнинг ғор оғзига жуда яқинлашиб қолганлигини сезмади. Товуқдан бошқа нарса сиғмайдиган ғор туйнугига коҳина елкасидаги Эзинма билан лип этиб кириб кетганида Эквефи уни тухтатмоқчидай ўзини отди. Уларни ўз комига тортган юмалоқ қоронғи туйнукни кўрганда, Эквефининг кўзларидан ёш қайнаб чиқди, агар Эзинманинг йиғлаган овозини эшита қолса, ўз қизини оламда бор худоларнинг ҳаммасидан ҳимоя қилишга — ғорга отилиб киришга қасамёд қилди. Майли, она-бола бирга ўлишади.

У ана шундай қасамёд қилганча, харсанг устига ўтириб, кута бошлади. Қўрқинч тугади. Унга коҳинанинг овози эшитилди. Энди ғорнинг жуда катта бўшлиғида овознинг жаранги йўқолиб, жуда бўғиқ эшитила бошлади. Эквефи бошини икки тиззаси орасига яширганча кутарди.

Шу зайлда у қанча вақт ўтирганини билмади. Жуда узоқ ўтирган булса керак. У қишлоққа олиб борадиган сўқмоққа орқасини ўгириб ўтирарди. Тўсатдан у орқа томонда шитирлаган овоз эшитиб, шартта угирилди. Рўбарўсида мачете ушлаган эркак одам турарди. Эквефи дод деб, ўрнидан туриб кетди.

— Жиннилик қилма,— деган овози эшитилди Оконквонинг.— Сени Чиело билан бирга зиёратгоҳга кириб кетгансан, деб ўйловдим,— кулди у.

Эквефи индамади. Унинг кўзлари миннатдорлик ёшларига тўлди. У қизининг энди хавф-хатардан холи эканлигини биларди.

— Уйга бор, ухла,— деди Оконкво.— Мен кутиб ўтираман.

— Мен ҳам кутиб ўтираман. Ҳозир тонг отади. Хўрозлар қичқирди.

Улар гор ёнида ўтиришаркан, Эквефининг хаёли узоқ ўтмишга, икковлари ҳам навқирон бўлган кунларга учди. У Аненага эрга тегишига тўғри келганди, чунки ўша пайтларда Оконкво жуда қашшоқ бўлиб унга уйлана олмаганди. Икки йилдан сўнг, ортиқ чидай олмаган Эквефи Оконквоникига қочиб келди. Бу воқеа илк саҳар чоғи руй берганди. Ҳали ой нур сочиб турарди. У сув кечиб келарди. Оконквонинг хонаси сой йўлида эди. У келиб эшикни қоққан эди, Оконкво чиқди. Оконкво ҳатто ўша кунларда ҳам сергап эмасди. У Эквефини кўтариб олди-да, ўз тўшагига олиб кирди, унинг белини пайпаслаб, қоронғида чойшабнинг учини қидира бошлади.

### Ун иккинчи боб

Эртаси кунни эрталаб бутун теваарак-атроф шодиёна байрам тараддудига бурканди — Оконквонинг дўсти Обиерика ўз қизининг унаштирилишини нишонлади. Қизга бериладиган қалиннинг катта бир қисмини тўлаб улгурган куёв ўша кун келиннинг ота-онаси билан энг яқин қариндошларигагина эмас, балки қабилани ёки умумнани ташкил этган унинг кўпдан-кўп уруғларига ҳам хурмо шароби олиб келиши керак эди. Зиёфатга ҳамма — эркаклар, аёллар, болалар таклиф этилди. Бироқ бу аёл киши шарафига ўтказилаётган маросим бўлиб, унда келин билан унинг онаси асосий ўрин тутарди.

Тонг отиши биланоқ хотинлар ва болалар шоша-пиша нонушта қилиб, қийин, лекин ҳушвақтлик билан кўрилла-

диган тайёргарлик ишларида келиннинг онасига қаршиб юбориш учун Обиериканинг ҳовлисига тўпланиша бошлади — ахир бутун бир қишлоққа зиёфат тайёрлаш керак эди-да.

Бошқа кўшни уйлардаги сингарин Оконквонинг уйида ҳам ҳамма саҳар-мардонда туриб олди. Она Нвойе билан Оконквонинг кенжа хотини ўз болаларининг ҳаммасини етаклаб Обиериканикига жўнашга ҳозирлик кўришарди. Она Нвойе Обиериканинг хотинига бир сават кокоямс, бир халта туз ва қоқ балиқ, Оконквонинг кенжа хотини Ойнуго битта сават банап билан кокоямс, кичикроқ бир хумчада хурмо мойи тўёна қилишди. Болалар кўзаларда сув кўтариб боришарди.

Эквефи кечасидаги зўр ташвишдан сўнг ҳорғин ва мудроқ аҳволда эди. Чунки ўзлари ҳам уйга яқиндагина қайтиб келишди. Коҳина уҳлаб Эзинмани елкасига опичлаганча ўз ғоридан илондек ўрмалаб чиқди. У Эквефи билан Оконквонинг ғор оғзида кўрганлигидан заррача ҳайратланмай, уларга кўз қирини ташлаб қўйди холос. У олдинга тикилганча, қишлоққа жўнади. Оконкво билан хотини анча узоқроқда унинг орқасидан боришарди. Улар коҳинани ўз уйи томон бурилади деб ҳисоблашганди, лекин у йўлни Оконкво кўргони томон солди, Оконквонинг обисидан ўтиб, Эквефи хонасига қараб юрди. Эзинмани авайлаб ётоққа ётқизди-да, ҳеч кимга бирор оғиз гап айтмай, жўнаб кетди.

Ҳамма аллақачон ўрнидан турган бўлса ҳам Эзинма маст уйқуда эди: шунинг учун Эквефи бир оз кечроқ бора-жагини Обиериканинг хотинига айтиб қўйишни она Нвойе билан Ойнугодан илтимос қилди — у битта саватда кокоямс билан балиқ ҳозирлаб қўйган эди-ю, лекин Эзинма уйқудан тургунча кутиши лозим эди.

— Узинг ҳам ухлаб олсанг чакки бўлмасди,— деди унга она Нвойе.— Жуда чарчаган кўринасан.

Улар гаплашиб туришаркан, озгин гавдаси билан кери-

шиб, кўзларини ишқалаганча хона ичидан Эзинма чиқиб келди. Кўзача кўтарган болаларни кўриб Обиериканинг хотининикига сув ташиш ҳаммага буюрилгани унинг эсига тушди. У хонага қайтиб кириб, тезда кўзача кўтариб чиқди.

— Уйқуга тўйдингми?— сўради ундан онаси.

— Ҳа,— жавоб берди қиз.— Бормаймизми!

— Йўқ,— аввал нонушта қилиб ол,— деди Эквефи. У шундай деди-ю, кечқурун сабзавотдан килинган шўрвани иситиш учун хонага кирди.

— Бўпти, биз кетдик бўлмаса,— деди она Нвойе.— Сени кечроқ келади, деб айтиб қўяман Обиериканинг хотинига.

Улар ҳаммаси — турт боласи билан она Нвойе ва икки боласи билан Ойнуго Обиериканинг хотинига қарашгани кетишди.

Улар Оконквонинг обиси ёнидан ўтишаркан, у ердан:

— Бугун менга ким тушлик қилиб беради?— деган овоз келди.

— Қайтиб келиб, ҳаммасини ўзим қиламан,— жавоб берди Ойнуго.

Оконкво ҳам мудраб, мадори қуриб ўтирар, лекин у кечаси билан бир лаҳза ҳам кўз юммаганлигини ҳеч ким хаёлига келтирмасди. У қаттиқ ташвиш тортганини сира билдирмади. Эквефи қоҳинанинг орқасидан жўнагач, у бир оз қараб турди — ўз тушунчасига кўра, эркаклик шаънига иснод келтирмаслик учун қанча вақт лозим бўлса, шунча қараб турди-да, кейин мачетесини олиб, ўз мўлжалича, аёллар бориши керак бўлган зиёратгоҳ томон юрди. Ҳорга шундоққина яқинлашганда, балки қоҳина аввал қишлоқларни айланиб чиқмоқчи бўлгандир, деган фикр келди унга. Шунда у уйига қайтиб бориб, кутиб ўтирди. У қанча кутиш лозим деб ҳисобласа, шунча кутди-да, кейин яна зиёратгоҳга йўл олди. Бироқ тепалик ва ғорлар жимжит эди. Ташвишдан ўзини зўрга қўлга олиб, ниҳоят зиёратгоҳга тўртинчи сафар келганидагина Эквефини кўрди.

Обиериканинг ҳовлиси чумоли уясига ўхшарди — у ерда иш қайнаган эди. Қаердаки бўш жой топилса, ўша ерда ўчоқ ўрнатишганди: учта хом ғишт қўйиб, ичига олов ёқишганди. Битта сархумни оловдан олишлари биланоқ ўрнига иккинчисини кўтариб келишарди: юзларча келиларда фуфу туйишарди. Бир неча аёл ямс ва кассавудан таом пишириш билан, бошқалари эса шўрва билан банд эди. Йигитлар фуфу туйишар, учоққа тараша ёришарди. Болалар тинмай сойдан сув ташишарди.

Уч йигит шўрвага солиш учун икки эчкини сўйишда Обиерикага қарашди. Эчкиларнинг иккаласи ҳам семиз, лекин девор тагидаги қозиққа боғлаб қўйилган эчки жуда ҳам семиз эди. У кичикроқ сигирдай келарди. Обиерика ўз қариндошларидан бирини атайин шу эчки учун нақ Умункага юборган, уни тириклигича куёвнинг қариндошларига тортиқ қилмоқчи эди.

— Бай-бай-бай Умунканинг бозори! — деди палапон эчки сотиб олиб келиш учун Обиерика юборган йигит. — Еру кўкка одам сиғмайди: игна ташласанг ерга тушмайди.

— Уларнинг машҳур сеҳргари шундай қилган,— деди Обиерика.— Умунка одамлари ўз бозорларини кенгайтириб, ҳамма қўшни бозорларни ютиб юборишни ният қилишибди. Шу мақсадда улар жуда зўр бир сеҳргар топишибди. Ҳар бозор кuni хўрозлар қичқирмасиданоқ уша сеҳргар киши кампир тусига кириб, қўлига каттакон сеҳрли елпиғич олиб бозор саҳнида тураркан. Шу елпиғич билан барча қўшни қабилаларни ўша бозорга сеҳрлаб қўяркан. Елпиғич билан олд томонни ҳам, орқа томонни ҳам, ўнг ва чап томонни ҳам елпир экан.

— Шунинг учун ҳамма ўша бозорга боради,— деди бошқа бир йигит.— Тўғрилар ҳам, ўғрилар ҳам боради. У ерда куппа-кундузи кийимингни ечиб олишса ҳам сезмай қоласан.

— Ҳа,— деди Обиерика.— Нванквони, орқа-олдингга

қараб, қулоғингни динг қилиб юр, деб огоҳлантирганим бежиз эмас-да. Бир пайт бир одам эчки сотгани ўша бозорга борган экан. Эчкини йўгон арқон билан бўйнидан боғлаб, бир учини қўлига ўраб олибди. Бозордан ўтиб бораётган эмишу ҳамма унга қараб, худди жиннини кўрсатаётгандек бармоқлари билан имо қилишаётгани сабабини ҳеч ҳам тушунмабди. Кейин бундоқ орқасига қайрилиб қараса, арқонда эчки ўрнига катта бир палён ўтин судралиб келаётганмиш!

Бошқаларнинг ёрдамисиз ўғрининг ёлғиз ўзи шундай қила олади деб ўйлайсанми-а?— сўради Нванкво.

— Бе, қаяқда. Бу иш сеҳргарсиз бўлмаган.

Эчкиларнинг бўйнига пичоқ тортиб, қонини тоғорага оқизгач, танасини оловга тутишди, пиширилаётган таомлар ҳидига жизгинак жун ҳиди аралашиб кетди. Кейин улар таналарни ювиб, бузишди-да, гўштини шўрва пишираётган хотинларга беришди.

Ҳамма иш ўз навбати билан бориб, ҳеч нарса халал бермай турганда, бирданига олисдан «Ой-й ий-й-й-о-о! Думи билан пашша қўрийдиган қочди!» деган бакириқ эшитилди. Аёл зоти борки, ҳаммаси ишини йиғиштириб, овоз келган томонга чопа бошлади.

— Ҳамма кетиб қолмасин, бўлмаса бутун овқат тагига олиб кетади!— қичқирди қоҳина Чиело.— Уч-тўрт киши қолсин!

— Рост, рост,— қўшилишди бошқа бир аёл.— Бу ерда баъзи бировларнинг қолишига рухсат этиш керак.

Беш аёл овқат пиширилаётган сархумларга қараб туриш учун қолди, бошқалар эса арқонни узиб қочган сигирни тутгани чопишди. Сигир тутилиши биланоқ, уни эгасига олиб боришган эди; эгаси сигири ўзгаларнинг экинига тушгани ёки пайхон қилгани учун қишлоқ ҳар бир кишига соладиган катта жаримани дарҳол тўлади. Аёллар жаримани ундириб бўлгач, бакирган овоз эшитилганда кўчага ҳам-



ма ёпирилиб чиққан-чиқмаганлигини текшириб кўриш учун тўпланишди.

— Айтганча, Мгбого қани?— сўради аёллардан бири.

— У бетоб, урнидан туролмайди,— жавоб берди Мгбогога қўшни бўлган бир аёл.— Ибага чалинган.

— Ундан кейин Уденкво йўқ,— деди бошқа бири.— Лекин унинг чақалоғи йигирма саккиз кунга тулгани йўқ.

Обиериканинг хотини қарашиб юборишга таклиф этмаган аёллар ўз уйига, таклиф этилганлар эса Обиериканинг ҳовлисига қайтишди.

— Кимнинг сигири экан ўзи?— дея қизиқишди қолишга рухсат берилган хотинлар.

— Менинг эримники,— деди Эзелагбо.— Кичкина болалардан биттаси молхона эшигини очиб юборган экан, чиқиб қочибди.

Чоштгоҳдан кейиноқ куёв қариндошларининг тўёнаси бўлган икки кўза хурмо шаробини олиб келишди. Овқат пиширавериб чарчаган аёллар елиб-югуриб хизмат қилсин учун дарров уларга бир-икки қадаҳдан қуйиб беришди. Келинга ҳам, устара билан сал-пал қириб унинг прическаси беагини ниҳоясига етказётган ва унинг таранг баданига қизил дарахт шарбати сураётган дугоналарига ҳам шароб ичиришди.

Чоштгоҳ жазирамаси қайта бошлагач, Обиериканинг ўғли Мадука узун супурги олиб отасининг обиси олдини супуриб чиқди. Худди шуни кутиб тургандай, Обиериканинг дўст-ёр ва қариндош-уруғлари кела бошлади. Уларнинг ҳар бири елкасида эчки теридан тикилган халта, қўлтиғида буклоғлик эчки тери пўстаги бор эди. Баъзиларнинг ўғиллари эса орқада нақш солиб ишланган ёғоч курсича кўтариб келишарди. Мехмонлар орасида Оконкво ҳам бор эди. Мех-

монлар давра куриб, ундан-бундан гаплашиб ўтиришди. Эндиги иш куёвнинг қариндош-уруғларига қараб қолди.

Оконкво бурнакисини олиб, ёнида ўтирган Огбуефи Эзенмага тутди. Эзенма уни тиззасига уриб-уриб, бир чимдим олишдан аввал чап кафтини яхшилаб артди. Унинг ҳаракатлари майин ва хотиржам эди.

— Янги қариндошларимиз,— деди у,— аллақанча кўза шароб олиб келар деб ўйлайман. Уларнинг қишлоғи-ку мумсиқлиги билан ном чиқарган, лекин бизнинг Ақуэке подшонинг ўзига муносиб эканлигини билишлари керак.

— Ўттиз кўзадан кам олиб келишга ботинишмас,— деди Оконкво.— Бўлмаса улар тўғрисида дилимда бор гапнинг ҳаммасини айтиб соламан.

Шу пайт Обиериканинг ўғли Мадук аотасининг қариндош-уруғларига кўрсатиш учун молхонадан палапон эчкини етаклаб чиқди. Эчкини кўриб ҳамма қойил қолди, бундан зўр совға бўлмайди, деган фикрга келишди. Кейин эчкини яна молхонага олиб кириб кетишди.

Тез орада куёвнинг қариндош-уруғлари ҳам кела бошлади. Дастлаб шаробли кўза кўтарган болалар ва ўспиринлар турна қатор бўлиб кўринишди. Обиериканинг қариндош-уруғлари кўзаларни санашди. Йигирмата, йигирма бешта келади. Сўнгра анчагача ҳеч нарса келмай қолди. Мезбонлар: «Ана, айтмовмидим!» дегандай бир-бирларига маъноли карашди. Бироқ шунда янги кўзалар етиб келди: ўттиз, ўттиз беш, қирқ, қирқ беш. Мезбонлар: „ Ҳа, ана энди одамсифат иш қилишди!» дегандай, маъқуллаб бош иргашди. Жами эллик кўза санашди. Болалар ва ўсмирлардан кейин куёв Ибе билан оиланинг қариялари етиб келишди. Улар мезбонлар рўбарўсида ярим давра қуриб ўтириб, шу тариқа берк доира ясашди. Шаробли кўзалар ўртада турарди. Шу пайт ўртадаги ҳовлидан келин, унинг онаси ва яна бир неча қиз-жувонлар чиқиб келишди. Улар меҳ-

монларни айланиб, ҳамма билан қўл бериб кўришиб чиқишди. Биринчи бўлиб келиннинг онаси, ундан кейин келин, келиндан кейин эса бошқалар келарди. Эрлик хотинлар шу кунни энг яхши кийимларини кийишди. Қизларнинг белини қизил ва қора маржонлар чирмаб турар, тўпикларида эса жез билагузуклар жингилларди.

Хотинлар кетгач, Обиерика кола ёнгоғи олиб чиқиб, куёвнинг қариндошлари олдига қўйди. Биринчи ёнгоғни Обиериканинг акаси майдалади.

— Ҳаммамиз соғ-саломат бўлайлик!— деди у.— Оилаларимизнинг боши тотувликдан чиқмасин.

Унга жавобан:

— Ии-и-и!— деган овозлар гуриллади.

— Бугун биз сенга қизимизни беряпмиз. У сенга яхши хотин бўлади. У бизнинг катта бувимиз сингаори сени тўқ-қиз ўғиллик қилади.

— Ии-и-и!

Меҳмонларнинг ёши улуғи:

— Бу сизларга ҳам, бизларга ҳам яхши бўлади!— деди.

— Ии-и-и!

— Сизлардан биринчи марта қиз олишимиз эмас. Менинг онам сизларнинг кабилангиздан бўлади.

— Ии-и-и!

— Охирги марта қиз олишимиз ҳам эмас, негаки биз сизларни биламиз, сизлар эса бизни яхши биласизлар. Сизларникига ўхшаган оилалар кўпроқ бўлса эди!

— Ии-и-и!

— Сизлар ишга эпчил, жангда довюраксизлар.— У Оконкво томонга қаради.— Бизга қизингиз ўзларингизга ўхшаган ўғиллар туғиб беради.

— Ии-и-и!

Ёнгоқлар ейилиб бўлгач, хурмо шаробига навбат келди. Эркаклар ҳар бир шароблик кўза атрофига бешта-олтитадан бўлиб давра қуриб ўтиришди. Кеч киргандан кейин эса

меҳмонлар олдига катта-катта тоғораларда фуфу билан буғи чиқиб турган ямс шўрва тортилди. Зўр зиёфат булди.

Қоронғи тушгач, ёғоч уч оёқларга машъал ёқилди, йигитлар ашула бошлашди. Кексароқ меҳмонлар катта давра қуриб ўтиришди, йигитлар эса айланиб юриб, навбатманавбат ҳаммани мақтаб ашула айтишарди. Улар ҳар кимнинг ўзига мос қўшиқ топишарди. Бировларни машҳур деҳқон сифатида, қабила номидан гапира оладиганларни эса оташзабон нотик сифатида макташарди. Оконквони дунёда энг буюк полвон ва жангчи деб макташди. Ҳаммани ўзига яраша мақтаб бўлгач, йигитлар давранинг ўртасига келиб ўтиришди, ана шу пайт ички ҳовлидан қизлар енгилгина югуриб чиқишди: рақс тушиш пайти келди. Қизлар орасида келин йуқ эди. Ниҳоят ўнг кўлида хўроз ушлаганча келин ҳам кўринди, меҳмонлар гангур-гунгур гаплашиб бу ишни маъқуллашди. Бошқа раққосалар келинга йўл бериб, четга чиқишди. Келин хўрозни созандаларга олиб бориб берди-да, рақс бошлади. Унинг оёқларидаги билагузуклар майин жингиллар, қизил дарахт шарбати сурилган гавдаси машъалаларнинг ёқимли сарғиш нурида жимиллар эди. Ёғочдан, лойдан ва металлдан ясалган чолғу асбобларида созандалар куй кетидан куй ижро этишарди. Уларнинг ниҳоятда кайфи чоғ эди. Мана, улар ҳозиргина тўқилган қўшиқни айтишяпти.

Мен унинг қўлини ушласам агар,

У жеркиб: «Тегманг-э!» — дейди.

Башарти оёғин ушласам агар,

У жеркиб: «Тегманг-э!» — дейди.

Мен унинг сийнасин ушласам агар,

Гўё сезмагандек чурк ҳам этмайди!

Меҳмонлар келинни ўзлари билан бирга олиб уйларига қайтишаётганда тун охираб колганди: келин куёвнинг қа-

риндошлариникида етти ҳафта яшаши керак эди. Меҳмонлар қишлоқ бўйлаб боришаркан, барала ашула айтишар, Оконкво каби ажойиб эрларга эҳтиром билдириб кетиш учун вақти-вақти билан ҳали у, ҳали бу ҳовлига бош суқиб чиқишарди. Оконкво меҳмонларга иккита хўроз тортиқ қилди.

### Ун учинчи боб

Го-ди-ди-го-го-ди-го! Ди-го-го-ди-го!—Қабила аъзоларини экве шу тариқа чорларди. Халойиқ бошқа нарсаларнинг тилини билмаса ҳам, ёғочдан ўйилган бу чолғу асбоби тилини яхши биларди. Гум-гум! Гум-гум!—дея вақти-вақти билан тўп гумбурларди.

Эквенинг дастлабки чорлаши эшитилиб, тўп садолари тун сукунатини бузганда ҳали олдинги хўрозлар қичқирмаган, Умуофия уйқу ва ором оғушида эди. Одамлар ташвиш ичида тун қўйнига қулоқ солиб ўз бамбук ётоқларида тўлғаниб ётишарди. Биров қазо қилган эди.

Гумбурлаган зарбалардан осмон ларзага келди. Ди-го-го! Ди-го-ди-го-го!—тун осмонида машъум хабар келиб юрарди. Олис-олислардан зўрға эшитилаётган аёллар йиғиси ерга изтироб қуйқасидай чуқарди. Аҳён-аҳёнда уни аламли бир фарёд бузарди: ўлим оралаган уйга эркак киши кирган буларди. У бир-икки марта баланд овоз билан, нафаси етганча узининг эркак сифатидаги аламини тўкиб соларди-да, кейин аёлларнинг тинимсиз йиғиси-ю эквенинг сирли овозини эшитиб ўтирган бошқа эркаклар қатори ерга ўтирарди.

Туп гумбурлади. Аёлларнинг оҳу зори ва йиғисини фақат қишлоқ аҳолиси эшитиши мумкин эди, бироқ эквебу ғамли муждани бутун тўққиз қишлоққа, ҳатто ундан нари жойларга ҳам етказарди. Дастлаб қабиланинг номи айтилди: «Умуофия ободо дике»—«Довюраклар юрти»—«Умуофия ободо дике!» Бу сўзлар қайта-қайта такрор-

ланди, ўша кеча уз бамбук ётоқларида ором олаётган кишиларнинг қалбида ташвиш ва қўрқинч пайдо бўлди. Сўнг-ра экве аниқлик киритди — қишлоқнинг номини айтди: «Сариқ қайроқ тош Игуедоси». Бу Оконквонинг қишлоқнинг номи — «Игуедо» кўп марта такрорланди ва тўққиз қишлоқнинг ҳаммасида одамлар қилт этмай қулоқ солиб туришди. Мана, ниҳоят экве марҳумнинг исмини айтган эди, ҳамма хўрсинди: «И-у-у, Эзеуду вафот этди». Оконквонинг эти жимираб кетди — у қариянинг сўнгги марта келганини эслади. «Бола сени отам деяпти, деган эди ўшанда Эзеуду — қўлингни унинг қони билан буяма!»

Эзеуду табаррук одам эди, уни кўмиш маросимига бутун Умуофия тўпланди. Ноғоралар кадимий мотам оҳанглари янгради, милтиқ ва тўплардан ўқ узилди, эркаклар шиддатли ҳаяжон ичида қишлоқни кезиб юришарди: йўлда учраган дарахт зотини кесишар, қўлларига тушган ҳайвонни ўлдиришар, тўсиклардан сакраб ўтиб, томларда рақс тушишар эди. Жангчи дафн этилаётгани сабабли эрталабдан то кечасигача унинг қўрғонига жангчи отрядлар келиб-кейтиб турарди. Улар рафий хурмосининг қуритилган толаларидан тўкилган калта юбка кийган, баданларига эса бўр ва кўмир билан расмлар солинган эди. Баъзан-баъзан ота-боболардан бирортаси — *эвугву* — дўзахдан чиқиб келарди, улар рафий толасига маҳкам ўралиб олган бўлиб, нариги дунёга хос жарангдор овоз билан гаплашишарди. Баъзи *эвугву*лар жанжалкаш бўлиб, улар қулида уткир мачете билан пайдо бўлганида эрталабоқ бирор кориҳол бўлай деди. Уни кўрган одам зоти борки, қўрққанидан тирақайлаб кочарди. У ҳеч кимга шикаст етказолмай қолган бўлса, икки эркак уни эпчиллик билан ушлаб олиб, қўлларини пишиқ арқон билан белигача бойлаб ташлагани учунгина шундай бўлди. Аҳён-аҳёнда у қай-

рилиб, одамларга ташланиб қолар, одамлар эса қочиб қутулишдан ўзга чора топмас эдилар. Лекин ҳар гал яна қайтиб келиб, унинг орқасида судралиб юрган узун арқонни ушлаб олишарди. *Эгвугву* бўлса, *рубарўсида* Жин Эквенсу макон қурганлиги тўғрисида ваҳимали овоз билан ашула айтарди.

Бироқ энг даҳшатли *эгвугву* ҳали пайдо бўлгани йўқ. У ҳамиша ёлғиз ўзи пайдо бўлар ва бутун важоҳати билан тобутни эслатар эди. У кўнгил айнитадиган бадбуй ҳид таратар, атрофида пашшалар ғужғон уйнарди. Хатто энг зўр сеҳргарлар ҳам уни кўрганда, қочиб қутуларди.

Қадим замонларда бир *эгвугву* ужарлик қилиб, унга йўл бушатмаган экан, шу заҳоти икки кунгача турган еридан қимирлай олмайдиган бўлиб қолибди. Бу *эгвугвунинг* қўли битта бўлиб, ҳамниша лиммо-лим сув тўла меш кўтариб юаркан.

Лекин *эгвугвулар* орасида ҳеч бир шикаст етказмайдиганлари ҳам бор эди. Уларнинг бири, масалан, шунақанги қари ва мадорсиз эдики, хассага таяниб зўрга-зўрга юарди. У марҳум ётган уйга инқиллаб келди-да, бирпас унга қараб турди, кейин яна каловлаганча орқасига — дўзахга қайтиб кетди.

Тириклар юртидан боболар маконига қўл узатса етгудек эди. Одамлар ҳам у ёқдан-бу ёққа қатнаганлари қатнаган эди — бу ҳодиса айниқса байрам кунлари ёки бирор қари одам ўлган кунини тез-тез такрорланарди, чунки қарилар ота-боболарга жуда яқин бўлишади. Сирасинини айтганда, инсоннинг туғилишдан ўлгунча бўлган бутун ҳаёти уни ота-боболар маконига тобора яқинлаштирадиган хилма-хил маросимларнинг узлуксиз занжиридан ўзга нарса эмасди.

Барча қишлоқдагиларнинг қарияси Эзеуду эди. У вафот этган кунини қишлоқда ундан ёши катталардан атиги уч киши, у билан тенгдошлардан эса тўрт ёки беш киши

қолди. Шу қариялардан бирортаси одамлар орасида кўринди дегунча шовқин-сурон шу заҳоти босилар, ёшлар унга йўл бўшатиб, ўзларини четга олишар, кейин у қария қалтироқ оёқлари билан кабиланинг мотам рақсини ижро этар эди.

Шавкатли жангчига муносиб машҳур мотам маросимлари шундай буларди. Кеч яқинлашган сари одамлар яна ҳам шиддат билан бақириб-чақиришар, милтиқ отишмалари ва ноғора зарблари яна ҳам каттиқрақ эшитилар, мачетелар шарақ-шуруғи тез-тез қулоққа чалинар эди.

Эзеуду ўзининг баракали умрида уч унвонга мушараф бўлди. Бундай шарафга эришадиганлар кўп эмасди. Қабиллада жами тўрт унвон бўлиб, ҳар бир авлоддан атиги бир неча киши тўртинчи, энг юқори унвонни оларди холос. Бу унвонга эришганлар юртнинг олий ҳукмдори бўларди. Эзеуду уч унвонлик бўлганлигидан қоронғи тушгач кўмилиш ҳуқуқига эга эди — муқаддас мотам маросимини биттагина чала ёритиб туради.

Бирок бу охириги сокин маросим вақти ҳали бошланмаган, ҳозирча оломоннинг жазаваси тобора ортмоқда эди — энди ҳар битта киши ўн кишича жазава қиларди. Ноғоралар қулоқни қар қилгудек зарб билан чалинди, одамлар жиннидек ўзларини ҳар томонга отишди, ҳамма ёқдан милтиқлар ўқ узди, ҳали бу ерда, ҳали у ерда ўт чакнади — жангчиларнинг мачетелари марҳумга сўнгги салют бериб, шақирлаб тўқнашишарди. Чанг ва порох тутунидан ҳаво дим бўлиб кетди. Худди ана шу пайт оломон ичида сув тўла тўқима мешини судраб бир қўлик арвоҳ пайдо бўлди. Оломон чекинди ва жимжитлик чуқди. Ҳатто порох дудини ҳам босиб кетган кўнгил айнитадиган бадбўй ҳид таралди. Арвоҳ ўйин тушиб, мотам ноғоралари атрофида депсиниб юрди-да, марҳумга назар ташлагани борди.

— Эзеуду! — дея бақирди у хирқироқ овози билан. —



Охирги ҳолатингда қашшоқ бўлганингда эди, бадавлат бўлиб қайтиб келишингни сўрардим сендан. Лекин сен бадавлат эдинг. Қўрқоқ бўлганингда эди, жасур бўлиб қайтиб келишингни сўрардим сендан. Лекин сен дов-юрақ жангчи эдинг. Навқирон чоғда ўлганингда эди, боқий умр кўрадиган бўлиб қайтишингни сўрардим сендан. Лекин сен қариб-чиригунча яшадинг. Шунинг учун ўзинг қандай бўлсанг, шундайлигингча қайтиб келишингни сўрайман сендан. Сен ўз ажалинг билан ўлган бўлсанг, рози бўлиб кет. Лекин ўлимингга бирор одам сабаб бўлган бўлса — сендан бир лаҳза тинчлик кўрмасин! Бир қўллик арвоҳ шундай деди-да, ўйин тушганча нари кетди.

Рақслар яна ҳам жазавали, ногоралар садоси яна ҳам қулоқни қар қилгудек давом этди. Тун яқин эди. Кўмиш вақти яқинлашарди. Охирги хайрлашув салюти бўлиб милтиқлар гумбурлади, тун овозидан осмон ларзага келди. Жазавага тушган оломон устидан шу лаҳзада аламли ва даҳшатли фарёд янгради-да, худди биров сеҳрлагандай ерга жимлик чўкди..

Оломон ўртасида бир йигит қонга беланиб ётарди. Бу йигит марҳумнинг ўн олти яшар ўғли бўлиб, қариндошлари ва ўғай ака-укалари билан биргаликда отасининг жасади ёнида охирги мотам рақсига тушаётган эди. Оконквонинг қўлидаги милтиқ отилиб кетиб, нўхатдай қўрғошин йигитнинг юрагига санчилган эди.

Умуофияда мисли кўрилмаган даҳшатли саросима қишлоқни қамраб олди. Бу ерда биров-бировни атайин ўлдириши тез-тез бўлиб турарди-ю, лекин бундай ҳодиса ҳеч қачон рўй бермаганди.

Оконквонинг қочишдан бўлак чораси қолмаганди. Ўз қабиладошини ўлдирган одам ер маъбудасига қарши жиноят қилган ҳисобланади ва ўз туғилган ерини ташлаб кетиши лозим бўлади. Ер маъбудасига қарши жиноят икки

хил — эркакча жиноят ва хотинча жиноят бўлиши мумкин. Оконкво хотинча, яъни билмасдан жиноят қилган эди. Етти йилдан сўнг у ўз қабиласига қайтиб келиши мумкин.

Уша кечанинг ўзида Оконкво уйдаги барча қўлга илинадиган нарсани саватларга жойлади. Унинг хотинлари йиғлашди. Нима воқеа бўлаётганини дурустроқ тушунмаса ҳам, болалари додлашди. Оконквонинг йиғиштириниб олишига кўмаклашиш ва унга тасалли бериш учун Обиерика билан бир неча дустлари келишди. Улар Оконквонинг ҳамма ямсларини Обиериканинг донхонасига ташиб олгунча, ҳар бирлари тахминан ўн мартадан қатнашди. Оконкво ўз оиласи билан узоқ йўлга — онасининг юртига жўнаганида ҳали хўрозлар қичқирмаган эди. Бу Мбайнонинг энг охирига жойлашган Мбанта деган кичик бир қишлоқ эди.

Яроғ-аслаҳа таққан эркакларнинг катта бир гуруҳи Эзеуду ҳовлисидан пишқириб чиқиб, Оконквонинг қўрғонига бостириб келганида гира-шира тонг ота бошлаганди. Оконквонинг уйига ўт қўйилди, унинг атрофидаги лой девор билан донхона бузиб ташланди, барча тирик жон ўлдирилди. Бу ер маъбудасининг одил ҳукми бўлиб, жангчилар унинг вакиллари эди холос. Уларнинг қалбида Оконквога нисбатан нафрат йўқ эди. Улар орасида Оконквонинг энг яқин дўсти Обиерика ҳам бор эди. Уларнинг мақсади битта: Оконкво ўз қабиладоши қонини тўкиб ҳаром қилган ерни тозалаш эди.

Обиерика турли ҳодисаларнинг сабаблари тўғрисида кўп ўйлайдиган одамлардан эди. Маъбуданинг ҳукми бажариб бўлиниши биланоқ у ўз обисига бориб, Оконквонинг бошига тушган бахтсизликдан қайғурди. «Инсон билмай қилиб қўйган иши учун нега шунча оғир азоб тортиши керак-а?» дея сўрарди у ўзидан. Лекин Обиерика буни қанча ўйламасин, жавоб тополмади. Унинг фикри тобора чигаллашиб кетаверди. Хотини эгизак туғиб берганида болаларини чангалзорга олиб бориб ташлаганлигини эсла-

ди у. Уларнинг гуноҳи нима? Лекин маъбуда уларни ўлдиришни буюрган: уларнинг дунёга келиши — ерни ҳақорат қилиш-ку, ахир. Агар қабила буюк маъбуда шаънига иснод келтирган дилозорга жазо беришни талаб қилмаса, бутун қабила ғазабга йўлиқиши муқаррар. Қариялар «Битта тиррақи бузоқ подани булғатади», деб бежиз айтишмаган.

## II ҚИСМ

### Ун тўртинчи боб

Оконквонинг она авлодлари уни очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Уларни ўз бағрига олган чол Оконквонинг кичик тоғаси бўлиб, эндиликда онланинг оқсоқоли эди. Чолнинг исми Ученду. Бундан ўттиз йил муқаддам Оконквонинг онаси жасадини дафн этиш учун унинг қариндошуруғлари ёнига олиб келишганида қабул этган шу тоғаси эди. Оконкво у пайтларда ўспирин эди. Ушанда Оконкво «Ойим, ойим, ойим бизни ташлаб кетяпти» деган аза сузларини айтиб ўкириб-ўкириб йиғлаганини Ученду ҳали-ҳали эсларди.

Шундан буён кўп йиллар ўтди. Ҳозир эса Оконкво бу ерга онаси жасадини боболари тупроғига кўмиш учун келгани йўқ. Ўзининг бутун оиласи — уч хотини ва болалари билан бошпана излаб келди бу ерга. Ученду Оконквога, унинг олис сафарда чарчаган, гамбода онла аъзоларига қараши биланоқ нима гап ўтганлигини билиб олди, шундай бўлгач, суриштириб ўтирмади. Эртаси кунигина Оконкво бўлган воқеани унга бошдан-оёқ сўзлаб берди. Чол индамай тинглаб ўтирди-да, енгил нафас олиб:

— Бу хотинча жиноят,— деди.

Шундан сўнг маросим учун ва гуноҳни ювиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани тайёрлай бошлади.

Оконквога қурғон олдидаги ерни ва ямс экиб олиши учун яна бир неча кичик-кичик ерларни ажратиб бериш-

ди — дала ишлари мавсуми яқинлашмоқда эди. Она уруғлари ёрдами билан у ўзига оби, уч хотинига уч хона қуриб олди. Кейин *обига ўз чиси* ва ўлиб кетган бобо калонлари рамзи бўлган ёғоч ҳайкаллар қўйди. Учендунинг беш ўғли аммаваччаси даласини тозалаб олишига — биринчи ёмғир биланоқ экиб олишига имкон туғдириш учун ҳар бири уч юз донадан уруғлик ямс берди.

Ниҳоят бирдан қаттиқ ёмғир ёғди. Кейинги икки-уч ой ичида қуёш роса кучини кўрсатган, унинг олов нафаси ерни қовжиратган эди. Ўт-ўлан аллақачон куйиб кетган, қум худди ёниб турган кўмирга ўхшаб, оёқни жаз этиб оларди. Дарахтларнинг кўм-кўк баргларини қалин чанг қоплаган, дарахтзорларда қушлар сайрамай қўйган, жимирлаб турган жазирамада ер оғир ва тез-тез ҳансирарди. Бироқ мана момақалди роқ овози эшитилди. Бу — ёмғир мавсумида осмонни тебратган юмшоқ момақалди роқ садосига ўхшамай диган, шумшук, чинқироқ, ташналикдан қақшаган овоз эди. Қаттиқ шамол туриб, осмонга қуюн кўтарилди. Шамол хурмо дарахтларини ерга букар, баргларни аллақандай ғалати, фантастик шаклга солиб ҳурпайтирар эди.

Булутлар ниҳоят йирик-йирик дўл бўлиб ерга ёғилдики, одамлар уни «осмон ёнғоғи» деб аташди. Дўл жуда қаттиқ бўлиб, баданга қаттиқ тегса ҳам, ўспиринлар ва болалар юмалоқ яхларни олиб, оғизларига тика-тика шўхлик қилишарди.

Ерга тез жон кирди, ўрмонда қушларнинг шўх нафаси янгради. Уйғонаётган ўт-ўланлар билинар-билинемас муаттар ҳид таратди. Аста-секин дўл тез ёғаётган ёмғирга айланди, болалар бўғот ва кўтармалар остига яширинишди; ҳамма хушнуд, бардам ва мамнун эди.

Оконкво ва унинг оиласи янги хўжаликни оёққа турғизиб олиш учун ғайрат билан меҳнат қилди. Бироқ бу ёш-

ликдаги куч-қувват ва ғайратдан айрилиб бўлгач, турмушни янгидан бошлашдек бир гап эди. Бу — қариган чоғда ҳамма ишни чап қўлда бажаришга ўрганишдек қийин эди. Меҳнат Оконквога олдинги вақтлардагидек қувонч бағишламас, иш йўғида эса у соатларча мудраб, ҳамма нарсани нутиб ўтирарди.

Оконкво ўзлигини танигандан буён унга бирдан-бир олий мақсад — Умуофиянинг оксоқолларидан бири бўлиш мақсади раҳнамолик киларди. Унинг ҳаётини куч-қудратининг манбаи ана шу орзу эди. У мақсадига эришиш арафасида турганди. Мана энди ҳаммаси хароб бўлди. Уни қабиладан улоқтириб ташлашди, энди у қумдаги балиқдек хансираб ётарди. Очиқ маълум бўлдики, унинг худоси, унинг чиси буюк ишлар учун яратилмаган экан. Инсон эса ўз чиси наслига битилган қисматдан нарига боролмас экан. Инсон «ҳа» деса, чиси ҳам уни дарҳол қувватлайди деб қариялар бекор айтишаркан. Мана, Оконкво «ха» деди, унинг чиси эса «йўқ» деб жавоб берди.

Оконкво умидсизликка тушганини кўриб, кекса Ученду жуда ташвиш қилди. *Иса-ифи* маросими ўтгандан кейин Ученду у билан гаплашиб олишга қарор қилди.

Учендунинг кенжа ўғли Амикву янги хотин олди. Келининг қалини берилган, охириги маросимдан бўлак ҳамма маросимлар адо этилган эди. Оконкво Мбантага келишидан икки ой илгари Учендунинг ўғли ва яқинлари келининг кариндош-уруғларига хурмо шароби олиб борган эди. Энди охириги маросим — тавба маросими вақти келган эди.

Ученду бобонинг ҳамма қизлари уйга тўпланишди; уларнинг баъзилари ҳозирда яшаб турган қишлоқларидан анча йўл босиб келишган. Чолнинг катта қизи Мбантадан ярим кунлик йўл Обододан келди. Учендунинг ака-укаларининг қизлари ҳам келган эди. Бутун оила тўрт кўз-тугал

лик билан жам бўлганди — оила бошига улим тушганда ҳам улар шундай жам бўлишадн. Жами йигирма икки киши йиғилишди.

Аёллар кенг давра ясаб ерга ўтиришди, давра ўртасига ўнг қўлида товуқ кўтарган келин ўтирди. Унинг орқасидан боболарнинг насл таёқчасини ушлаганча Ученду жой олди. Қишлоқнинг қолган ҳамма эркаклари маросимни томоша қилиб, даврадан ташқарида туришди. Уларнинг хотинлари ҳам томоша қилиб турарди. Кеч кирган, қуёш уфқ орқасига яшириниш тарадудини кўрарди.

Саволларни Учендунинг катта қизи Ньиде берарди.

— Шуни билки,— деб гап бошлади у,— ростини айтманг, туғиш пайтингда азоб тортишинг, ҳатто ўлишинг муқаррар. Укам биринчи марта сенга уйланиш истагини билдирганидан буён нечта эркак сен билан ётди?

— Бирорта ҳам ётгани йўқ,— оддийгина жавоб берди келин.

— Ростини айт,— ўтинишди ундан хотинлар.

— Бирортаси ҳамми?— сўради Ньиде.

— Бирортаси ҳам,— жавоб берди келин.

— Боболарим ҳассаси билан қасамёд эт,— деди Ученду.

— Қасамёд этаман,— деди келин.

Шундан кейин Ученду келиннинг қўлидан товуқни олиб, бошини кесди-да, насл ҳассасига бир неча томчи қон оқизди.

Шу кундан бошлаб Амикву ёш келинчакни хонасига олиб кириб, ўзига хотин қилди. Учендунинг қизлари ўз қишлоқларига дарров қайтиб кетишмади — улар Мбантада ўз қариндошлари билан яна бир неча кун бирга бўлишди.

Эртаси куни эса Ученду ҳамма ўғил-қизларини, шунингдек жияни Оконквони чақирди. Эркаклар эчки терисидан ясалган пўстак ола келиб, ўшани ерга тўшаб, устига ўтиришди, аёллар бўлса сизал толасидан тўқилган шолча тўшалган лой супага жойлашишди. Ученду ўзининг оппоқ

соқолни секингина сийпаб, тишларини гичирлатди. Лекин у хотиржам, шошмай, сўзларни танлаб-танлаб гапирди:

— Мен аввало Оконкво билан гаплашиб олмоқчиман. Лекин мен айтadиган гапларни ҳамманглар эшитиб олинглар девдим. Мен чолман, ҳаммаларинг эса ҳали боласизлар. Турмушни ҳам ҳаммаларингиздан кўра мен яхши биламан. Агар ичларингизда мендан яхшироқ биладиган бирор киши топилса, айтсин.

У индамай турди, лекин ҳеч ким бирор оғиз сўз айтмади.

— Нега Оконкво ҳозир бизлар билан яшаяпти? Ахир бу ер унинг қабиласи эмас-ку. Биз унга она томондан қариндош бўламиз, холос. У бу ерлик эмас. У етти йил бегона юртларда яшашга маҳкум этилган, қувғиндаги одам. Ғам уни жуда букиб ташлади. Лекин мен унга бир савол бермоқчиман. Сен менга тушунтириб бера оласанми, Оконкво, нега биз болаларимизга қўядиган энг машҳур исмлардан бири Ннека, яъни «Она — ҳаммадан юксак» деган исм бўлиб қолди. Оила бошлиғи эркак эканлигини, хотинлар эса унга тобе ва фақат унинг хоҳишини бажаришини ҳаммамиз биламиз. Бола онага ва унинг оиласига мансубдир. Эркак киши ўз онасининг юртига эмас, отасининг юртига мансуб бўлади. Шундай бўлса ҳам ҳаммамиз: «Ннека» — «Она — ҳаммадан юксак» деймиз. Нега шундай?

Ҳамма жим эди.

— Оконкво менга жавоб беришини хоҳлардим.

— Бунга қандай жавоб бериш кераклигини билолмайман, — деди Оконкво.

— Қандай жавоб берилишини билмайсанми? Ана кўрдингми, айтдим-ку, ҳали боласан, деб? Сенинг хотин, болачақанг кўп — меникидан кўп. Сен ўз қабилангда катта одамсан. Бироқ шундай бўлса ҳам боласан, менинг олдимда боласан. Гапимга яхшилаб қулоқ сол. Аёл киши вафот



этганида нега уни ўз юртига олиб бориб, қариндош-уруғ ва яқинлари орасига кўмишади? Уни эрининг қариндош-уруғ ва яқинлари орасига кўмишмайди. Нега? Сенинг онангни юртига, меникига олиб келиб, менинг қариндош-уруғларим орасига кўмишди. Нега?

Оконкво бошини сарак-сарак қилди.

— У шуни ҳам билмайди-ю,— деди Ученду,— лекин ўз онаси юртида бир неча йил яшашга мажбур бўлганидан ғам-андуҳга тўлиб-тошиб юрибди.

Ученду аччиқ кулди ва ўғил-қизларига ўғирилди.

— Хўш, сизлар-чи? Саволимга сизлар жавоб бера ола-сизларми?

Уларнинг ҳаммаси ҳам сарак-сарак қилишди.

— Бўлмаса, менга қулоқ солинглар,— деди чол ва йўталиб олди.— Бола отаники эканлиги тўғри. Лекин ота ўз боласини урса, у онасидан нажот излайди. Ҳаётда ҳамма иш яхши ва силлиқ кетаётганида эркак ўз отаси юртига мансуб бўлади. Бироқ эркак бирор фалокатга йўлиқиб, ғамбода бўлса, ўз онаси юртидан бошпана излайди. Уша ерда она ҳамма фалокатларни ундан даф қилиб туради. Она ўша ерга кўмилган. Шунинг учун ҳам онани ҳаммадан юксак деб биламиз. Оконкво, сен изтироб тўла қиёфангни онангга кўрсатиб, тасалли топишдан юз ўғириб тўғри қиялсанми? Эҳтиёт бўлмасанг, марҳумани хафа қилиб қўясан. Сенинг бурчинг хотин, бола-чақангга таскин беришдан, етти йилни ўтказиб, уларни юртингга қайтариб олиб кетишдан иборат. Борди-ю, ғам ўзингни букиб, ҳалок этишига йўл қўйсанг уларнинг умри қувғинда ўтиб кетишига тўғри келади.

Анча вақт индамай утиргач, у яна гап бошлади.

— Энди сенинг қариндошларинг мана шулар,— дея қўлини ёзиб ўз ўғил-қизларини кўрсатди чол.— Тўғри, сен ўзингни оламда энг кўп жабр кўрган киши деб ҳисоблайсан. Лекин баъзан кишилар бутун умрини қувғинда ўтка-

зишларини биласанми? Баъзан кишилар ўзининг ҳамма ямсидан, ҳатто ҳамма болаларидан айрилишини биласанми? Бир вақтлар менинг олти хотиним бор эди. Ҳозир эса, ҳув анави эси паст қизни ҳисобга олмаса, битта ҳам хотиним йўқ. Биласанми, қанча фарзандимни — навқирон ва кучқувватга тўла чоғимда кўрган фарзандларимни қора ерга қўйдим? Йигирма иккитасини. Мен ўзимни осганим йўқ, ҳалигача яшаб юрибман оламда. Агар сен ўзингни дунёда энг кўп жабр кўрган одам деб ҳисобласанг, менинг қизим Акуэкедан сўраб кўр-чи, у нечта эгизак туғиб, чангалзорга олиб бориб ташлаган экан? Аёл киши ўлганида айтиладиган қўшиқни наҳотки ҳеч қачон эшитмаган бўлсанг?

Бу яхшилик кимга, бу эзгулик кимга?

Бу яхшилик, бу эзгулик тегмас ҳеч кимга.

Бошқа айтадиган гапим йўқ.

### Ун бешинчи боб

Қувғиннинг иккинчи йили Оконквони дўсти Обиерика келиб кўрди. У бошида оғир қоп кўтарган икки йигитни ўзи билан бирга олиб келганди. Юкини ерга қўйиб олишда Оконкво уларга кўмаклашди. Қопларга каури чиғаноқлари босиб тиқилганлигига шубҳа йўқ эди.

Дўсти келганини кўриб, Оконкво беҳад қувониб кетди. Оконкво қандай меҳмон ташриф буюрганини айтганида, унинг хотин, бола-чақалари, шунингдек тоғаваччалари билан уларнинг хотинлари ҳам бундан ўзларида йўқ қувонишди.

— Меҳмонни отамнинг олдига олиб бориб кўриштириб келишинг керак,— деди Оконквога тоғаваччаларидан бири.

— Албатта-да,— жавоб берди Оконкво.— Ҳозир тўла-тўғри у кишининг олдиларига борамиз.

Бироқ жўнашдан аввал у катта хотинининг қулоғига бир нарсалар деб шивирлади. Хотини маъқуллаб бош ирғади ва улар кетган заҳоти болалар хўроз тутгани югуриб қолишди.

Оконквонинг уйига уч нотаниш одам кириб кетганлигини невараларидан бири Учендуга айтган эди. Шунинг учун Ученду уларни кутиб ўтирарди. Меҳмонлар унинг обиси остонасидан кириши биланоқ Ученду қўл узатиб кўришди-да, уларнинг кимлар эканини Оконкводан билиб олди.

— Бу Обиерика, менинг ҳақиқий дўстим. Унинг тўғри-сида гапириб берувдим сизга.

— Рост,— деди Ученду Обиерикага ўгирилиб.— Ўғлим сенинг тўғрингда гапириб берганди, уйимга келганиндан бошим осмонга етди. Отанг Ивекуни танирдим. У улўф одам эди. Отангнинг бу ерда анча дўстлари бор эди, шуларникига тез-тез келиб турарди. Эркак киши энг олисдаги қабилалардан ҳам дўст орттиргани эски замонлардаги гап бу. Ҳозирги авлоднинг бундан хабари йўқ. Сизлар ўз уйларингизда ўралашганча, энг яқин кўшниларингиздан ҳам қўрқасизлар. Ҳатто оналарингизнинг юрти ҳам сизларга бегона бўлиб қолган.— У Оконквога хўмрайиб қаради.— Мен қариб қолганман, аҳён-аҳёнда алжираб қўйишни яхши кўраман. Бошқа ҳеч нарсага ярамай қолдим энди.

У инқиллаганча ўрнидан туриб, қўшни хонага ўтди-да, кола ёнғоғи олиб чиқди.

— Сен билан бирга келган мана бу йигитлар ким?— сўради у эчки теридан қилинган пўстакка яна жойлашиб олиб.

Оконкво унга тушунтирди.

— Яхши,— деди Ученду.— Салом, болаларим,— дея

уларга кола ёнгоғи узатди. Улар ёнгоқнинг у ёқ-бу ёғини кўриб, Учендуга раҳмат айтишди; шундан кейингина Ученду ёнгоқни майдалади, ҳар ким бир бўлак-бир бўлакдан еди.

— Анави ёққа киргин,— деди у Оконквога ёнидаги хонани кўрсатиб.— Шароблик кўза бор.

Оконкво кўзани олиб чиқди, шароб ича бошлашди. Шароб бир кун турибоқ, зўр бўлиб кетганди.

— Ҳа-а,— деди Ученду узоқ жимликдан кейин.— Бизнинг замонамизда ҳозиргига қараганда жуда кўп бордикелди қилардик. Бу атрофда мен яхши билмайдиган бирор қабила йўқдир-ов. Анинта, Умуазу, Икеоча, Елумелу, Абаме — шуларнинг ҳаммасини биламан.

— Абаме йўқ қилиб юборилганини эшитмаганмисиз?— сўради Обиерика.

— Қандай қилиб?— бир овоздан қичқириб юборишди Ученду билан Оконкво.

— Абамени ер юзидан йўқотиб юборишди,— деди Обиерика.— Бу ғалати ва даҳшатли воқеа. Агар тирик қолган бир неча одамни ўз кўзим билан кўриб, улар айтган гапларни ўз қулоғим билан эшитмасам, шундай бўлиши мумкинлигига ўзим ҳам асло ишонмасдим. Агар адашмасам, улар Умуофияга эке куни қочиб келишди, шундайми?— дея ўз ҳамроҳларига қаради. Улар бош ирғаб тасдиқлашди.

— Бундан уч ой бурун,— деб бошлади Обиерика,— экенинг бозор куни бизнинг қишлоқда бир тўда қочоқлар пайдо бўлди. Уларнинг кўпчилиги бизнинг қишлоқ фарзандлари — оналари бизнинг қишлоққа кўмилган. Баъзилари бизнинг қишлоқда дўстлари борлигидан, баъзилари эса бошқа борадиган жойлари бўлмаганидан қочиб келишибди. Ана шулар Умуофияга қочиб келиб, ўз бошларига тушган даҳшатли воқеадан бизни хабардор қилишди.

Обиерика қўлидаги шаробни охиригача сипқорди, Окопкво унинг мугузини яна лиммо-лим қилди. Обиерика гапини давом эттирди:

— Сўнгги ёмғир мавсумида улар томонда оқ танли одам пайдо бўлибди.

— Альбинос бўлса керак,— тахмин қилди Окопкво.

— Йуқ, альбинос эмас. Бутунлай бошқа одам.— Обиерика шаробдан ҳўплади,— у темир отда елиб кепти. Уни дастлаб кўрганлар кучлари борича қочишибди, у бўлса, қочганларни тўхтатиб, чорлай бошлабди. Шундан кейин сал дадилроқ одамлар унга яқин келишибди, ҳатто унинг отини ушлаб ҳам куришибди. Кейин оқсоқоллар Коҳинга маслаҳат солишган экан, Коҳин: «Бу бегона одам сизларга ўлим ва харобалик элтади», дебди.— Обиерика яна шароб ҳўплади.— Шундан кейин улар оқ танли одамни ўлдириб, темир отини муқаддас дарахтга бойлаб қўйишибди, негаки от ҳадемай қочиб кетиб, бу оқ танли одамнинг шерикларини бошлаб келадиган авзойи бор экан. Ия, бир гап паққос ёдимдан кутарилган экан-ку: Коҳин уларни яна бир нарсадан огоҳ қилган экан. Бу оқ танли одамнинг кетидан бошқа оқ танли одамлар келади. Бу чигиртканинг ўзи,— дебди Коҳин,— биринчи бўлиб келган оқ танли эса олдиндан юборилган разведкачи, холос. Шундай қилиб, улар оқ танлини ўлдиришибди.

— Оқ танли одам ўлим олдидан нималар дебди?— сўради Ученду.

— Ҳеч гап айтмабди,— жавоб берди Обиериканинг ҳамроҳларидан бири.

— У бир нарсалар дебди-ю, нима деганини тушунишолмабди-да,— қўшимча қилди Обиерика.— Сўзларни ҳам бир галати қилиб, бурнидан чиқариб гапираркан.

— Қочқинлардан бири менга айтдики,— суҳбатга аралашди Обиериканинг иккинчи ҳамроҳи,— у одам нуқул

битта сўзни такрорлармиш, бу сўз «Мбайно» сўзига ўхшармиш. Мбайнога бора туриб, йўлдан адашган бўлса ҳам ажаб эмас.

— Нима бўлса-бўптики,— давом эттирди ўз ҳикоясини Обиерика,— уни ўлдиришибди, темир отини бойлаб қўйишибди. Бу ҳодиса айни дала ишлари бошланишидан олдин рўй берибди. Шундан сўнг узоқ вақтгача ҳамма ёқ жимжит бўпти. Ёмғир ёғибди, ямс ўтқазишибди. Темир от ҳали ҳам муқаддас тут дарахтига боғланганча тураркан. Лекин бир куни эрталаб қишлоққа уч оқ танли одам кириб келибди, уларни бизга ўхшаган оддий одамлар бошлаб кепти. Улар темир отга қараб туришибди-да, қайтиб кетишибди. Абаменинг кўпчилик эркак-аёли ўша куни далада экан. Оқ танлиларни ва улар билан бирга келганларни камдан-кам одам кўрибди. Кўп ҳафталар ўтиб кетибди, лекин ҳеч бир янгилик бўлмабди. Маълумки, афо куни Абамеда катта бозор бўлади, унга бутун қабила йиғилади. Ҳамма воқеа ана шу бозор куни содир бўлибди. Уч оқ танли одам билан қанчадан-қанча оддий одамлар бозор саҳни қуршаб олишибди. Уларга зўр афсунгарлар ёрдам бергани аниқ, бўлмаса бозор саҳни одамга тўлгунча кўринмай туриша олармиди? Улар уйда қолган қари-қартанглар билан беморлару чиси ҳушёр туриб, бозордан илдам қочиб қолишларига қўмаклашган кичик бир тўдадан бўлак ҳамманни отишибди, ўлдиришибди.— Обиерика индамай қолди.— Абаме қабиласи йўқ энди. Ҳатто ўша ердаги сеҳрли кўлда яшайдиган табаррук балиқ ҳам ғойиб бўлибди, кўл суви эса қон рангига бўялибди. Коҳин башорат қилганидек, уларнинг юрти жуда катта бахтсизликка учради.

Олис дам сукут чўкди. Ученду тишларини қаттиқ ғичирлатди. Ниҳоят ўзини туюлмади:

— Бирор нарса демаган одамни сира-сира ўлдириб бўлмайди. Абаме қабиласининг одамлари тентак экан. Оқ танли одам тўғрисида ҳеч нарса билишмаган-ку улар.

У яна тишларини гичирлатди, кейин ўз сўзларининг исботи учун бир эртақ айта бошлади:

— Бир куни Қузғун ўз қизини овқат топиб келиш учун юборибди. Қизи учиб кетиб, ўрдак боласини тишлаганча қайтиб келибди. «Боплабсан,— деди Қузғун ўз қизига:— Фақат айт-чи, менга: сен ўрдакчани кўтариб кетаётганингда онаси нима деди?»—«Хеч нарса дегани йўқ,— жавоб берибди қизи.— Орқасига қайрилди-да, индамай кетаверди».— «Ҳамонки шундай қилган бўлса, ўрдакчани қайтариб олиб бориб бер,— деб буюрибди Қузғун.— Унинг индаманлиги бежиз эмас». Шунда қизи ўрдакчани олиб бориб бериб унинг ўрнига жўжа тишлаб келибди. «Хўш, жўжанинг онаси нима қилди?»— сўрабди қари Қузғун. «У бақирди, додлади ва мени ёмон сўзлар билан сўкди»,— деб жавоб берибди ёш Қузғун. «Ҳа, бундай қилган бўлса, уни еявериш мумкин экан,— дебди онаси.— Кекирдагига зўр берганнинг таги пуч бўлади». Абаме қабиласининг одамлари тентак экан!

— Ҳа, тентак,— бир оз ўйлаб туриб қўшилишди Оконкво.— Хавф-хатар яқинлигидан огоҳ қилишган экан-ку, ахир уларни. Шундай бўлгач, ҳатто бозорда ҳам милтиқ билан мачетени олиб юриш керак эди.

— Улар-ку ўз тентакликларига яраша жазо олишибди,— деди Обиерика.— Лекин бир нарсадан мен жуда хавотир қилиб турибман. Зўр қуролга ва кучли заҳар солинган ичимликка эга бўлган, қулларни денгизнинг нариги ёғига олиб кетадиган оқ танлилар тўғрисидаги ҳикояларни неча марталаб эшитганмиз, лекин бирор одам шу ҳикояларнинг ростлигига ишонармиди?

— Ҳақиқат аралашмаган ҳикоя йўқ,— деб қўйди Ученду.— Дунё кенг, бир халққа ёққан нарса, бошқа бир халқнинг нафратини қўзғайди. Орамизда альбинослар яшайди. Улар бизнинг орамизга янглиш кириб қолишган, уларни

уз юртларига бора туриб, йўлда адашиб қолишган деган фикр ҳеч қачон хаёлингизга келганми?

Ҳа-ҳу дегунча Оконквонинг катта хотини овқатни пишириб меҳмонлар олдига катта тоғорада туйилган ямс ва аччиқ барг шўрва олиб кирди. Оконквонинг ўғли Нвойе рафий хурмоси шарбатидан тайёрланган бир кўза шароб олиб кирди.

— Жуда катта киши бўп қопсан,— деди Обиерика Нвойега.— Огайнинг Анене сенга салом деб юборди.

— Ўзи яхши юрибдими?— сўради Нвойе.

— Ҳаммалари соғ-саломат,— жавоб берди Обиерика.

Эзинма қўл ювдириш учун идишда сув кўтариб кирди. Шундан сўнг ейиш-ичишга киришилди.

— Уйдан қай маҳалда чиқувдинглар?— сўради Оконкво.

— Асли-ку хўроз қичқирмасдан аввал йўлга чиқмоқчи эдик,— жавоб берди Обиерика.— Лекин Нвеке тонг оппоқ отганда келса бўладими. Янги уйланган одамни ҳеч қачон эрта саҳар бир жойга таклиф этмаслик керак экан.

Ҳамма кулиб юборди.

— Бундан чиқдики, Нвеке уйланибди-да?— сўради Оконкво.

— Окадигбонинг иккинчи қизига уйланди,— жавоб берди Обиерика.

— Яхши бўпти,— деди Оконкво.— Хўрозлар қичқирганини эшитмай қопсан деб дашном бермай кўя қолай.

Улар овқатланиб бўлишгач, Обиерика икки оғир қопни кўрсатди.

— Бу — ямсларингнинг пули,— тушунтирди у.— Сен қишлоқдан кетишинг биланоқ пуллаган эдим. Кейинчалик уруғлик ямсингнинг бир қисмини сотиб, қолганини қарзга улашдим. То қайтиб боргунингча шундай қилавераман.



Лекин сенга ҳозир пул зарур бўлса керак деб ўйлаб, пулларни ола келдим. Эртага нима бўлишини ким билади? Юртимизга бир дунё одам ёпирилиб келиб, ҳаммамизни қириб ташлар балки?

— Худо сақласин,— деди Оконкво ва кетидан:— Сенга қандай қилиб миннатдорлик билдиришга ҳам ҳайропман, Обиерика,— деб қўшиб қўйди.

— Маслаҳат берайми?— деди Обиерика.— Ўғилларингдан бирини менга қурбон қил.

— Бу камлик қилади,— деди Оконкво.

— Булмаса, узингни қурбон қил.

— Кечир мени,— деди Оконкво жилмайиб.— Миннатдорлигимни пеш қилмайман энди.

### Ўн олтинчи боб

Орадан икки йилча вақт ўтгач, Обиерика яна ўзининг қувғиндаги дўстини келиб кўрганида, аҳвол анча ёмонлашган эди. Умуофияга миссионерлар келганди. Улар черков қуришди, аҳолидан баъзи кишиларни ўз динларига киритишди, энди ён-атрофдаги шаҳар ва қишлоқларда уларнинг динини тарғиб этувчилар пайдо бўлганди. Оқсоқоллар дилига ғам-ташвиш тўлган, лекин уларнинг кўпчилиги бегона дин ва оқ танлилар худоси бу қабилада узоқ яшолмайди, деб ўзларига таскин беришарди. Ўзга динни қабул қилганлар орасида Умуофия кенгашида сўзи эътиборли бўлган бирорта ҳам одам йўқ эди. Уларнинг бирортаси ҳам унвонга эга эмасди. Уларнинг кўпчилиги *эфулефу* деб аталадиган ярамас, пўнг одамчалар эди. *Эфулефу* қабиланнинг тасавурида ўз мачетесини сотиб, жанг майдонига бўш қин билан кирган одам сифатида гавдаланарди. Агбала коҳиннаси Чиело ўзга динга кирганларни қабиланнинг

нажосати, у динни эса шу нажосатни ейиш учун келган қутурган ит деб атади.

Обиерика Оконкво билан кўришишга жазм қилганлигининг боиси шу эдики, бир кунни, кутилмаганда, Умуофия миссионерлари ўртасида Оконквонинг ўгли Нвоёе пайдо бўлиб қолганди.

— Бу ерда сен нима қилиб юрибсан?— сўради йигит билан гаплашишга миссионерлардан зўрға-зўрға рухсат олган Обиерика.

— Мен уларга қўшилганман,— жавоб берди Нвоёе.

— Отанг яхши юрибдими?— сўради Обиерика у ёғига нима дейишини билмай.

— Билмадим. У энди менга ота эмас,— ғамбодалик билан жавоб берди Нвоёе.

Шу важдан Обиерика Мбантага ошиқди. Лекин Оконкво ўгли тўғрисида гаплашишни истамасди. Нима гап ўтганлигини Обиерика она Нвоёедан билолди холос.

Миссионерларнинг пайдо бўлиши Мбантада зўр алғовдалғовга сабаб бўлди. Улар олти нафар бўлиб, биттаси оқ танли эди. Бутун қишлоқ халқи оқ танли одамни томоша қилиш учун кўчаларга ёғилди. Абамеда бир оқ танлини ўлдириб, унинг темир отини муқаддас тут дарахтига бойлаб қўйишган кундан бошлаб бу ғалати одамлар ҳақидаги ҳикоя тинмай оғиздан-оғизга ўтиб юрарди. Шунинг учун уйда бор одамларнинг ҳаммаси оқ танли одамни кўргани югуриб чиқишди. Ҳосилни йиғиб олиш мавсуми тугаганидан ҳамма уйда эди.

Қишлоқ халқи бозор саҳнига йиғилгач, оқ танли одам уларга мурожаат қилди. У тилмоч орқали гапирди. Бу тилмоч шу ердагилар сингари *ибо* халқидан бўлса ҳам, Мбанта аҳолиси одатланмаган, қулоққа ёмон эшитиладиган шевада сўзларди. Кўплар кулгидан ўзини тўхтатолмади,

унинг тили ва ифода усули шунақанги ғалати туюлди одамларга. У: «Мен ўзим» дейиш ўрнига: «Менинг сағриларим» дерди. Лекин унинг қадди-қомати кетворган экан, сўзларини диққат билан тинглашди. У ўз нутқини бошлаб, мен ҳам сизларнинг бирингизман, танамнинг рангидан ҳам, гапимдан ҳам бунга ишонч ҳосил қилсанглар бўлади. Қолган тўрт киши ҳам, гарчи уларнинг биттаси ибo тилида сўзлай олмаса ҳам, сизларнинг биродарларингиз. Оқ танли одам ҳам сизларнинг биродарларингиз, чунки ҳаммани худо яратган, деди. Шундан сўнг у ер юзидаги бутун мавжудотни бор қилган, ҳамма эркагу хотинни яратган шу янги худо ҳақида гапира бошлади. У айтдики, сизлар ёлғондаки худоларга, ёғоч ва тошдан ясалган худоларга топиняпсизлар,— шу сўзларни айтганида халойиқ ичида шиква-шикоят бошланди,— ҳақиқий худо осмондадир ва ҳамма одамлар ўлганларидан сўнг унинг қаршисида жавоб берадилар, деди. Гумроҳлик қилиб, ёғоч ва тошга топиниб юрган ярамас ва мажусийларнинг ҳаммаси ушанда хурмо мойидан ҳам қаттиқ ёнадиган оташга улоқтирилади. Ҳақиқий худони иззат қиладиган яхши одамлар эса нариги дунёда ҳамниша айшу фароғатда бўладилар.

— Бизни сизларнинг олдингизга қодир худойим юборди: ўлганларингиздан сўнг роҳат-фароғатда яшайман десанглар, ўз ножўя қилмишларингиздан ва ёлғондакам худоларингиздан воз кечиб, ҳақиқий худони танинглар,— деб тугатди гапини.

— Сенинг сағринг бизнинг тилни биларкан-ку,— деди оломон ичидан кимдир майна қилиб, ҳамма кулиб юборди.

— У нима деяпти?— сўради оқ танли одам тилмочдан. Тилмоч жавоб бериб улгурмасданоқ, оломон ичидан яна бир савол эшитилди.

— Оқ танли одамнинг оти қаерда?

Дин тарғиб қилувчи ибoлар узаро кенгашиб олиб, велосипед тўғрисида гап бораётган бўлса керак деган фикр-

га келишди. Бу гапни улар оқ танли одамга айтишган эди, у мулойим жилмайиб қўйди.

— Уларга айтгинки, бу ерга жойлашиб олганимиздан кейин анча темир от олиб келаман. Ушанда ўзлари ҳам бу темир отларни миниб сайр қилишади.

Жавоб шу заҳоти таржима этилди-ю, лекин озчилик одам эшитди. Оқ танли одам бизнинг орамизда яшамоқчи деб, ҳамма ҳаяжон ичида бир-бири билан гаплашарди. Буни улар сира-сира кутишмаганди.

Шунда оломон ичидан бир чол савол бермоқчи эканини айтиб қичқирди.

— Бу худоларингизнинг ўзи ким?— сўради у.— Ер худосими? Амадиорами? Момакалди роқ худосими?

Тилмоч оқ танлига мурожаат этган эди, у дарҳол жавоб берди.

— Сен айтаётган худоларнинг ҳаммаси сира ҳам худо эмас. Улар ёлғондаки ва сохта худолар, улар сизларга ўз яқин кишиларингизни ўлдиришни, бегуноҳ гўдакларни побуд қилишни амр этади. Ҳақиқий худо фақат битта, еру осмон, сизлару мен, оламдаги бутун мавжудот унинг измида.

— Агар биз ўз худоларимиздан кечиб, сизнинг худонингизга эргашсак, унда кечиб кетган худоларимиз ғазабдан, ота-боболаримиз ғазабидан бизни ким асрайди?

— Сизнинг худоларингиз ўлик худолардир. улар сизга ҳеч қандай шикаст етказа олмайди,— жавоб берди оқ танли одам.— Улар ёғоч ва тош холос.

Тилмоч бу сўзларни таржима қилиб эшиттирганида, оломон масхаралаб қаттиқ кулди. Бу келгиндилар жиннининг ўзгинаси, дейишди мбанталиклар. Бўлмаса, Ани билан Амадиорани шикаст етказолмайди, дейишармиди? Идемилчи? Огвугву-чи? Улар ҳам беозорми? Халойиқ тарқала бошлади.

Шунда миссионерлар тиловат бошлаб юборишди. Улар ибo халқи фарзандлари қалбининг энг қаърига яширинган ва одатда овоз чиқармайдиган торларни ҳам чертишга қодир бўлган инжил ҳамду саноларидан бирини тиловат қилишди. Тилмоч ҳар бир байтни тингловчиларга таржима қилиб бериб турди, тингловчиларнинг баъзилари қойил бўлиб, қотиб қолишди. Ҳамду санода худога ошиқ бўлмай, жаҳолат ва қўрқувда яшаган ака-укалар ҳамда хўжайинларнинг дарбозасидан узоқда, тоғларда ёлғиз ўзи ўтлаб юрган, яхши подачи меҳридан маҳрум бўлган бир қўзичок ҳақида ҳикоя қилинарди.

Тиловат тугаши биланоқ миссионер худонинг ўғли ҳақида гапирди, унинг исми Исо Масиҳ эди. Пировардида келгиндиларни калтаклашар ёки қишлоқдан чиқариб юборишар, деган умид билангина кетмай турган Оконкво баланд овоз билан бундай деди:

— Ахир ўзинг бизга айтдинг-ку, худо битта деб. Энди унинг ўғли тўғрисида вайсаяпсан. Бундан чиқдики, худонинг хотини ҳам бор экан-да.

Халойиқ гуриллаб маъқуллади.

— Мен худонинг хотини бор, деганим йўқ,— дудмаллик билан минғирлади тилмоч.

— Сенинг сағринг айтдики, унинг ўғли бор деди!— бақирди бир алқамбоз.— Демак унинг хотини бўлиши керак, уларнинг ҳаммасининг сағриси ҳам бўлиши керак.

Миссионер унга эътибор бермай, уч авлиё ҳақидаги ҳикояни давом эттирди. Ҳикоянинг охирига келганда, миссионерларнинг тентак эканига Оконкво чиппа-чин ишондида, елкасини қисганча, хурмо шароби тайёрлаш учун уйига кетди.

Бироқ оломон ичида миссионернинг ҳикоясига қойил қолиб бир йигит турарди. Бу Оконквонинг тўнғич ўғли Нвоёе эди. Йигитни банд этган уч авлиё ҳақидаги афсонанинг бемаъни мантиқи эмасди. Йигит бу мантиқни тушун-

гани йўқ. Лекин ўзга дин поэзияси унинг қалбини энг қаъригача жўшга келтирган эди. Жаҳолат ва қўрқувда яшаган биродарлар ҳақидаги бу қўшиқдан у ўзининг ёш қалбини ҳамиша банд этиб юрган мавҳум саволларга: буталар орасида аянчли фарёд киладиган эгизаклар, қатл этилган Икемефуна ҳақидаги саволларга жавоб топгандек бўлди. Қўшиқ сўзлари унинг изтиробли қалбига оқиб кирганида у чинакам енгил тортди. Бу сўзлар қақраган ер осмонида музлаб қолган ёмғирнинг эрий бошлаган томчиларидек бир гап эди. Нвойенинг мурғак тушунчаси алғов-далғов бўлиб кетди.

### Ун еттинчи боб

Дастлабки беш-олти кун ичида миссионерлар кечани бозорда ўтказишди, эрталаб эса худонинг каломини етказиш учун қишлоқларга жўнашди. Улар халойиқдан қишлоқда подшо кимлигини сўрашди, халойиқ у жойларда подшо йўқ эканини айтди.

— Бизда юқори унвонли кишилар, бош коҳинлар ва оқсоқоллар бор,— деди аҳоли.

Миссионерлар пайдо бўлиши туфайли вужудга келган зўр ташвишдан сўнг юқори унвон соҳибларини ва оқсоқолларни тўплаш осон бўлмади. Бироқ миссионерлар қаттиқ туриб олиб, ўз мақсадларига эришишди, ниҳоят Мбанта ҳукмдорлари уларни қабул этишди. Келгиндилар черков қуриш учун ер сўрашди.

Ҳар бир қабиланинг, ҳар бир қишлоқнинг ўз «Ҳаром ўрмон»и бор эди. У ўрмонга мохов ёки қора чечак каби ярамас касалликлардан ўлганларни кўмишарди. Ном чиқарган табиблар ўлганидан кейин улар тириклик чоғида ишлатган қудратли санамларини ҳам ўша ерга олиб бориб уюб ташлашарди. Шунинг учун ҳам Ҳаром ўрмон ҳамиша

жин-ажина ва нопок нарсалар макони эди. Шундай ўрмонни Мбанта ҳукмдорлари миссионерларга беришди. Миссионерлар ўз ичларида бўлишини ҳукмдорлар истамаслиги ўз-ўзидан равшан эди, хўш қайси эслик-хушлик одам Ҳаром ўрмондан макон қилади?

— Уларга ибодатхона қуриш учун ер керак,— маслаҳатлашиш учун тўпланган бошқа оқсоқолларга қараб муaroжаат қилди Ученду.— Шундай экан, ер берамиз уларга.

У индамай қолди, йиғилганлар орасида эса ҳайрат ва норозилик белгиси бўлган шивир-шивир бошланди.

— Уларга Ҳаром ўрмоннинг бир қисмини берамиз-да. Улар ўлимни енгамиз деб мақтанишади. Мана, чинакам жанг майдонида бизга ўз ғолибликларини кўрсатишсин.

Ҳамма кулиб юборди ва Учендунинг таклифини қабул қилди: «Шу масала ҳақида бемалол пичирлашиб олиш» мақсадида нарига кетказиб юборилган миссионерларни айтиб келиш учун одам юборилди. Миссионерларга Ҳаром ўрмонни таклиф қилишди — кўнгилларига ёққанча олишсин, майли, миссионерлар эса ҳаммани ҳайрон колдириб, миннатдорлик билдиришди ва тиловат қилишди.

— Тушунишмаган бўлса керак,— деди оқсоқоллардан бири.— Зиёни йўқ, эрталаб туриб, қандай ер олганликларини кўргач тушунишади.— Шундан кейин оқсоқоллар уй-уйларига тарқалишди.

Лекин эртасига эрталаб бу тентаклар чангалзор участкани тозалаб, уй қура бошлашди. Яқин тўрт кун ичида миссионерлар муқаррар ҳалок бўлишига Мбанто аҳолиси қитдай шубҳа қилмасди. Биринчи кун кетидан иккинчи кун, сўнгра учинчи, ниҳояг тўртинчи кун ўтди — миссионерларнинг бирортаси ҳам ўлгани йўқ. Ҳамма ҳайрон эди. Шундан кейин, оқ танли одамнинг худоси ҳам қудратли экан, деган миш-миш тарқалди. У кўзойнак тақиб юрганлиги учун, жин-ажиналарни кўриб, улар билан гаплаша

олади, дейишди. Тез орада бу худо уч одамни ўз динига киритиб, дастлабки ғалабага эришди.

Янги дин Нвойени энг биринчи кунданоқ ўзига жалб этган бўлса ҳам буни у ҳаммадан сир сақлаб юрди. Нвойе отасидан қўрқиб, миссионерларга яқин келишга ҳам журъат этмади. Лекин улар динни қаерда тарғиб этишса,— хоҳ бозорда, хоҳ қишлоқ илосида,— Нвойе ҳамиша ўша ерда ҳозир у нозир эди. Улар айтиб берган осонроқ ҳикояларнинг баъзиларини у ўрганиб ҳам ола бошлади.

— Мана биз черков ҳам қурдик,— деб мурожаат қилди Мбанта аҳолисига тилмоч Киага, озгина бўлса ҳам янги динга кирган қавмлардан хабардор бўлиб туриш, унинг зиммасига юкланган эди. Оқ танли киши ўзининг штаб-квартираси жойлашган Умуофияга қайтганди. Мистер Киага қавмлари орасида нималар бўлаётганлигини текшириб кўриш учун у ўша ердан мунтазам равишда келиб турарди.

— Мана, биз черков ҳам қурдик,— такрорлади мистер Киага,— ва истаймизки, ҳақиқий худога сиғиниш учун ҳар етти кунда бир марта шу ерга келиб турсанглар.

Кейинги якшанба куни Нвойе лойдан ясалган, қамиш томли черковга киргани журъат этмай, гоҳ олдига юрар, гоҳ орқасига қайтар эди. Унга тиловат қилаётган одамларнинг овози эшитиларди, черковда одам жуда оз эканига қарамай, овозлари баланд ва қатъий эди. Черков дарахтлардан тозаланган тўгарак саҳнда эди, Нвойега бу кичик саҳн Ҳаром ўрмоннинг таслим бўлган қисмидай туюлди. Наҳотки у жағини юмиш вақт-соатини кутиб турган бўлса? Нвойе черков атрофида айлана-айлана уйига қайтди.

Ўз худолари ва ота-боболари баъзида инсоннинг беодоблигини билиб туриб, тоқат қилишларини ҳеч ким билмаса ҳам Мбанта аҳолиси яхши биларди. Лекин уларнинг тоқати одатда етти бозор ҳафтасида ёки йигирма саккиз кунда тугарди. Ҳали бирор одам шу чегарадан нарига ўтмаганди. Шижоатли миссионерлар Ҳаром ўрмонга ўз чер-



ковларини қурганига олти ҳафта тўлаётганида, шунинг учун ҳам бутун қишлоқ шов-шув бўла бошлади. Мбанта аҳолиси бу кишиларнинг умри тугаб қолганлигига шу қадар қаттиқ ишонардики, янги динни қабул қилганларнинг икки-учтаси ундан қайтишни афзал билди.

Ниҳоят миссионерларни ер ютиши лозим деб ҳисобланган кун келди. Бироқ вақт ўтиб борар, улар эса ҳеч нарса бўлмагандай яшайверишар эди, ҳатто мистер Киага учун лой деворли, қамиш томли уй қуришга ҳам киришишди. Бу ҳафта уларга янги ғалаба келтирди: яна бир тўда одам уларнинг динини қабул қилди. Янги динни қабул қилганлар орасида бир хотин киши ҳам бор эди. Бу бадавлат ва омади келган деҳқон Амадунинг хотини, ҳомиладор Ннека эди.

Бунга қадар Ннека турт марта ҳомиладор бўлиб, тўрт марта тукқан, лекин ҳар сафар эгизак тукқанидан гўдакларини ўша заҳоти чангалзорга олиб бориб ташлашарди. Эри ва эрининг қариндош-уруғлари бирмунча вақтдан буён Ннекага ёмон назарда қарайдиган бўлиб қолишганди, шунинг учун ҳам Ннека христианларга қўшилиб кетгандан жилла хафа бўлишмади. «Унинг борадиган йўли шу ўзи!» дейишди.

Бир кун эрталаб Оконквонинг тоғаваччаси Амикву қўшни қишлоқдан қайта туриб, черков олдидан ўтса, христианлар орасида Нвойени кўриб қолди. Амикву шунақанги ҳайрон қолдики, асти қўяверасиз. У уйига етиб келиши биланоқ дарҳол Оконквонинг олдига бориб, бўлган воқеани унга айтди. Аёллар ҳовлиқиб ғовур-ғувур қилиб қолишди, лекин Оконкво бу гапнинг ўзинга даҳли йўқдай пинагини бузмади.

Нвойе кечга яқин уйига қайтди. У обиға кириши билан отасига салом берди; Оконкво унинг саломига алик олмади. Нвойе ҳовлига чиқиб кетаётган эди, Оконкво сакраб

ўрнидан турди-да, ғазабдан ўзини тутолмай, ўғлининг гирибонидан олди.

— Қаерда эдинг?— дудуқланиб сўради у.

Нвойе ўзини бўғаетган темир исканжадан томоғини бўшатиб олишга уринди.

— Гапир, бўлмаса, ажалинг менинг қўлимда!— бақирди Оконкво.

У супачадан чўнг сўйилни олиб, ўғлини бир неча марта силтаб-силтаб урди.

— Гапир!— яна бақирди у.

Нвойе отасидан кўзини узмай турар, индамас эди. Хотинлар уйга киришга юрак бетламай, ҳовлида гирдикапа-лак бўлишарди.

— Қўйиб юбор уни!— деган овоз эшитилди ҳовлидан.— Бу Оконквонинг тоғаси Ученду эди.— Жинни-пинни бўлдингми?

Оконкво жавоб бермади-ю, лекин Нвойени қўйиб юборди, Нвойе эса ҳеч қачон қайтиб келмайдиган бўлиб чиқиб кетди.

У черковга келди, оқ танли киши ёш христианларга ўқиш-ёзишни ўргатиш мақсадида мактаб очган Умуофияга бориш фикрига келганлигини мистер Киагага айтди.

Мистер Киага суюнганидан терисига сиғмай кетди.

— Мени деб ўз отасидан ва ўз онасидан кечадиган киши жаннатидир,— дея кироат бошлади у.— Бундан буён отам ҳам, онам ҳам менинг сўзларимга кирганлар бўлади...

Нвойе мистер Киага айтганларининг ҳаммасини тушуниб ололмади. Лекин отасишикидан кетганлиги туфайли у хурсанд эди. Вақти келганда у онаси, укалари ва сингиллари олдига боради, уларни ҳам янги динга киргизади.

Уша кеча Оконкво ўз кулбасида ўчоқ олдида, ёнаётган оловга тикилиб, рўй берган ҳодисани ўйлаб ўтирганча тонг оттирди. Тўсатдан вужудини ваҳшиёна бир ғазаб қамраб олди, мачетени қўлга олиб черковга бостириб кириш ва

бу чиркин ёвуз тўдани бурда-бурда қилиб ташлашдан иборат шаддод бир истак сизди ўзида. Лекин бир оз мулоҳаза юритгач, Нвойе нима бўптики, унинг учун курашарканман? деган хулосага келди. Тақдир шундай нобоп фарзанд ато қилиб ҳамма одамлар ичида нега мени, Оконквони бунча хор қилди?— дея ўз қалбидан сўради у.— Бу унинг чиси қўлидан келган иш албатта. Бошига тушган даҳшатли фалокатга, қувғинга учрашига, энди эса ўғлининг мана бу шармандали қилмишига нима сабаб? Энди, рўй берган ҳодисани у хотиржам мулоҳаза қилиб олиш имконига эга бўлганида, ўғлининг жинояти айниқса қабиҳ жиноят бўлиб кўринди унга. Отасининг худоларидан юз ўгириб, ўз тақдирини хотинчалиш, қари товуқлардай қул-қуллаб юрадиган одамлар билан боғлаш — разолат ва расволикдир! Борди-ю, Оконкво ўлганидан сўнг унинг ҳамма ўғиллари Нвойе изидан бориб, ўз ота-боболаридан юз ўгирса-я? Одамни жинни қилиб юборадиган ана шу даҳшатли нарсани ўйлагандаёқ Оконквонинг бутун вужуди зириллаб кетди. Ўзининг ва ота-боболарининг арвоқлари кичик уй — «худолар уйи» атрофида дуойи-фотиҳа ва худойига зор бўлиб, қон қақшаб юришларини, кадим замонлардан буён сақланиб қолган бир уюм кулдан бўлак нарса тополмасликларини у яққол кўз олдига келтирди. Унинг болалари эса ўша пайтда оқ танли кишининг худосига топинаётган бўлади! Агар қачонлардир шундай бўладиган бўлса, Оконкво, уларнинг ҳаммасини қириб ташлайди.

Оконквони кўпинча «Ўкирувчи аланга» дейишарди. У ўчоқнинг суст ёнаётган оловига тикилганча, шу номни эслади. Оконкво — чарсиллаб ёнадиган олов. Қандай қилиб ундан ана шу ярамас ва ҳезалак ўғил туғилди? Балки Нвойе сира ҳам Оконкводан бўлмагандир? Шундай, албатта! У Оконквонинг ўғли бўлиши мумкин эмас. Хотини гўсхўр қилган уни. Жуда соз-да, хотинига кўрсатиб қўяди у! Лекин Нвойенинг турқи бобоси Унокуга, Оконквонинг

отасига ўхшайди-ку. Оконкво бу фикрни дарров улоқтириб ташлади. Уни, Оконквони чарсиллаб ёнувчи олов дейишди. Қандай қилиб у ўғил ўрнига ҳажи қиз туғдирсин? Нвойедек чоғида Оконкво орқаси ер искамаган полвон ва жасур жангчи сифатида бутун Умуофияга донг чиқариб бўлган эди.

У оғир хўрсинди, ўчоқда тутаб ёнаётган ўтин ҳам унинг гамига шерикдай писиллади. Шу лаҳзада Оконквога бир фикр келди: албатта-да, ял-ял ёнган оловдан шумшук, жонсиз кул пайдо бўлади. У яна чуқур хўрсинди-ю, бироқ енгил тортиб хўрсинди.

### Ун саккизинчи боб

Дастлабки пайтларда Мбантадаги янги черков анчагина машмашаларни бошдан кечиришига тўғри келди. Аввалига Мбанта аҳолиси черковни муқаррар ер ютади, деб ўйлади. Лекин у ер ютиши у ёқда турсин, зўрайиб бораверди. Бу нарса қабилани ташвишга солди-ю. лекин қаттиқ ташвишга сололмади. Бир гуруҳ *эфулефу* Ҳаром ўрмонда яшагиси келса, нима бўпти, яшайверсин. Бундоқ ўйлаб қаралса, Ҳаром ўрмон мана шунақа чақирилмаган меҳмонларга энг муносиб жой. Тўғри, улар чангалзорга олиб бориб ташланган эгизакларни йиғиб олишарди, лекин ҳеч қачон уларни қишлоққа қайтариб олиб келишмасди. Шундай қилиб, эгизаклар ташланган жойидан бери келмасди ҳисоб. Миссионерларнинг гуноҳи учун ер маъбудаси қишлоқнинг беғуноҳ аҳолисини жазоламайди-ку, ахир.

Лекин бир куни миссионерлар ҳар қалай ҳаддан ошадиган бўлди. Янги динга кирганлардан учтаси қишлоқда пайдо бўлиб, қабиланинг худолари ўлик худолар, уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, биз уларнинг зиёратгоҳларини

га ёппасига ўт қўйишдан ҳам қўрқмаймиз, деб алжирай бошлашди.

— Яхшиси, боринглар-да, оналарингизнинг қорнига ўг қўйинглар,— деб бақирди қоҳиналардан бири уларга.

Янги динга кирганларни тутиб олиб, чала улик бўлгунча савашди. Шундан кейин қабила билан черков орасидаги сулҳ анча вақтгача бузилмади.

Бироқ оқ танли одам уз дининигина киртиб қолмай, бутун юртга ҳам уз билгисича хужайинлик қилмоқчи эмиш, деган гап Мбангада тез-тез гапириладиган бўлиб қолди. Янги дин тарафдорларини ҳимоя қилиш учун Умуофняда махсус суд маҳкамаси қурилибди дейишарди. Миссионерни ўлдирганлиги учун бир одамни ҳатто осиишибди ҳам дейишарди.

Мбангада бундай воқеаларни тез-тез гапирилиб юрса ҳам уларни бекорчи гап деб билишар ва бу гаплар ҳали черков билан аҳоли уртасидаги муносабатларга сира таъсир кўрсатмаган эди. Миссионерни ўлдиришни бўлса ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаганди, чунки мистер Киага ўзининг ақлсизлигига қарамай, жуда беозор одам эди. Унинг қавмларига келганда эса, уларнинг жонига қасд қилган одамни қувғин кутарди — улар қанчалик ярамас бўлса ҳам қабиланинг аъзолари эди, ҳар қалай. Шунинг учун ҳам гўё оқ танли одам мамлакатни ўз қўлига олмоқчи эмиш деган уйдирмаларга ҳеч ким жиддий эътибор бермас, динга янги кирган христианни улдириш нималарга олиб келишини қишлоқ аҳолисидан бирортаси жилла ўйлаб ҳам кўрмас эди. Агар миссионерлар олдингисидан кўра ғашга тегаверса, уларни қувлаб юборишади, вассалом.

Кичик черковнинг эса у вақтда қабила билан жанжаллашгудек ҳоли йўқ, ўз ғалвалари бошидан ошиб ётарди. Бу ғалвалар қабила мардуд қилган одамларни янги черков ўз бағрига оладими-йўқми деган саволдан бошланди.

Янги дин эгизакларни ва шунга ўхшаш ҳар хил нопок

нарсаларни олишини кўриб, осулар ёки қабиладан мардуд қилинганлар ҳам бизни меҳрибонлик билан кутиб олишади деган фикрга келишди. Шундай қилиб, бир якшанба кунни черковга икки осу келди. У ерда ҳозир бўлганлар ўртасида ғала-ғовур кўтарилди, бироқ янги диннинг қавмларга таъсири шу қадар зўр эдики, қабиладан мардуд қилинганлар черков эшигидан кириб келганида қавмларнинг бирортаси черковдан чиқиб кетмади. Уларнинг ёнида туриб қолганлар жойларини ўзгаритиришди холос. Бу бир мўъжиза эди. Бироқ бу мўъжиза ибодат тугагунча давом этди, холос, ибодат тугагач, қавмлар ўринларидан туришди-да, кескин норозилик билдириб, келгиндиларни ташқарига олиб чиқиб ташлайдиган бўлиб туришувди, мистер Киага орага тушиб, уларга панд-насиҳат қилди.

— Худонинг наздида барча баробар — мутелар ҳам, хўжайинлар ҳам йўқ,— деди у.— Ҳаммамиз худонинг бандаларимиз, шунинг учун бу одамларни ўз биродарларимиздек кутиб олиш керак.

— Сен ҳеч нарса ни тушунмайсан,— деди янги динни қабул қилганлардан биттаси.— Осуларга жой берганимизни эшитса, мажусийлар бизни нима деб ўйлайди? Улар бизни масхара қилишади-ку, ахир.

— Масхара қилса, қилишаверсин,— жавоб берди мистер Киага.— Худойи таоло маҳшар кунни уларни масхара қилади. Одамлар нега ҳаддан ошишади, нега қанчадан-қанча халойиқ ёлғон шуҳрат кетидан чопади, ҳайронман? Арши аълодаги малонкалар уларни масхара қилишади. Худойи таоло уларни шармандан-шармисор қилади.

— Сен ҳеч нарса ни тушунмайсан,— деб туриб олди янги динни қабул қилган киши.— Сен бизнинг раҳнаомизсан, янги динни бизга ўргатиш сенинг вазифанг. Лекин бу масалани биз сендан кўра яхшироқ тушунамиз-ку.— Шундан сўнг у осулар кимлар эканлигини Киагага гапириб берди.

Осу — худодарнинг ғазабига йўлиққан одам; мурдор бўлишдан қўрққан киши у билан ҳам, унинг болалари билан ҳам ҳеч қандай алоқа қилмаслиги керак. У эркин туғилган одамга уйлана олмайди. У — ҳуқуқсиз; у қишлоқнинг осулар учун махсус ажратилган бурчагида, Буюк зиёратгоҳ яқинида яшайди. Осу қаерга бормасин, ўз ланати кастаси муҳри билан — узун ўрим, кир сочиқ билан боради. Устара унга ҳаром. Осу эркин туғилганларнинг йиғинида қатнаша олмайди, эркин туғилганлар эса, ўз навбатида, унинг бошпанасидан фойдалана олмайдилар. У қабиланинг тўрт унвонидан биттасини ҳам ололмайди, ўлганида эса уни ўзига ухшаган мурдорлар Ҳаром ўрмонга кўмишади. Шундай одам Исо пайғамбарнинг уммати бўла оладими ахир?

— Унга Исо алайҳисалом сен билан менга қараганда ҳам кўпроқ керак,— деди мистер Киага.

— Ундай бўлса, мен ўз одамларимиз ёнига қайтиб кетаман,— деди янги динга кирган киши. У қайтиб кетди ҳам. Мистер Киага бу масалада қаттиққўллик кўрсатиб ёш черковни сақлаб қолди. Иккиланиб қолганлар руҳонийнинг иродаси мустаҳкамлигини кўриб, имонлари яна мустаҳкам бўлди. Мистер Киага мардудларга тароқ тегмаган узун сочларини қиришга буюрди. Дастлаб улар бундай қилсак, ўламиз деб қўрқишди.

— Ўз мажусий динингиз белгисидан қутулмагунингизча, сизларни черковга йўлатмайман,— деди мистер Киага.— Сизлар: ўлиб қоламиз, деб қўрқяписизлар. Нега ўларкансизлар? Сочини қирқиб юрганлардан нима фарқингиз бор асли? Сизларни ҳам, уларни ҳам битта худо яратган. Лекин улар сизларни моховни ҳайдагандек ҳайдашган. Бу иш худонинг азиз номига имон келтирганларнинг ҳаммасига боқий умр ваъда қилган оло таолонинг хоҳишига зиддир. Мажусийлар сизларга: бирор ишни биз айтганча қилмасаларинг, ўласанлар дейди, шунинг учун қўрқасиз-

лар. Лекин улар бу ерга черков курсанг, ўласан деб менга ҳам айтишган эди-ку. Мен ўлиб қолдимми? Улар менга агар эгизакларни олиб боқсанг, ўласан дейишувди. Мен ҳали ҳам тирикман. Мажусийлар ёлгон гапиришади. Худойи таолонинг сўзлари ҳақдир холос.

Мардудларнинг иккови ҳам сочларини олдириб ташлашди ва тез орада янги диннинг ҳақиқий муҳибларига айланишди. Бундан ташқари, Мбантада яшаган осуларнинг деярли ҳаммаси уларга эргашди. Лекин шуниси ҳам борки, бир йилдан сўнг худди ўшалардан бири сув худосининг фарзанди — муқаддас питонни ўлдириб қўйганлиги туфайли янги черков билан қабила ўртасида жиддий низо туғдирди.

Питонлар Мбантада ва барча қўшни қабилаларда энг табаррук жонвор ҳисобланар эди. Питонларни «ўз отамиз» деб аташар, уларнинг исталган жойга, ҳатто тўшакка ҳам ўрмалаб киришига йўл қўйишарди. Улар уйлардаги каламушларни ер, баъзан эса товуқ тухумларини ҳам ютиб юбораверарди. Агар бирор одам билмасдан питонни ўлдириб қўйса, у ўз гуноҳини ювиш учун қурбонлик қилар ва уни худди машҳур одамларни кўмгандай тантана билан кўмарди. Питонни атайлаб ўлдирган одам учун жазо ҳам белгиланган эмасди. Бундай бўлиши мумкинлиги бирор одамнинг хаёлига ҳам келмаганди.

Балки, бундай ҳодиса рўй бермагандир ҳам. Қабила аввалига ҳар қалай шундай деб ҳисоблади. Бу одам питонни қандай ўлдирганлигини ҳеч ким кўргани йўқ. Бу мишмиш христианларнинг ўзидан чиқди.

У ерда нима бўлса бўлгандиру, бироқ Мбантанинг тақиқли кишилари ва оқсоқоллари кенгашиш учун тўпланишди. Кўплар узундан-узоқ, газаб тўла нутқлар сўзлашди. Уларда жанг талаблик сезилиб турарди. Бу даврга келиб ўз онаси юртида салмоқли ўрин тута бошлаган Оконкво



бу ифлослар тўдаси Мбантадан қамчилаб ҳайдалмагунча қишлоқда тинчлик бўлмаслигини айтди.

Бироқ кенгашда бу масалага бошқача қараганлар ҳам бўлиб, пировардида ўшалар устун келишди.

— Худоларимиз учун урушиш бизнинг таомилимизда йўқ,— деди уларнинг бири.— Бу сафар ҳам урушмайлик. Биров ўз хонасида питонни яшириқча ўлдирган бўлса, бу сир ўша одам билан чиси ўртасида қолсин. Биз буни кўрганимиз йўқ. Биз худо билан унинг қурбони ўртасига тушадиган бўлсак, бу ишни қилган одам учраши керак бўлган балога биз учраймиз. Бирор одам худони ҳақорат қилса, биз унинг оғзини юмиб қўямизми? Йўқ, Биз унинг гапларини эшитмаслик учун қулоғимизни бекитамиз. Ақлли иш бундоқ булади.

— Қўрқоқларга ўхшаб мулоҳаза қилмайлик,— деди Оконкво.— Биров менинг уйимга келиб, унинг тўрини булғатса, нима қиламан? Кўзимни юмиб ўтиравераманми? Йўқ. Таёқни олиб, бошини пўла қиламан. Эрақак одам шундоқ қилади. Бу одамлар кундан-кун устимизга мағзава сепишяпти, Океке бўлса, ўзимизни ҳеч нарса кўрмаганга солайлик, деб маслаҳат беряпти.

Оконкво жирканганидан кулиб ҳам қўйди ҳатто. «Ўзи шунақа ҳажи қизлар қабиласи бу,— дея ўйлади у.— Унинг юртида, Умуофияда шундай бемазагарчилик рўй бериши мумкинмиди?»

— Оконкво тўғри айтяпти,— деди кимдир.— Бирор чора кўриш керак. Бу одамларни қабиламиздан ҳайдаш керак. Ўшанда биз уларнинг ярамас ишлари учун гуноҳга қолмаймиз.

Ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ўз фикрини айтгач, христианларни қабиладан ҳайдаб юборишга қарор қилинди. Оконкво газабдан тишларини ғичирлатди.

Ўша кечаси жарчи қишлоқни кезиб, янги динни қабул этганлар эндиликда қабила аъзолигидан чиқарилишини ва демак, ҳозиргача фойдаланиб келган барча имтиёзларидан маҳрум этилишини дарак солди.

Шу орада христианларнинг сафи анча ўсган эди. Эндиликда бу эркак, аёл ва болалардан иборат кичик бир ўзига ишонган ва хотиржам жамоа эди. Оқ танли миссионер мистер Браун улардан доимий равишда хабар олиб турарди.

— Сизларнинг ўртангизга янги дин уруғлари экилганига атиги бир ярим йил бўлганлигини ўйласам,— деди у,— худонинг қудратига ҳайрон қоламан.

Даҳшатли ҳафтанинг чоршанбаси келди, мистер Киага қизил тупроқ, бўр ва сув олиб келиб, черковни пасха муносабати билан сувашни аёллардан илтимос қилди. Аёллар уч гуруҳга бўлганишди: уларнинг бир қисми эрта саҳарда кўза кўтариб булоқ томон йўл олди, бир қисми чўқмор ва сават кўтариб, тупроқ олиб келиш учун пастқамликка, қолганлари эса бўр конига жўнашди.

Аёлларнинг ҳой-ҳой сурони эшитилганда мистер Киага черковда ибодат устида эди. У қўлидаги инжилни бир четга суриб, нима гаплигини билгани ташқари чиқди.

Аёллар бўш кўза билан қайтиб келиб, ўзларини булоқ бўйида йнгитлар қамчи олиб ҳайдаганлигини айтишди. Тупроқ олиб келиш учун борганлар ҳам тез орада саватлари бўм-бўшлигича қайтиб келишди. Уларнинг баъзиларини қаттиқ савалашган эди. Бўрга борган аёллар ҳам шу аҳволга тушишди.

— Бу нима деган гап ахир?— ҳайрон бўлиб сўради мистер Киага.

— Қабила биздан юз ўгирди,— дея тушунтирди аёллардан бири.— Кеча кечаси бу гапни жарчи бутун қишлоққа дарак солувди. Лекин бизда бирор одамни булоққа ёки тупроқ олинадиган пастқамликка йўлатмаслик таомили йўқ.

— Улар бизни ҳалок этишмоқчи,— деди бошқа бир аёл.— Бизни бозорга ҳам киргизишмоқчи эмас. Улар шундай дейишди.

Мистер Киага эркакларни айтиб келиш учун қишлоққа одам юбормоқчи бўлиб турувди, улар ўзлари черковга келиб қолишди. Улар жарчининг овозини эшитганлари рост, лекин аёлларни булоққа йўлатмасликка ўхшаган гапни умрлари бино бўлгандан буён эшитишмаганди.

— Юринглар!— дейишди улар аёлларга.— Сизлар билан бирга бориб, бу қуён юраклар билан гаплашиб қўямиз.— Баъзиларнинг қўлларида оғир сўйил кўринар, баъзилар эса мачете ҳам олиб олганди.

Бироқ мистер Киага уларни қайтарди. У, аввало, христианларни нима ваддан қабиладан қувганликларини билиб олмоқчийди.

— Улар: Околи табаррук питонни ўлдирди, дейишяпти,— деди эркаклардан биттаси.

— Бўлмаган гап,— деди бошқа бир эркак.— Бу ёлгон гап эканлигини Околининг ўзи айтди менга.

Улар орасида Околи йўқ, шунинг учун бу гапнинг рост-ёлғонлигини ҳеч кимдан билиб бўлмасди. Ўтган кеча у касал бўлиб қолган, кечга бориб оламдан ўтган эди. Унинг ўлими қабила худодарининг ҳали ҳам ўз-ўзини ҳимоя эта олишидан далолат берди. Ҳамонки шундай экан, қабилада христианларга тихирлик қилиш учун асос йўқ эди.

### *Ун тўққизинчи боб*

Уша йилнинг сўнгги қаттиқ ёмғири ёғиб ўтди. Девор қуриш учун ишлатиладиган қизил лойни пишитиш вақти келди. Бунинг илгарироқ қилиб бўлмас, негаки тайёрланган лойни қаттиқ жала барибир ювиб кетарди; лекин бу ишни

кейинга қолдириб ҳам бўлмасди, негаки, яқин орада ҳосил йиғиб олинар, унинг кетидан эса қурғоқчилик мавсуми келар эди.

Оконкво учун бу Мбантада охириги марта йиғиб олинган ҳосил эди. Узундан-узоқ, бекор утган етти йил ниҳоясига етмоқда эди. Уз онаси юртида Оконквонинг иши анча юришди, лекин эркаклари довюрак ва жангари булган отаси юртида, Умуофияда яшаса, яна ҳам купроқ муваффақиятларга эришувини биларди у. Шу етти йил ичида у энг юксак шарафга эришган бўларди албатта. Шунинг учун ҳам қувғинда ўтказилган ҳар бир кун Оконкво учун кони ғам бўлди. Онасининг қариндошлари унга кўп яхшилик қилишди, Оконкво улардан миннатдор эди. Лекин бу нарса аҳволни ўзгартиролмасди. Узининг қувғинда эканида туғилган дастлабки фарзандига у Ннека — «Она ҳаммадан юксак» деб исм қўйиб, она авлодига эҳтиромини билдирди. Лекин икки йилдан сўнг ўғил курганида, унга Нвофия «Чўлда туғилган» деб исм берди.

Қувғиндаги сунгги йил бошланиши биланоқ Оконкво Обиерикага пул юбориб, ўзининг собиқ қўрғони ўрнига икки хона қуришни илтимос қилди, яна бир неча хона қуриб, ўз ери атрофига девор олгунча оиласи билан шу икки хонада истиқомат қиладиган бўлди. Оби — ўзи учун хона қуришни ва атрофга девор олдиришни у ўзидан бошқа одамдан илтимос қилолмасди-да. Обини ҳам, деворни ҳам эркак кишининг ўзи куради ёки отасидан мерос қилиб слади.

Уша йилнинг охириги қаттиқ ёмғирлари ёға бошлагач, Обиерика хоналар тайёр эканини хабар қилиб одам юборди, Оконкво эса ёмғир тиниши биланоқ дарҳол йўлга тушиш учун шитоб билан тайёргарлик кўра бошлади. Ўзига қолса-ку, Умуофияга сал илгарироқ қайтиб бориб ўз қўрғонини шу йил, ёмғир мавсуми тугагунча қуриб битирган буларди; лекин бундай қилинганда, қувғин муддати бир оз

қисқарар, бунга йўл қўйиб бўлмас эди. Шунинг учун у қурғоқчилик палласини сабрсизлик билан кута бошлади.

Қурғоқчилик бошланиши эса кечикаверди. Ёмғирнинг қуввати аста-секин қирқила бориб, ниҳоят бир лаҳзалик қиялама ёмғирлар ёға бошлади. Ахён-аҳёнда ёмғир томчилари орасидан қуёш кўриниб қолар, баъзан енгил шамол эсар эди. Сўнгра осмонда камалак, баъзида эса худди она-боладек бири навқирон ва кўркам, иккинчиси илвиллаган ва нимжон соя шаклидаги икки камалак пайдо бўла бошлади. Камалакни осмон питони деб аташарди.

Оконкво уччала хотинини чақириб, улкан шодиёнага тайёргарлик кўришни уларга буюрди.

— Бу ердан жунаб кетишдан аввал авлодларимнинг ҳурматини жойига қўйишим керак,— деди у.

Эквефининг даласида ўтган йилдан бир оз кассаву қолган эди. Бошқа хотинларда кассаву аллақачон тугаганди. Улар дангаса ёки ношуд бўлганидан эмас, балки жуда кўп жонни тўйдирганликларидан кассавулари тугаганди. Шунинг учун зиёфатга кассавуни Эквефи беради деб келишилди. Она Нвойе билан кенжа хотин Ойиуга зиммасига қоқ балиқ, хурмо мойи ва шўрванинг мурчи каби нарсалар тушадиган бўлди. Гўшт ва ямси Оконкво ўз зиммасига олди.

Эртасига эрталаб Эквефи барвақт уйғонди ва ўз қизи Эзинма ҳамда Ойиғуонинг қизи билан бирга кассаву қазигани далага кетишди. Уларнинг ҳар бирида узунчоқ тўқима сават, кассаву ўзагини қирқиш учун мачете ва кассаву доналарини кавлаб олиш учун кичик-кичик чўқмор бор эди. Уларнинг бахтига кечаси бир оз ёмғир ёғиб ўтган, шунинг учун ер жилла ҳам каттиқ бўлмаслиги керак эди.

— Бизларга унчаям кўп керак эмас, бирпасда қазиб оламиз,— деди Эквефи.

— Барглар ҳўллиги чатоқ-да,— дея нолиди Эзинма. Сават унинг бошида сал тебранар, кўлларини эса кўкраги

устига қўйганча борарди. У совқотганди.— Елкамга совуқ томчи томишига сира тоқатим йўқ-да. Қуёш кўтарилиб, баргларни қуритгунча кутиб турсак нима қилади?

Эзинма ҳамиша сувга тоби йўқлигини гапираверганлигидан Обиагели унга «Туз» деб лақаб қўйганди. «Эриб кетаман деб қўрқасан шекилли?»

Эквефи айтганча кассаву қазиш жуда осон бўлди. Эзинма ўзакни қиркиб, кассаву туганагини чиқариб олишдан аввал экинни қўлидаги узун таёқ билан кучи борича силкитарди. Баъзан эса қазишга ҳам ҳожат қолмасди. Кесилган ўзакка тегиш биланоқ ер қатлами кўтарилиб, ўзак шундоққина ажралиб кетар, кассаву туганагини тортиб олиш қолади холос.

Улар бир уюм кассаву қазишди-да, икки қатнашда уни сой бўйига ташиб келишди, сой бўйида ҳар бир аёлнинг туғунак ивитадиган чуқури бор эди.

— Мана қарабсанки, уч-тўрт кундан кейин тайёр бўлади,— деди Обиагели.— Туганаги жуда ҳам ёш-да.

— Сира ҳам ёш эмас-да,— деб жавоб берди Эквефи.— Уни қарийб икки йил аввал ўтказганман. Бу ер жуда ночор бўлганидан туганаклар шунақа майда.

Оқонкво ҳеч қачон ҳеч бир ишни чала қилмасди. Хотини Эквефи меҳмондорчилик учун икки эчки бемалол этади деганида уни қаттиқ қайириб ташлади ва бировнинг ишига тумшуғингни суқма, деди.

— Зиёфат берганимдан кейин, бунинг чорасини қилгандирман ахир. Мен дарё бўйида яшаб, қўлини туфугига ювадиганлардан эмасман. Она авлодларим менга илтифот кўрсатишди, мен ҳам уларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этишим керак.

Шундай қилиб, уч эчки билан бир неча хўроз сўйилди. Худди никоҳ тўйига кўргандай тайёргарлик кўрилди. Мўл-кўл фуфу, ямс шўрва, пэгуси ва аччиқ барг шўрваси

пиширилди, сон-саноқсиз кўзаларда хурмо шароби тайёрланди.

Зиёфатга барча қариндош-уруғларини — икки юз йилча аввал яшаб ўтган Околонинг ҳамма авлодларини таклиф этишди. Бу жуда каттакон оиланинг оқсоқоли Оконквонинг тоғаси Ученду эди. Кола ёнғоғи унинг олдига қўйилди, ёнғоғни майдалашдан аввал Ученду ота-боболаридан тилак тилади. Улардан ҳаммага сиҳат-саломатлик ва авлод-аждодга умри боқийлик сўради.

— Биз бойлик сўрамаймиз, негаки соғ-саломат, болачақалик одамнинг бойлиги ҳам бўлади. Бизга кўпроқ пул иноят қилинлар демаймиз — кўпроқ қариндош-уруғ иноят қилинлар. Биз ҳайвонлардан юқори турамиз, негаки қариндош-уруғчиликни тан оламиз. Агар ҳайвоннинг елкаси қичиса, дарахтга ишқаланади, одам эса дувиллаб кетган елкасини қашиб қўйишни ўз яқин кишисидан илтимос қилади.

Ученду Оконкво ва унинг оиласини алоҳида дуо қилди. Кейин у кола ёнғоғини майдалаб, бир бўлагини ерга ташлади — бу ота-боболарнинг тегиши эди.

Кола ёнғоғи айлангириб чиқилиши биланоқ Оконквонинг хотинлари ва болалари ҳамда уларга кўмаклашаётганлар овқат олиб кира бошлашди. Оконквонинг ўғиллари шароб тўла кўзалар кўтариб киришди. Таом ва шароб шунақанги сероб эдики, баъзи қариндошлар ҳайрон қолиб ҳуштак чалиб юборишди ҳатто. Ҳамма нарса дастурхонга қўйилиб бўлгач, Оконкво ўрнидан туриб гап бошлади.

— Мана шу кичкинагина кола ёнғоғини тановул этишларингизни утинаман, — деб гап бошлади у. — Бу билан етти йил ичида менга кўрсатган меҳр-оқибатларингиздан узилмоқчи эмасман. Бола онадан эмган сутнинг ҳақидан узилиши мумкин эмас. Мен ҳамма қариндош-уруғлар йиғилиши энг яхши иш бўлади деб ҳисоблаганим учунгина чақирдим ҳаммангизни.

Зиёфат ямс шўрвадан бошланди. Аввало у фуфуга қараганда енгил таом, ундан ташқари ямс ҳамиша биринчи бўлиб тортилади. Баъзи меҳмонлар унинг устидан пегуси шўрва, баъзилар эса аччиқ барг шўрва ичишди. Кейин ямсни барчага баробар қилиб тақсимлашди. Эркаклар ёшларига қараб бирин-кетин ўринларидан туриб, ўз улушларини олишди. Ҳатто зиёфатга келолмай қолган битта-яримта қариндошларига ҳам насиба олиб қўйишди.

Хурмо шароби ичиб тугатилгач, авлоднинг энг кексаларидан бири ўрнидан туриб, Оконквога миннатдорлик билдирди.

— Агар мен бундай ажойиб зиёфат бўлишини кутмаган эдик, десам, ўғлимиз Оконквонинг бағоят хотамтойлигини билмаганимиз бўлади. Уни ҳаммамиз биламиз ва ажойиб бир зиёфат бўлади деб ўйлаган эдик. Лекин бу зиёфат биз кутганимиздан ҳам аъло бўлди. Раҳмат сенга. Шу зиёфатга сарфлаганларинг бирга ўн бўлиб кайтсин. Ёш авлод ўзини ота-боболаридан кўра ақлли деб биладиган ҳозирги вақтда қадимгиларнинг яхши ўғитларига амал қиладиган одамни кўриб хурсанд бўласан киши. Ахир ўз қариндош-уруғларини меҳмонга чақирган одам уларни очликдан сақлаб қолиш учун чақирмайди-ку. Ҳаммамизнинг ҳам уйимизда ўзимизга яраша оби-ёвгонимиз бор. Ой нур сочиб турган майдонга йиғилганимизда ойнинг нури учун йиғилмаймиз. Хар ким ўз ҳовлисидан туриб ойна томоша қилса ҳам бўлаверади. Қариндош-уруғлар бир жойга йиғилиши жуда яхши гап эканлигини билганимиз учун йиғиламиз. Бу гапни нега гапиряпти, деб сўрарсизлар мендан. Шунинг учун гапиряпманки, ёш наслимиздан, сизлардан хавотирдаман.— У ёшлар ўтирган томонга қўли билан ишора қилди.— Ўзимнинг кўпим кетиб озим колди. Ученду ҳам, Уначикву ҳам, Эмефо ҳам шундай. Лекин сизлардан хавотирдаман, ёшлар, чунки қариндош-уруғчилик нақадар зўр куч эканлигини билмайсизлар. Бир овоздан гапирриш нима демаклингни



билмайсизлар. Натижада нима бўляпти денглар? Манфурдин сизларнинг орангизга суқулиб кияпти. Энди бирор одам ўз отасини ва биродарларини ташлаб кетиши ҳеч гап бўлмай қолди. У ўз ота-боболари топинган худолардан юз ўгириши ҳеч гап бўлмай қолди — овчи ит қутурса, ўз эгасини қопар экан! Сизлардан хавотирдаман. Наслимиздан хавотирдаман.

У яна Оконквога ўгирилди.

— Ҳаммамизни жам қилганинг учун раҳмат сенга!

### III ҚИСМ

#### *Йигирманчи боб*

Етти йил ўз қабиласидан ажралиб қолиш озмунча фурсат эмас. Бўш қолган ер ўз эгасининг қайтиб келишини кутиб, абадий бекор ётавермайди. Биров ўз ўрнашган еридан кетди дегунча, бу ерни эгаллаб оладиган одам топилади. Қабилла калтакесакка ўхшаган нарса: думидан ажрайдиди-да, бирпасдан кейин қарасанг, янги дум ўсиб чиққан бўлади.

Оконкво буни биларди, Умуофияда адолат ўрнатадиган ниқобли тўққиз арвоқнинг бири сифатидаги мавқеидан ажралганини биларди; у ўз жанговар қабиладошларини тобора куч тўплаётган (у шундай деб эшитганди) янги динга қарши бошлаб бориш имкониятидан жудо бўлган эди. Йиллар беҳуда ўтиб кетди, бу давр ичида у қабиланинг юқори унвонларини олиши муқаррар эди. Лекин бу кетган нарсаларнинг баъзилари ўрнини тўлдириш мумкин. У ўзининг юртига қайтиб бориши шунчаки гап бўлмаслигига қаттиқ ишонарди. У куч-қувватга тўлган ҳолда юртига қайтяпти ва беҳуда кетган бу етти йилнинг ўрнини тўлдириб юборадди.

Қувғиннинг биринчи йилиданоқ у ўз қишлоғига қандай қайтажагини ўйлай бошлади. Авваламбор янги қўрғон қуради, у олдингисидан катта ва кўркам бўлади. Олдингисидан катта қилиб донхона, икки хотини учун хоналар қуради. Шундан кейин у ўз ўғилларини озолар қаторига киритиб, бойлигига қанча бойлик қўшганлигини одамларга кўрсатади! Бундай қилиш қабиланинг энг таниқли ва энг ба-

давлат аъзолари қўлидангина келишини ҳамма билади. У энг юқори унвон олган чоғида кўрсатиладиган катта ҳурматни ва шу пайтдаги ўзининг ҳолатини яққол тасаввур этарди.

Қувғиндаги йиллар ўтгани сари Оконкво чеккан барча изтироблари учун чиси ўзига қарам қилмоқчи эканлигига тобора ишонч ҳосил қила борди. Ақалли ямсни айтмайсизми: бу ерда Мбантада ҳам, дўсти Обиерика Оконквонинг уруғлик ямсларини ҳар йили тақсимлаб турган Умуофияда ҳам мўл-кўл ҳосил оляпти.

Шу пайт қўққисдан катта ўғли ташвишга қўйса бўлади-ми. Аввалига Оконквонинг иродаси букилгандек туюлди. Бироқ бу сафар ҳам Оконкво ҳаддан ташқари куч-қудрат кўрсатиб ўз бошига тушган ғамни ниҳоят енгди. Унинг яна беш ўғли бор-ку, ўшаларни ўз насли анъаналарига содиқ қилиб тарбиялайди.

У ўғилларини ўз олдига — обисига чақиришни буюрди. Улар кириб Оконквонинг рўбарўсига ўтиришди. Энг кичкина ўғли эндигина тўрт ёшга тўлганди.

— Акаларинг ўзини қандай шармандаи-шармисор этганини ҳамманг кўрдинг. Энди менинг ундай фарзандим, сизларнинг ундай акангиз йўқ. Ўзининг асл эркаклигини кўрсатган, қабиладошларим орасида бошини баланд кўтариб юриш ҳуқуқига эга бўлган фарзандгина менинг ўғлим бўлади. Қайси биринг хотинчалиш бўлгинг келса, Нвойенинг йўлидан борларинг! Лекин кимки бундай қилмоқчи бўлса, ҳозир, менинг кўзим тириклигида қилсинки, лаънатлаб қолай! Агар мен ўлганимдан кейин менга зид йўл тутадиган бўлсаларинг, билиб қўйки, барибир мен қайтиб келиб бўйинларингни қайириб ташлайман.

Оконквонинг қизларидан омади келганди. У Эзинма қиз бўлиб туғилганига ҳали-ҳали афсус қиларди. Фарзандлари ичида ёлғиз шу Эзинма Оконквонинг кўнглидаги бор ғамни биларди. Йиллар ўтган сайин ота билан қиз ўртасидаги дўстлик, бир-бирини тушуниш тобора кучайди.

Кувгинда Эзинма Мбантанинг энг соҳибжамол кизларидан бири бўлиб етилди. Эзинмани «Гузалик биллури» деб аташарди — ўз вақтида унинг онаси ҳам шундай аталганди. Онасига шунча ғам-ғусса келтирган кичкина, мижгов қизалоқ сира сезмаганда кувноқ, ял-ял яшнаб турган қизга айланди. Рост, аҳён-аҳёнда унга машъум хафақон касали оралаб қолар, бу пайт қиз ҳаммага итдек ҳамла қиларди. Бундай касаллик ҳеч қандай сабабсиз, тўсатдан тутиб қоларди. Лекин у жуда ҳам онда-сонда бир тутар, тутганда ҳам узоққа чўзимас эди. Бундай пайтда Эзинма отасидан бўлак кимсани ёнига йўлатмасди.

Қанчадан-қанча йигитлар, бой-бадавлат одамлар Эзинманинг атрофида гирдикапалак бўлишар, бироқ қиз уларнинг барига рад жавобини берар эди. Чунки бир куни кечқурун отаси уни ўз олдига чакириб бундай деганди:

— Бу ерда, Мбантада сенга муносиб купгина бадавлат одамлар бор. Лекин сен юртимизга қайтгандан сўнг, Умуофияда турмуш қилсанг хурсанд бўлардим.

Ундан бошқа ҳеч нарса демади отаси. Лекин Эзинма бу сўзлар тагидаги маънони уқиб олди ва рози бўлди.

— Обиагели синглинг менинг гапимни тушунмайди,— деди Оконкво.— Унга ҳамма гапни ўзинг тушунтириб кўй.

Опа-сингилар деярли бир ёшда бўлса ҳам Эзинманинг Обиагелига таъсири ниҳоятда зўр эди. Нега ҳозир эрга тегмасликлари лозим эканлигини Эзинма тушунтирган эди, Обиагели унинг фикрига қўшилди. Шу пайтдан бошлаб опа-сингил икковлари Мбантада чиққан куёвларга рад жавоби бера бошлашди.

«Шу ўғил бола бўлиб туғила қолса нима қиларди-я! — деб қайта-қайта ўйларди Оконкво.— Ҳамма нарсани шунақанги тушунадик!» Фарзандларининг қайси бири Оконквонинг дилидаги гапни Эзинмадек топа олади? Оконквонинг етилган, кўҳлик икки қиз билан Умуофияга қайтиши

ҳамманинг диққатини тортади. Умуофияда ҳукмдорлик қилиб турган ва баобрў одамлар унга куёв булгилари келади. Эл-юрт танимаган камбағаллар унинг қизларига оғиз солиб курсин-чи!

Оконкво қувғинда ўтказган етти йил ичида Умуофия жуда ўзгариб кетди. Янги дин кўпларни йўлдан оздирди, таги зоти паст ёки қабила мардуд этганларигина эмас, баъзи баобру, ҳар томонлама ҳурматга лойиқ одамлар ҳам христианликни қабул қилишди. Огбуефи Угонна шундай қилди. Икки унвон эгаси булган бу одам унвонлари белгиси булган билагузукларни оёғидан жинниларча юлиб ташлаб, христианларга қушилиб кетди. Оқ танли миссионер уни узига оғдириб олганлигидан жуда керилиб кетди ва Угонна Умуофияда биринчилардан булиб муқаддас анжуман ёки «муқаддас таом» ларга (ибо тилида шундай дейиларди) қушиладиган булди. Огбуефи Угоннанинг тасавбурида муқаддас таом оддий ишратнинг ўзи эди — фақат шуниси борки, бирмунча одоб доирасидаги ишрат эди. У яхши еб, яхши ичажагига ишонарди. Шунинг учун ҳам ишрат куни черковга йўл оларкан, шароб ичиладиган мугузни ҳам эчки тери халтасига тиқиб оларди.

Бироқ оқ танлилар фақат ўз динларинигина эмас, балки ўз қонунлари ва тартибларини ҳам олиб келишганди. Шу мақсадда қишлоқда суд маҳкамаси қуришди, бирор нарсага фаҳми тузукроқ етмайдиган округ комиссари у ерда одил судловни амалга оширарди. Дастлабки вақтларда комиссарнинг суд соқчилари булиб, айбланувчиларни унинг олдига келтириш ушаларнинг вазифаси эди. Купгина соқчилар умурулик эди. Буюк дарё қирғоғидаги Умуруга кўп йиллар бурун оқ танлилар келиб, уша ерни марказ қилиб олишган, ўз динлари, уз савдолари, уз қонунларини ўша ердан туриб бутун мамлакатга ёйишар эди. Бу соқчиларни

Умуофияда астойдил ёмон кўришарди, чунки бу соқчилар бегона, бунинг устига такаббур ва амалпараст кишилар эди. Улар котмалар деб аталарди. Бундан ташқари уларни кул ранг калта шим кийиб юришлари туфайли «кул қўймич» деб аташарди. Соқчилар оқ танлилар қонунини бузган одамлар билан лиқ тўлиб кетган турмани кўриқлашарди. Бир хил маҳбусларнинг гуноҳи шундан иборат эдики, улар янги туғилган эгизакларни чангалзорга олиб бориб ташлаган, баъзилари эса христианларнинг жиғига тегишда айбланарди. Котмалар маҳбусларни аямай калтаклашар ва уларни ҳар куни эрталаб ишга: округ комиссари хизматчилари жойлашган ҳовлини тозалашга, оқ танли комиссар ва соқчилар учун утин ташиб келишга олиб чиқишарди. Купгина маҳбуслар эса икки, баъзан эса уч унвонга эга эди — бундай паст ишни қилиш жоизми уларга? Улар бу хўрликларга зўр алам билан чидашар, ерлари қаровсиз қолганидан қаттиқ ачинишар эди. Ёш маҳбуслар эрталабки пайт ўт ўриб туриб, мачетелар зарбига ҳамоҳанг куйлашарди.

Нозир — энг паскаш махлуқ,  
Уша бўлсин эди қул.  
Оқ кишида сира ақл йўқ,  
Уша бўлсин эди қул.

Соқчиларни кул қўймич деб аташлари уларга ёқмасдида, маҳбусларни калтаклашарди. Шунга қарамай, қўшиқ бутун Умуофияга эшитиларди.

Оконкво Обиериканинг Умуофияда сўнгги вақтда рўй берган воқеалар тўғрисидаги сўзларига қулоқ солиб ўтириб боши ғам-андуҳдан тобора эгиларди.

— Жуда олис вақт айрилиқда яшабман-да,— деди у Обиерикадан кўпроқ ўз-ўзига.— Сен айтаётган гапларни дурустроқ сингдириб ололмаяпман. Халқимизга нима бўлди ўзи? Жанговарлик руhini нега йўқотиб қўйди?

— Абаме қишлоғини оқ танлилар йўқ қилиб юборганликларини эшитмадингми ахир? — сўради Обиерика.

— Эшитдим,— жавоб берди Оконкво.— Абамеликлар қўрқоқ ва аҳмоқ эканлигини ҳам эшитдим. Нега улар ўзларини ҳимоя қилишмаган? Уларда милтиқ билан мачете йўқ эканми? Нима, биз қўрқоқмизми, ўзимизни Абаме одамларига тенг қилиб? Уларнинг боболари ҳеч қачон бизнинг ота-боболаримизга қаршилик курсатолган эмас. Биз келгиндиларга қарши уруш қилиб, уларни юртимиздан қувиб чиқаришимиз керак.

— Энди вақт ўтди,— деди Обиерика маъюслик билан.— Бизнинг қариндошларимиз, бизнинг фарзандларимиз чет элликларга қўшилиб кетишди. Улар оқ танли одамнинг динини қабул қилишди, улар оқ танлининг қонуларини қўллаб-қувватлашга ёрдам беришяпти. Оқ танлиларни Умуофиядан ҳайдаб чиқариш бизга оппа-осон гап эди. Улар Умуофияда атиги икки нафар. Бироқ уларга ўтиб кетган ва уларга мадор бўлаётган қабиладошларимизни қандоқ қиламиз? Улар дарҳол Умуруга югуриб, солдатларни бошлаб келишади ва бизнинг бошимизга Абаменинг куни тушади.

У анчагача индамай турди-да, кейин:

— Мбантага кейинги сафар келганимда сенга айтиб бергандим-ку, улар Анетони қандай осганликларини,— деб қўшиб қўйди.

— Анави жанжалли ер участкаси нима бўлди? — сўради Оконкво.

— Оқ танли одам у ерни ўзининг соқчиларига ва тилмочга катта Пул берган. Нима оиласига ҳукм қилди.

— Оқ танли одамнинг ўзи бизнинг ер тўғрисидаги қонунларимизни биладими?

— Ҳатто тилимизни ҳам билмаганидан кейин ер тўғрисидаги қонунларимизни қаёқдан биларди? Лекин у бизнинг урф-одатларни ҳеч нарсага ярамайди деди: унинг ди-

нини қабул қилган биродарларимиз ҳам урф-одатларимиз ҳеч нарсага ярамайди, дейишяпти. Биродарларимиз ҳам ўзимизга ёв бўлгач, қандай қилиб уруш бошлай оламиз? Оқ танли одам — муғомбир. У ўз динини бизга юмшоқлик билан, яхшиликча олиб келди. Хуш бизлар-чи? Унинг аҳмоқлиги устидан кулдик, Умуофияда қолишига рухсат бердик. Энди эса у биродарларимизнинг терисига кириб олди, энди қабила бир ёқадан бош чиқариб иш тутолмайди. Бизни бирлаштириб турган чокларга оқ танли одам пичоқ тортиб юборди ва қабиламиниз уваланиб кетди.

Улар Анетони қандай қилиб қўлга туширишибди? — суради Оконкво.

— Шу ерни талашиб, Одучени ўлдирганидан кейин Ането ер маъбудаси қахрига учрамаслик учун Анинтага қочган экан. Муштлашининг саккизинчи кунигина қочган экан, негаки Одуче дарҳол ўлмаган экан. У еттинчи кунга бориб улыбди. Бироқ жароҳатдан унинг ўлишини ҳамма биларкан, шунинг учун Ането аввалдан кўч-кўронини йиғиштириб, қочнишга тайёрланибди. Лекин христианлар бу ишларнинг барини оқ танли одамга хабар қилишибди, у эса Анетони қўлга олишни соқчиларга буюрибди. Унинг узини, у билан бирга барча энг эътиборли қариндошларини қамашибди. Одуче улыбди. Шундан сўнг Анетони Умуруга олиб кетиб, ўша ерда осишибди. Қолганларни бўшатиб юборишибди, бироқ бўшаб чиққанлар турмада бошдан кечирган азоб-уқубатлардан хали ҳам ўзларига келишмаганмиш.

Икки эркак олис дам индамай ўтиришди.

### *Иигирма биринчи боб*

Лекин Умуофиянинг ҳамма эркак-аёли янги тартибларни Оконкво сингари малол билан қабул қилавермади. **Ҳа**, оқ



танли одам ўзининг аҳмоқона динини олиб келганлиги тўғри, лекин у дўкон очди-ку, дон билан хурмо мойи ҳам шу туфайли қадр топди, Умуофияга биринчи марта пул оқиб кира бошлади.

Аста-секин одамлар ҳатто янги динга ҳам бошқача қарайдиган бўлиб қолишди, уларда: янги динда ҳам бирор куч бор бўлса ажабмас, ҳатто ана шу бемаъни бош-бошдоқликда ҳам уйғун бир система борга ухшайди-ку, деган гумон кучайгандан-кучая борди.

Бу гумон кучая боришида қабиланинг ғазабини қузғатадиган ишлар қилишдан ўз қавмларини имкони борича тийиб келган мистер Брауннинг хизмати катта булди. Янги динни қабул қилган Енох исмли киши билан муомала қилиш унга жуда қийин келди. Енохнинг отаси ер Коҳини эди. Енох муқаддас питонни улдириб еганмиш, шунинг учун отаси уни оқ қилганмиш деган миш-мишлар юрарди.

Мистер Браун ўз ваъзларида қавми бундай ножўя жаҳлатдан эҳтиёт қиларди. «Ҳар бир ишни қилиш мумкин, лекин ҳар бир иш ҳам ақлдан булавермайди»,— деб иллонтирарди у узининг асовроқ қавмларини. Мистер Браун ўз динини шундай юмшоқлик ва эҳтиёткорлик билан ёйдики, Умуофияда уни ҳатто ҳурмат қиладиган булиб қолишди. Баъзи оқсоқоллар билан у дўстлашиб кетди, бир кун қўшни қишлоқларнинг биридан унга нақшинкор фил тиши совға қилиб келтиришдики, бу зўр иззат-обру аломати эди. Шу қишлоқнинг оқсоқолларидан Акунна деган киши буларди, у ўзининг тунғич ўғлини оқ танли кишининг илмларини билиб олсин деб мистер Брауннинг мактабига берди.

Мистер Браун бу қишлоққа келди дегунча, Акунна билан дин тўғрисида тилмоч орқали суҳбатлашиб, унинг обисида узоқ вақт ўтирарди. Уларнинг бирортаси ҳам суҳбатдошини ўз динига оғдириб ололмади, лекин икковлари ҳам бир-бирларининг дини тўғрисида кўпгина янги гапларни билиб олишди.

— Мана, сен ерни ва осмонни яратган ёлғиз қодир худо бор деясан,— деди бир куни Акунна мистер Браунга.— Биз ҳам шу худога ишонамиз ва уни Чукву деб атаймиз. Бутун дунёни ва бошқа худоларнинг ҳаммасини у яратган.

— Бошқа худолар йўқ,— деб жавоб берди мистер Браун.— Фақат Чукву ростакам худо булиб, қолганларнинг ҳаммаси ёлғондакам худолар. Сизлар мана бундай бир бўлак ёғочни оласизлар,— у старापилни кўрсатди.— ушандан кичик бир ҳайкалча ясаб олиб, уни худо деб атайсизлар. Бу бир парча ёғоч аввал қандай бўлса, шундайлигича қолаверади, вассалом.

— Шундай,— жавоб берди Акунна.— У чиндан ҳам ёғочнинг ўзи. Лекин бошқа барча кичик худоларни яратгани сингари у ясалган дарахтни ҳам Чукву яратган. Улар Чуквунинг элчиларидир. Чукву шу худолар, дарахтлар орқали узига мурожаат қилиш мумкин бўлсин деб уларни яратган. Ахир бу узинг айтаётган гапларга тўғри келмайдими? Сен — черковингнинг бошлиғисан...

— Йўқ,— унинг гапини бўлди мистер Браун.— Черковимнинг бошлиғи — олло таолонинг ўзи.

— Тушуниб турибман,— деб давом этди Акунна.— Лекин бунда, ер юзида, одамларнинг ўз бошлиғи булиши керак. Мана, сенга ўхшаб, ер юзида бошлиғи бўлиши керак.

— Агар бу маънода гапирётган булсанг, черковимнинг бошлиғи Англияда истиқомат қилади.

— Мен ҳам шунни айтаяпман-да. Черковингнинг бошлиғи уз мамлакатингда яшайди. У сени бу ёққа ўзидан вакил қилиб юборган. Сен эса бу ерда ўз вакилларинг ва хизматчиларингни тайинлайсан. Ёки мана бошқа бир мисол. Округ комиссарини олиб кўр. Уни бу ёққа сенинг қиролнинг юборган.

— Уларда қирол эмас, қиролча,— ўз ихтиёрича унга изоҳ берди тилмоч.

— Сенинг қироличанг бу ёққа уз вакилини — округ комиссарини юборган, — деб давом этди Ақунна. — У эса ишни якка узи уддалай олмаслигини тушушиб, кот.маларни уз ёрдамчилари қилиб тайинлаган. Худо Чукву ҳам шундай. У кичик худоларни узига ёрдамчи қилиб тайинлаган, негаки ёлғиз узи ҳамма ишни уддалай олмайди.

— Худони одам сифатида тасаввур қилиш ярамайди, — деди мистер Браун. — Уни сен одам деб хаёл қиялсан, шунинг учун у сенинг назарингда, ёрдамчиларсиз иш битиролмайдиганга ухшаб кўриняпти. Бундай деб хаёл қилишининг энг ёмон томони шундаки, бутун мадҳу санони уз қулинг билан ёратган ёлғондакам худоларга уқняпсан.

— Бу гапинг жуялик гап эмас. Биз кичик худоларга садақа қиламиз, лекин улар ёрдам кўрсатишга ожизлик қилса, илтижо этадиган ўзга жой қолмаса, Чуквуга борамиз. Бу тўғри ҳам бўлади. Биз катта одамга унинг хизматидагилар орқали мурожаат қиламиз. Улар бизга ёрдам беришга ожизлик қилиб қолсагина, охирги умидимиз булган Чуквуга илтижо қиламиз. Баъзилар четдан қараганда, бизни Чуквудан кўра, кичик худоларга зур эҳтиром қўрсатаяпти, деб ўйлаши ҳам мумкин, бироқ бундай эмас. Биз уларни тез-тез безовта қилиб турамыз холос, негаки уларнинг ҳукмдорини безовта қилишдан чўчиймиз. Ота-боболаримиз Чукву ҳаммадан юқори эканлигини билишган, шунинг учун куп одамлар уз фарзандларига Чуквук деб исм кўйишганки, бу «Чукву ҳаммадан юқори» демакдир.

— Сен қизиқ бир фикрни айгдинг, — деди мистер Браун. — Бундан чиқдики, сизлар уз Чуквуларингиздан қўрқар экансизлар. Менинг динимда эса Чукву — меҳрибон ота, унинг буюрганини қилган киши ундан асло қўрқмайди.

— Лекин биз унинг хоҳишини бажармаганимиздан кейин ундан қўрқиш керак-да. Унинг хоҳиши кимга аён? Бирор одам уни билолармиди?

Шундай қилиб, мистер Браун қабиланинг дини тўғри-

сида кўп нарса билиб олди ва тикка ҳужумга ўтиб, муваффақиятга эришиб бўлмади деган хулосага келди. Шундан кейин у Умуофияда мактаб ва кичик бир касалхона қурди. У уйма-уй юриб, оталарни ўз фарзандларини мактабга юборишга ундади. Бироқ дастлабки вақтда улар мактабга қулларни-ю, энг ношуд болаларини юборишди. Мистер Браун илтимос қилди, тушунтирди, келгусида рўй берадиган бахтсизликларни айтиб қўрқитди, у келгусида оқсоқоллар ўқиш-ёзишни биладиган кишилардан булажагини айтди. Агар Умуофия ўз болаларини мактабга юборишдан бўйин товласа, эртами-кечми уларнинг юртига бошқа юртлардан одамлар келиб, ҳокимиятни ўз қўлига олажани айтди. Маҳаллий судда худди шундай ҳодиса бўлмагани ахир? У ерда округ комиссари унинг тилида гапиришни биладиган келгиндилардан ёрдам сўраб мурожаат қилди-ку. Уларнинг кўпчилиги узоқ Умуру шаҳридан — оқ танли одамнинг қадами ҳаммадан олдин етган Буюк дарёнинг нариги соҳилидан келган.

Мистер Брауннинг далиллари оз-оздан таъсир кўрсата бошлади. Унинг мактабига келувчилар тобора кўпайди. Мистер Браун иссиқ кўйлак, сочиқ совға қилиб, уларни ҳар томонлама қизиқтирарди. Лекин ўқишга келганларнинг ҳаммаси ёшлар эмасди. Уларнинг орасида ёши ўттиздан ошганлар ҳам бор эди. Улар эрталаб ерга ишлов бериб, кундуз кунни мактабга жўнашарди. Унча-мунча вақт ўтиши биланоқ Умуофияда оқ танли одам касалларга жуда яхши дам солармиш, деб шов-шув бўлиб кетди. Мистер Брауннинг мактабида ўқиш ҳам ўз самараларини берди. Суд соқчиси ёки ҳатто мирза бўлиш учун атиги бир неча ой ўқишнинг ўзи етарли эди. Ўқишни яна давом эттирганлар эса худонинг каломини тарғиб этувчи муаллим буларди. Қўшни қишлоқларда ҳам черковлар қурилди, уларнинг баъзилари қошида мактаблар очилди. Аввал бошданоқ дин билан таълим қўлни-қўлга бериб борди.

Мистер Брауннинг кичкина миссияси ривож топар ва галаба кетидан галабага эришарди, янги маъмурият билан мустаҳкам алоқа туфайли тобора кучига-куч қўшиларди. Бироқ мистер Брауннинг соғлиғи путурдан кетганди. У тусатдан бошланган касалликнинг дастлабки аломатларига эътибор бермади. Бу иш шу билан тугадикки, мистер Браун таърифига сўз ожиз бўлган изтироб ичида ўз қавмларини ташлаб кетишига тўғри келди.

Оконкво юртига қайтганидан кейинги дастлабки ёмғир мавсумидаёқ мистер Браун Умуофиядан жўнаб кетди. Беш ой бурун Ононквонинг келганлигини эшитиб, мистер Браун уникига боришга шошилди. Миссионер бундан сал илгарини Ононквонинг ўғли Нвойени (уни энди Исаак деб аташарди) ўқитувчилар тайёрлайдиган мактабга юборган эди. Бу мактаб уша вақтда Умуруда эндигина очилганди. Мистер Браун бу хабар Ононквонини қувонтиради деган умидда эди. Бироқ Ононкво миссионерни ҳайдаб солди, агар яна ҳовлисига қадам босса, у ердан тирик чиқмаслигини айтиб қўриқтиди.

Ононквонинг юртига қайтиб келиши у ўзи бир вақтлар хаёл қилганидек катта воқеа бўлмади. Тўғри, унинг икки кўҳлик қизи қишлоқ йигитлари қалбига кўп гулгула солди. дарҳол совчилар кела бошлади вассалом; шундан бўлак гап бўлгани йўқ — Умуофия ўз ботир жангчиси қайтиб келганлигини унчалик сезмаганга ўхшарди. Ононкво йўқлигида шунақанги катта ўзгаришлар содир бўлгандики, қабилани таниб бўлмади. Янги дин, янги тартиблар, янги дўконлар унинг қабиладошлари ўй-фикрини жуда банд этиб қўйганди. Тўғри, барча янги нарсаларда ҳали ҳам фақат ёмонлик кўрадиган одамлар ҳам бор эди — улар озчилик эмасди — лекин ўшалар ҳам бошқа нарсаларни, айниқса

Оконквонинг қайтиб келганлигини уйлашга, гаплашишга имконлари нук эди.

Бундан ташқари йил ҳам омадсиз йил булди. Оконкво ҳозир узи уйлаб куйганича икки ўғлини озо жамоасига олиб чиқса-ку, роса шов-шув кўтарилган буларди. Бироқ жамоа аъзолигига бериш маросими уч йилда бир марта ўтказилар, шунинг учун навбатдаги маросимни роса икки йил кутиш даркор эди.

Оконквонинг қалбини гам босди. Уни хафа қилаётган ўз алам ва омадсизлигини эмасди. У кўз олдида тушқунликка учраб, нобуд бўлган ўз қабиласини уйлаб қайгурар, Умуофиянинг бир вақтлар жангари бўлган, ҳозир эса хотин-халажга ухшаб юпқа тортиб қолган эркакларини уйлаб қайгурар эди.

### *Йигирма иккинчи боб*

Мистер Брауннинг ўрнига келган Жеймс Смит деган одам бутунлай бошқача эди. Мистер Смит ўз ўтмишдоши амал қилган муросою мадора сиёсатини очиқдан-очиқ коралар эди. Ҳамма нарса унга фақат икки рангга — кора ва ок рангга бўялиб кўринар эди. Қора — бу ёмонлик. Дунё унинг назарида шундай бир жанг майдони бўлиб кўринардик, нур фарзандлари билан ашаддий жоҳиллар шу майдонда ҳаёт-мамот жангига кирга. У ўз ваъз-насиҳатларида қўзилар ва эчкилар тўғрисида, буғдой ва бегона ўтлар тўғрисида гапирарди. У Ваал пайгамбарларини ўлдириш керак деб қаттиқ ишонарди.

Мистер Смит қавмларининг кўпчилиги худо, Исо ва авлиё ҳамда сирдан воқифлик каби масалалардан ҳам беҳабарлиги уни жуда хафа қилиб юборди. Ахир бу ҳозирга қадар ҳамма уруғлик шағал ерга экиб келинганлиги аломати эмасми? Мистер Браунни сон масаласи кизиқтирган

холос. У энг муҳими сон эмаслигини билнши керак эди. Олло таолонинг узи қайта-қайта айтиб қуйибдики, жаннатга оз одам киради, негаки, жаннат йўли тор, эшиклари эса кичкина. Муқаддас эҳромни шовқин-сурон кўтариб, ишора талаб этувчи бутпараст оломонга тўлдириш — беҳад-беҳисоб фалокатлар келтирадиган ақлсизлик эмасми? Исо алайҳисалом қулига қамчини умрида фақат бир мартагина, — ушанда ҳам ўз отаси эҳромидан оломонни қувиш учун ушлаган.

Мистер Смит Умуофияга келганидан сунг бир неча ҳафта ўтиши биланоқ бир жувонни черковдан чиқарди. У жувон янги шаробни эски мешга қуйган, бошқача қилиб айтганда, мажусий эри ўлган боласини мажрух қилишига йул қуйган эди. Бу бола *огбание*, яъни ўлганидан кейин ўз онасига азоб бериш учун, яна онаси қорнида пайдо булиб, қайта туғилаверадиган бола деб эълон қилинган эди. Бу жувоннинг боласи тўрт марта ана шундай бахтсизлик келтириб қайта туғилган эди. Унинг яна дунёга келиш ҳавасини сўндириш учун мажрух этишганди.

Мистер Смит бу воқеани эшитиб, ғазабга тулиб кетди. У янги черковнинг энг садоқатли муҳиблари томонидан ҳам тасдиқланган ҳеч қандай жароҳатдан қўрқмайдиган, узларининг танасидаги барча тиртиқ ва ямоқлар билан ҳам ҳадеб қайта туғилаверадиган ҳаром болалар туғрисидаги ҳикояларга ишонгиси келмади. Мистер Смит бу афсоналарнинг барини кишиларни ҳақ йўлдан оздирмоқчи бўлган шайтон тарқатади, кимки бу афсоналарга ишонса, у олло-таолонинг берган ризқидан маҳрум бўлади, деди.

Умуофияда «Ногора зарбига қараб уйна», деган мақол бор. Мистер Смит эса жазаваси тутиб уйин тушарди-ю, ногоралар жуда эсанкираб қолганди. Янги динни қабул қилганлар орасидаги илгари мистер Браун тийиб турган ашаддий кишилар жуда жиловларини қуйиб юборишди. Улардан бири ер қоҳинининг уғли Енох булиб, уни муқаддас питон-

ни улдириб еди деб айблашганди. Янги динга Енох мистер Брауннинг ўзига қараганда ҳам аллақанча жонкуяр эди, қишлоқда уни мотам маросимларида тул қолган хотинлару етим қолган болалардан ошириб йиғлайдиган анқовнинг ўзи дейишарди.

Енох кичкина, қилтиллаган одамча эди. У ҳамиша қаргадир шошиб турганга ўхшарди. У бир жойда турганида ҳам, бирор ёққа кетаётганида ҳам япасқи ва кенг товонлари икки томонга тарвакайлаб турарди: панжалари ёпишгану уларнинг учи турли томонга қараган, худди оёқлари бир-биридан аразлаб, ҳар бири бошқа томонга кетмоқчига ухшарди. Енохнинг нимжон вужудида шижоат туғён урар, вақти-вақти билан бўладиган хунук жанжал ва муштлашувларда бу шижоат ўзини кўрсатиб қоларди. Якшанба кунларидаги ваёз-насиҳатлар, Енохнинг фикрича, фақат унинг душманларига тааллуқли эди. Агар улардан бирортаси яқинроқ ўтириб қолса, Енох унга ҳадеб қарайверар ва худди «Мен сенга нима дегандим!» демокчидай маънодор килиб ткиларди. Мистер Браун кетиши биланоқ черков билан қабила ўртасида пайдо бўлган норозилик худди Енох туфайли очиқ тўкнашувга айланиб кетди.

Бу воқеа ҳар йили ер худоси шарафига ўтказиладиган байрамда содир бўлди. Ўлганидан сўнг мурдаси она ер бағрига қўйилган ота-боболар байрам вақтида чумоли инидаги зиғирдак тешикдан ўрмалаб чиқиб, *эвугвулар* шаклида тириклар орасида пайдо бўлишди.

Кишилар олдида *эвугвунинг* ниқобини йиртиш ёки эса сўз биланми, бирор иш биланми унвонсиз одамлар кўз олдида ота-боболарнинг мангу обрўсига путур етказиш инсон қилиши мумкин бўлган гуноҳларнинг энг оғири ҳисобланарди. Енох ана шундай гуноҳ қилди.

Ўша йили ер худосига сиғиниш байрами якшанба кунига тўғри келди ва никобли арвоҳлар бутун қишлоқни тугиб кетди. Шунинг учун ҳам христиан аёллар эрталаб



черковга кетганча, уйларига қайтиб келишолмади. Шунда бу аёлларнинг эрлари *эгвугву*лардан бирпас четга чиқиб туришни ва хотинларни ўтказиб юборишни илтимос қилишди. *Эгвугву*лар бунга рози булишди ва эндигина тисланишаётган эди, тўсатдан Енох: бирорта ҳам *эгвугву* христианга қул тақизишга юраги дов бермайди деб мақтанчоқлик қилиб қолди. Шунда *эгвугву*лар қайтиб келишди ва улардан бири ҳамиша ёнларида олиб юрадиган сўйил билан Енохни ўхшатиб бир туширди. Енох *эгвугву*га ташланиб, унинг никобини юлиб ташлади. Бошқа *эгвугву*лар ҳақорат қилинган шерикларини унвонсиз аёллар ва болалар нигоҳидан асраш учун ўша заҳоти унинг атрофини ўраб олишди ва нари олиб кетишди.

Енох ота-бобонинг арвоҳини ўлдирган эди, шунинг учун Умуофия тус-туполон булиб кетди.

Ўша кеча Арвоҳлар момоси ўзининг ўлдирилган фарзандига аза тутиб, бутун Умуофияни кезиб чиқди. Бу кеча даҳшатли кеча бўлди. Ҳатто энг мункайиб қолган қариялар ҳам ўша кечаси Умуофияни тутиб кетган даҳшатли, қалбни парчаловчи нолани умр бўйи эшитмаганлар, эшитмайдилар ҳам. Қабиланинг жони ўз бошига тушадиган буюк бахтсизликни — ҳалок булишини сезиб аза тутаётганга ўхшарди.

Эртаси куни Умуофия *эгвугву*ларининг ҳаммаси битта қолмай бозор саҳнига йиғилишди. Бу ерга улар ҳамма ёқдан, ҳатто қўшни қишлоқлардан ҳам келишганди. Олис Имодан ваҳимали қутқу солувчи Отакагу, Улидан ҳамиша оқ хўроз кўтариб юрадиган Эквенсу келди. Бу қўрқинчли йиғилиш эди. Сон-саноқсиз арвоҳларнинг ғала-говури, улардан баъзилари бўйнига осиб олган қўнғироқлар жинги, арвоҳлар саҳннинг у ёғидан-бу ёғига югуриб, бир-бирлари билан саломлашаётгандаги мачетелар жаранги — шулар барчаси одамлар қалбига ғулу соларди. Куппа-

кундуз куни муқаддас қўтоснинг ўкирганини одамлар биринчи марта эшитишди.

Ғазабга тулган оломон бозор саҳнидан Енохнинг қўрғонига ёпирилди. Олдинда ишончли кўзмунчоқ ва туморлар ҳимоясида қабила оксоқоллари боришарди. Улар *огву* ёки сеҳр-жодуни кўра-кўра пишиган кишилар эди. Оддий аҳоли эса бўлаётган ҳодисаларни ўз уйдан туриб кузатишни бежавотир билди.

Уша кеча оқшомида мистер Смит ҳузурда христианлар қавмининг барча кўзга кўринган аъзолари маслаҳатга йиғилишди. Маслаҳат чоғида улар ўз ўғлига аза тутаётган Арвохлар момосининг ноласини эшитишди. Қонни сўндирувчи дод-войлар ҳатто мистер Смитга ҳам таъсир қилди: Умуофияга келганидан буён биринчи марта бўлса керак, у қўрқди.

— Нима қилишмоқчи улар?— сўради у.

Бунинг ҳеч ким билмасди, албатта, негаки ҳеч қачон бундай ҳодиса бўлмаган эди. Мистер Смит округ комиссарига ва соқчиларига дарров одам юборган бўларди-ю, лекин улар кечагина округни айланиб келиш учун чиқиб кетишганди.

— Бир нарса аниқ,— деди мистер Смит,— биз уларга бас келолмаймиз... Умидимиз худодан холос.

Улар тиз чўкиб ва балодан холос этишни худодан тилай бошлашди.

— Ё парвардигори олам, ўз бандаларингни паноҳингда асра, ўзингнинг раҳминг келсин! — овози борича тиловат қилди мистер Смит.

— Қулларингга мадад бер! — қўшилишди бошқалар.

Кенгашда Енохни бир-икки кун мистер Смитнинг уйига яшириб туриш қарорига келинди. Бу қарор Енохнинг узини жуда хафа қилиб юборди: у ғазот кўтариш пайти келди деб умид қила бошлаган эди; баъзи бошқа христианлар ҳам унинг хафалигига шерик бўлишди. Бироқ

диндорлар томонида ақл устун келди — шу туфайли кўпгина одамларнинг ҳаёти сақланиб қолди.

*Эгвугу*лар тудаси Еноҳ қўрғонига даҳшатли довулдек ҳамла қилиб, унга ўт қўйди ва вайрон қилиб ташлади, кўз очиб юмгунча бино ўрнида бир уюм хароба қолди. Вайрон қилишни кўнглига тугиб олган оломон у ердан черков томон йўл олди.

Ниқобли арвоҳлар яқинлашиб келаётганини эшитганда, мистер Смит черковда эди. У хотиржам ҳолда эшик олдига бориб (черков ҳовлисига кириладиган йўл у ердан яққол кўришиб гурарди), қараб турди. Бироқ дастлабки *эгвугу*лар ҳовлида кўриниши биланоқ мистер Смит дарҳол қочишни муаллалади. Лекин ўзини қўлга олиб, яқинлашиб келаётган арвоҳлар томон зинадан тушиб кела бошлади.

Улар жуда яқин келиб қолишганди. Мана улар олға ташланишди, черков ҳовлисини ўраб турган баланд бамбук девор уларнинг ҳужуми натижасида аввал дарз кетди, кейин ағанаб тушди. Қўнғироқчаларнинг хилма-хил жиринглаши, мачетеларнинг шарақ-шуруқи эшитилди, ҳавога чанг кўтарилди, сирли қўрқинчли сеҳр-жоду садолари кулоққа чалинди. Мистер Смитнинг орқасида қадам товуши келди. У ўгирилиб қараса, ўз тилмочи Океке экан. Черков катталарининг мистер Смит ҳузурида бўлиб ўтган охириги кенгашидан сўнг Океке билан унинг бошлиғи ўртасидаги муносабат ясама муносабат бўлиб қолганди. Океке черковдаги кенгашда Еноҳнинг хулқ-атворини қаттиқ қоралаган эди. Океке ҳатто Еноҳни мистер Смитнинг уйига яширмаслик керак, чунки бундай қилиш қабиланинг бизнинг қавмимизга бўлган ғазабини ошириб юборади холос, дейишга ҳам журъат этганди. Ўша кечаси мистер Смит уни роса койган, бугун эрталаб эса ундан маслаҳат ҳам сўрамаган эди. Бироқ ҳозир ғазаби тошган арвоҳларни биргаликда кутиб олиш учун ёнига келган Окекени кўриб, мистер Смит унга

илжайди. Бу илжайиш сунъий чиқди. лекин унда зўр миннатдорлик бор эди.

Икки кишининг бу кутилмаган хотиржамлиги арвоқларнинг шитоб билан босиб келишини бир лаҳза тухтатиб қўйди. Бироқ бу икки марта чақмоқ чақиш орасидаги қисқа сукунатга ўхшаш бир зумлик сукунат эди. Кейинги лаҳзадаёқ оломон янги куч билан олға ташланди ва руҳонийни ҳам, тилмочни ҳам комига тортиб юборди. Шу пайт қўрқинчли шовкин-суронни бартараф қилган тиник баланд овоз эшитилди ва черков ҳовлисига ўша заҳоти сукунат чукди. Икки эркал атрофини бўшатиб, оломон чекинди ва Айюфия нутқини бошлади.

Айюфия Умуофиянинг энг эътиборли *эгвугвуси* эди. У қабилада одил судловни амалга оширадиган тўққиз ота-бобонинг бошлиғи бўлиб, ўшалар номидан ҳам гапиришга вакил қилинганди. Унинг овозини ҳамма яхши танирди, шунинг учун у қутуриб кетган арвоқларни бир лаҳзада тинчитиб қўя олди. Жимлик бошлангач, Айюфия мистер Смитга мурожаат қилди, у гапирар экан, ҳамма вақт боши устида паға-паға тутун кўтарилиб турарди.

— Оқ танли одам танаси, салом сенга! — деди у одатда арвоқлар одамлар билан гаплашадиган тилда. — Оқ танли одам танаси, — деб давом этди у, — мени танийсанми?

Мистер Смит тилмочига қараган эди, олис Умурудан келган Океке ҳайрон бўлиб елкасини қисди холос. Айюфия хиқиллаб кулди. Унинг кулгиси занглаган металлнинг ғичирлашини эслатарди.

— Улар бегона юрт кишилари, шунинг учун улар нодон! — деди у. — Лекин гап бунда эмас!..

У ўз ўртоқлари томон қайрилиб. Умуофиянинг оталари деб уларга салом берди, сўнгра ўз хассасини ерга тиқди. Металлга жон киргандек зириллади. Шундан кейин Айюфия яна миссионер билан унинг тилмочи томон ўгирилди.

— Оқ танли одамга айтгинки, биз унга ёмонлик қилмаймиз. Унга айтгинки, юртига қайтиб кетсин ва бизларни тинч қўйсин. Ундан аввал бизнинг юртимизда яшаган биродарини яхши кўрардик. У ақлсиз эди, бироқ биз уни яхши кўрардик, ушанинг ҳурмати учун бу биродарига ҳам озор бермаймиз. Лекин у қурган ибодатхонанинг кули кукка соврилади. Биз энди унга токат қилолмаймиз. У ҳаддан ташқари чиркин ишлар қилди, шу чиркин ишларга барҳам бериш учун келдик бу ерга.— У ўз ўртоқлари томон ўғирилди.— Умуофия оталари, салом сизларга! — Унга яқдиллик билан акс садо беришди. У яна миссионер томон ўғирилди.— Агар бизнинг яшаш усулимиз сенга маъқул бўлса, хоҳласанг, қолавер. Хоҳласанг, ўз оллоҳингга сажда қил. Инсон худоларни ва ўз ота-боболарининг арвоқларини эъзоз қилгани яхши. Энди-чи, бирор одам сенга билмасдан шикаст етказиб қолмаслиги учун уйингга кир. Ғазабимиз қаттиқ, лекин сен билан гаплашиб олиш учун уни тийдик.

Мистер Смит тилмочга мурожаат қилди:

— Уларга айт, кетишсин бу ердан. Бу ер — худонинг уйи, уни харом қилишларига чидолмайман.

Океке оқ танли одамнинг жавобини анча оқилона таржима қилиб берди:

— Оқ танли одам уни дўст билиб, ўз хафаликларингизни айтиш учун келганларингиздан хурсанд. Шу хафаликларни ўртадан кўтаришни унинг ўзига қўйиб берсанглар, яна ҳам хурсанд бўлади.

— Биз хафаликларни ўртадан кўтаришни унга қўйиб беролмаймиз, чунки биз унинг урф-одатларини тушунмаганимиздек, у ҳам бизнинг урф-одатларимизни тушунмайди. Бизнинг ҳаётимизни билмаганлиги учун биз уни аҳмоқ деб ҳисоблаймиз, унинг қандай яшашини билмаганлигимиз учун у ҳам бизни аҳмоқ ҳисобласа керак. Кетсин.

Мистер Смит ўрнидан қимирламади. Бироқ у церковни

қутқариб қолишга ожизлик қиларди. *Эгвугвулар* мистер Браун қурган лой деворли черковчадан кетганларида факат бир уюм тупрок ва кул қолган эди. Қабилла бирмунча вақт тинч бўлди.

### *Йигирма учинчи боб*

Кўп йиллардан бери Оконкво биринчи марта бахтиёрликка ўхшаш бир нарсани ҳис этди. У қувғинда эканида рўй берган, тушуниб бўлмас ўзгаришлардан сўнг яна аввалги замонлар қайтиб келгандек туюлди. Унинг умидларини шунчалик пучга чиқарган қабилла ақлини топиб олди-я.

Умуофия аҳолиси қилинадиган ишлар режасини кенгашиб олиш учун бозор саҳнига тўпланганида Оконкво уларга қарата жушқин нутқ сўзлади. Оконквонинг сўзларини улар ҳурмат билан тинглашди. Бу ҳол жангчи жангчидай бўлган ўша қадимий яхши замонларни эслатди. Тўғри, улар миссионерни ўлдиришга ва христанларни қишлоқдан ҳайдаб чиқаришга кўнишмади, лекин кескин ҳаракаг қилишга ҳар қалай рози бўлишди. Ўз сўзларидан қайтишмади ҳам. Оконкво бахтли эди ҳисоб.

Черков вайрон қилиб ташланганидан кейин икки кун ўтди, шу вақт ичида ҳеч қандай янгилик рўй бермади. Ҳамма эркаклар қишлоқда қурол ва мачете тақиб юришди. Уларни Абаме аҳолисига ўхшаб ғафлатда қолдириша олмайди-да.

Сўнгра округ комиссари сафардан қайтиб келди. Мистер Смит дарҳол унинг ёнига жўнади ва улар алламаҳалгача махфий гаплашишди. Умуофия аҳолиси бу сафарга ҳеч қанақа эътибор беришмади, эътибор беришган бўлса ҳам назарга илишмади. Миссионер илгарилари ҳам ўз оқ танли биродари олдига келиб турмасмиди? Бунинг ҳеч бир ажабланидиган жойи йўқ эди.

Уч кундан сўнг округ комиссари гапга чечан соқчисини Умуофия оқсоқолларига юбориб, уларни ўзининг бош бошқармасига таклиф этди. Бунинг ҳам ҳеч бир ажабланидиган жойи йўқ эди. Комиссар уларни, уз тили билан айтганда, «гапхона» га шу тариқа тез-тез чақириб турарди. Округ комиссари чақирган олти оқсоқол орасида Оконкво ҳам бор эди.

Оконкво пухта қуролланиб бориш керак, деб бошқаларни огоҳлантирди.

— Умуофия эркалари ҳеч қачон чақирилган жойга бормай қолишмайди,— деди у.— Улар ўзларидан қилинган илтимосни бажармасликлари мумкин, лекин бу илтимосни тинглашдан ҳеч қачон қочмайдилар. Лекин замон ўзгариб кетди, шунинг учун биз тайёр туришимиз керак.

Шундай қилиб, оқсоқоллар мачетелар билан қуролланиб округ комиссарининг олдига жўнашди. Милтиқ тақиб олишни улар ўзларига эп кўришмади. Олти эркани суд биносига олиб киришди, у ерда округ комиссари кутиб ўтирарди. Комиссар оқсоқолларни ҳурмат билан кутиб олди. Улар елкаларидаги эчки тери халталарини ва кинли мачетеларини олиб ерга қўйишди, ўзлари ҳам ўтиришди.

— Мен йўқ вақтимда бу ерда рўй берган воқеалар важдан,— деб гап бошлади комиссар.— сизларни бир келиб-кетинлар деб илтимос қилувдим. У воқеаларни менга қисқагина гапириб беришди, лекин бирор қарорга келишдан аввал, шу ҳақда ўзларингиздан эшитмоқчиман. Келинлар, яхшиликча гаплашиб, келажакда бундай ҳодисалар такрорланишидан бизни амин қиладиган тадбирларни излаб топайлик.

Шунда Огбуефи Эквуеме урнидан туриб, нима воқеа бўлганлигини ҳикоя қила бошлади:

— Шошмай тур! — унинг сўзини бўлди комиссар.— Мен ўз одамларимни чақириб қирай, улар ҳам шикоятла-

рингизни эшитиб, эътиборга олиб қўйишсин. Уларнинг купчилиги бу ерга олис жойлардан келишган, сизларнинг тилингизда гаплашишса ҳам урф-одатларингизни сира билишмайди. Жеймс! Бор, уларни чақириб кир!

Унинг тилмочи чикиб, тезда ўн икки соқчини бошлаб кирди. Улар Умуофия вакиллари қатори ерга ўтиришди. Шундан кейин Огбуефи Эквеме кандай қилиб Енох *эвугу-вуну* улдирганлигини ҳикоя қила бошлади.

Ундан кейинги ҳамма нарса шунақанги яшин тезлигида бўлиб ўтдики, олти оқсоқол ғиқ этолмай қолишди. Бир лаҳзалик жуда қаттиқ олишувда жангчилар ғилофларидан мачетеларини ҳам суғуриб олишолмай қолди. Чақирилганларни қулига кишан солиб, маҳбуслар ётадиган жойга олиб кетишди.

— Сизларга ҳеч бир ёмонлик қилмаймиз,— деди уларга кейинчалик округ комиссари,— бизлар билан бир ёқадан бош чиқариб иш кўришга рози бўлсаларингиз, албатта. Сизларнинг ва халқингизнинг гинчлик-фароғатини кузлаб, сизларни тинчлик билан идора қилмоқчимиз. Бирор кимса сизларни ранжитгудек бўлса, дарҳол сизларга ёрдам берамиз. Лекин сизлар ҳам бошқаларни хафа қилишингизга йўл қўймаймиз. Бизда суд бор ва биз улуғ қиролича ҳукмдорлик килаётган менинг юртимдаги сингарни одил судловни амалга оширамиз. Сизлар бу ерга тушиб қолганингизга сабаб шуки, шайка тўпладинлар ва кишиларга тинчлик бермаслик — уларнинг уйини бузиш, черковини ёндириш пайига тушдинлар. Оламнинг энг кудратли ҳукмдори бўлган бизнинг қироличамиз тасарруфида бунга йўл қўйиб бўлмайди. Менинг қарорим бундай: икки юз қоп каури жарима тўлайсизлар. Жарима тўлашга рози бўлиб, тўплашга кафолат беришингиз биланоқ озод қилинасизлар. Шунга нима дейсиз?

Олти оқсоқол қовокларини солиб индамай утиришарди,



комиссар уларни бир оз мuddат ёлғиз қолдириб чиқиб кетди. У маҳбуслар ётадиган хонадан чиқаркан, маҳбусларга Умуофия оқсоқолларига муносиб ҳурмат билан муомала қилишни соқчиларга буюрди. Соқчилар: «Эшитаман, сэр!»— деб, комиссарга честь беришди.

Бирок комиссар кетиши биланоқ соқчилар бошлиғи (у шуингдек маҳбусларнинг сартароши вазифасини ҳам бажарарди) устара олиб келиб, жангчиларнинг соч-соқолини қириб ташлади. Уларнинг ҳаммаси ҳали кишанда бўлиб, бир нуқтага тикилганча, қимирламай ўтиришарди.

— Ичингизда бошлиқ ким?— масхаралаб кулди соқчи.— Умуофияда ҳар бир гадо оёғига унвон белгиси бўлган билагузук тақиб юради шекилли. Унинг баҳоси жуда нари борганда — ўн каури, ундан ошмайди.

Уша куни ҳам, эртасига ҳам олти маҳбус ҳеч нарса ёйишмади. Уларга сув ҳам беришмади, заҳар танг қилганда ташқарига чиқишга ҳам рухсат этишмади. Кечаси эса яна соқчилар келиб, уларни роса майна қилишди, соч-соқолсиз бошларини бир-бирига уриштиришди.

Улар ҳатто ёлғиз колганларида ҳам гаплашишмади. Фақат учинчи куни, очлик ва ҳақорат жонларидан ўтиб кетгандан кейин, оқсоқоллар тилга киришди.

— Менинг гапимга кириш керак эди, оқ танли одамни ўлдириш керак эди,— бўкирди Оконкво.

— Ундай бўлса, қачон осилишимизни пойлаб Умуруда ўтирган бўлардик ҳозир,— деди кимдир.

— Ким у оқ танли одамни ўлдирмоқчи бўлган?— бақирди камерага чопиб кирган соқчи.

Ҳеч ким жавоб бермади.

— Қилиб қўйган ишларинг етмагандай, оқ танли одамни ўлдирмоқчи ҳам бўлдиларингми?!— у қўлидаги қаттиқ ёғоч билан ҳаммани боши, елкаси аралаш тушира кетди. Оконкво газабдан хансирарди.

Олти оқсоқолни камашларн биланоқ соқчилар Умуофия-га бориб, улар учун икки юз эллик қоп каури жарима тўланмагунча, махбуслар бўшатиб юборилмаслигини маълум қилди.

— Жаримани дарҳол тўламасанглар, оқсоқолларингизни Умуруга олиб бориб осамиз.

Бу хабар йўл-йўлакай турли-туман қўшимча ва уйдирмалар билан тўлдирилиб, бутун Умуофия қишлоғига ёйилди. Бировлар оқсоқолларни Умуруга олиб кетишибди, эртага осишармиш дерди. Ўзгалар махбусларнинг оилаларни ҳам дорга тортилармиш деса, бошқа бировлар эса, солдатлар Умуофия томон келаётганмиш, Абама аҳолисини отгандек, аҳолини қириб ташлармиш дейишарди.

Тўлин ой чиққан пайт эди. Лекин ўша кеча болаларнинг овози эшитилмасди. Ойдинда болалар йиғилиб ўйнайдиган қишлоқ илоси бўм-буш эди. Игуедо аёллари янги рақс ўрганиш ва уни кейинчалик бутун қишлоққа намойиш этиш учун ўз махфий жойларида учрашишмади. Ойдин кечада ҳечам ухламайдиган йигитлар бу кеча ўз хоналаридан чиқишмади. Одатда ўз дўстлари ва севгилилари олди-га борадиган қишлоқ сўқмоқларида уларнинг мардонавор овозлари янграмади. Бир нарсадан қўрққан ҳайвон қулоқларини динг қилиб, шумшук сукунатни кузатганча, қаёққа қочишни билмай турганига ўхшаб, Умуофия ҳам нафасини ичига ютганча турарди.

Тун сукунатини қишлоқ жарчиси огнесиннинг янгроқ питраси бузди. У Умуофия қишлоғининг Акаканма гуруҳи ёшидаги ва ундан катта ҳамма эркакларини эрталаб бозор саҳнига йиғилишга чақирарди. Жарчи асосий сўқмоқлардан биттасини ҳам қолдирмай, бутун қишлоқни тиккасига ва кўндалангига айланиб чиқди.

Оқонквонинг қўрғони патрат топганга ўхшарди Уни совуқ сув босиб кетган деган хаёл келарди кишига. Бутун оила тўпланган эди-ю, лекин ҳамма шивирлашиб гаплашар-

ди. Отаси қамаб қўйилганини ва уни дор кутаётганлигини эшитган Эзинма булажак эри қариндошлариникида ўтказаетган йиғирма саккиз кунни бузиб, уйига қайтиб келди. У Умуофияга етиб келиши биланоқ, Умуофия эркаклари қандай қарорга келганликларини билиш учун Обиериканикига жўнади. Бироқ Обиерика нақ эрталабдан буён уйда йўқ эди. Унинг хотинлари Обиерикани махфий маслаҳатга кетган булса керак деб ҳисоблашарди. Эзинма хурсанд бўлди: ҳар қалай чора кўриляпти.

Жарчи чақирган куннинг эртасига эрталаб Умуофия эркаклари бозор саҳнига тупланишди ва оқ танли одамни қаҳридан тушириш учун дарҳол икки юз эллик қоп каури йиғишга қарор қилишди. Каурининг эллик қопи жарима миқдорини атайин ошириб кўрсатган соқчиларга кетишини улар билишмасди.

### *Йиғирма тўртинчи боб*

Оконкво билан дусларини жарима тўланган заҳоти бўшатиб юборишди. Округ комиссари яна улар билан буюк қиролича тўғрисида, тинчлик тўғрисида, олижаноб қонунлар тўғрисида суҳбатлашди. Бироқ комиссарнинг гаплари уларнинг қулоғига киргани йўқ. Улар комиссарга ва унинг тилмочига аламли боққанча, шуңчаки утиришарди. Ниҳоят мачетелари билан эчки тери халталарини қайтариб бериб, уй-уйига жўнашни буюрди. Улар ўринларидан туриб, жўнаб кетишди, дуч келганлар билан ҳам, бир-бирлари билан ҳам гаплашишмасди.

Черков сингари суд биноси ҳам қишлоқдан ташқарида эди. Суд биноси билан қишлоқни ҳамиша гавжум кенг сўқмоқ бир-бирига боғлар, бу сўқмоқ турма орқасидан ўтадиган сойга ҳам олиб борар эди. Соининг қумлоқ соҳиллари ҳар томондан қуёшга бағрини тутарди. Қишлоқнинг қум-

лоқ сўқмоқлари ҳам қурғоқчиллик мавсумида қуёшга бағри-ни очиб турарди. Бироқ ёмғир палласи бошланди дегунча сўқмоқнинг икки томонидан буталар гуркираб ўсиб чиқа бошларди. Ҳозир қурғоқчилик мавсуми эди.

Қишлоқ йўлида уларга бошида кўза билан сойдан сув олиб келиш учун бораётган хотин-халаж ва бола-бақра тез-тез учрайверди. Бироқ эркаклар шундай қовоғини солиб қарашардики, хотинлар саломлашишга ҳам юрак бетлашмасди: шоша-пиша йўл бериб, ўзларини четга олишарди. Улар қишлоққа кириб келгач, тўда-тўда эркаклар келиб қўшилиб, катта бир оломон пайдо бўлди. Индамай боришарди. Олти оқсоқолдан қайси бирининг қўрғони келса, оломоннинг бир қисми ажралиб қолиб, уй соҳиби билан бирга ҳовлига кирарди. Қишлоқни сукутли, пинҳоний ҳаяжон қоплаб олди.

Олти оқсоқол бўшатилиши тўғрисида миш-миш тарқашди биланоқ Эзинма отасига овқат пишира бошлади. Овқатни у отасининг обисига олиб борди. Оконкво хаёли қочган, иштаҳаси бўғиқ ҳолда, қизини хурсанд қилиш учунгина еди. Обига ёр-оғайнилар, эркак қариндош-уруғлар йиғилишди, Обиерика Оконквони тузукроқ овқатланишга ундади. Қолганларнинг ҳаммаси сукут қиларди. Соқчининг қамчиси Оконкво елкасида колдирган узун жароҳатга кўзи тушмаган одам қолмади.

Кечаси яна жарчи қишлоқни айланди. У эрталаб яна қабиланинг ҳаммаси бозор саҳнига йиғилишини дараклаб, бонг чаларди. Умуофия ниҳоят ўз сўзини айтишга қарор қилганлигини ҳамма тушунди.

Оконкво ўша кечаси кўз юммади. Унинг қалбига тўлиб-тошган алам устига аллақандай болалик ҳаяжони қўшилди. Ухлагани ётишдан аввал у юртига қайтгандан буён қўлини текизмаган жанг либосини олиб чиқди. Рафия то-

ласидан тўқилган юбкасини қоқди, пат ва сипардан ясалган узунчоқ бош кийимини кўздан кечирди. «Ҳаммаси жойида» — хотиржам ўйлади у.

Оконкво уз бамбук тўшагида ётганча, маҳбуслар хонасида утган кунларини ва оқ танли одам поинсофлик билан муомала қилганлигини хаёлидан ўтказарди. У қасос олишга аҳд қилди. Бордию, Умуофия урушишга бел боғласа, яхши. Лекин у қўрқоқлар йўлини тутса, кўрган хўрликларни учун Оконквонинг ўзи қасос олади. У олдинги йиллардаги урушларни эслади. Исике қишлоғига қарши уруш энг ажойиб уруш бўлган эди. У вақтда Окуда ҳали тирик эди. Жанг қўшиқларини ҳеч ким Окудачалик айтолмасди. Аслида у жангчи-пангчи эмасди. Шундай бўлса ҳам у ўз қўшиқлари билан эркак зотини шер қилиб юбора оларди.

Умуофиянинг мард жангчилари йўқ бўлиб кетди,— хўрсинди Оконкво ўтган кунларни ўйлаб.— Исике қишлоғи аҳолиси ўша урушда уларнинг қанча жангчисини қириб ташлаганимизни ҳеч қачон эсидан чиқарармикин? Биз уларнинг ўн икки жангчисини ўлдирдик, улар эса атиги икки жангчини. Тўрт ҳафта ўтмаёқ, улар ярашишни илтимос қилишди. У вақтларда эркак эркакдай эди.

Темир бонгнинг олис-олислардан келаётган садоси унинг хаёлларини бўлиб юборди. У қулоқ солиб турди-да, жарчининг ғира-шира эшитилаётган овозини илғаб олди. Оконкво тўшагида у ён бошдан-бу ён бошга ўгирилиб, елкаси аламга кирганини сизди. У тишларини гичирлатди. Жарчи тобора яқин келарди, мана, ниҳоят унинг овози нақ Оконквонинг қўрғони дарвозасида эшитилди.

«Бу ерда, Умуофияда бизга энг катта ғов — қўрқоқ Эгонванне,— деб ўйлади у алам ичида. — Унинг чучмал сўзларидан олов ҳам совуқ кулга айланиб қолиши мумкин. У гапирди дегунча, эркакларимиз латта бўлади-қўяди. Беш йил аввал унинг ҳезалакчалиш гапларини эшитмасак, ҳозиргидек шармандаликка бориб етмаган бўлардик.

У яна тишларини ғичирлатди — Эртага у: оталаримиз ҳеч қачон «ножўя уруш» қилишмаган деб туриб олади албатта. Агар бошқалар унинг гапига кирса, мен кетаман-да, қандай қилиб ҳамма учун қасос олишни ўйлаб кўраман».

Жарчининг овози яна олис-олисда йўқолиб кетарди, темир бонгнинг қаттиқ зарбларини фазо ютиб юборарди. Оконкво елкасидаги оғриқдан ғалати бир ҳузур қилиб, у ёнбошдан-бу ёнбошга ағдариларди. «Қани Эгонванне эртага «ножўя уруш»лар ҳақида гапириб кўрсин-чи. Унга елка билан бошимни кўрсатаман». — У яна тишларини ғичирлатди.

Кун чиқиши биланоқ бозор саҳни одамларга тўла бошлади. Обиерика ўз обисиди Оконквони бирга олиб кетишини кутиб ўтирарди. Оконкво ғилофли мачетеси билан эчки тери халтасини бўйнига осиб, уйдан чикди-да, дўстишикига қараб йўл олди. Обиериканинг хонаси йўлнинг шундоққина устида булиб, бозор томон кетаётган ҳар бир одам унга яққол кўриниб турарди. Бугун эрталаб у кўплар билан саломлашиб ҳам олди.

Оконкво билан Обиерика бозор саҳнига етиб келганларида, унга одам шунақанги тўлиб кетгандики, игна ташласа, ерга тушмасди. Умуофиянинг ҳамма тўққиз қишлоғидан одамлар тинмай келишарди. Шунча одам йиғилганини кўриб, Оконкво хурсанд бўлди. Лекин у оломон ичидан ўз нутқи билан кўнглида кўрқинч ва жирканиш пайдо қилган одамни изларди.

— У сенга кўринмаяптими? — сўради Обиерикадан.

— Ким?

— Эгонванне, — жавоб берди кўзлари оломон ичида олма-кесак тераётган Оконкво.

Эркакларнинг кўпчилиги уйларидан олиб келган ёғоч курсичаларда ўтиришарди.

— Йуқ, — деди Обиерика саҳни кўздан кечиргач. — Ия, шошма, ҳув ана, ўтирибди, тутнинг тагида. Сен нима, у бизни уруш очмасликка даъват қилади, деб чўчияпсанми?

— Нега чўчирканман? У сизларни нимага даъват этса ҳам менга бари бир. Ундаи ҳам, унинг гапига кирганларнинг ҳаммасидан ҳам жирканаман. Хоҳласам, бир ўзим ҳам урушавераман.

Улар иккови деярли бақриб гаплашишларига туғри келди, — ҳамма гапираверганлигидан саҳн худди энг қизгин бозор кунигагидек гувилларди.

— «У гаприб булгунча кутиб тураман, — дея ўйлади Оконкво. — Кейин мен ўз дилимдагнни айтаман».

— Нима учун сен уни фақат урушга карши гапиреди деган фикрдасан? — бирпас индамай тургач, сўради Обиерика.

— Қурқоқ-да! — жавоб берди Оконкво.

Обиерика гапнинг охирини эшитмай қолди: кимдир унинг елкасига туртди ва бир неча оғайнилари билан сўрашиш учун орқасига қайрилди. Оконкво бу овозни таниган бўлса ҳам орқасига қайрилмади. У ҳол-аҳвол сўрашадиган кайфиятда эмасди. Лекин келганларнинг бири Оконквонинг қўлини ушлаб, уй ичини сўради.

— Ҳаммаси соғ-саломат, — хомуш жавоб берди Оконкво.

Уша кун эрталаб Умуофия халкига қамоқда ётиб чиққан олти оқсоқолнинг бири — Окика даставвал мурожаат қилиши керак эди. Окика машҳур кишилардан бўлиб, яхши нотик эди. Лекин у қабиланинг бундай кўп кишилик йиғилишида жимжитлик ўрната оладиган дастлабки нотикка керакли жуда қаттиқ овозга эга эмасди. Ониеканинг овози шундай қаттиқ овоз эди. Шунинг учун ҳам Окика гапиришдан аввал Умуофияга салом беришни Ониекадан илтимос қилишди.

— Қулоқ сол, Умуофия! — қичқирди у чап қўлини баланд кўтариб, ҳавони кесиб.

— Я-а-а! — ўқирди унга жавобан Умуофия.

— Қулоқ сол, Умуофия! — яна қичқирди Ониека, сўнгра ҳар томонга бир-бир қараб, шундай қичқириб чиқди. Оломон ҳам ҳар сафар: «Я-а-а!» деб жавоб берарди.

Саҳнга ўша заҳоти жимжитлик чўкди, гўё қутураётган оловга совуқ сув сепилгандай бўлди қолди.

Шундан кейин Окика сакраб турди-да, у ҳам қабилага тўрт марта салом берди. Сўнгра гап бошлади.

— Донхона куриш, ўз уйларимизни тузатиш ва ҳовлиларни тартибга солиш ўрнига нега бугун бу ерга йиғилганимизнинг сабаби ҳаммаларингизга аён. Отам баъзида менга: «Куппа-кундузи сакраётган бақани кўрдингми, билгинки, унинг ҳаёти бирор ҳавф остида қолган бўлади», дерди. Сизлар каллаи сахардан туриб шу бозор саҳнига шошилаётганингизни кўрганимда, ҳаётимиз бирор ҳавф остида қолганингизни тушундим.

У бир оз сукут қилиб турди-да, кейин яна гапирди:

— Худоларимизнинг ҳаммаси йиғлашяпти. Идемили йиғлаяпти. Огвугву йиғлаяпти. Агбала йиғлаяпти, бошқалар ҳам ҳаммаси йиғлашяпти. Марҳум ота-боболаримиз шармандали шаккокликка дучор булиб ва биз ўз кўзимиз билан кўриб турган расвогарчиликларни кўриб йиғлашяпти.— У овозидаги қалтироқликни босиб олиш мақсадида яна жимиб қолди.

— Ҳозир биз жуда зўр кенгашга йиғилдик. Ўз жангчиларининг кўплиги ва шон-шавкати жиҳатидан бирорта қабила бизга тенг келолмайди. Бироқ ҳаммамиз шу ерданизми? Сизлардан сўраяпман: Умуофиянинг барча ўғлонлари шу ерда биз билан биргами?— Оломон ичиди шивир-шивир бошланди.— Йуқ, ҳаммаси эмас,— дея давом этди Окика.— Умуофиянинг кўпгина фарзандлари қабиладан ажралиб чиқиб, ҳар бири ўз йулидан кетди. Бизлар, бугун эрталаб шу ерга тўпланганлар оталаримизга содиқ қолганимиз, бироқ биродарларимиз бизни ташлаб, ўз



оталари юртига шармандали доғ тушириб, чет элликларга қўшилишиб кетишди. Агар биз чет элликларга қарши уруш бошласак, биродарларимиз ҳам жабр куради, балки биз билан бир қабиладан бўлган кишиларнинг қонини тукармиз. Бироқ биз шу ишни қилишимиз керак. Оталаримиз ҳеч қачон бундай бўлади деб ўйлашмаганди, ҳеч қачон уз биродарларини улдиришмаганди. Негаки, ҳеч қачон уларнинг юртига оқ танли одам келмаган эди. Ота-боболаримиз ҳеч қачон қилмаган ишни биз қилишимиз лозимлигига сабаб шу. Энеке қушдан бир маҳал нега у тинмай учишини сўрашган экан. У: «Одамлар тўғри мўлжалга отадиган бўлганидан бери тинмай учишни ўргандим», деб жавоб берибди. Биз бу ёвузликни тағ-томири билан суғуриб ташлашимиз керак. Борди-ю биродарларимиз ўшалар томонга ўтса, у ҳолда биродарларимизни ҳам тағ-томири билан суғуриб ташлашимиз керак бўлади. Биз бу ишни дарҳол қилишимиз лозим. Сув тўпиққа чиқиши биланоқ уни сузиб олиб тугатиш зарур...

Шунда оломон тўсатдан ларзага келди, ҳамманинг нигоҳи бир томонга тикилди. Бозор саҳнидан оқ танли кишининг суд маҳкамасига ва сойга олиб борадиган йўл бозор саҳнининг шундоққина орқасидан бурилиб кетарди, шунинг учун ҳам беш соқчи бу йўлдан одимлаб келиб, дарвозалардан кириб, оломоннинг олдига келиб, қаққай-гунча ҳеч ким кўрмай қолди.

Оконкво четда утирарди. Оконкво келганларни кўриши биланоқ сакраб ўрнидан турди. У ғазабдан дағ-дағ титраганча, бирор оғиз сўз айтолмай, соқчилар бошлиғининг шундоққина тушмуғи тагига келди. Соқчи қўрқмади ҳам, тисланмади ҳам: соқчининг орқасида тўрт шериги саф тортди.

Шу бир лаҳзада олам ташвиш ичида бир нарсани кутиб, қотиб қолгандай бўлди. Зимзиё жимлик чўкди. Умуфия эркаклари орқаларини тусган дов-дарахт ва баҳайбат

чирмовуқлар сингари товуш чиқармай кутиб туришарди. Оломони тутиб турган ҳайронликни соқчилар бошлиғи бузди.

— Йўлни бўшат! — буйруқ берди у.

— Бу ерга нега келдиларинг?

— Куч-қудрати эндиликда ўзингга яхши маълум бўлган оқ танли одам бу йиғинни тўхтатишга фармон берди.

Кўз очиб-юмгунча Оконкво мачетесини суғурди. Соқчи зарбадан ўзини олиб қочиш учун сакради. Бел Оконквонинг мачетеси икки марта урилган эди, соқчининг калласи мундирлик танаси ёнига юмалаб тушди.

Ғиқ этмай қотиб турган оломон ичи тўс-тўполон, ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Оконкво мурдага боққанча турарди. Умуофия урушишга жазм қилмаслигини у тушунди. Қолган соқчилар омон-эсон қочиб кетганлигидан тушунди буни. Одамлар иш кўрсатиш ўрнига саросима бўлиб қолишди. Одамлар қўрқишаётганини тушунди у.

— Нега бундай қилди-а?..— деган овозларни эшитти у.

Оконкво мачетесини қумга артди-да, жўнади.

### *Йигирма бешинчи боб*

Округ комиссари қуролли солдатлар отряди билан бирга Оконквонинг қўрғонига етиб келганда, унинг обидида ҳорғин ва ҳайрон ҳолда ўтирган бир тўда жангчиларни учратди. Комиссар жангчиларга ҳовлига чиқишни буюрган эди, улар индамай бўйсунди.

— Оконкво қайси бирингиз? — сўради у тилмоч орқали.

— Бу ерда йўқ,— жавоб берди Обиерика.

— Қаерда булмаса?

— Бу ерда йўқ!

Комиссарнинг жаҳли чиқиб, юзи ловлаги бўлиб кетди.

— Агар унинг қаердалигини дарҳол айтмасаларинг, ҳаммангни қамайман! — бақирди у.

Эркаклар бир-бирлари билан пичирлашиб олишгач, яна Обиерика гапирди.

— Бўпти, биз сени унинг олдига олиб борамиз, балки, юдамларинг бизга ёрдамлашишар .

Комиссар ҳеч нарса тушунмади. «Балки, одамларинг бизга ёрдамлашишар» дегани нимаси бўлди? Жуда ҳам расво одатлари бор-да, эзмаликни яхши кўришади»,— асабийлашиб ўйлади у.

Обиерика, яна бир неча жангчи олдинга жилишди. Уларнинг орқасидан комиссар билан милтиқни олд томонга қия ушлаган солдатлар юришди. Комиссар Обиерикани: агар ўзинг ёки шерикларинг бирор майнабозчилик қилсаларинг, елкангдан панғиллатамиз деб огоҳлантириб қўйди. Отряд йўлга тушди.

Оконквонинг қўрғони орқасида пастак буталар ўсиб ётган кичик бир ер бор эди. Қўрғондан бутазорга фақат бир йўл бор эди, у ҳам бўлса, овқат қидириб ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа бориб келаётган товуқлар учун мўлжалланган лой девордаги юмалоқ тешик эди.

Комиссар билан солдатларни Обиерика ана шу бутазорга бошлади. Улар деворни ушлаганча, айланма йўлдан боришарди. Ҳамма ёқ жимжит, фақат уларнинг оёғи остида қуруқ барглар шитирларди.

Тусатдан улар ерга қоқилгандек туриб қолишди: шундоққина пешоналари тўғрисидаги дарахтда Оконквонинг жасади осилиб турарди.

— Балки, солдатларинг уни дарахтдан олиб, кўмишмизга ёрдам беришар,— деди Обиерика.— Биз қушни қиш-

лоқдан бегона одамларни айтиб келиш учун одам юборган-  
миз, биз учун унинг жасадини дарахтдан олиб, кўмиб бе-  
ришларини илтимос қилганмиз, лекин улар ҳали қачон  
келади!

Округ комиссари бир лаҳзада узгарди. Тартиб ва қо-  
нунларнинг қаттиққўл ҳимоячиси бўлган бу одам ибтидоий  
урф-одат ва хулқ-атворни билишга ҳаваси зўр тадқиқотчи-  
га айланди қўйди.

— Нега энди ўзларнингиз уни дарахтдан олмаяпсиз-  
лар?— сўради у.

— Урф-одатларимиз бизга йул қўймайди,— жавоб бер-  
ди жангчилардан бири.— Одам уз-узини ўлдиришидан ку-  
ра ярамасроқ иш йуқ. Бу ерни ҳақоратлашдир, бундай ҳа-  
қорат қилган кишини ўз одамлари ҳеч қачон куммайди.  
Унинг мурдасига жин ўрнашиб олган бўлади, фақат бегона-  
ларгина унга қўл тегизиши мумкин. Сизлар бегона юртлик  
одамларсиз, шунинг учун ҳам уни дарахтдан олиб беришни  
сизлардан илтимос қилувдик.

— Уни ҳамма қатори кўмасизларми?— сўради комис-  
сар.

— Уни ўзимиз кўмолмаймиз. Фақат бегоналар кўмиши  
мумкин. Солдатларнинг уни кўмиб беришса, ҳақларини тў-  
лардик. Кўмиб булгандан кейин биз ўз бурчимизни адо  
этамиз: мурдор қилинган ерни тозалаш учун хайр-эҳсон  
қиламиз.

Ўз дўстининг жасаидан куз узмай турган Обиерика  
шартта комиссарга қаради-да, унга ғазаб билан тикилиб,  
бақирди:

— Умуофиянинг энг улуғ одами эди у! Ўз-ўзини ўлди-  
ришга уни сизлар мажбур қилдингиз! Энди бўлса, итни  
кўмгандай кумишади уни...— Обиерика гапини давом эт-  
тиролмади. Овози титраб, сўзлари ҳалқумига тикилиб  
колди.

— Овозингни учир!— бақирди соқчилардан бири. Шундоқ ҳам индамай қолган Обиерикага бунақа бақирининг ҳечам ҳожати йўқ эди.

— Жасадини олиб, суд маҳкамасига элтинглар!— фармон берди комиссар соқчилар бошлиғига.— Буларнинг ҳаммасини ҳам ўша ерга олиб боринглар.

— Эшитаман, сэр,— деди соқчи комиссарга честь бериб.

Комиссар бир неча солдатни ўзи билан бирга олиб жўнади. Комиссар Африкада бўлиб, мамлакатнинг турли районларида цивилизацияни шижоат билан жорий қилган йиллар ичида унча-мунча нарса ўрганган эди. Ақалли, ўзини осиб ўлдирган одамни дарахтдан олишдек округ комиссарнинг шаънига сира тўғри келмайдиган маросимда қатнашмаганини айтинг. Маҳаллий халқ унинг тўғрисида нималар ўйлайди? У кўпдан буён ёзмоқчи бўлиб юрган китобида албатта шу жиҳатни таъкидлаб ўтади. Суд маҳкамаси томон бораркан, у ўзининг ёзилажак китобини ўйлади. Ҳар бир кун унга янги материал берарди. Масалан, соқчини ўлдириб, кейин ўзини осган мана шу одам воқеасини олайлик. Бу воқеа китобхонни қизиқтирмайдими ахир? Унга бутун бир бобни ажратиш мумкин. Боб бўлмаса, ҳар қалай, салмоқликкина бир абзац бўлар. Негаки, материалнинг ўзи ҳам жуда уюлиб кетди-да: энг муҳими майда тафсилотларга берилиб кетмаслик. У китобнинг номини ўйлай-ўйлай, пировардида: «Қуйи Нигер ваҳший кабилаларини тинчитиш» деб аташга қарор қилди.

Чинуа Ачебеннинг «Вайроналик шундай бошланди...» асари ёш нигерия адабиётида мавжуд озгина романларнинг биридир. Бу адабиёт жуда яқинда, XX асрнинг эллагинчи йилларида шакллана бошлади ва муваффақиятларга эришдики, бунинг учун у аввало романнавис ёзувчилардан миннатдордир. Бу соҳада Чинуа Ачебеннинг хизматлари ҳам анчагина. Тўғри, унинг дастлабки романи босилиб чиқишидан аввал нигерия адабиётида баъзи номлар бўлиб, улар Европага ва Америкага анча кенг танилган эди. Булар аввало Амос Тутуола билан Сиприан Эквенси эди.

1952 йилда Тутуола «Хурмо шароби ишқибози» китобини эълон қилдирди, унда йоруба халқи томонидан яратилган эртак ва афсоналарни жуда кизиқарли равишда нақл этди. Унинг даҳшатли махлуқларга, шарпа ва арвоқларга тўла китобида реал нарсалар ҳаёлий нарсалар билан, рост нарсалар тўқима нарсалар билан аралашиб кетади. Авторга даранг-дурунг шуҳрат келтирган «Хурмо шароби ишқибози» кетидан Тутуола яна «Арвоқлар маконида кўрган кунларим» (1954), «Даҳшатли Жунгидаги симба ва сатир» (1955), «Африкалик довиорақ овчи қиз» (1958) сингари бир неча асарларини нашр эттирди. Дастлабки асари каби бу асарларда ҳам автор фольклорга мурожаат қилиб, мустамлакачилар жуда узоқ давр давомида Европа аҳолиси онгига сингдириб келган Африкани — даҳшатли жунглилар, мутаассиб ваҳшийлар, ҳаёлий шарпалар Африкасини ихтиёрий ёки гайри ихтиёрий тарзда тасвирлайди. Нигерияда Тутуола ижодида чўчинқираб, ҳатто норозилик билан қарашди. Африка кишиси алоҳида психикага эга бўлиб, дунёни ўзича, «африкаликча» идрок этиш унга хос ва ҳоказо деб ғарб адабиётида айтилган фикрни Тутуоланинг китобида кўрганлар Европада уни кўкларга кўтаришди.

Амос Тутуоланинг асарлари аслида романлар эмас — улар тўпланган ва қайта ишланган халқ оғзаки ижоди материаллидир. У

асарлар йоруба халқи ҳаёти ва турмушининг айрим хусусиятларини акс эттиради-ю, лекин ҳозирги ва ўтмишдаги Африка воқеалари тўғрисида ҳеч нарса демайди ва замондан ташқарида қолганга ўхшайди.

1954 йилда бошқа бир нигерия ёзувчиси Сиприан Эквенси «Шахар одамлари» романи билан чиқди. Бу романда автор Лагос ҳаётидан бир неча жанр лавҳаларини чизди, улкан Африка шаҳрининг ўзига хос мозаик манзарасини кўрсатди. Бу асар бирмунча юза, бадиний жиҳатдан ҳали етилмаган бўлишига қарамай, ўзининг барча экссессуарлари — яққол ифодаланган сюжет линияси, севги можароси ва ҳоказолар билан «чинакам» роман бўлди. «Шахар одамлари» босилиб чиққунга қадар нигерия прозасида йирик асарлар шу қадар оз эдики, Нигерияда шоша-пиша Эквенсини «нигерия романчилигининг отаси» деб эълон қилиб юборишди.

Ачебеннинг «Вайроналик шундай бошланди...» романи 1958 йилда пайдо бўлди. Мустақиллик арафасида турган мамлакат ёзувчисини (Нигерия 1960 йил 1 октябрда мустақиллик эълон қилди) ўтмишга мурожаат қилиб, қарийб юз йил аввал рўй берган воқеалар тўғрисида ҳикоя эттиришга ундаган нима? Шубҳасизки, у мустамлакачилар томонидан ёмон отлик қилинибгина қолмай, балки сохталаштириб ҳам келинган ўз мамлакатининг ўтмишини оқлашни, романнавис ёзувчининг ихтиёрида бўлган воситалар орқали бу ўтмишни гавдалантиришни истаб иш тутган. Роман мустақиллик учун кураш авж олган, халқда ватанга, Африкага меҳр-муҳаббат туйғуси кучайган даврда пайдо бўлганлиги бежиз эмас. Шундай бўлдики, Африкада мустамлакачилар пайдо бўлиши билан бошланиб, бизнинг давримизда ҳал қилувчи босқичга кўтарилган Африка халқларининг мустақиллик учун кураши қитъанинг ўтмишини, Африканинг мустамлакага айланишдан олдинги тарихини маълум даражада нуттириб юборди.

Инглизлар ўтган асрнинг ўрталарида Нигер қуйиладиган жойга ўрнашиб олишди ва дарё бўйига жойлашган йирик савдо порти Лагосни 1861 йилда босиб олиб, мамлакат ичкариси томон сурила бошлашди. Улар мамлакатда турли тилларда сўзлашувчи кўпдан-кўп катта-кичик халқларнигина эмас, балки феодал даваат тузумини ҳам кўрдилар. Хауслар, фуланлар (фульбелар), канурилар жойлашган Нигер ва Бануе дарёлари оралиғида Кано, Каңина, Сокото, Зария, Борну ва бошқа амирлик ва султонликлар бор эди; Йорубалар яшайдиган жануби-ғарбда ибололар, бинилар яшайдиган тарқоқ томонда эса инглизларнинг келиш вақтида Ойо, Ифе, Ибадан, Илорин, Абеокута, Бенин князликлари пайдо бўлган эди. Бу князлик, амирлик ва султонликларда яшаган халқлар Буюк дарёни Нигер деб

аташмас — ҳар бир тилда унинг алоҳида номи бор эди; Нигерия деган мамлакат ҳам йўқ эди. Бу ибора 1897 йилдагина, узундан-узоқ ва тушунилиши қийин «Қиролчи Нигерия компанияси территорияси» номини жарангдор Нигерия сўзи билан алмаштирган инглиз журналист аёли Флора Шоу ишлатгандан сўнг таомилга кириб қолди. Инглиз мустамлакачилари ҳукмронлигига тушиб қолган турли тилда сўзлашувчи халқлар жойлашган ерни Нигерия деб атайдиган бўлишди.

Ҳозирги вақтда Нигерия халқлари ўртасидаги тафовут йўқолиб кетмаган бўлишига қарамай — зотан инглиз мустамлакачилик сиёсати уларни бир-биридан ажратиб юборишга қаратилган эди, холос, ҳозирги замон Нигерия интеллигенцияси умуман бутун мамлакат вакили сифатида майдонга чиқмоқда. Бу ўз-ўзидан равшан: мустамлакачилар ҳукм сурган йиллар африкаликларнинг оқ танли эолимларга қарама-қарши ўлароқ ўзларини аввало мазлумлар деб билишларига мажбур этган. Сиёсий мустақиллик учун кураш йилларида турлитуман, лекин тақдирини бир хил бўлган халқлар яшайдиган мамлакатга мансублик туйғуси бирор халққагина мансублик туйғусидан устун келди. Ҳозирги вақтда Нигериянинг ҳар бир граждани аввало нигериялик, ундан кейин эса эффик, йоруба, хауса ва ҳоказодир. Нигерия ёзувчилари ҳам нигерия интеллигенциясининг бир қисми сифатида ўзларини бутун мамлакатнинг вакиллари деб ҳисобламоқдалар, шу сабабли ёш адабиёт ана шу шпор остида: ибо, хауса ёки бошқа бирор халқ адабиёти сифатида эмас, балки Умумнигерия адабиёти сифатида вужудга келмоқда.

Кўпчилик Нигерия ёзувчилари ўз асарларини Нигериянинг давлат тили бўлмиш инглиз тилида яратмоқдалар (зотан, айни вақтда мамлакатда маҳаллий тилларда: хауса ва йоруба тилларида ҳам адабиёт вужудга келмоқда). Чинуа Ачебенинг «Вайроналик шундай бошланди...» романи ҳам инглиз тилида ёзилган.

Ачебенинг романи бизни ўтган аср ўрталаридаги Шарқий Нигериянинг дарахтзор бағрига — кичик Умуофия қишлоғига олиб киради. Бу давр уруғчилик тузуми ичида рўй берган процесслар туфайли анчагина пугурдан кетган уруғчилик муносабатлари ҳали ўз кучини йўқотмаган ва уруғчилик занжирлари бир қишлоқ, бир қабила одамларни ҳануз бирлаштириб турган давр эди.

Одам ўтолмайдиган ботқоқзор, баҳайбат ўрмонлар, экинларни юйиб кетадиган тропик жаалаар ёки ёш ниҳолларни қовжиратиб ташлайдиган жазирама — булар барчаси қишлоқ аҳолисини жипс-лаштирган, биргаликда иш кўришга ўргатган эди. Жамоатчилик руҳи, ҳамжиҳатлик ва яқдиллик вазияти — дастлабки саҳифалардан бошлабоқ романда энг яққол намоён бўладиган жиҳат ана шу-



лардир. Ачебе асарини бир неча кўшни қишлоқларнинг эркаклари абжирлик ва куч-қувватда беллашишларини тасвирлашдан бошлаш тасодифий эмас — томошабинларнинг тасвирланиши, уларнинг ҳамжиҳатлиги дарҳол кишиларда яқдиллик, маҳкам жипслик вазиятини вужудга келтиради. Бир кишининг ғалабаси — бутун қишлоқнинг ғалабасидир, шунинг учун ҳам халжон ниҳоятда кучаяди, ғалаба ёки мағлубият шунчалик қаттиқ таъсир қилади. Ачебе рўй бераётган воқеаларнинг ҳаққоний манзарасини яратганлиги билангина эмас, балки халонининг кайфиятини, аввало одамларнинг ҳамжиҳатлигини жонли ва кузга ташланадиган қилиб тасвирланганлиги билан ҳам китобхонни асарда берилётган даврга яқинлаштира олган. Авторнинг шубҳасиз муваффақияти ана шундадир.

Романнинг асосий қаҳрамони Оконкво шу қадар зиддиятга инсонки, унга ўз муносабатининг дарҳол белгилаб олишнинг иложи йўқ. У кишида меҳр ҳам, хафалик ҳам, ҳатто душманлик ҳам туғдиради. Бироқ характердаги худди шу зиддият қаҳрамонни ўлик схема қилиб кўймайди, аксинча, дард-аламга, шубҳа-гумонга, шодлик-қувончга ёр бўлган ҳақиқий инсонга, жонли инсонга айлантиради. Персонаж сифатида Оконкво жуда индивидуал эканига қарамай, у Ачебе тасвирлаган жамият учун типик бўлган сиймодир.

Оконкво ўзини қабиладошлари мириза бекор, бутун қишлоқдан қарзга ботган ва қашшоқликда оламдан ўтган отаси сингари фойдасиз ва аяқ одам деб ўйлашдан умр бўйи кўрқади. Оконкво ўзининг фалокат босган отасига ўхшаб қолишдан кўрқиши унинг ҳаётини фожиага айлантиради. У ўз хотинларига ғазабкор, болаларининг арзимас гуноҳини ҳам кечирмайди, кўни-кўшниларга кибр-ҳаво билан қарайди. Романнинг шубҳасиз энг даҳшатли бобини ташкил этган ишни қилишига (у гаровга олиб келинган Икемефуна деган болани ўлдирди), уни яна ўша одамлар назарида бўшанг ва журъатсиз кўринишдан кўрқиш мажбур этади.

Ёзувчининг гражданлик жасоратига қойил қолиш керак: Ачебе ўз мамлакатининг ўтмишини оқлайдиган роман ёзиш мақсадини кўяркан, ўша даврдаги африка жамиятининг қолақлиги ва нодонлигини, жаҳолат ва шафқатсизлигини — хуллас, мустамлакачилар жуда кўпиртириб кўрсатган хусусиятларини тасвирлашдан чўчимади. Оконкво болани ўлдиршига сабаб бўлган мотивларни кўрсатибгина қолмай, балки, шунингдек, ўлдирш маросимига Умуофия аҳолисининг муносабатини ҳам кўрсатиб,— энг муҳими ана шу,— Ачебе эпизодни ҳаққоний изоҳлаб ҳам берди. Бегуноҳ қурбоннинг қонини тўкишни худолар «талаб этган»лигига қарамай, — уларнинг ғазоби даҳшатли!— қатл этиш қишлоқ аҳолиси учун ҳаддан ташқари бир воқеа бўлади, бунда иштирок этишга кўпчилик журъат қилмайди. Бундан ташқари,

Оконквонинг дўстлари уни очикдан-очик коралашади, болани ўлдиргандан сўнг Оконквонинг виждони ҳали қаттиқ азобланади. Ачебе ўша даврдаги африкаликлар ҳаётини бўяб кўрсатишга ва соя томонларини четлаб ўтишга заррача ҳам уринмай, кўп жиҳатдан ҳақиқий аҳволни ойдинлаштиради. Романда тасвирланганидек, ўлдириш маросими қонга ташна ва қон тўкишдан хурсанд бўладиган ваҳшийлар базми эмас — у инсон фожиясидир.

Умуофия оқсоқолларининг ҳеч бир гуноҳи йўқ бандини қурбон қилиш қарорига келганлиги жоҳил одамлар елкасида оғир юк бўлиб ётган бидъатдан, гуноҳларини ювишни талаб этувчи худолар қаҳридан кўрқикдан далолат беради. Бироқ болани уч йил ичида ўз ўғлидек яхши кўриб қолган Оконквонинг ўлдириши инсоннинг характеридан, тўғрироғи, Оконкво характерига зиддиятдан далолат беради: доворак ва забардаст жангчи сифатидаги шухратини йўқотиб қўйишдан кўрқик уни инсоний меҳрга зид равишда бемаъни ёвузлик қилишга мажбур этади.

Икемефунанинг ўлдирилиши Оконкво билан ўғли Нвойе ўртасидаги конфликтнинг чуқурлашувига олиб боради. Уларни анчадан буён бегонасирашнинг қалин девори бир-биридан ажратиб келардики, бунга ҳаддан ташқари талабчан ва қаттиққўл Оконквонинг ўзи айбдор эди. Бироқ Оконквонинг ўғлига муносабатига нуқул тош кўнгиллик ва газабнокликни кўриш нотўғри бўлур эди. Ҳамма гап кўрқикда, инсоннинг ожизлигидан ўша-ўша кўрқикда: Оконкво ўз ўғиллари характерига фалокат босган отасини ёсга соладиган бирор жиҳатни кўргиси келмайди — ортиқча қаттиққўллик, ҳатто шафқатсизлик ана шундан келиб чиқади. Бироқ Оконквога оталик туйғулари бегона эмас: қоҳина унинг бемор қизини кечаси зиёратгоҳ горга олиб кетиши эпизодини эслашнинг ўзи кифоя; қизининг ҳаёти хавф-хатардан холи эканлигини билгунга қадар бу серзарда одам қанчадан-қанча ташвишланади!

Оконкво билан Нвойе муносабатларини кенгроқ талқин этиш лозимга ўхшайди: бу ота билан ўғил ўртасидаги зиддиятдан кўра кўпроқ инсон билан жамият ўртасидаги, ақл-идрок билан қишлоқ ҳаётини сақлаб турган ота-боболарнинг бузилмас қонунларига кўр-кўрона ишониниш ўртасидаги конфликтдир. Жамият қадимий асосни зил кеткизадиган нарсаларнинг ҳаммасини йўқотиш орқалигина чет кучларга бардош бериши ва уларни енгиши мумкин. Оконкво шундай деб ҳисоблайди. Насл шаънига доғ туширган энг тасодифий нарса ҳам катта гуноҳ ҳисобланади — шунинг учун Оконкво ўз қишлоғидан чиқиб кетиб, етти йил қувғинда кун кечиради.

Авторнинг фикрича, Оконкво бутун жамиятнинг тимсолидир: Оконквога ўхшаган жасур жангчилар, ҳормас-толмас заҳмат-

кашлар, урф-одат ва традицияларни жондек сақловчилар туфайли бу жамият яшар, табнатга, қўшни қабилаларга ва бошқа халқларга қарши курашда омон қоларди. Инсоний туйғулар Оконквога бегона эмас: у иккиланиш ва шубҳаланишни ҳам, севиш ва мафтун бўлишни ҳам биледи. Бироқ Оконкво сингари кишиларда бурч ҳисси, ўзининг ҳақлигига ишонч ва қилинаётган ишга асло шубҳа билан қарамаслик, ақл-идрок ва ҳиссиёт устуналик қилади, ўзининг гуноҳ-сиэлигига ва қадимий урф-одатларнинг муқаддаслигига кўр-кўрона ишонч ақл-идрокдан устун келади.

Бироқ жамиятда Оконкво билан бир қаторда продаси бўш ва тез таъсирланувчи, атроф-муҳитга камроқ мослашадиган Нвойе сингари шахслар ҳам бор эди. Нвойе қалбидаги фожияни отасининг унга муносабати эмас, калтаклаши ва шафқатсизлиги эмас, балки ҳаётнинг аччиқлиги ва бидъат ҳамда жаҳолат туфайли бир неча юз йил илгари пайдо бўлган, ўз моҳият эътибори билан ғайри гуманистик қонунларнинг адолатсизлиги келтириб чиқарган. Нвойеда отасиники сингари аниқ мақсадлилик, ўзига ишонч йўқ эди, отасидаги бу хусусиятлар Оконквонинг курашида ёрдам берган эди, шунинг учун ҳам традиция ва урф-одатлар юки Нвойега оғирлик қилади, баъзан эса чидаб бўлмайдиган нарсага айланади. Шунинг учун ҳам ҳаммани ва ҳар бир одамни яхши кўрадиган сахий худо ҳақида — ваъз-насихат қилувчи оқ миссионерлар Нвойени ва жамоа ичидаги оналардан унга ўхшашларни етаклаган кучга айланди.

Умуофияда «оқ танли биродарлар»нинг пайдо бўлиши (инглизлар бу районга ўтган асрнинг охирида келишган) қисса суръатини тезлаштиради ва унда изтиробли интизорлик вазияти пайдо қилади. Миссионерларнинг келиши африка халқлари ҳаётида мустахлак даври деб аталган даврнинг бошланиши бўлди. Миссионерларнинг Африкадаги фаолияти ҳақида кўпгина китоблар ёзилган, бироқ Ачебе унча катта бўлмаган китобнинг бир неча бобидаёқ қон-қардошлик занжирлари бишлаштириб турган бир қишлоқ аҳолисини қандай қилиб бир гуруҳ келгиндилар бўлакларга бўлиб юборганликларини, улар ўртасида адоват туғдирганликларини баъзи баҳайбат китоблар авторларига қараганда, равшан ва ишонарли ҳикоя қила олган.

Нвойе ва унинг бошқа қабиладошлари мисолида Ачебе миссионерлар африкаликларнинг бир қисmini қандай қилиб ўз томонларига оғдириб олганини кўрсатади. Оқ танли дин тарғиботчилари томонига биринчи бўлиб ўтганлар жамият томонидан мардуд қилинганлар, иши юришмаганлар, ўз чиссининг — асрагучи худосининг қудратли эканига ишонмай қўйган ва бахтини бегона худолардан топмоқчи бўлганлар, бахтсиз ва дардга чалинган одамлар, оналар, шахсий кулфат ва хурофий бидъатлар — масалан, эғизак туққан оналар

ота-боболар қонунига кўра, бу гўдакларни ҳалок этиш учун Ҳаром ўрмонга олиб бориб ташлашарди — туфайли руҳий хасталикка йўлиққанлар, ниҳоят Нвойе сингари хўрланган ва ўз қобигига бурканиб қолган, тез таъсирланувчи ва юмшоқ табиат, шунинг учун ҳам миссионерларнинг алдовига дарров учиб қўя қоладиган кишилар эди. Янги худо атрофига янги «жамоа» ташкил топгандан кейин дастлаб умуофияликлар тентак ва ёси паст деб ҳисоблаган бир гуруҳ миссионерлар шундай бир кучга айланадики, қишлоқ оқсоқоллари бу куч билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар.

Дастлабки пона шу тариқа қоқилди ва илгари жуда мустаҳкам бўлиб кўринган африка жамияти дарз кета бошлади. Бутун бино қулаши учун энди кучли бир зарба етарли эди. Янги зарба узоққа қолмай тушди: инглиз комиссари қадимий пойдеворни бутунлай кулатиш учун ўзининг содиқ соқчилари — янги динни қабул қилган африкаликлар билан бирга келди.

Охириги боблардаги воқеалар шитоб билан ривожланади. Умуофиядаги энг шижоатли ва мурасасиз одам сифатида Оконкво кескин чоралар кўришни талаб этади, — келгиндиларни қириш лозим дейди — бироқ қишлоқда рўй берган нифоқ ҳамжиҳатликни барбод этган, аввалги жипслик йўқолган эди. Мустаҳкам иродали киши ўз-ўзини ўлдирганлиги янги кучлар, янги тартиблар тантана қилганлигини кўрсатарди. Булиб ўтаётган воқеаларга ёзувчи ўз муносабатини ниҳоятда лўнда қилиб ифодалайди.

«Умуофиянинг энг улуғ кишиларидан эди у! — деб ҳайқиради Оконквонинг жасадини арқондан олаётганларида кишлоқ кишиларидан бири ғазаб ва ноилож алам ичда.. — Энди бўлса уни итни кўмгандай кўмишади!» Бу сўзлар мунофиқлик қилиб: биз олиб келган тарғиб ва қонунлар мавжуд тартиб ва қонунларга қараганда яхши, улар жуда зарур, бу тартибларни жорий этишга қаратилган тадбирлар барча оқилона тадбирлардир, деган инглизлар фаолиятининг илк натижаларини кўрсатади ҳисоб.

Роман қисқа бир жумла билан — инглиз комиссари ёзадиган асарнинг номи: «Қуйи Нигер ваҳший қабилаларини тинчитиш» билан тугайди. Бу жумла орқали Ачебе романда тасвирланган воқеаларга аччиқ истехзо билан яқун ясайди.

Инглизлар Африкада, айни ҳолатда Нигер ҳавзасида дуч келган жамиятда ёввойилик ва ваҳшийликдан ўзга нарсани кўришни исташмасди, шунинг учун ҳам уларнинг бутун фаолияти бу жамият асосларини бутунлай оёқ ости қилиб, вайрон этиш байроғи остида ўтди. Миссионерлар асосий вайрон қилувчи куч эмасди, лекин улар мутелик ва бўйсуннишдан иборат христианча ғояларни тарғиб этиш билан ўз орқаларидан келаётган кишиларга — таланчиллик қилиш ва

бойлик тўплаш учун Африкага келаётган мустамлакачиларга йўлни тозалаш боришарди. Янги худо ва янги ҳукмдорлар африкаликлар сажда қилган барча ёғоч бутлар талаб этганига қараганда аллақанча кўп инсонни қурбон қилишни талаб этди. Шунинг учун ҳам оқ танли миссионерларнинг Африка қитъасида пайдо бўлиши — африка халқлари бошига тушган кулфатларнинг бошланишидир — улар билан бирга харобалик келди. Ачебе ўз романи билан африкаликларнинг ерга урилган иззат-нафсини ҳимоя қилди, инглизлар келгунга қадар африкаликларнинг ўз қонун ва тартибларига, ўз ахлоқий-этик нормаларга эга булган жамияти булганлигини ва бу жамият келгиндилар томонидан хароб қилинганлигини курсатиб берди.

Африканинг утмиши ҳақидаги роман африка халқларининг озодлик кураши даврида ниҳоятда актуалдир. «Вайроналик шундай бошланди...» романи китобхонда Африканинг ўтмишига тўғри қарашни пайдо қилиб, атоқли гана шоираси Сазерленд айтганидек «мустамлакачилик заҳри билан заҳарланган халқни даволайди».

Африка қишлоғининг ҳаёти ва турмуши ҳақида ҳикоя қилувчи автор Европанинг кенг китобхонлар оммасига маълум бўлмаган, шунинг учун ҳам ёзувчига айниқса гулув соладиган этнографик майда-чуйдаларни муфассал тасвирлашга берилиб кетиш хавфи туғилади. Турмуш картинаси фақат фонгина бўлиб қолмай, «Вайроналик шундай бошланди...» романидаги сингарни умумий мақсаднинг бир қисми бўладиган асарда ёзувчига бундай хавфлар зўр бўлади. Баъзи авторлар манший нарсалар тасвирига шунақанги берилиб кетадики, сюжет линияси этнографик материал ичида кўзга кўринмай, воқеа боши берк кўчага кириб қолади. Еш нигериялик О. Нзеквунинг «Яхши дарахт калтаги» (1960) романи шундай бўлди. Ачебе бундай хатардан яхши қутулган ва қиссага роман воқеалари ривожланидиган вазиятни кўрсатиш учун манший жиҳатлар тасвиринда қанча батафсиллик талаб этилса, шунча батафсилликка йўл қўйган.

Ёзувчининг услуби содда-ю, лекин ёрқин бўёқлардан холи эмас. Персонажлар тили автор нутқига узвий равишда сингишиб кетадики, бу нутққа алоҳида таъсирчанлик ва колорит бахш этади. Ачебе объектив бўлишга интилиб, баҳо беришдан ўзини тияди ва ҳамма нарсани китобхон ҳукмига ҳавола этади. Услубдаги лўндалик ҳам, ҳикоя қилиш оҳангидаги маълум босиқлик ҳам шундан.

Орадан уч йил ўтгач, Ачебе «Энди ҳаловат йўқ» деган янги романини ёздики, авторнинг ўйлашича, у ҳали тугалланмаган трилогиянинг иккинчи китобидир. Романдаги воқеалар Лагосда, Нигериянинг ғарбида бўлиб ўтади ва биринчи романдаги даврдан шунақанги узоқлаштириб юборилганки, икки китоб ўртасидаги алоқадорлик бевосита идрок этишдан кўра, кўпроқ тахмин қилинади. Агар Аче-

бенинг: «Энди нимадир етишмаяпти... Аввалларин суд балки шафқатсиз бўларди, лекин сотилмасди... Унвонлар ва мукофотлар буларди, лекин уларга муносиб бўлиш керак эди... Энди ҳамма нарса ўзгариб кетди», деган сўзлари бўлмаса, иккинчи романини мустақил асар деб ҳисоблаш мумкин бўларди. Алам ва умидсизлик тўла бу сўзлар биринчи ва иккинчи романини улайдиган, мақсад бирлиги билан уларни туташтирадиган кўприқдир.

Оконквонинг невараси Оби «Энди ҳаловат йўқ» романининг асосий қаҳрамони бўлиб, чет элликлар олиб келган ахлоқ ва хулқ-атвор ҳукм сураётган жамиятда яшайди. Оби Англияда колледжни тугатгач, Нигерияда давлат хизматига киради. Бироқ унинг ҳаёти чиндан ҳам ҳаловатсиз ҳаёт бўлиб, Обини жиноят йўлига ўтишга мажбур этади. У ўз хизмат мавқандан фойдаланиб, пора олади ва турмага тушади. Шундай қилиб, Ачебенинг иккинчи романи темаси «ҳаловатсиз», аслида эса бевурд ва юксак идеалдан маҳрум ҳаёт васвасаларини енга олмаган йигитнинг маънавий бузилиши, тубанлашувидир.

Ёзувчи яхши ва ёмон жиҳатларини ўзи яққол кўрган эски жамиятнинг идеаллаштиришдан узоқдир; ҳозир бошқа замонлар эканини ва ўзгаришлар муқаррарлигини у англайди. Лекин ҳар қалай, ўзи яшаётган жамиятнинг «Вайроналик шундай бошланди...» романида тасвирланган ҳаёт билан қисс эғиш Ачебеда умидсизлик туйғусини пайдо қилади. Хулқ-ахлоқ бузилмоқда — иккинчи романининг ғояси шудир. Бу бузилиш мустамлакачилар олиб келган мустамлака режими ва сиёсий тузум билан маҳкам боғлиқдир.

Иккинчи романда автор яна бир ниҳоятда актуал темани эски традиция ва урф-одатлар, бидъат ва жаҳолат билан ҳозирги қарашлар ўртасидаги конфликт темасига тўхталиб ўтган. Қадимий турмуш уклади ҳаддан ташқари яшовчан бўлиб, худди саккизоёқ сингари ҳамма ёққа чангалини ёзиб юборган, сиртдан қараганда, эски турмуш билан алоқани узиб юборганлар ҳам ундан қочиб қутула олмайд.

1963 йилда Чинуа Ачебе трилогиянинг сўнгги китоби устидagi ишни тугатди, у босилиб ҳам чиқди. Ачебе ўттиз беш ёшда бўлиб, Шарқий Нигерияда, Огиди шаҳри яқинидаги кичик бир қишлоқда турилган. Бу қишлоқнинг турмуш ва хулқ-атвори унга яхши танишдир. Ачебенинг отаси миссионерлар мактабларидан бирида муаллим, бобоси эса қишлоқ темирчиси бўлиб, дастлабки миссионерлар келганини ўз кўзи билан кўрган. Чинуа беш ёшга кирар-кирмас оила Огидига кўчиб келган. Шу ерда Ачебе ўрта маълумот олди, кейин Ғарбий Африкада ўз университети билан машҳур бўлган Ибаданга борди. Ибаданда у медицинани ўрганмоқчи бўлди-ю, лекин

тез орада тарих, инглиз ва дин факультетига ўтди. Чиннуа Ачебени қобилиятли журналист сифатида Нигерия радиоси ишга таклиф этди, у ерда Ачебе чет эл учун эшиттиришлар бўлим мудири лавозимини эгаллаб ҳозир ҳам шу лавозимда ишлаб турибди. Радиодаги ишни у журналистика ва адабий фаолият билан муваффақиятли равишда қўшиб олиб бормоқда, уч романдан ташқари, Нигерияда ва чет элларда эълон қилинган бир неча ҳикоялар ездди.

Ачебе ўз асарлари тўғрисида: «Езган сўзларимнинг биттасини ҳам қайтариб олмайман», дейди. Унинг шуҳрати немис, испан ва италия тилларига таржима қилинган «Вайроналик шундай бошланди...» романидан бошланди. Совет китобхонлари бу романи қизиқиш билан кутиб олишга шак-шубҳа йўқ.

*Вл. Вавилов.*

## МУНДАРИЖА

Биринчи қисм . . . . .	5
Иккинчи қисм . . . . .	116
Учинчи қисм . . . . .	154
Сунг сўз . . . . .	: 190

На ўзбекском языке

Чингуа Ачебе

•И ПРИШЛО РАЗРУШЕНИЕ ...•

Р о м а н

Перевод с русского. Издательство «Художественная литература», Москва — 1964.

Редактор *А. Қулжонов*  
Рисом *Ю. Зорькин*  
Расмлар редактори *Н. Калентьев*  
Техн. редактор *В. Шуклинова*  
Корректор *С. Тоҳиров*

Босмахонага берилди 3/IV 1967. Босишга рухсат этилди 2 XII 1967 й. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
Босма л. 6,25. Шартли босма л. 8,75. Нашр л. 8,88. Тиражи 15000. Гафур Гулом  
номидаги бадний адабиёт нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 67—66.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот дивлат комитетининг 3-босмахо-  
насида № 2 қозоғга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1968 йил. Заказ № 451.  
Баҳоси 50 т.